

336
У32



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК ТИЗИМИ

«O'ZBEKISTON»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК ТИЗИМИ**

— ◆ —
(Тўлдирилган иккинчи нашири)

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2011

УДК: 336.71(575.1)

ББК 65.262.1(5Ў)

Ў 32

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иктисодчи **Ф.М. Муллажонов** таҳрири остида

Тақризчилар :

Б.Ю. Ходиев – иктисод фанлари доктори, профессор


Н.Х. Жумаев – иктисод фанлари доктори, профессор

Ушбу китобда мамлакатимизда икки поғонали банк тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва халқаро нуфузли молия ташкилотлари томонидан юқори баҳо берилиши тарихи баён қилинган. Унда республикамизнинг кейинги даврларда энг замонавий талабларга жавоб берадиган банк тизимини шакллантириш ва уни янада ривожлантириб борилиши учун амалга оширилган чора-тадбирлар хронологик тарзда ёритиб берилган.

Китобнинг асосий қисмида энг замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базасини шакллантириш, миллий валютани муомалага кириштириш, мустақил пул-кредит ва валюта сиёсатини юритиш, тўлов тизимини такомиллаштириш, банк тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар батафсил ёритилган. Унинг алоҳида боби банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида Марказий банк томонидан олиб борилаётган сиёсатга бағишланган.

Китоб республика банк-молия тизими мутахассислари, олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари ўқитувчилари ва талабалари, тадбиркорлар, тадқиқотчи-изланувчилар, иктисодиёт соҳаси билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-750-4



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

КИРИШ

Халқимизнинг асрлар мобайнидаги орзуси – республикамиз мустақиллигини қўлга киритганига ҳам 20 йил бўлди. Ушбу тарихан қисқа, шу билан бир вақтда асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби банк соҳасида ҳам давлатимиз раҳбари раҳнамолигида инқилобий ислохотларни амалга оширдик.

Ўтган қисқа вақт ичида мустаҳкам асосга ва мукамал инфратузилмага эга бўлган, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи шундай банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб у иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бунда, шубҳасиз, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқимиз ҳамда халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган, давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг «ўзбек модели» эришилган натижалар ва муваффақиятларнинг бош мезони бўлди.

Лекин маъмурий-буйруқбозлик ва режали-таксимот тамойиллари ҳукмрон бўлган тизим ўрнига тамомила бошқа – эркин бозор муносабатлари ва тамойилларига асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу йўлда ўта жиддий муаммолар, тўсиқлар, қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларни мардонавор енгиб ўтишга тўғри келган эди.

Хусусан, мустакилликнинг дастлабки йилларида кучли марказлаштирилган, режалаштиришга асосланган иктисодий муносабатлар тизимини тугатиш, ривожланган бозор институтлари, механизмларини шакллантириш ва қарор топтириш, иктисодий мустакилликка эришиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, зарур хизматлар ва озиқ-овқат таъминоти узилишларига йўл қўймаслик каби жуда долзарб вазифалар кун тартибда қўндаланг бўлиб турган эди.

Мустакиллик арафасида ва унинг биринчи йилларида банк тизими олдида ҳам ўта жиддий муаммолар мавжуд эди. Хусусан, макроиктисодий кўрсаткичларнинг салбий томонга ўзгариб кетаётганлиги, инфляциянинг сунъий равишда пайсага сайтирилаётганлиги, муомалада нақд пулларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб бораётганлиги, қолаверса банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологиялар ва тўлов тизимининг мавжуд эмаслиги, ҳаттоки оддий компьютер техникасининг мавжуд эмаслиги, айниқса, янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси раҳбар ва мутахассисларининг тақчиллиги каби ўткир масалалар мавжуд эдики, улар фақат Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги ёрдамида муваффақиятли ҳал этилди.

Давлатимиз мустакилликнинг 20 йиллик байрамига бағишлаб ёзилган ушбу китобда, ўтган давр мобайнида республика банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари, банк соҳасида амалга оширилган кенг миқёсдаги янгиланишларнинг тавсифи, моҳияти ва аҳамияти баён қилиниб, унинг фаолиятига нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар томонидан берилган юқори баҳолар кўрсатиб ўтилди.

Мустакиллик йилларида замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб таъкидлаш жоизки, соҳадаги ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган **1991–2000 йилларда** қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, пул-кредит ва банк тизимини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона орган, давлатнинг захира ва эмиссион муассасаси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилди, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Рес-

публикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим ёрдамчи корхоналар: қоғоз фабрикаси, босма-хона, зарбхона, шунингдек, қимматбаҳо металллар агентлиги ва республика инкассация бирлашмаси ташкил этилди.

Иккинчидан, тижорат банкларини ташкил этилишини ва улар фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган тижорат банклари, шунингдек, қўшма ва чет эл банклари фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун билан мустақамланган ваколатлари доирасида банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Учинчидан, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги, миллий ифтихоримиз – миллий валютамуз муомалага киритилди. Миллий пулимизнинг муомалага киритилиши мустақил самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди.

Тўртинчидан, миқозлар тақдим этган тўлов ҳужжатларини бир банк муассасасидан бошқасига почта орқали етказиш услуга асосланган эски тўлов тизими ўрнига МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб ҳар томонлама қулай, транзакциялар сони ва банклар ўртасидаги масофадан қатъи назар, тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга қодир бўлган замонавий электрон тўлов тизими ишга туширилди.

Бешинчидан, собиқ Иттифоқ банк тизими фолиятини тартибга соладиган, марказлаштирилган, режали иқтисодий тизим талаблари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бекор қилиниб, бозор иқтисодиёти тамойилларига хос бўлган махсус қонунлар ва банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи, халқаро стандартлар талабларига асосланган мукамал меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Олтинчидан, манфаатдорликни пасайтирадиган, молиявий воситачилик самарадорлиги ва қўламларини оширишга тўсқинлик қиладиган фоиз ставкалари ҳамда кредит мик-

дорлари бўйича лимитлар ўрнатиш каби чекловлар бекор қилиниб, банклар фаолиятини тартибга солишнинг билвосита инструментлари жорий қилинди.

Еттинчидан, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тўлиқ автоматлаштирилди, халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисоботлар тизимлари жорий этилди. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг банк фаолиятини лицензиялаш ва банкларни рўйхатга олиш, масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш услублари амалиётга жорий этилди.

Саккизинчидан, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлири ва уларнинг кафедралари, шунингдек, хориждаги ўқув юртлар, Банк-молия академияси ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академиялари билан ҳамкорликда юқори малакали банк мутахассислари ва раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб боришнинг самарали тизими шакллантирилди.

Умуман олганда, банк тизимида амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига оладиган, 1991–2000 йиллардан иборат бўлган даврда Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг ташкилий, ҳуқуқий асослари ва мукамал инфратузилмаси шакллантирилди. Банклар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилишнинг халқаро андозаларга мос тизими яратилди.

Ўтказилган ислохотларнинг учинчи ва тўртинчи босқичларини ўз ичига олган **2001–2010 йиллардан** иборат даврда банк тизимини янада эркинлаштириш, банк ишини такомиллаштириш, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва салоҳиятини ошириш, банк-молия сектори таркиби ва инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, охириги ўн йил ичида банк фаолияти янада эркинлаштирилди, банк операциялари, хусусан, кредитлашни қадамма-қадам белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар бекор қилиниб, мижозларининг молиявий ҳолати, бизнес-режаларининг ҳаётийлиги, кредит таъминоти ликвидлиги ва бошқа сифатларига нисбатан талабларни белгилаш ваколати тижорат банкларининг ўзларига берилди, тижорат банклари молиявий ҳолати учун банк Кенгаши ва бошқарувининг жавобгарлиги оширилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларида кредитлаш жараёнлари оптималлашуви ва соддалашуви юз берди, банк акциядорларининг банкни бошқаришдаги роли ва аҳамияти ошди, банкларни бошқариш сифати яхшиланди. Ўз навбатида соҳада ракобат муҳити кучайди ва охир-оқибатда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ошиб борди.

Шунингдек, ушбу даврда банкларни капиталлашуви даражасини оширишга алоҳида эътибор берилди ва тижорат банклари устав капиталининг энг минимал даражасига бўлган талаблар босқичма-босқич ошириб борилди. Бугунги кунга келиб, устав капиталининг энг кам даражасига қўйилган талаб акциядорлик тижорат банклари учун 10 млн. Евро, хусусий банклар учун 5 млн. Евро ташкил қилиб, бу талаблар банк тизимини турли иқтисодий ва молиявий бўҳронлардан химоя қилишнинг ишончли воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, иқтисодиётни монетар инструментлар воситасида бошқарилиши такомиллаштирилди, муомаладаги товар-пул мувозанатини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг билвосита инструментлари ривожлантирилди, улардан фойдаланиш қўламлари янада кенгайтирилди. Шунингдек, ушбу босқичда очиқ бозордаги операцияларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар турларини кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахслар учун облигациялари муомалага чиқарилди.

Учинчидан, нақд пул муомаласини тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятдан тушадиган нақд пул тушумини банк кассаларига тўлиқ инкассация қилиниши ҳамда корхоналар ва аҳолининг нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи мурожаатига кўра таъминлаш борасидаги қонунчилик талаблари кучайтирилди. Ушбу жараёнларни мониторинг қилиш ва муаммо юзга келганда уни тезкор ҳал қилишнинг самарали тизими шакллантирилди.

Хусусан, нақд пул муомаласини барқарорлаштиришнинг бозор иқтисодиётига хос бўлмаган ва юқори инфляция даражасини пасайтириш зарурати сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида қўлланилган касса режаси ҳамда меҳнат ҳақини тўлашга бериладиган маблағларни давлат йўли билан тартибга солиш механизмлари бекор қилинди.

Аҳолига тўловларни амалга оширишда кулайликлар яратиш ва пул муомаласи барқарорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида дебет пластик карточкалар муомаласи йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, банк-молия тизимининг иктисодиётдаги молиявий воситачилик ролини ошириш мақсадида ушбу тизимга хўжалик юритувчи субъектлар аҳоли ва хорижий инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашнинг кўп босқичли механизми шакллантирилди.

Аввало, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминловчи бирламчи асосий таянч тузилмалар, банкнинг корпоратив бошқарув органлари, шунингдек, ички аудит ва ички назорат хизматларининг фаолияти халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилди, ваколат ва масъулиятлари кескин оширилди.

Шунингдек, кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Ҳар бир кредит ташкилотининг молиявий барқарорлиги, ўз мажбуриятларини муддатида ва тўлиқ бажариши Марказий банк томонидан қатъий ва талабчан банк назорати остига олинди.

Шу билан бирга, аҳолининг банклардаги омонатларини тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2002 йилда фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси тузилди ва фуқароларнинг тўловга қобилятсиз бўлиб қолган банклардаги омонатларини ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қайтариш механизми жорий этилди. Дастлаб мазкур механизмда бир омонатчига кафолатли ҳақ тўлаб бериш ҳажми энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан чегараланган бўлса, 2008 йил ноябрь ойидан эътиборан фуқароларнинг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, мижозлари тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сирини маълумотлари тоифасига киритилиб, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланди.

Қолаверса, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларнинг ҳолатини ўрганиш ва ўзига маъқулини танлаш

имкониятини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисидаги кенг доирадаги маълумотларни эълон қилиниши йўлга қўйилди. Жумладан, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш юзасидан мажбуриятлари белгиланди.

Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимида бўлган ишончини янада оширди ва уларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг юқори суратларда ўсишига ёрдам берди.

Хусусан, фақат аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми 2000 йилда 45,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 449,5 млрд. сўмни, 2010 йилда 4,5 трлн. сўмни ташкил этганини эришилган сезиларли ютуқлардан бири сифатида қайд этиш мумкин.

Бешинчидан, валюта сиёсати эркинлаштирилди ва такомиллаштирилди, мамлакатимиз Халқаро валюта фондининг миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақидаги Келишув моддалари бўйича мажбуриятларни қабул қилди.

Валюта операцияларини тартибга солиш борасидаги қатор чекловлар, жумладан, импорт шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга оширишга доир чекловлар, шунингдек, чет эл банки кафолатномасини талаб қилиш ва аванс тўлови суммасига тенг миқдордаги маблағни миллий валютада банд қилиб қўйиш ҳақидаги талаблар, импорт шартномалари бўйича учинчи шахс-норезидентлар фойдасига ҳамда носавдо тўловлар ва ўтказмаларни амалга ошириш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинди.

Шунингдек, ички валюта бозорида сўм маблағларини конвертация қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ваколатли банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди.

Ички валюта бозоридаги мавжуд чекловларни бекор қилиниши натижасида экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кўпайди, миллий валютада барқарорлигини таъминловчи халқаро захираларимиз миқдори ўсиб борди. Бугунги кунда халқаро захираларимиз миқдори Халқаро

валюта фонди талабидан бир неча маротаба зиёдни ташкил қилади.

Бундан ташқари, ички валюта бозорининг эркинлаштирилиши Ўзбекистон банкларининг Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларининг миллий молия институтлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйилишини таъминлади.

Олтинчидан, мамлакат молия бозоридаги рақобатни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматларга бўлган талабини кенгрок ва тезкор қондириш мақсадида кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларни ўз ичига олган нобанк кредит ташкилотлари тизими шакллантирилди.

Жумладан, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилиб амалга киритилди. Ушбу ташкилотлар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тизими яратилди.

Еттинчидан, банк-молия сектори фаолиятини ривожлантириш, унинг таркиби халқаро тажрибага мувофиқ қатор ёрдамчи молиявий институтлар ва жамғармалар билан тўлдирилди.

Жумладан, Кредит ахбороти миллий институти, Кредит бюроси, аудиторлик ва рейтинг компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоб жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, Жамғариб бориладиган пенсия тизими ташкил этилди.

Саккизинчидан, банк тизимимиз глобал молиявий-иқтисодий инкироз шароитида бир қатор қийинчиликларга дуч келиб қолган ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва барқарор ишлашини таъминлаш борасида талайгина ишларни амалга оширди.

Жумладан, республикамиз тижорат банклари томонидан 2008–2010 йилларда 50 тадан ортиқ йирик экспорт қилувчи

корхоналарга айланма маблағларини кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилгани уларга ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича юзага келган қийинчиликларга қарамасдан, ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Тижорат банкларининг тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган 163 та банкрот корхонанинг 149 тасида ишлаб чиқариш қайта тикланди ва уларнинг 78 таси янги инвесторларга 770 миллиард сўмга сотилди. Банклар томонидан бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 233 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди.

Банклар томонидан фаолияти тикланган корхоналарда 2011 йилнинг I-ярим йиллигида 300 миллиард сўмлик маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқарилди, шундан 106,3 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.

Мустақиллик йилларида банк тизимимизни шакллантириш ва ривожлантириш бир текис, раван амалга ошди деб бўлмайди. Тизим томонидан ўз функцияларини бажариш пайтида қийинчиликлар, муаммолар юзага келганда Президентимиз бизга йўл-йўриқлар кўрсатиб, истиқболли мақсадлар ва йўналишларни аниқлаб берди.

Хусусан, мамлакатимиз Президентини банк тизими олдига ишбилармон ва тадбиркорларга, авваламбор, манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрларидан келиб чиққан ҳолда Марказий банк ва тижорат банкларининг ушбу йўналишдаги бутун иш услуби тубдан ўзгартирилди. 1999 йилнинг май ойида ташкил этилган Марказий банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти таркибидаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишларни мониторинги ва таҳлили» бошқармаси фаолияти янада кучайтирилди, 2000 йилда ушбу бошқарма базасида Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди. Бўлинмага ўндан ортиқ малакали мутахассислар жалб этилди ва улар самарали иш фаолиятини бошладилар, тижорат банкларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш, тартибга солиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу 1999 йилда банклар томонидан кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш борасидаги Марказий банкнинг илк меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Ушбу тартиблар, аввало, Тошкент вилоятида тажриба сифатида синаб кўрилди ва кейин бутун республикадаги тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан кичик бизнес субъектлари, жумладан фермер хўжаликлари ва яқка тадбиркорларни микрокредитлашда қўлланилди, микрокредитлашнинг самарали тизими яратилди. Буларнинг натижаси ҳам салмоқли бўлди. Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида қилган маърузасида шундай масалани ўртага қўйган эди: «Тижорат банклари аҳолининг ўз маблағларини депозитларда, айниқса, узок муддатли депозитларда сақлашдан манфаатдорлигини кучайтириш учун жиддий ишлашларига тўғри келади»¹.

Президентимизнинг банкларимиз фаолиятига қарата билдирган тавсиялари бўйича тезда амалий чора-тадбирлар белгиланди, ушбу талаб банклар депозит сиёсатининг асосий қонунчилигига айланди, натижада банкларнинг умумий депозит портфелидаги узок муддатли депозитларнинг улуши тўхтовсиз ошиб борди. Узок муддатли депозит базасининг кенгайиши банклар инвестиция жараёнларидаги иштирокининг янада фаоллашишига имкон яратди. Банкларнинг кредит портфели таркибида узок муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Банк-молия тизимини шакллантириш, ривожлантириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капиталлашув даражасини ва ликвидлигини ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини берди.

Охириги йилларда, айниқса, кўплаб ривожланган мамлакатлар иктисодиёти ва молия бозорларини таҳликали ҳолатга

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 211-бет.

келтирган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитида мамлакатимиз иктисодиётида барқарор юқори суратларининг саклаб колинганлиги, банк-молия тизими барқарорлиги таъминланганлиги дунё ҳамжамятини ҳам ҳайратга солди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2010 йилнинг апрель ойида ташкил этилган «Инкирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи олимлар, бизнесмен ва экспертлар иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган «ўзбек модели» ижобий натижаларини амалда кўрсатаётганлигини эътироф этишди.

Қолаверса, 2010 йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўплаб йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан банк тизимининг ривожланиши тўғрисида фақат ижобий фикрлар билдирилди.

Жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликларидан бўлган «Мудис» агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига бир йўла учта йўналиш, яъни банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги йўналишлари бўйича «барқарор» рейтинг даражаси берилди. Мазкур агентлик ҳисоботида таъкидланганидек, «Банк тизими учун ижобий баҳо банкларни назорат қилиш муҳити мустаҳкамлигини, банк тизимининг потенциал ўсишини, молия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини акс эттиради».

Шунингдек, мамлакатимизнинг банк тизими активларининг 90 фоизидан ортиғига эгалик қилувчи 18 та тижорат банклари «Фитч Рестингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пуурс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» деган рейтинг даражасига эгадир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва шу жумладан молия-банк тизимида амалга оширилган туб ислохотлар, эришилган юқори натижалар, албатта, соҳадаги барча масалалар тўлиқ ҳал этилганини билдирмайди. Мамлакатимиз банк тизимини янада юқори марраларга олиб чиқиш, халқаро даражада муносиб

Ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан тизим олдига янги ва янги вазифалар кўйилмоқда.

Хусусан, Президентимиз томонидан 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган ПҚ-1438-сонли Қарорда 2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ушбу Қарорга мувофиқ, тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш ва ресурс базасини ошириш, инвестициявий фаоллигини кучайтириш, активлар сифатини янада яхшилаш, кредит портфелининг доимий ўсиши ва сифати оширилишини таъминлаш, омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ҳамда аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, алоҳида банklar ва бутун банк тизимининг фаолиятини халқаро меъёр, мезон ва андозалар асосида таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш ва уларга эришиш банк тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида банк тизимимизни барпо қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар шунчалик кенг кўламлики, уларнинг ҳаммасини биргина китобда қамраб олишнинг иложи йўқ, албатта.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат негизида жаҳон андозаларига мос бўлган мустақил банк, пул-кредит тизими яратилди ва у мамлакатимиз иқтисодиётининг бундан кейин ҳам барқарор ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилиб боради.

Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи

І б о б

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛ ВА БАРҚАРОР БАНК ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон ниҳоятда кўхна, бир неча минг йилликларга бориб тақаладиган тарихга эга ўлка. Ушбу заминда товар алмашув муносабатлари жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб келаётганлигини ёзма манбаларда ҳам учратиш мумкин. Аждодларимиз томонидан бундан чамаси 3 минг йил олдин яратилган «Авесто»да жамият коҳинлар, сарбозлар, дехқонлар, чорвадорлар ва хунармандлардан, шунингдек, зодагонлардан ташкил топгани ҳақида келтирилган маълумотлар ўлкамизда ўша пайтдаёқ ижтимоий меҳнат тақсимоти мавжуд бўлгани ҳақида гувоҳлик беради. Улар ўртасида фаолият натижаларини алмашинуви зарурияти, объектив равишда, товар айирбошлаш муносабатларини мавжуд бўлишини тақозо этган.

Демак, ўлкамизда товар айирбошлаш муносабатлари ва унинг амалга оширишда воситачилик ролини ўйнайдиган пул муносабатлари «Авесто» замонидан буён, 3 минг йил илгари ҳам мавжуд бўлган десак айни ҳақиқат бўлади.

Мазкур бобда Ўзбекистонда мустақил банк тизимини шаклланиши ва ривожланиши бошқичларини ёритиб бериш мақсад қилиб кўйилган¹. Дастлаб ўлкамиз Чор Россияси томонидан босиб олиниб, мустамлакага айлантирилган даврдан мустақилликка эришган давргача ўтган вақт оралиғида Ўзбекистонда банк ишининг ривожланиши эволюциясига қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон мустақилликка эришган давргача ушбу ҳудуддаги пул муомаласи ривожланиши борасидаги маълумотлар Марказий банк томонидан тайёрланиб, 2001 йилда «Ўзбекистон» НМИУда чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси банк тизими» номли дастлабки китобимизнинг I бобида атрофлича кўриб чиқилганлиги сабабли мустақилликдан олдинги даврлардаги Ўзбекистонда пул муомаласи тарихи ушбу бобда алоҳида кўриб чиқилмади.

Чор Россияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни босиб олгач, табиий ресурсларга ниҳоятда бой ўлкага эгалик қила бошлади. Ўз саноатини арзон хомашё билан узлуксиз таъминлаб туриш мақсадида Чор Россияси томонидан Закаспий ва Оренбург темир йўллари қурилади, янги пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари, чой қадоклаш, арок, вино ва пиво тайёрлаш корхоналари ишга туширилади.

Темир йўл коммуникацияларининг ривожланиши билан Чор Россиясининг пахтага тобора ортиб бораётган талабини кенгрок қондириш имкониятлари янада ортади. Шунга биноан пахта экилган майдонлар тез суръатлар билан кенгайтирилади.

Пахта майдонларини кенгайтириш учун мустамлакачи маъмурият собиқ хонликларга қарашли бўлган ерларни мусодара қилиб давлат ихтиёрига олади ва уларни Россиядан кўчириб келтирилган кўплаб рус дехқонларига бўлиб беради. Сув хўжалигини назоратга олади.

Ўлка иқтисодиётдаги ушбу ўзгаришлар ҳамда рус капиталининг кириб келиши, объектив равишда, уларга хизмат қилувчи банкларнинг фаолият кўрсатишига зарурият туғдиради. Нажижада, 1875 йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги биринчи банк муассасаси – Чор Россияси давлат банкининг бўлими фаолият юрита бошлайди. Ўша йили дастлабки омонат кассаси ҳам очилади.

Кейинги йилларда банклар сонининг кескин ўсиши кузатилади. Жумладан, 1880 йил октябрь ойида Глинка-Янчевский ва Ко банкирлар уйи ишга тушади, 1881 йилда Ўрта Осиё акциядорлар банки очилиб, у 1889 йилгача фаолият кўрсатади. 1893 йилда Волга-Кама банки, 1903 йилда эса Рус-Хитой банки бўлимлари очилади. Рус-Хитой банки 1910 йилда Шимол банки билан биргаликда Рус-Осиё банки сифатида қайта ташкил этилади. Ўша йили Азов-Дон савдо банкининг Тошкент бўлими ишга туширилади.

Бундан ташқари, Тошкентда 1908 йилда Биргаликда кредит берувчи Тошкент жамияти ташкил қилинади, 1889 йилдан Нижний Новгород-Самара банки агентлиги ва 1901 йилдан бошлаб Полтава ер банки бўлими ишлай бошлайди. 1901 йилда Рус ташқи савдо банки ва 1909 йилда эса Москва ҳисоб банки бўлимлари очилади.

Самарқанд шаҳрида дастлаб 1889 йилда чор Россияси давлат банки бўлими, 1901 йилда Москва ҳисоб банки

бўлими, 1903 йилда Рус-Хитой банки бўлими, 1909 йилда Сибирь савдо банки бўлими, 1911 йилда Рус-Осиё банки бўлими очилади.

Бухоро амирлиги расман мустақил бўлганлиги учун Россия банклари бўлимлари унинг якинидаги, чор Россияси тобелигида бўлган Когон шахрида очилган. Жумладан, бу ерда 1897 йилда чор Россияси давлат банки бўлими, 1901 йилда Рус-Хитой банки бўлими ва Москва халқаро-савдо банки бўлими очилган. 1907 йилда Рус ташқи савдо банки бўлими ва 1909 йилда Москва ҳисоб банки бўлими иш бошлаган.

Кўконда дастлабки банк 1901 йилда Москва халқаро савдо банки бўлими очилиши билан пайдо бўлган. Шундан кейин 1905 йилда чор Россияси давлат банки бўлими, 1907 йилда Сибир савдо банки бўлими ҳамда Рус ташқи савдо банки бўлими ва 1909 йилда Кўшма банк бўлими очилади.

Ушбу банклар векселларни ҳисобга олиш, товар етказиб беришни кредитлаш ва фоизли сертификатлар бериш билан шуғулланишган. Ўша даврда банклар олди-сотди жараёнларида воситачилик ролини амалга оширишган, бундай операцияларнинг асосий қисмини пахта хомашёсини сотиб олиш билан боғлиқ амалиётлар ташкил этган. Банклар, шунингдек, пул ўтказиш, аккредитивлар очиш, курс операцияларини амалга ошириш билан шуғулланишган.

Туркистон генерал-губернаторлигида ўз бўлимларини очган Чор Россияси банклари озиқ-овқат, ёғ-мой, пахта тозалаш, совунгарлик, айникса, кишлок хўжалиги маҳсулотларига қайта ишлов бериш саноати тармоқларига капитал қўйиб, жуда катта фойдани қўлга кирита бошлайдилар ва бу банк фаолиятини фаоллаштириб юборади. Москва ва Петербург банклари ҳам пахта саноатига кредитлар беришда қатнаша бошлайди.

1917 йилда Россияда Октябрь тўнтариши амалга ошиши натижасида ушбу банкларнинг барчаси миллийлаштирилади ва Туркистон ўлкасидаги банклар аввалига РСФСР, кейинроқ эса Совет Иттифоқи ягона банк тизимининг таркибий қисми сифатида ташкил этила бошланади.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг (ХКС) 1918 йил 8 майдаги декрети билан Туркистон автоном халқ банки тузилади. 1921 йилда Туркистонда пул ислохоти ўтказилади ва бу ислохот Туркистон банки фаолиятини дароҳ эттиришига имкон яратади.

1923 йилда РСФСР Давлат банкининг Тошкент вилоят бўлими идораси ташкил этилади ва у ўша йилнинг ўзида Ўрта Осиё ўлка идорасига айлантирилади. Ушбу банк идораси 1934 йилда собиқ Иттифок Давлат банкининг Ўзбекистон кнотора-сига (идорасига) айлантирилади.

Туркистон ўлкасида янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш муносабати билан майда товар ишлаб чиқарувчиларга кредит бериш алоҳида аҳамият касб этади ва бу эҳтиёжни кондириш учун 1923 йилда Ўрта Осиё кишлок хўжалиги банки ташкил этилади.

1924 йилда Ўрта Осиё савдо банки фаолият бошлайди. Бу банк ички товар айланмаси ва тайёрлов ишлари билан биргаликда экспорт-импорт операцияларини кредит билан таъминлаш ишларини ҳам олиб боради. 1930–1932 йиллардаги кредит ислохотлари натижасида савдо кредити бевосита банк кредити билан алмаштирилади. Ўша йиллари хўжаликнинг алоҳида тармоқларидаги асосий фондга узок муддатли маблағ ажратувчи махсус банк ташкил қилинади. Давлат банки ягона кредит ва ҳисоб-китоб маркази бўлиб қолади.

Ўзбекистонда Саноат банки, Қишлоқ хўжалик банки, Коммунал ва уй-жой хўжалиги банкининг узок муддатли кредитлар берадиган бўлимлари очилади. Булар янги корхоналар, совхозлар, МТС, уй-жой коммунал хўжаликлари ва бошқаларни қуришга хизмат қилар эди. 1959 йили ушбу узок муддатга маблағлар берадиган банклар тугатилиб, уларнинг функцияси собиқ Иттифок Давлат банки ва собиқ Иттифок Қурилиш банкининг Ўзбекистон идоралари зиммасига юклатилади.

Режали, марказдан туриб бошқариладиган иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амал қиладиган банк тизими бу даврда ниҳоят даражада марказлашган бўлиб, у собиқ Иттифок Давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки (1988 йилгача Ташқи савдо банки), Қурилиш банки ва Давлат Меҳнат жамғарма кассаларидан иборат эди. Собиқ Иттифок Давлат банки ва Меҳнат жамғарма кассаларининг барча иттифокдош республикаларида республика идоралари, вилоят ва туман бўлимлари мавжуд бўлган. Шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият банкининг Тошкент шаҳридаги бўлими ҳам мавжуд бўлган. Қурилиш банкининг филиаллари фақат йирик саноат шаҳарларида очилган.

Ушбу банклар фақат ҳисоб-китобларни, хўжалик субъектларига кредитлар бериш билан боғлиқ операцияларни амалга

ошириб келган. Аҳолига банк хизматлари фақатгина Давлат меҳнат жамғарма кассалари томонидан кўрсатилган. Шунда ҳам аҳолига банк хизмати кўрсатиш омонатларни қабул қилиш ва чекланган миқдорда уй-жой қуриш ва истеъмол товарларини сотиб олиш учун кредит бериш билан кифояланган.

Барча банклар ягона марказдан бошқарилиб, кредитлаш ва нақд пул чиқариш лимитлари фақат марказнинг руҳсати билангина амалга оширилган. Бундай шароитда банклар ўртасида рақобат муносабатлари мутлақо инкор этилар, ҳар бир хўжалик субъектининг қайси банкда хизмат кўрсатилиши унинг қайси тармоқга мансублиги билан белгиланар эди. Аҳоли ўз кўлидаги бўш пулларини фақатгина Давлат меҳнат жамғарма кассаларида қатъий белгиланган фоиз олиш шarti билан сақлаши мумкин эди.

Собиқ Иттифоқ банк тизимининг яқка ҳукмронлиги шароитида барча олтин-валюта захиралари ҳам ягона марказда тўпланган эди. Бу албатта, ягона марказлашган давлат бўлган собиқ Иттифоқнинг табиатига мос ҳолат эди. Республикаларнинг ташқи савдо операцияларига қўшган хиссаси, экспорт тушумларидаги улуши ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Бу ҳолат республикаларни умуман ташқи иқтисодий фаолиятда кенгрок қатнашишга рағбатлантирмас эди.

Ўзбекистон 1991 йилгача ўзининг алоҳида мустақил банк тизими ва мустақил пул-кредит сиёсати юритиш имкониятга эга эмас эди ва пул-кредит сиёсатини собиқ Иттифоқ Давлат банки амалга оширар эди. Бунда пул-кредит сиёсати тўлиқ марказлашган, ёпиқ характерга эга бўлиб, у тўғрисида бирон-бир маълумот матбуотда ёритилмасди. Пул эмиссияси ягона марказдан амалга оширилар ва сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди. Албатта, бу тизимда пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларини ишлатишга ҳожат ҳам йўқ эди.

80-йилларнинг бошига келиб собиқ Иттифоқ иқтисодиётида номутаносибликлар кучайиб бора бошлади. Иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари кескин пасайди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, хўжалик юритиш усуллари иқтисодиётни ривожлантиришга туртки бўлишга, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол намоён бўлиб қолди. Тобора кучайиб бораётган иқтисодий

инкирознинг сабабларини очишга ва уни бартараф этишга қаратилган уринишлар муваффақиятсизликка учради.

Банк тизимидаги мазкур ўзгаришларнинг бош сабаби собиқ Иттифок ҳудудида ички ҳисоб-китобларнинг чалкашликларга учраганлиги эди. Собиқ Иттифокдек улкан ҳудудда автоматлаштириш даражасининг пастлиги сабаб банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар (МФО – филиаллараро оборот) тизими ноқулайликларни келтириб чиқарар эди. Бир шаҳарда жойлашган банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳафталаб охирига етмай қолди. Мамлакатнинг турли бурчакларида жойлашган банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ўтиши баъзида оилаб вақт талаб қилар эди. Ушбу ҳолат ҳам собиқ Иттифокда макроиктисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатиб, иқтисодни издан чиқара бошлади.

1989 йилдан бошлаб собиқ Иттифок иқтисодиётидаги макроиктисодий аҳвол аста-секин ёмонлаша бошлади. Бу айниқса, Ўзбекистон иқтисодиётида кескин кўриниш олди. Бир неча ўн йиллар мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ Иттифок таркибидаги марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айланган эди. Бунда республика асосан арзон хомашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи база вазифасини бажарар эди.

Марказ томонидан республиканинг катта миқдорда пахта хомашёси, нефть ва табиий гази, қимматбаҳо ва рангли металлари, машинасозлик, электроэнергетика, кимё саноати ва энгил саноат маҳсулотларини паст баҳоларда сотиб олиниши натижасида республика аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромад собиқ Иттифок бўйича ўртача кўрсаткичдан паст эди.

Нархларнинг барқарор даражада «бостирилиб», ушлаб турилиши социалистик хўжалик юритишнинг ўзига хосликларини ва биринчи навбатда, ягона марказлашган-режали иқтисодиёт доирасида молиявий ресурслар ва товар оқимлари устидан ўрнатилган тўлиқ назоратни ўзида акс эттирар эди.

Пул муомаласи ва умуман молиявий тизимга хўжалик механизмининг пассив звенolari сифатида, техник ёндашув асосида муносабатда бўлиниши охир-оқибатда макроиктисодий мувозанатни бузилишига олиб келди. Эндиликда иқтисодиётдаги нархлар барқарорлиги қийинчилик билан ушлаб турилмоқда эди.

1991 йилгача инфляция сунъий равишда «бостирилиб» турилди. 1988–1990 йилларда чакана нархлар йилига ўртача 1%га ошиб борган бўлса, 1991 йилнинг ўзидаёқ, марказдан олиб борилган илмий асосланмаган иқтисодий ислохотлар натижасида инфляция жараёнларининг тезлашуви кузатила бошланди.

1988–1991 йиллар давомида ялпи харажатлар ҳам тез суръатларда ўсиб борди. Давлат харажатлари ҳамда аҳоли истеъмолининг ЯИМдаги улуши муттасил ошиб борди. Шахсий истеъмолининг ЯИМдаги улуши 1988 йилдаги 58 фоиздан 1991 йилда 61 фоизга етди. Давлат истеъмолининг ЯИМдаги улуши 1988 йилдаги 20 фоиздан 1990 йилда 26 фоизгача ўсди, 1991 йилда эса марказ дотацияларининг тўхтатилиши оқибатида ушбу кўрсаткич 19 фоиз даражасига тушди.

Истеъмол, инвестиция ва савдо балансининг юқори даражадаги амплитудаси марказлаштирилган режали иқтисодиётнинг тизимли самарасизлигидан далолат берар эди. Бу реал ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини сезиларли секинлашувида, меҳнат самарадорлигининг пасайишида, бюджет даромадлари ва харажатларининг балансланмаганлигида ва бюджет тақчиллиги муаммосини юқори даражадаги пул эмиссияси ҳисобига ҳал қилишга уринишда ўз аксини топди.

Ушбу тенденциялар иқтисодиётдаги «яширин» макро-иқтисодий бекарорликнинг ўсишидан далолат берарди. Кейинчалик рўй берган нарх-наво либерализацияси талаб ва таклиф ўртасида тўпланиб келинаётган номутаносиблик масштабларини кўрсатди, холос. 1991 йилнинг охирига бориб мамлакатда инфляция жараёнларининг авж олиши учун умумий ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ягона давлатнинг ва унинг иқтисодиётининг парчаланиши каби барча шароитлар етишиб қолган эди.

1989 йилдан бошлаб республикада асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиш тенденцияси кузатила бошланди. 1989–1990 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайиб борган бўлса, 1991 йилдан эса ЯИМнинг камайиши кузатилди.

Республиканинг етакчи тармоқлари, айниқса, оғир саноатини марказлаштирилган режа асосида хомашё, техника ва технология билан таъминлашда узилишлар юз бера бошлади. Шундай ҳолат енгил саноатда ҳам мавжуд эди.

Мустақиллик арафасида республикада асосий фондларнинг эскириш даражаси оғир саноатда 41,1%, ёқилғи саноати-

да 52,5%, металлургияда 41,6%, химия ва нефтехимия саноатида 48,7%, қурилиш материаллари саноатида 32,4%, қишлоқ хўжалиги мажмуасига қирувчи қайта ишлаш саноатида 30% ни ташкил этмоқда эди. Шундай қилиб, республика саноатининг катта қисми мустақиллик арафасида ҳам жисмонан, ҳам маънан эскирган асбоб-ускуналар билан таъминланган эди.

Шу билан бирга, асосий фондларни янгилаш суръатлари ҳам жуда паст даражада эди. Юқорида санаб ўтилган тармоқларда асосий фондлар янгиланиши мос равишда 5,6%, 3,6%, 6,2%, 4,7%, 8,9%, ва 7,9%ни ташкил этди. Бундай суръатларда барча ишлаб чиқариш фондларини янгилаш учун 13 йилдан 18 йилгача муддат керак эди. Ушбу санаб ўтилган тармоқлар Ўзбекистон экспорт потенциалининг асосини ташкил этишини назарга олсак, вазиятнинг нақадар оғир бўлганлиги яққол намоён бўлади.

Айнан ўхшаш ҳолат республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси – қишлоқ хўжалигида ҳам такрорланди. 1980 йилдан то 1989 йилгача экин майдонлари 4,1%га ошди, бироқ қишлоқ хўжалигига капитал қўйилмалар миқдори ўша даврнинг ўзида 10%га камайиб кетди, мелиоратив чора-тадбирлар ва ерларни ўзлаштиришга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдори 26%га қисқарди. Шундай қилиб, экин майдонларининг кенгайтирилиши ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар билан мос ҳолда олиб борилмади. Аксинча, бу молиявий маблағларнинг беҳуда сарфланиши ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди ва айниқса, республика экспортининг бош манбаи – пахтанинг ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллиги арафасида иқтисодий инкирозга «тайёр» ҳолда эди. Маъмурий йўл билан бостириб турилган макроиқтисодий беқарорлик кейинчалик амалга ошириладиган тизимли ўзгаришлар жараёнида юзага чиқиши аниқ эди. Собиқ Иттифоқдан Ўзбекистонга техник жиҳатдан эскирган, юксак даражада монополлашган, бошқарувнинг марказлаштирилган-маъмурий усулларига асосланган самарасиз иқтисодиёт оғир мерос бўлиб ўтди.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари сингари базис ва устқурмага оид муносабатларнинг изчил ислоҳотлари палласига кирди. Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланган шароитда бир томон-

дан сиёсий тизим қайта қуриш жараёнида бўлса, иккинчи томондан бозор муносабатларининг қонуний негизи мавжуд эмас эди.

Шу ўринда Президентимизнинг жамиятнинг қон томири – банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга алоҳида эътиборини шараф билан таъкидлаб ўтмоқ зарур. Негаки, Ўзбекистон ҳали собиқ Иттифок таркибида бўлган даврдаёқ, давлатимиз раҳбари республикамизда мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилишига раҳнамолик қилди. Хусусан, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, қўшма ва юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида «Турон» бирлаштирув тижорат банки ташкил этилди. «Ипак йўли банки» ва «Андижонбанк»нинг вориси – «Ҳамкорбанк» ҳам ўша йили фаолият бошлаган эди.

Ёки бўлмаса, бугунги кунда мамлакатимиздаги энг йирик банклар – «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Агробанк»ларни олиб кўрайлик. Биринчиси 1991 йил 23 апрелда, «Агробанк» эса 1991 йил 24 майда «Агросаноатбанк» шаклида ташкил этилган.

Республиканинг 1991–1993 йиллардаги иқтисодий сиёсати ишлаб чиқаришнинг бутунлай инқирозга юз тутишига ва аҳоли турмуш даражасининг жиддий пасайиб кетишига йўл қўймасликка, савдо балансининг аҳволини яхшилашга, иқтисодиёт тузилишини такомиллаштиришга қаратилган эди. Сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг икки хил табиати: бир томондан, сиёсий мустақиллик, бошқа томондан ягона рубль иқтисодий зонасида турганлик ҳолати Ўзбекистон ва собиқ Иттифокнинг бошқа республикалари учун ўзига хос хусусиятларга эга давр эди.

1991 йили Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди ва умрини ўтаб бўлган, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Иқтисодий ислохотларнинг «ўзбек модели» тамойиллари асосида, босқичма-босқич ва изчил равишда ўтказилиши Ўзбекистонга МДХдаги бошқа мамлакатлардагига нисбатан хўжалик шароитларининг кескин ёмонлашиб кетишига йўл

қўймаслик имконини берди. Бирок, барибир қатор ташки ва ички омиллар таъсирида макроиктисодий беқарорликнинг объектив равишда ўсишига барҳам беришнинг иложи бўлмади. Режали иктисодиёт йилларида тўпланиб қолган яширин макроиктисодий беқарорликнинг юзага чиқиши Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин юз берди. Иктисодиётни эркинлаштиришнинг ана шу дастлабки йилларида яширин макроиктисодий номутаносибликлар инфляция суръатларининг тезлашувида, давлат бюджети тақчиллигининг ўсишида, миллий валютанинг девальвациясида ва савдо баланси ахволининг жиддий ёмонлашувида намоён бўлди.

Ягона иктисодиётнинг парчаланиб кетиши оқибатида хўжалик муносабатларининг узилиши, корхоналар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида вужудга келган қийинчиликлар бу муаммоларни янада чуқурлаштирди.

Республика раҳбарияти олдида йигирма бир миллион нафар қатта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, пул-валюта топиш муаммоси ўта қийин муаммога айланди. Халқимиз, иктисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда қатта хавф туғилди¹.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, сифат жиҳатдан янги банк тизимини ташкил қилиш, миллий валютани муомалага киритиш ва шу орқали мустақил пул тизимини яратиш каби ўта масъулиятли ва мураккаб масалаларни ҳал этиш улкан билим, етук салоҳият ва жасоратни талаб қиларди. Мана шундай мураккаб вазиятда давлатимиз раҳбарининг мислсиз шижоати ва раҳнамолиги билан бошланган иктисодий ислохотлар ўз самарасини берди.

Шундай қилиб, мустақилликка эришилган 1991 йилда юзага келган ҳолат ёш давлатимиз олдига ўзининг мустақил банк тизимини зудлик билан ташкил этиш вазифасини кўндаланг қилиб қўйган эди. Бу борада мамлакат Президентининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир:

«Республикада бутунлай янги банк тизимини вужудга келтириш мустақил кредит-пул сиёсатини ўтказиш имконини яратади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки бошчилигида икки босқичли банк тизимини ташкил қилиш рес-

¹ Каримов И.А. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. XII қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ. Т.: «Ўзбекистон», 1992.

публиканинг иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш эҳтиёжларига мос келади»¹.

Янгидан барпо қилинадиган банк тизими мамлакатда тўлақонли ҳисоб-китоблар тизимини яратиши, иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини аккумуляция қилиши ва уларни кредит сифатида йўналтириши, энг муҳими, банкларга ва банк тизимига нисбатан йўқолган ишонччи қайта тиклаши шарт эди.

Шу сабабли, эндигина мустақилликка эришган ёш давлатимиз банк тизимидаги ислохотларга иқтисодий ислохотларнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида қаради.

Банк тизимини барпо этиш ва ислох қилишнинг дастлабки босқичи 1991 йил 15 февралда, яъни мустақилликка эришилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши билан бошланди. Мазкур қонун бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамызда бозор шароитига мос банк тизимини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Шу ўринда мамлакат Президентининг мазкур қонун юзасидан билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «...Банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди»².

Тарихий жиҳатдан олганда, бу мустақил миллий банк тизими шаклланишида қўйилган илк қадам, биринчи босқичнинг бошланиши эди.

Мазкур қонунга 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга мувофиқ эндиликда мустақил Ўзбекистонда Марказий банк ва тижорат банкларидан иборат икки поғонали банк тизими ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Давлат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка айлантирилди ва унга давлат банки, эмиссион банк ва захира банки мавқеи берилди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1993.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Марказий банкнинг алоҳида мавқеи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам алоҳида таъкидланди. Конституциянинг 124-моддасида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқариши белгилаб қўйилди.

Марказий банкка республикада пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизимини вужудга келтириш ва тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юклатилди. Бу эса янги тузилган Марказий банк олдига, собиқ собиқ Иттифок Давлат банкининг республика муассасаси бажарган вазифалардан тубдан фарқ қилувчи, сифат жиҳатидан бутунлай янги вазифалар қўяр эди. Марказий банк республикада пул-кредит сиёсатини, валюта сиёсатини ва банк назоратини амалга оширувчи органга айлантирилди.

Бу вазифаларни бажариш учун Марказий банкнинг ташкилий структураси ва ишлаш услублари қайта қўриб чиқилди, унда пул-кредит ва валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга, ҳисоб-китоблар ва тўлов тизимини ривожлантиришга масъул бўлинмалар тузилди.

Ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларини молиялаштириш эса янгидан тузилган ихтисослаштирилган тижорат банкларига юклатилди. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шарти сифатида қаралди. Инвестиция лойиҳаларини фақат хорижий кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминлаш мақбул эмаслиги, миллий иқтисодиётнинг қарз ҳисобига яшай олмаслиги, Ўзбекистон шу кунга қадар ҳеч кимдан қарздор эмас ва келажакда ҳам бундай бўлишига йўл қўйилмаслиги қатъий англаб олинди. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятларини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказишни талаб қилиши, бунинг учун эса, энг аввало, ички жамғарма манбалари сафарбар этилиши лозимлиги аниқ ва равшан эди¹.

Мамлакат Президенти томонидан билдирилган ушбу қарашлар банк тизимини ривожлантириш ва ислох қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шакллантирилган ушбу қарашларнинг нақадар

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: «Ўзбекистон», 1994, 299-бет.

тўғрилиги ва ҳаққонийлиги кейинги йилларда юзага келган иқтисодий ёки молиявий инқирозлар шароитида яққол намоён бўла бошлади.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва тараққиётни жадаллаштириш мақсадида бошқа соҳаларда бўлгани каби банк тизимида ҳам бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ислоҳ қилиш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ўз миллий валютамини муомалага киритиш эди. Аммо мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон рубль худудида қолган бўлиб, бу ўша давр учун объектив зарурият эди.

Сиёсий мустақиллик қўлга киритилганидан кейинги дастлабки босқичда рубль худудида бўлиш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга зид эмас эди, зеро, у собиқ Иттифоқ республикалари билан илгари мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларни аста-секинлик билан ривожланган мамлакатлар томон йўналтириш имконини берарди. Ўша пайтда республика раҳбарияти ҳар томонлама ривожланган, самарали иқтисодиётсиз тўлақонли пул тизимини яратиш мумкин эмаслигини яхши тушунарди.

Шунингдек, собиқ Иттифоқ республикаларининг аксарияти ҳам сиёсий мустақилликка эришган бўлсалар-да, улар ягона рубль иқтисодий маконида фаолият кўрсатарди. Бу ҳолат эса юқори даражада мувофиқлаштирилган иқтисодий сиёсатни ва ягона пул макони доирасида пул-кредит сиёсатини олиб боришни талаб қиларди.

Монопол эмиссия ҳуқуқига эга бўлган Россия Марказий банки рубль муомалада бўлган барча давлатлар худудида пул барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт эди. Марказлашган-режали иқтисодиёт инқирози шароитида ушбу вазифа дастлаб амалга ошириб бўладигандек бўлиб кўринган эди. Аммо бозор муносабатларининг қарор топиши билан боғлиқ нархлар либерализацияси жараёнлари республикалараро савдо айланмасида номутаносибликларни келтириб чиқарди. Республикалар ўз савдо баланслари камомадини нафақат экспорт нархларини ўзгартириш ҳисобига, балки товар билан таъминланмаган пул

эмиссияси ҳисобига ҳам молиялаштиришга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари, давлат корхоналари Россия давлат банкининг катта миқдордаги имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. Ушбу омиллар таъсирида рубль зонаси доирасида пул-кредит муносабатлари издан чиқа бошлади, республикалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардаги номутаносибликлар авж олди, натижада инфляцион жараёнлар назорат қилиб бўлмас даражада кучая бошлади. Давомли пул-кредит ва молиявий номувофиклик натижасида республикалар иқтисодий аҳволининг оғирлашуви уларда ўз валютасини киритиш заруриятини келтириб чиқарди.

1993 йилга келиб рубль худудидан чиқиш объектив заруриятга айланган эди. Фақатгина 1992 йилнинг ўзида савдо балансининг салбий қолдиғи 18,6 мартага ошди, оралик валюта ҳисобланган сўм-купонимиз жорий этилган пайтига келиб эса барча собиқ совет республикалари ўз миллий валюталарини аллақачон муомалага киритиб бўлган эди. Бу эса Ўзбекистон томонидан оралик валюта жорий этилган пайтга келиб рубль худудининг амалда барбод бўлганлигидан далолат берарди.

Бундай шароитда республика ҳукумати томонидан иқтисодий мустақилликка эришиш борасида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу, айниқса, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартиришда, шу жумладан анъанавий секторларни замонавийлаштириш ва мамлакат ичида нисбатан юқори даражадаги қўшилган қиймат ҳосил қилишга кодир бўлган янги тармоқларни ташкил этишда яққол кўзга ташланди. Мазкур чора-тадбирлар охир-оқибатда миллий пул тизимини шакллантириш ва иқтисодиётда ислохотларнинг навбатдаги босқичини амалга оширишнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Рубль зонаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақил монетар сиёсатни амалга ошира олмас эди. Мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон пул-кредит сиёсати ҳали асосан собиқ Иттифок Давлат банки тизимида мавжуд бўлган қоидалар асосида амалга оширилди. 1991–1993 йиллардаги мамлакатда олиб борилган пул-кредит сиёсати ҳам ягона рубль зонасида бўлиш асосида шаклланди.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасини киритиш зарурияти Россияда 1993 йилги янги банкноталар киритилиши билан янада кескин тус олди. Амалда бу Россия томонидан ўз миллий валютасининг муомалага киритилиши эди. Бунда 1992

йилнинг декабрида муомалага киритилган ушбу банкноталар фақатгина Россия банкларига тарқатилди. Бу эса Россия рубль зонасидаги давлатлар олдидаги мажбуриятларини инкор этиши эди, негаки янги нақд пуллар бошқа республикаларга берилмади. Россиянинг ушбу қадамидан сўнг тез орада бир қатор МДХ давлатлари ҳам ўз миллий валюталарини киритдилар. Натижада улар ҳудудларида амал қилмай қўйган эски пул масаси Ўзбекистонга ёпирилди.

Ўзбекистон рубль зонасида юзага келган ушбу вазият натижасида жуда қийин ва ноқулай аҳволда қолди, негаки бошқа республикаларда амал қилмай қўйган 1961–1992 йиллар оралиғида муомалага чиқарилган «рубль» банкноталари эвазига республика ҳудудидан турли-туман маҳсулотлар олиб чиқиб кетила бошланди.

Қийин иқтисодий шароит Ўзбекистон раҳбариятидан икки альтернатив йўлдан бирини – рубль зонасида қолиш ёки ўз миллий валюта мизини киритишни танлашни тақозо қилмоқда эди. Макроиктисодий беқарорлик, юқори инфляция даражаси, молиявий ва иқтисодий номутаносибликлар кучайиб бораётган бир шароитда тез муддатда бир тўхтама келиш зарур эди. Юзага келган вазиятни чуқур таҳлил этган ҳолда Президентимиз: «Энг аввало, бошқа давлатлардан иқтисодий мустақил бўлиши учун республика ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлиши лозим. Бу ҳар қандай давлатга хос бўлган белгигина эмас, шу билан бирга, иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан бири ҳамдир»¹, – деб таъкидлаган эди. Президентимиз таъбири билан айтганда, янги валютага ўтиш инқилоб билан баробар эди².

Юзага келган вазият ва пул тизими ривожининг юқорида кўрсатилган вариантлари таҳлили асосида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм-купонларни муомалага киритишни жорий қилиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб оралиқ валюта сифа-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 117-бет.

² Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясидаги нутқи. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 34-бет.

тида «сўм-купон» 1 сўм – 1 рубль нисбатда муомалага киритилди.

Оралик валютанинг жорий этилиши, аввало, унинг ички ижтимоий-иқтисодий жараёнларга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш, республикада пул-кредит муносабатларини тартибга солиш бўйича тўлақонли механизмни яратиш зарурати, шунингдек, юқорида айтиб ўтилган ўзгаришлар юзага келтирган кенг доирадаги техник муаммолар билан боғлиқ эди. Охиروқибатда бу муайян даражада мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва миллий валютани муомалага киритишга пухта тайёргарлик кўриш имконини берди. Чунончи, ушбу даврда сўм-купоннинг харид қобилиятини ошириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш чоралари кўрилди, унинг асосий жаҳон валюталарига нисбатан қийматини аниқлаш бошланди, собиқ Иттифок республикаларидаги ҳамкорлар билан ҳисоб-китоблар тартибга солинди, валюта назорати ҳақидаги тегишли низом ишлаб чиқилди.

Муомалага сўм-купонлар киритилиши иқтисодиётдаги ва истеъмол бозоридаги вазиятнинг барқарорлашувиغا олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилнинг 16 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони асосида 1994 йил 1 июлидан бошлаб ўз миллий валютамиз «сўм» муомалага киритилди. Бу Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида сифат жиҳатдан янги давр – мустақил пул-кредит сиёсати юритилиш даврининг бошланиши эди.

1994 йилда миллий валютанинг муомалага киритилиши банк тизими ривожланишининг биринчи босқичини яқунлади ва иккинчи босқичини бошлаб берди. Бу иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотларда сифат жиҳатидан янги босқич бошланганидан дарак берарди. Бу даврда Марказий банк асосий эътиборни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва шу асосда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий ўсиш учун қулай шароитлар яратишга қаратди.

Шу пайтдан бошлаб, Марказий банкнинг асосий куч ва воситалари мустақил пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, самарали тўлов тизимини йўлга қўйишга эришишга йўналтирилди.

Бу даврда банк тизимининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, банк конунчилиги такомиллаштирилди. 1995 йили «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши замонавий банк тизимини ташкил этилишини, тижорат банкларини халқаро молия бозорларига чиқишини, аҳоли, корхоналар ва хорижий сармоядорларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамланишини, барқарор иқтисодий ўсишни ҳамда халқ фаровонлигини оширилишини таъминлашга қаратилган истиқболларни белгилаб берди. Марказий банк ва тижорат банкларининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари аниқ белгиланди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тармоқ тижорат банкларининг ташкил этилиши мазкур босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлди. Ихтисослаштирилган тижорат банкларининг пайдо бўлиши иқтисодиётнинг стратегик соҳаларини молиялаштириш заруратидан келиб чиқди. Мазкур банкларнинг капитали асосан иқтисодиётнинг бир ёки бир неча тармоқларига мансуб йирик ташкилотлар маблағлари ҳисобига шакллантирилди. Бундай ҳолатни куйида келтирилган бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, ўша пайтларда хусусий сектор эндигина пайдо бўла бошлаган ва улар банкларни тузиш учун етарли маблағга эга эмасди.

Иккинчидан, давлат банкларини хусусийлаштирилиши банк тизимида рақобат муҳитини яратиш билан бирга иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш жараёнини молиявий қўллаб-қувватлаш вазифасини ҳам бажариши керак эди. Давлат банкларини хусусийлаштирилишини бирданга амалга оширилиши мамлакатнинг аънавий ҳамда янгитдан барпо қилинаётган устувор тармоқлари учун мураккаб молиявий шароитлар вужудга келтириши мумкин эди. Шу сабабли, 1993–1996 йилларда «Асака банк» (автомобиль саноати корхоналарини қўллаб-қувватлашга), «Ғаллабанк» (ғалла етиштиришни молиялашга), «Тадбиркорбанк» (кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштиришга), «Алоқабанк» (алоқа ва телекоммуникация корхоналарини ривожлантиришга

мўлжалланган) каби бир қатор ихтисослашган тижорат банклари таъсис этилди.

Учинчидан, тузилаётган банклар, одатда, очик, турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида таъсис этилган бўлиб, бунда ушбу тижорат банкларини, улардаги давлатга тегишли бўлган акциялар пакетини хусусий, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш оркали давлат тасарруфидан чиқариш имкониятини бериши назарда тутилган эди.

Ихтисослашган тижорат банкларини тузиш иктисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, бозор иктисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан борган Ўзбекистон учун ислохотларнинг илк босқичида энг макбул йўл эди.

Эндиликда универсаллашган банклар томонидан турли йўналишдаги фаолиятини амалга оширишнинг ҳукукий асосларини мустаҳкамланиши долзарб масалага айланди. Албатта тижорат банкларининг кредит фаолияти, инвестициявий фаолияти ёки бошқа анъанавий фаолият турлари махсус қонунчилик базасини талаб қилмайди. Аммо қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятнинг нихоятда юқори таваккалчиликка асосланганлиги ушбу фаолият йўналишининг махсус қонунчилик билан тартибга солинишини тақозо қилар эди.

Дастлаб, тижорат банклари 1991 йил 15 февралдаги Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ўзи банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини амалга ошириш учун етарли асос ҳисобланарди. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунида акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари, депозит сертификатлари ва векселларнинг муомалада бўлиш тартиби белгиланди.

Қимматли қоғозлар бозорини инфратузилмавий ривожлантиришда илк қадамлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-789-сонли қарорига асосан «Тошкент» республика фонд биржасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги «Тошкент» республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 285-сонли Қарорига асосан «Вақт» депозитарийсини ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлган.

1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини ортиб боришини таъминлади.

Шунингдек, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонунида эса депозитар ва реестр юритишга доир профессионал фаолият юритишнинг асослари белгилаб берилди.

Бу эса, ўз навбатида, реестр юритувчи компанияларнинг ташкил этилиши, шунингдек, улар томонидан иккинчи лицензия – депозитар фаолиятни амалга ошириш лицензиясини олиш йўли билан республика ҳудудларида тижорат депозитарийларининг пайдо бўлишига имкон яратди.

Республикамиз молия тизимининг самарали фаолият кўрсатишининг асосий воситаларидан бири бўлган давлат қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш ҳақида»ги 119-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат қисқа муддатли облигацияларини муомалага чиқариш билан узвий боғлиқ.

Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш, муомаласини ташкил қилиш ва сўндириш шартларини белгилаб берувчи «Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари» (рўйхат рақами 524, 1998 йил 9 ноябрь) ҳамда «Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилишининг муомалада бўлиши ва хизмат

кўрсатилиши тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 552, 1998 йил 30 ноябрь) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

1996 йил 28 мартда муомала муддати 3 ой бўлган давлат қисқа муддатли облигацияларини бирламчи жойлаштириш бўйича дастлабки – биринчи аукцион савдоси ўтказилди ва ушбу аукцион савдоларида тижорат банклари иштирок этишди.

Инвесторлар томонидан ушбу бозорга қизиқиш тобора ортиб борди ва натижада Молия вазирлиги томонидан 1997 йил март ойидан муомала муддати 6 ой бўлган, 1998 йил сентябрь ойидан муомала муддати 9 ой бўлган ҳамда 1999 йил март ойидан муомала муддати 12 ой бўлган давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 18 мартдаги 146-сонли қарори банкларнинг ахборот инфратузилмасини тузиш ва республикада банк ишини, энг яхши халқаро банклар иш тажрибасини ўрганиш ва уларни миллий банк амалиётига татбиқ этиш орқали такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлигини белгилаб берди.

Мазкур қарор асосида банк тизимини янада такомиллаштириш, пул муомаласининг ҳолати ва пул-кредит муносабатларини тартибга солишда банкларнинг мустақиллигини ва жавобгарлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кредит ва депозит бозорларида рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда банк хизматлари сифатини яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Аҳолидан жалб қилинадиган жамғармалар миқдорини тижорат банкларининг ўз капитали миқдоридан ошмаслиги лозимлигини белгилайдиган чекловларнинг бекор қилиниши банк муассасаларининг имкониятларини сезиларли равишда кенгайтиришга ва банклар ўртасидаги рақобатнинг фаоллашувиغا туртки берди. Натижалар тезда сезилди: 1994 йил бошида аҳолининг банклардаги омонатларининг 98,5 фоизи Жамғарма банки (ҳозирги Халқ банки)да сақланган бўлса, ўша йилнинг охирига келиб ушбу кўрсаткич 87,2 фоизни ташкил қилар эди.

Шунингдек, мазкур қарор асосида мамлакатда ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш ҳамда замонавий электрон тўловлар тизимини яратиш, банкларнинг компьютерлар ва телекоммуникация жиҳозлари билан таъминланишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида республика ҳукумати томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Молиявий инфратузилмани ривожлантиришнинг дастлабки босқичида замонавий талабларга жавоб берувчи янги ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш ва замонавий электрон тўловлар тизимини яратиш, банкларни компьютер ва телекоммуникация ускуналари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги 362-сонли «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1995 йил 9 ноябрдаги 427-сонли «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тижорат банклари 1997 йил 31 декабргача солиқ тўловларидан озод қилиниб, банклар ихтиёрида қолдирилган маблағлар банк тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашга ва банклар инфраструктурасини яхшилашга йўналтирилди.

1994–1997 йилларда республикамиз иқтисодиётида мавжуд бўлган муайян қийинчиликларга қарамасдан, барча банклар тўрт йил муддатга бюджетга солиқлар тўлашдан озод этилди. Бу эса қисқа муддатда – бир ярим йил мобайнида янгидан замонавий банклараро электрон тўловлар тизимини яратиш имконини берди.

Агарда ушбу тўлов тизими яратилгунга қадар айрим тўловларнинг ўтиши ойлаб вақтни олган бўлса, эндиликда улар реал вақт тартибида ўтказила бошланди. Миллий валюта-мизга ишончининг орگانлиги ва унинг мустаҳкамланиб бораётганлиги мазкур ишларнинг муҳим натижаси бўлди.

Мустақиллик йилларида, банкларга берилган солиқ имтиёзлари республикадаги барча банклар миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва янгилаш имкониятига эга бўлган, кўп мақсадли Банк депозитарийларининг миллий ахборот базасини тузиш имконини берди. Бу тизимдан фойда-

ланувчилардан бири кредит таваккалчилигини камайтириш мақсадида қарз олувчиларнинг молиявий ҳолати ва уларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни йиғишдан манфаатдор бўлган кредит бюросидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакат банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш соҳасида қабул қилинган чора-тадбирлар нафақат банкларнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва локал дастурлар мажмуасини, балки давлатнинг молиявий фаолиятини таъминлайдиган яхлит миллий тизимни ҳам яратишга олиб келди.

Банк тизимининг мижозлар ва кенг жамоатчилик учун очиклигини таъминлаш, банкларда замонавий ахборот тизимларини вужудга келтириш учун зарур шарт-шароитларни тайёрлаш мақсадида 1994 йилда янги бухгалтерия ҳисоби тизимини ишлаб чиқиш ва уларни банкларда татбиқ қилиш бошланди. 1994–1997 йилларда Марказий банк мутахассислари томонидан халқаро бухгалтерия андозаларига мос келувчи янги ҳисобварақлар режаси ва банклар учун бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Банклар фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг очиклигини таъминловчи халқаро андозаларга мос келувчи ҳисобот шакллари амалиётга татбиқ этилиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга ҳам эга эди. Чунки банклар мижозлар ва аҳолининг бўш маблағларини жалб этиб, уларни бу маблағларга эҳтиёжи бор корхона ва тадбиркорларга кредит сифатида берадилар ёки молия бозорида сармоя шаклида жойлаштирадилар. Шу сабабли ҳам банклар бу жараёнда катта ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоботининг халқаро андозаларга ўтказилиши банк операцияларини максимал даражада автоматлаштириш имконини берадиган замонавий банк технологияларини амалиётга жорий этиш учун асос яратади.

1997 йил март ойидан бошлаб жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган ва банклар фаолиятини шаффофлигини таъминлаш имконини берадиган тижорат банклари ҳисобварақлари янги режаси амалга жорий қилинди. Янги ҳисобварақлар режасини жорий қилиниши банклар фаолияти «ошқоралигини» сармоядорлар, банк мижозлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун очиклигини таъминлаш имконини берди.

Замонавий банк технологиялари республикада энг замонавий банк хизматларини жорий қилиб борилишига ҳам пухта замин яратди. Бундай хизмат турларининг биттаси – бу пластик карталар воситасида ҳисоб-китоб қилиш тизимининг жорий қилиниши ва ривожлантирилишидир. Ислоҳотларнинг мазкур босқичида республиканинг барча йирик банклари, шу жумладан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Асака банк, Ўзсаноатқурилиш банки ва яна қатор банклар йирик миқозлари ва ходимлари иш ҳақларини микропроцессорли пластик карточкалар воситасида тўлай бошлади. Шунингдек, пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида йирик савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари терминаллар билан жиҳозлана бошланди. 1997–1999 йилларда республикада 30 мингдан зиёдрок пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, 512 та савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари терминаллар билан таъминланди.

Банк соҳасига янги технологияларнинг кириб келиши миқозларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимини ривожланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

1998 йилдан бошлаб Ўзбекистонда янги «Банк-Миқоз» дастури амалиётга татбиқ қилинди. Бу эса миллий тўлов тизимини янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, банк миқозларига масофадан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Банк тизимининг инвестицион фаолиятини кучайтириш ҳисобига иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш иқтисодий ислоҳотларнинг ушбу босқичида ҳам устувор вазибалардан бири бўлиб хизмат қилди. Ислоҳотларнинг ушбу босқичида, маблағлар етишмовчилиги шароитида ҳам, таркибий ўзгаришлар ўтказиш учун замин ҳозирлашга эришилди; маблағлар ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга сарфланди; халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилиши бошланди; иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий тизим яратилди. Натижада янги корхоналар ва янги соҳалар яратилди, янги товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, энг асосийси, инвестиция жалб қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига муҳим

туртки бўлган ўта муҳим инвестиция лойиҳалари, хусусан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалок нефть кони, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, «Кимётола» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Кимё, металлургия, машинасозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида янги махсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Банк инвестицияларининг анча қисми замонавий иқтисодиёт инфратузилмалари, шу жумладан транспорт тармоқлари (республика ичидаги янги автомобиль йўллари ва темир йўллар)ни ривожлантиришга йўналтирилди.

Банк тизими инфратузилмасини кенгайтириш йўналишидаги муҳим кадам – бу Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг ташкил қилинганлигидир.

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси 1995 йилнинг 28 июлида республика тижорат банкларининг таъсисчилар Қурултойида ташкил этилди. Банклар Ассоциацияси ўзининг ҳуқуқий мақоми бўйича нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади ва ҳозирги кунда банк тизими активларининг 90 фоизидан ортиғига эгалик қиладиган 23 та тижорат банкларини бирлаштиради.

Тижорат банклари фаолиятини ташкил этиш, банк тизимида хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш, соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш ҳамда банклар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш мақсадида Банклар Ассоциацияси таркибида 11 та кўмита ташкил этилган, яъни:

– Аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш бўйича Кўмита;

– Банк қонунчилиги бўйича Кўмита;

– Корпоратив бошқарув ва банк этикаси бўйича Кўмита;

– Халқаро фаолият бўйича Кўмита;

– Тижорат банкларини солиққа тортиш бўйича Кўмита;

– IT-технологиялар ва тўлов тизимлари бўйича Кўмита;

– Банк кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Кўмита;

– Қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолиятини ривожлантириш бўйича Кўмита;

– Тижорат банклари инвестицион фаолиятини ривожлантириш бўйича Кўмита;

– Банк чакана хизматларини ривожлантириш бўйича Кўмита;

– Рискларни бошқариш бўйича Кўмита.

Тижорат банклари талабларининг ошишини ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 427-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан ёки унинг иштирокида «Ishonch» банклараро суғурта компанияси, «Ахбор рейтинг» рейтинг агентлиги, «Барака» универсал лизинг компанияси, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Invest Trast» банклараро компанияси, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Банклараро маслаҳат хизмати», «Hamroh loyiha invest» кўшма корхонаси, «Молия бинокор хизмат» шуъба корхонаси каби корхоналар ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида Банklar Ассоциацияси тижорат банкларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий хизматларнинг янги турларини яратиш, банк қонунчилигини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кенгайтириш, молия-банк ва кредит ахбороти сифати ва савиясини ошириш, банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришда тижорат банклари кучларини бирлаштириш, тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш ҳамда аҳолининг банк ҳамжамиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш каби вазифаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган самарали тузилма сифатида ўзини намоён қилди.

Иқтисодий ислохотларнинг мазкур босқичида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш молиявий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес фонд)ни ташкил этиш ҳақида»ги ПФ-1208-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда фонд томонидан хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини пул билан таъмин-

лаш, хусусий корхоналар ва кичик бизнеснинг устав сармоясида қатнашиш, хусусий тадбиркорларга ҳамда кичик бизнесга маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техникавий кўмак бериш орқали қўллаб-қувватлаши белгиланди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, фармонда фонд тасарруфига бериладиган маблағлардан банк тизимида тўпланган тажрибага таянган ҳолда самарали фойдаланиш мақсадида кредитларининг «Ўзтадбиркорбанк» орқали ажратилиши белгилаб қўйилди.

Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда бюджетдан ташқари фондларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялари тижорат банклари, жумладан «Ўзтадбиркорбанк» орқали, бюджетдан ташқари фондлар ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган бош битимлар асосида кредит линиялари очиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур фармон талабларидан келиб чиқиб, Марказий банк қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Бюджетдан ташқари фондлар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини тижорат банкларида кредит линиялари очиш орқали кредитлаш тартиби»ни (рўйхат рақами 482, 1998 йил 25 август) ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги дастурий нутқида банк тизимининг реал сектор билан алоқаларига ўзгартиришлар киритилиши талаб қилинди. Бунда гап ҳажм кўрсаткичларини ошириб бориш ҳақидагина эмас, балки банклар, бир томондан аниқ шерикларни, молиялаштириладиган лойиҳаларни оқилона танлаб олиши ва иккинчи томондан, кичик ҳамда ўрта бизнес вакиллари банкларнинг кредит ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишини таъминлаш ҳақида эди.

Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан қисқа вақт ичида тадбиркорларни сифатли банк хизмати билан таъминлаш, уларнинг банк кредитлари ва хизматларидан фойдаланишини кенгайтириш, банклар ва тадбиркорлар ўртасида шерикчилик муносабатларини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни шакллантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий ресурслардан фойдаланишига хизмат қилувчи амалий механизмни шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Ана шу мақсадда бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашнинг янги тартиби – «Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига бюджетдан ташқари фондлар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар бериш тартиби» (рўйхат рақами 775, 1999 йил 20 июль) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Янги тартибда кредитлар бериш жараёни анча соддалаштирилди, ортиқча ҳужжатлар тақдим этиш талаби чиқариб ташланди, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан кредитлар олиш имконияти эндиликда яқка тадбиркорларга ҳам берилди. Янги тартиб тадбиркорларга микрокредитлар бериш ҳақидаги қоидалар билан ҳам тўлдирилди.

Ушбу босқичда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда халқаро молия ташкилотлари кредит линияларидан самарали фойдаланиш йўналишида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, республика банк тизимига 350 млн. АҚШ доллари микдоридаги хориж кредит линиялари маблағлари жалб қилинди. Булар асосан Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 180 млн. АҚШ доллари, Осие тараққиёт банкининг 100 млн. АҚШ доллари, КфВ (Германия) банкидан 22 млн. АҚШ доллари, Халқаро молия корпорациясидан 25 млн. АҚШ доллари ва бошқа халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган 23 млн. АҚШ доллари микдоридаги маблағлардир. Хориж кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқа субъектларнинг 200 дан ортиқ янги инвестиция лойиҳалари маблағ билан таъминланди.

Соҳадаги ислохотларнинг мазкур босқичида банк тизими томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш бораси-

даги давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Таъкидлаш жоизки, банк тизимининг ушбу йўналишидаги фаолияти иқтисодий жиҳатдан ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки, уй-жой қурилиши нафақат аҳолининг талабларини қондиради, балки қурилиш ташкилотлари, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, транспорт соҳаси ва бошқа туташ соҳалар ва тармоқлар фаолияти ривожига ижобий импульс беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ЯИМ ва миллий даромадининг ўсиши, янги ишчи ўринларининг барпо қилиниши ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади.

Шундай қилиб, 1996 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳақида»ги ПФ-1366-сонли Фармони эълон қилинди ва шу асосда Тошкент давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки – «Тошуйжойжамғармабанк» ташкил этилди.

Мазкур фармонга кўра пойтахтимиз аҳолисига уй-жой сотиб олишлари учун Ҳукуматимиз томонидан бир қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан сотиб олинаётган уй-жой нархининг 50 фоизини давлат томонидан қоплаш механизми жорий қилинди. Шу билан бир вақтда уй-жой нархининг 30 фоизигача бўлган қисмига банк томонидан узоқ муддатга имтиёзли шартларда кредитлар берилди, уй-жой сотиб олиш учун йўналтирилаётган маблағлар даромад, солиғи тўлашдан озод этилди. Бундан ташқари, инженер коммуникацияларини қуриш харажатларининг маҳаллий ҳокимиятлар маблағлари ҳисобига амалга ошириши ҳам уйлар нархининг арзонлашувиغا олиб келди.

«Тошуйжойжамғармабанк» орқали амалга оширилган давлат уй-жой дастури пойтахтимиз фуқаролари учун уй-жой шароитларини яхшилашнинг энг қулай ва мос механизмларидан бири бўлиб чиқди. Банк фаолиятининг биринчи йилидаёқ Тошкент шаҳрида 216 та квартира фойдаланишга топширилди. Банк буюртмалари орқали қурилган уйларнинг тузилиши, беазаги, сотиб олиш шартлари, ўзига хос алоҳида ажралиб туришидан, халқимиз орасида «банк уйи» деган термин пайдо бўлди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги механизми республика раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди ва Тошкент тажрибасини республиканинг барча ҳудудларига

жорий қилиш юзасидан 1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилиши ислохотларини чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-1739-сонли Фармони эълон қилинди. Мазкур фармон асосида «Тошуйжойжамғармабанк» негизида «Ўзуйжойжамғармабанк» ташкил қилинди.

1997 йилда «Ўзуйжойжамғармабанк» орқали қурилиб, фойдаланишга топширилган квартиралар сони бир мингтани, 1998 йилда икки мингтани ташкил қилди. Янги уй-жойлар республиканинг Жиззах, Қўқон, Қарши, Урганч, Нукус шаҳарларида ҳам қуриб фойдаланишга топширилди. 1996–1998 йилларда аввал «Тошуйжойжамғармабанк», кейинчалик эса «Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан уй-жой қурилиши йўналишида 40,5 млрд. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, шу жумладан, бюджет маблағлари ҳисобига қопланадиган уйларда 30 млрд. сўм капитал қўйилмалари ўзлаштирилди. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уй-жой қурилишини молиялашга 15 млрд. сўм жалб этилиб, республика бўйича 6011 та квартира қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1998 йилдан эътиборан «Ўзуйжойжамғармабанк» орқали қурилган уй-жойларни аҳолига реализация қилиниши механизмида давлат иштироки тўхтатилди. Уй-жойлар қурилиши тўлиқ буюртмачилар маблағлари ҳисобидан молиялаштирила бошланди.

Мазкур босқичда банк тизимидаги ўзгаришларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири – соҳага хусусий капиталнинг кириб келиши бўлди. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши билан янада фаоллашди. Мазкур Фармонга кўра, низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар белгиланган эди. Хусусий тижорат банкларининг кўпайиб бораётгани мамлакат молия бозорига хусусий сектор томонидан катта қизиқиш билдириляётганини кўрсатса, бу, ўз навбатида, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш ва рағбатлантириш жараёнларига ижобий таъсир этди.

Банк тизимида хусусий капитални жалб этиш билан бирга, банкларни корпоратив бошқариш тизимини янада мустах-

камлашга доир чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк Кенгашларининг ролини оширишга доир қатор чора-тадбирлар мажмуини белгилаб берди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, банк Кенгаши ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришида, унга банкнинг ички аудит хизмати бевосита ёрдам кўрсатиши керак. Бироқ ички аудит хизмати яқин пайтларгача мамлакатимиз тижорат банкларининг энг заиф бўғини ҳисобланарди. Чунки, банк Кенгашининг кўпгина аъзолари ички аудит хизматининг банк таркибий тузилишидаги ўрни ва банкни бошқаришдаги роли тўғрисида тасаввурга эга эмасдилар. Шунинг учун Марказий банк томонидан ички назорат ва аудит хизматларига қўйиладиган талаблар тубдан қайта кўриб чиқилди. Эндиликда банклар фаолияти ва операцияларининг ҳар бир тури учун ички назорат таомилларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Ички аудит хизматига қуйидаги асосий талаблар қўйилган эди: улар банкнинг ижрочи раҳбариятига бўйсунмаслиги керак ва мазкур хизматда ишловчи ходимларнинг касб маҳорати ва ма-лакаси жуда юқори бўлиши зарур.

Мамлакат банк тизимида ушбу даврда амалга оширилган ислохотларнинг бошқа бир муҳим йўналиши банк аудити соҳасининг тез суръатлар билан ривожланиши бўлди. 1996 йилда мамлакатимиз Президентининг «Банк аудити тизими-ни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши банк тизимида бухгалтерия ҳисоботининг янги андозаларини жорий қилишга доир чора-тадбирларни янада кучайтирди. Ушбу ҳужжат асосида Марказий банк ҳамда мамлакатнинг йирик тижорат банклари фаолияти етакчи халқаро аудиторлик компаниялари томонидан аудит текширувидан ўтказилди. Бунинг натижасида олинган аудиторлик хулосалари республикамиздаги етакчи тижорат банклари фаолиятининг кучли ва заиф томонларини объектив баҳолаш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ҳамда банклар фаолиятига халқаро андозаларни қўллаш бўйича тегишли чоралар кўриш имконини берди.

Банк тизими самарадорлигини ошириш банкларда ўзини ўзи тартибга солувчи механизмларни йўлга қўйиш билан бирга, банк назорати тизимини янада такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Бозор муносабатлари шароитида банк назорати режали иктисодиётга хос назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қилади. Бунда банк назоратининг бош вазифаси – омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини таъминлаш мақсадида банк тизимидаги таваккалчилик даражасини тартибга солишдан иборатдир.

Бу вазифани бажариш учун Марказий банк томонидан банклар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар Халқаро ҳисоб-китоблар банки қошидаги Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Базель I стандартлари асосида тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Ушбу вазифани бажаришда Марказий банкка Жаҳон банки ва АҚШнинг Халқаро тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД) томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Мазкур халқаро ташкилотлар экспертлари ёрдамида банк фаолиятини назорат қилишга доир меъёрий ҳужжатлар қайта ишланди ва банк назоратини амалга оширувчи мутахассислар ўз малакаларини оширдилар. Шунингдек, банклар фаолиятини масофадан туриб назорат қилиш ва CAMEL халқаро рейтинг тизимида мувофиқ банкларни жойига чиқиб инспекция қилиш услублари жорий этилди.

Шундай қилиб, 1994 йилнинг июлидан бошлаб 2000 йилнинг бошларигача бўлган давр мобайнида амалга оширилган пул-кредит сиёсати ва банк тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва ислохотлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустақкам банк тизими, халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилиши билан банк тизими ривожланишининг иккинчи босқичи яқунланди. Ўзбекистон Ҳукумати ва Марказий банки томонидан олиб борилган қатъий монетар сиёсат натижасида, ушбу босқичда инфляция даражаси 1994 йилдаги йиллик 1132 фоиздан 1999 йилга келиб йиллик 26 фоизгача ёки 43,5 мартабагача камайтирилишига эришилди.

2000 йилдан эътиборан банк тизимини ривожлантиришда ислохотларнинг учинчи ва ундан кейинги босқичларидан иборат янги давр бошланди. Ушбу даврда амалга оширилиши кўзланган асосий мақсад – бу бозор иктисодиёти талаблари-

га тўла жавоб бера оладиган самарали банк-молия тизими-ни шакллантириш, банклар фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада, банкларнинг ички ва халқаро молиявий бозорларда рақобатбардошлигига эришиш иборат эди. Ушбу долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида республикамиз ҳукумати томонидан эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг учинчи босқичида молия-банк тизимида кенг қамровли ислоҳотларни ҳар томонлама жадаллаштириш, банк тизими инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда банк фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда қабул қилинган «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори республика банк тизимида ислоҳотларнинг навбатдаги босқичига ўтишга асос бўлди. Ушбу қарорда тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдорига нисбатан халқаро банкчилик амалиётида қўлланиладиган талаблар ўрнатилди, битта акциядорнинг банк устав капиталидаги улушининг максимал миқдорига, тижорат банкларининг бир-бирларининг капиталидаги иштирокига, банкларнинг хусусийлаштириш жараёнига доир талаблар белгиланди.

Мазкур қарорга мувофиқ банк тизимини ислоҳ, қилиш бўйича республика комиссияси тузилиб, унинг асосий вазифаси сифатида банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, бу даврда мамлакат банк тизимида чет эл сармояларини жалб этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган банклар сони сезиларли даражада кўпайди. 2000 йилга келиб деярли ҳар олти банкнинг биттасини хорижий капитал иштирокида тузилган банклар ташкил этди. Бу, шубҳасиз ижобий ҳолат эди, чунки чет эл капитали билан бирга, мамлакатимизга нафақат чет эл сармояси, балки замонавий банк технологиялари ва бошқарув тизимлари кириб кела бошлади.

Ушбу даврда мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл капитали иштирокида вужудга келган банклар томонидан янги банк хизматларининг таклиф қилиниши ички молия бозорида рақобатни янада кучайтиришга хизмат қилди. Бу эса мижоз-

ларга кўрсатилаётган банк хизматларининг сифатига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Банк тизимидаги ислохотларнинг ушбу босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартда қабул қилган «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2564-сонли Фармони алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислох қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 104-сонли Қарори билан «2000–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш Дастури» тасдиқланди.

Дастурда, энг аввало, банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар, жумладан, давлат улуши 25 фоиздан ошадиган тижорат банкларининг давлат тасарруфидан чиқарилиши, банкларнинг инвестиция жараёнларидаги фаоллиги оширилиши, шу жумладан, хусусий ва чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишлари, корпоратив бошқарув сифатини оширилиши алоҳида белгиланган эди.

Бу, ўз навбатида, сармоя бозорини янада ривожлантириш, банклар акцияларини қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида сотиш механизмининг такомиллаштириш, шунингдек, банк активларининг ҳақиқий бозор қийматини аниқлашни талаб этар эди.

2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига зарурий шарт-шароитлар яратиб берди.

Мазкур қонун инвесторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солди, эмитентларнинг инвесторларга ахборот тақдим этишга доир мажбуриятларини аниқ белгилади.

Мазкур Дастурга мувофиқ, 2000 йиддан бошлаб тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини ва капиталлашувни даражасини ошириш мақсадида ипотека облигациялари, депозит, жамғарма сертификатлар ва бошқа қимматли қоғозлар сингари банкларнинг узок муддатли қарз мажбуриятларининг замонавий бозор воситаларининг жорий этилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя қилиниши устидан масъулиятни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3047-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юридик ва жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларни чиқарилиши белгиланиб, ушбу облигациялар давлат қимматли қоғозлари ҳисобланиши ва уларнинг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидаги барча активлар билан таъминланиши белгиланди.

«2000–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури»да банк соҳасини институционал ривожлантиришга оид муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилди. Унда ихтисослаштирилган тижорат банкларини универсаллаштириш, айрим банклар активларини реструктуризация қилиш, банкларни кредитга лаёқатли қарз олувчилар ҳақидаги объектив маълумотлар билан таъминлаш учун банклараро Кредит-ахборот бюросини ташкил этиш, гаров тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, тижорат банкларида жамғарма ишини ривожлантириш ва аҳоли учун банк хизматлари турини кенгайтиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар кўзда тутилди.

Банкларни институционал ривожлантириш учун аҳоли ва корхоналарнинг банк тизимига бўлган ишончини ошириш, демакки, банк депозитлари ҳажмини кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли банклар томонидан бажарилаётган кўп сонли назорат вазифаларини босқичма-босқич камайтириб бориш катта аҳамиятга эга бўлди. Тижорат банклари зиммасига бюджетга тўловлар ўтказиш интизоми, нақд миллий валюта билан операциялар ўтказиш, миждозлар томонидан ўтказилаётган тўловларнинг қонунийлигини назорат қилиш, шунингдек, валютани назорат қилиш каби вазифаларнинг юклатилиши иқтисодий ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида ўта зарур эди. Бу чоралар қўшни мамлакатлардаги давлат бюджетига тушумларнинг кескин камайиб кетиши, сармойани назоратсиз четга олиб чиқиб кетилиши каби кўплаб салбий ҳолатларнинг Ўзбекистонда олдини олиш имконини берди.

Банк тизимини институционал ривожлантириш мақсадида Марказий банк томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банклари фаолиятини хизмат кўрсатилаётган тар-

моқлар сони, миқдорлар тури ва амалга ошириладиган операциялар сонини кенгайтириш йўли билан универсаллаштириш имконини яратди. Ана шундай чора-тадбирлардан бири банкларнинг капиталлашув даражасини изчил ошириб боришдан иборат бўлди. Натижада банк тизимида йирик банклар билан рақобатга бардошлиликни ошириш мақсадида кичик банклар ўртасида ўзаро бирлашиш ва қўшилиш жараёнилари юз бера бошлади. Жумладан, «Трастбанк»нинг «Илмтехбанк» билан бирлашуви, шунингдек, «Енгилсаноатбанк» ва «Мевасабзавотбанк»нинг «Савдогарбанк»ка ҳамда «Умарбанк» ва «Наманганбанк»ларнинг «Ипак йўли» банкига қўшилиши бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, Марказий банк тижорат банклари фаолиятини янада эркинлаштириш уларнинг банк операцияларини амалга ошириш борасидаги мустақиллигини ошириш мақсадида биргина 2000 йилда ўзининг тижорат банклари томонидан банк операцияларини амалга ошириш тартибларини белгилайдиган 100 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлари ва кўрсатма хатларини бекор қилди. Бу эса банклар ўртасидаги рақобат муҳитини кучайтиришга ҳамда банк хизматлари сифатининг яқшиланишига олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастур доирасида мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини янада эркинлаштириш ва мустақиллигини ошириш билан паралел равишда нобанк кредит муассасаларини ҳам ривожлантириш кўзда тутилди. Дастурда микрокредитлаш бозорида рақобатни кучайтириш мақсадида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия муассасалар кўмагида кредит уюшмаларини ташкил этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маблағ билан таъминлаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорларни микрокредитлаш механизмининг доимий равишда такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Дастурга мувофиқ Осиё тараққиёт банкининг техник ёрдами доирасида WOCU – Кредит уюшмалари жаҳон Кенгаши экспертлари билан ҳамкорликда 2000 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширила бошланди.

2002 йилда Олий Мажлис томонидан «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қонунда кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш,

шунингдек, молиявий операциялар ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилаш, кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш масалалари Марказий банк ваколатига кириши белгилаб қўйилди.

Қонун қабул қилингандан кейин Марказий банк томонидан WOCCU экспертлари билан биргаликда кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, «Кредит уюшмаси устав фондиди энг кам миқдорини, рўйхатга олиш учун йиғим миқдорини, ижро этувчи орган раҳбарига малакавий талабларни, кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш ва рўйхатга олиш шакллари ва тартибини ҳамда кредит уюшмасининг аъзоси томонидан пай бадалини тўлаганлиги ҳақидаги сертификат шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1151, 2002 йил 21 июнь), «Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўтказиш Қоидалари» (рўйхат рақами 1179, 2002 йил 7 октябрь), «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома» (рўйхат рақами 522, 2002 йил 30 ноябрь) ва «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақалари Режаси» (рўйхат рақами 523, 2002 йил 30 ноябрь) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда тажриба асосида 3 та кредит уюшмаси фаолиятини ташкил қилишга кўмаклашишни кўзда тутувчи «Пилот дастури» амалга оширилди.

Кейинги йилларда кредит уюшмаларини ташкил қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг афзалликлари кенг тарғибот қилиб борилди. 2002 йил ноябрь ойида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизимининг ривожланиш истикболлари ва жаҳон тажрибаси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Жойларда кредит уюшмаларини ташкил этишдан манфаатдор бўлган гуруҳлар – «Маҳалла жамғармаси, «Тадбиркор аёл», «Дехқон ва фермер хўжаликлари» уюшмалари, «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар» палатаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий семинарлар ўтказила бошланди. Шу билан бирга, бошқа халқаро ташкилотлар билан

ҳамкорликда республикада ташкил этилган кредит уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари учун хорижий тажрибага асосланган ҳолда кредит уюшмаларини самарали бошқариш бўйича амалий семинарлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида аҳолининг кредит уюшмалари фаолиятига қизиқиши тобора ортиб борди. Агар 2005 йилда республикада фаолият юритган кредит уюшмалари сони 20 тани ташкил қилган бўлса, уларнинг сони 2006 йилда 31 тага, 2010 йил охирида 116 тага етди. Уларнинг аъзолари сони 2002 йилда 2,9 мингтани ташкил қилган бўлса, ушбу рақам 2010 йил охирида 212,4 мингтага етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши билан кредит бозорига ломбардлар фаолият кўрсатиши учун меъёрий асос вужудга келтирилди.

Ломбардлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида Марказий банк «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) Низомни ишлаб чиқди ва тасдиқлади. 2010 йил якунига келиб, республикада 58 та ломбардлар фаолият кўрсатмоқда.

Ислохотларнинг мазкур босқичида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилди.

Республика Президенти томонидан «Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш»нинг 2000 йил 1 февралдаги йиғилишида банк тизими олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, кичик бизнесни молиявий қўллаб қувватлаш янада кучайтирилди, кредитлаш, шу жумладан микрокредитлаш борасида меъёрий ҳужжатлар тўлиқ қайта кўриб чиқилди ҳамда давр талабига мос равишда кредитлаш соҳасига оид янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Марказий банк томонидан микрокредитлаш жараёнини соддалаштириш мақсадида, хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни

кредит таъминоти сифатида гаровга олиш ёки маҳалла кўмиталарининг кафиллигини қабул қилиш орқали кредит бериш тартиби жорий этилди. Шунингдек, микрокредитлар фақатгина 2 та хужжат – «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш» (рўйхат рақами 902, 2000 йил 29 февраль) ҳамда «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш» (рўйхат рақами 903, 2000 йил 29 февраль) Тартиблари асосида расмийлаштириладиган бўлди.

Бундан ташқари, «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш» Тартибига (рўйхат рақами 907, 2000 йил 7 март) асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини кенгайтириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредитлар олиш имкони яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрда қабул қилинган «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 366-сонли Қарори кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда жадал ривожлантириш, уларнинг молиявий, моддий-техника ва хомашё ресурслари олишини кенгайтиришга хизмат қилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, тижорат банкларида кредит линиялари очиш, яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналарни кредитлаш, шу жумладан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш тартибини белгиловчи «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1074, 2001 йил 3 октябрь), кейинчалик эса унинг ўрнига «Тижорат банклари

томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль) тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2564-сонли Фармони деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Мазкур фармонга мувофиқ тижорат банкларида улар фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли маблағ билан таъминлаш мақсадида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилди.

Тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳажмини ошириш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида банкларнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур Жамғарманинг ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилинди.

Фармон ижросини таъминлаш ҳамда тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантиришда фаол қатнашишини янада рағбатлантириш мақсадида 2000 йил 19 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли Қарори билан «Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида»ги ва «Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори билан тасдиқланган Дастурда белгиланган банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан яна бири – инвестиция жараёнларида тижо-

рат банклари ролини оширишдан иборатдир. Дастурда тижорат банклари иктисодиётнинг реал секторини молиялаш ва инвестициялар киритиш жараёнларида етакчи бўлишлари лозимлиги белгиланди. Шу билан бир каторда, банклар инвестиция лойиҳаларини баҳолаш сифатини сезиларли даражада оширишлари, банк ходимларини лойиҳаларни молиялаштириш бошлангунга қадар мос тарзда экспертизадан ўтказишга ўргатишлари лозимлиги заруратга айланди. Бу эса уларга молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг амалга оширилишини ҳар бир босқичда кузатиб борган ҳолда инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиш ҳамда узоқ истикболдаги таваккалчиликларни самарали бошқариш имконини берди.

Шунингдек, ушбу босқичда банк назоратининг халқаро андозалар ва банк назорати бўйича Базель кўмитаси талабларининг ўзгариши билан мос равишда такомиллаштириб борилиши таъминланди.

Соҳадаги ислохотларнинг мазкур босқичи доирасида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банклари, Банклар Ассоциацияси ва тегишли идоралар билан биргаликда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича 2003–2004 йилларга мўлжалланган янги дастур ишлаб чиқилди.

Дастурда республика банк тизими олдидаги устувор вазифалар – банклар фаолиятини эркинлаштириш ҳамда уларнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш, банк тизимининг барча томонларини янгича шароитга мувофиқлаштириш билан боғлиқ 2003–2004 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар ўз аксини топди.

Дастурда мамлакат банк соҳасини ривожланиши истикболини белгилаб берадиган иккита асосий стратегик вазифа: банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва ички бозордаги хизмат турларини кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон банкларининг халқаро капитал бозоридаги фаоллигини кучайтириш вазифалари белгилаб берилган эди.

Мамлакатнинг ички сиёсатидан келиб чиқиб, асосий эътибор иктисодий барқарор банклар аҳволини мустаҳкамлаш ва муаммоли банкларни бозордан чиқариш, банкларда капиталлашув даражасини ошириш ва капитал сифатини кучайтириш, банк хизмат турларини кенгайтириш, шунингдек, банкларнинг реал сектор билан ҳамкорлигини ошириш, Ўзбекистон банк

сектори ривожланиши кўрсаткичларини халқаро андозаларга етказиш каби масалаларга қаратилди.

Халқаро нуқтаи назардан қараганда, узоқ муддатли истикболга кўра, банк тизимимиз халқаро банк тизимига кириб бориши, яъни нафақат қарз олувчи сифатида иш юритиш, балки халқаро валюта-кредит операцияларининг тўлақонли иштирокчисига айланиши лозим.

Бундан ташқари, мамлакат иктисодиётини эркинлаштириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, дастурда банк тизимини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг қатор янги йўналишлари ҳам белгилаб берилган эди.

Давлат банкларини реструктуризация қилиш ва хусусийлаштириш банк секторидаги ўзгаришларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан республика тижорат банкларидаги давлат улушини маҳаллий ва айниқса, хорижий инвесторларга сотишни самарали ташкил этиш мақсадида айрим тижорат банкларини акциялаштиришга тайёрлаш ёки акциялаштирилган банклар устав сармойасини реструктуризация қилишга имкон берувчи бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида банк бошқаруви таркибини ўзгартириш, улушларни самарали тақсимлаш, активлар портфели сифатини баҳолаш ва активларни реструктуризация қилиш каби тадбирлар амалга оширилди.

Банк тизимида хусусий банклар роли ва аҳамиятини ошириш, улар фаолиятини ривожланишини таъминлаш мамлакат банк соҳасини ислоҳ қилишнинг яна бир устувор йўналиши ҳисобланади. Республика ҳукумати ва Марказий банк хусусий банклар тизимини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, уларга солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилди, техник ёрдам ва ходимларни тайёрлашда ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳозирги кунда хусусий банклар сон жиҳатдан мамлакатдаги тижорат банкларининг 1/3 қисмини ташкил этмоқда. Республикада хусусий банклар фаолиятини рағбатлантириш рақобатни ўстиришга, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада оширишга, молия ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуни қайд этиш лозимки, банк соҳасини ислоҳ қилиш стратегиясида соҳа самарадорлигини банкларни консолидация қилиш орқали ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўналишдир. Сўнгги йилларда республикада кичик банкларнинг ихтиёрий қўшилиши ёки йирик банклар томонидан ўз таркибига олинишига оид бир нечта ҳолатлар юз бердики, бу мамлакат банк тизимида янги йўналиш ҳисобланади ва у айни пайтда жаҳон банк тизимида кечаётган жараёнларга ҳамоҳангдир.

Тижорат банкларининг ўзаро бирикишлари орқали харажатларни камайтириш ва таваккалчиликни диверсификациялашга, охир-оқибат эса банк тизими барқарорлигини таъминлашга эришилмоқда. Банкларнинг ушбу жараёнлардан манфаатдорлигини ўз рақобатбардошлилигини ошириш, ресурс базасини кенгайтириш, шунингдек, бошқарув ва жорий харажатларни камайтиришга бўлган интилиши билан изоҳлаш мумкин.

Шу билан бир қаторда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, фуқароларнинг банклардаги омонатларини қонун асосида кафолатланиши банк секторига бўлган ишончини янада кучайтиради, фуқароларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ортишига олиб келади. Айнан шу сабабли 2002 йилда мамлакат парламенти томонидан «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу эса банклардаги аҳоли омонатларини ҳимоялашнинг ишончли механизмини яратиш имконини берди.

Мазкур қонунда бир омонатчига кафолатли ҳақ тўлаб бериш ҳажми Республикамиздаги энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан чегараланган эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 28 ноябрда ПФ-4057 сонли Фармони ҳам аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада оширишга қаратилди.

Унга мувофиқ омонатларнинг миқдоридан қатъий назар, фуқароларнинг тижорат банкларидаги депозит ҳисобва-

рақларидаги омонатларини тўла ҳажмда, яъни 100 фоизлик кафолатлаш тартиби ўрнатилди.

Шунингдек, 2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида, банклардаги аҳоли омонатлари сақланишининг қонун даражасида ҳимояланишига ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик базасининг яратилишига ҳамда жисмоний шахсларнинг банк хизматларига бўлган талаби ошишига хизмат қилмоқда.

Банк тизимининг республикада жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги амалий ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

2004 йил 2 декабрида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш Халқ банк зиммасига алоҳида вазифа сифатида юклатилди. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талабларини бажариш Халқ банки зиммасига алоҳида вазифа сифатида юклатилди. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида Халқ банки молиявий агент сифатида қатнашиб, фуқароларга тегишли ҳисобварақаларини очиш, уларни юритиш ҳамда тўловларини ўтказиб бериш каби амалларни бажаради.

Мазкур вазифаларнинг Халқ банки зиммасига юклатилиши бежиз эмас. Авваламбор, Халқ банкининг филиаллар, мини банклар ва шохобчалардан иборат тармоғи республиканинг деярли барча туман ва шаҳарларига кириб борган бўлиб, банкнинг бундай салоҳияти мазкур тизим фаолиятини энг юқори талаблар даражасида ҳамда кам сарф-харажатлар билан ташкил қилиш имконини беради. Шунингдек, Марказий банк ва Молия вазирлиги банкнинг таъсисчилари бўлиб ҳисобланиши ҳам пенсия таъминоти тизимида маблағлар сақланиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун яна бир қарра кафолат вазифасини бажаради.

Мамлакатимиз тижорат банклари фонд бозорида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар сўнгги йилларда ўз рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида молия бозорининг ушбу сегментидаги фаолиятини сезиларли даражада жонлан-

тирдилар. Бугунги кунда банклар қимматли қоғозлар бозорида энг фаол институционал иштирокчига айланмоқдалар. Улар эмиссия фаолияти кўлами, бажарилаётган операциялар ва хизмат турларини мақсадли тарзда кўпайтирмоқдалар.

Бунга далил сифатида банкларнинг hozirги кунда жадал ривожланаётган корпоратив облигациялар бозоридаги фаолиятини келтириш мумкин. Янги молиявий воситаларнинг пайдо бўлиши банкларга нафақат эмиссион ва инвестицион тузилма сифатида, балки молиявий битимларнинг ташаббускори сифатида фаолият кўрсатиш имконини беради.

Республика раҳбарияти томонидан ислохотларнинг мазкур босқичида ҳам пластик карточкалар тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган банкоматлар ва жиҳозларни импорт қилишда тижорат банкларига божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди ҳамда Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқичма-босқич ўтиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ-147-сонли Қарори ҳам республикада пластик карточкалар воситасидаги ҳисоб-китобларни янада кенг қўлланилиши истиқболларини белгилаб берди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш ва такомиллаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, «Тижорат банклари томонидан банк карталари-ни чиқариш тартиби ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1344, 2004 йил 30 апрель), «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1470, 2005 йил 18 апрель) низомлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди

Амалга оширилган ишлар натижаси ҳам салмоқли бўлди. Хусусан, 2006 йил 1 январь ҳолатига, яъни бир ярим-икки йил ичида республика тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий сони 3 млн. донага етди, 11,5 минг савдо ва хизмат кўрсатувчи субъектлар савдо терминаллари билан таъминланди, 171 та банкоматлар ўрнатилди.

Банк-молия хизматлари бозорида таклиф қилинаётган хизматларнинг хилма-хиллиги кредит ташкилотлари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни тўғри баҳолаш ва уларни минималлаштириш жараёнларини ниҳоятда мураккаблашувига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкнинг тартибга солиш ва назорат функцияларини янада такомиллаштирилишини тақозо қилади.

Шуни эътиборга олган ҳолда, Марказий банк ўзининг назорат функцияларини амалга оширишда «олдиндан огоҳлантириш» тамойилига асосланиб, банкларнинг валюта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, банкларда солиқ ва монополияга оид қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш, жинойй даромадларни легализация қилинишига қарши курашиш ва банк хизматларида жинойй мақсадларда фойдаланиш ни олдини олиш йўналишларида ҳам самарали механизмларнинг йўлга қўйилишини таъминлади.

Соҳадаги ислохотларнинг мазкур босқичида Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро стандартларга яқинлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бунда Марказий банкнинг банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича талаблари Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотларининг тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилди.

Бу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий банк томонидан тижорат банклари сонининг кўпайишига йўл қўйган МДХ давлатларидан фаркли ўларок, республикамизда банкларнинг сонидан ҳам кўра сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса кўплаб давлатларда юз берган молиявий инкирозлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни ташкил этишда олиб бораётган сиёсатининг тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Шу билан бирга Ўзбекистон банк тизимини шакллантиришининг асосий тамойиллардан бири унинг халқаро молия жамоатчилигига қўшилиш жараёни ҳисобланади. Ўзбекистон банклари Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар.

Ушбу йўналишларда амалга оширилган ишлар ҳам халқаро ҳамжамиятнинг, шу жумладан халқаро молия доираларининг мамлакатимиздаги банк тизимига бўлган қизиқишини янада ортишига сабаб бўлди. Айтиш мумкинки, республикамиз банк сектори жаҳон молия ҳамжамияти учун тобора аҳамиятли бўлиб борди.

Банк тизимини эркинлаштириш ва ундаги ислохотларни чуқурлаштириш йўналишида амалга оширилган ишлар натижасида унинг фаолияти ижобий динамикага эга бўлди. Мамлакат банк тизими бозор инфратузилмасининг асоси, бош таянчига айланиб улгурди.

Юқорида келтирилган дастурларда белгиланган чоратадбирларни амалга оширилиши нафақат банк тизимини янада ривожланиши, тижорат банклари фаолиятини эркинлаштирилиши ва ислох қилинишига, балки макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичларининг яхшиланишига ҳам олиб келди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инфляциянинг прогноз даражасини таъминлаш бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга зиён етказмаган ҳолда амалга оширилди: масалан, одатда, бундай йўл тутилганида давлат қарзи ҳажми ортиб кетади, лекин бизда бу кўрсаткич нафақат ўсмади,

аксинча у пасайди. Бу тузилмавий муаммоларни ҳал этиш-да макроиктисодий барқарорлик мақсадларига эришиш чо-ра-тадбирлари янада таъсирчан бўлади, деган қонданинг тўғрилигини яна бир бор исботлайди.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб Ҳукумат ва Марказий банк томонидан олиб борилган оқилона валюта сиёсати 2003 йилнинг октябрь ойига келиб миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясини муваффақиятли жорий этилишини таъминлади. Ўзбекистон томонидан Халқаро Валюта Жамғармаси низомининг VIII бан-дида келтирилган мажбуриятларни бажаришга киришилганли-ги бу соҳада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг сама-раси ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда изчиллик тамойилига содиқлик намунаси бўлди. Бугун шуни тўлиқ асос билан айтиш мумкинки, мазкур битимга қўшилиш бир нарса-ни англатади: Ўзбекистон ўзининг халқаро мажбуриятларига жиддий эътибор бермоқда ва ушбу масалага ҳам ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ташқи иқтисодий фао-лиятни эркинлаштиришни танлов асосидаги протекционизм билан уйғунлаштирган ва босқичма-босқич амалга оширган юқори ривожланган замонавий демократик давлатлар тажри-баларини инобатга олган ҳолда ёндашди.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилган пухта ва изчил валю-та сиёсати натижасида республикамиз олтин-валюта захиралари тобора ошиб бормоқда ва бугунги кунда унинг ҳажми Халқаро валюта фонди талабларидан бир неча баравар зиёддир.

Банк тизими ривожланишининг мазкур босқичида Мар-казий банк томонидан олиб борилган самарали пул-кредит сиёсати ҳам ўз натижасини кўрсатди. Нархлар ўзгаришига монетар омиллар таъсирини тўлиқ назоратга олиниши инфля-ция даражасини кескин пасайтирилишини таъминлади. Агар учинчи босқичга қадам қўйилган 2000 йилнинг бошида ин-фляция даражаси 26 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб у 3,7 фоизгача ёки 7,0 маротаба пасайтирилишига эри-шилди. Бу эса мустақилликка эришилгандан кейинги даврдаги энг паст кўрсаткич эди. Шунингдек, инфляциянинг ушбу дара-жаси бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан анча паст эди. Масалан, 2004 йилда истеъмол нархлари ўсиши Белару-да – 18,0 фоиз, Россияда – 10,0 фоиз, Украинада – 7,7 фоиз, Қозоғистонда – 5,0 фоиз атрофида кузатилди.

2005 йилга келиб банк тизимини эркинлаштириш ва ислох қилиш, миллий валютани барқарорлигига эришиш ҳамда унинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини йўлга қўйилиши билан Ўзбекистон банк тизими ўз ривожланишининг яна бир босқичини босиб ўтди десак, адашмаган бўламиз.

Демак, 2005 йилга келиб банк тизими ўз ривожланишининг тўртинчи босқичига қадам қўйди. Бу босқичда тижорат банклари ўз фаолиятларини ривожланган мамлакатлар банклари фаолиятига монандлаштириш, тижорат банклари зиммасига банк фаолиятига хос бўлмаган баъзи бир назорат функцияларини олиб ташлаш, банк миждозлари ҳисобварақларидан маблағларни ўтказиб бериш навбатни белгилаш ҳуқуқини бевосита банк миждозларига ўтказиш, нақд ва нақдсиз пул ўртасидаги тафовутни бартараф этиш ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал этиш лозим эди.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 56-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «2005–2007 йилларда банк тизимиин ислох қилиш ва ривожлантириш Дастури»да ўз аксини топди.

Ушбу қарорда кейинги йилларда асосан пул-кредит сиёсати воситаларини такомиллаштириш, нақд пул ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта – сўмнинг айирбошлаш курсини барқарор сақлаб туриш, аҳолининг банклардаги омонатлари кўпайишини рағбатлантириш орқали пул маблағларини банк айланмасига жалб этишга асосий эътибор берилиши лозимлиги белгиланди.

Қарор асосида тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз маблағлари – капиталини бир маромда ўсиб боришини таъминлаш, активлар сифатини яхшилаш ва даромадлилигини ошириш, лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хизматларни, шу жумладан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари харид қилишга истеъмол кредитларини ва бошқа банк хизматларини кенг тақлиф қилиш ва ривожлантириб бориш банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштиришининг устувор йўналишлари қилиб белгиланди.

Шу мақсадда, 2007 йил 1 январига қадар янги ташкил этиладиган тижорат банкларининг устав капиталини сўм эквивалентида 5 миллион АҚШ долларига, хусусий банкларнинг устав капиталини эса 2,5 миллион АҚШ долларига етказилиши белгиланди.

Мазкур тадбир натижасида тижорат банкларининг барқарорлигини ошириш билан уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни молиялаштириш имкониятлари янада кенгайди. Шу билан бирга, маҳаллий ва чет эл капитали иштирокида ташкил этилган банкларнинг энг кам устав капиталига қўйилган талаблари тенглаштирилди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб кириши учун музокаралар давом этаётган бир даврда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банк капиталига кенгроқ жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг банк акциялари бўйича дивиденд кўринишида оладиган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиқдан озод этилди.

Маълумки, иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар самарадорлигини оширишда банклар алоҳида аҳамият касб этади. Модомики шундай экан, хусусийлаштириш жараёнларида банкларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида тижорат банкларига хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини сотиб олишга рухсат берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3831-сонли Қарорига асосан, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинди, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилиши белгиланди.

Банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши, тижорат банклари капиталлашув даражасининг оширилиб боришига алоҳида эътибор қаратилиши, шунингдек, солиқ имтиёзлари-

нинг берилиши натижасида фонд биржаларида инвесторларнинг банк акцияларига бўлган қизиқишлари ортиб борди.

Ислохотларнинг ушбу босқичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга яқинлаштириш ва бозор иштирокчиларига қулай шартшароитлар яратишга катта эътибор берилди.

Хусусан, ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқилиб, мазкур қонун лойиҳаси 2008 йил 23 июлдан эътиборан кучга киритилди ва амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари бекор қилинди.

Ўтган йиллар давомида «Тошкент» республика фонд биржасида амалга оширилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, биржада 2006 йилда бирламчи жойлаштирилган акцияларнинг 65,8 фоизи банк акциялари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 99,9 фоизни ташкил қилган.

1.1-чизма

«Тошкент» республика фонд биржасида бирламчи жойлаштирилган акциялар айланмаси таркиби



Шунингдек, банкларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ҳам қўшимча имтиёзлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 56-сонли Қарорига биноан, банклар, биринчидан, республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банк капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдани фойда(даромад) солиғидан озод қилиш ва иккинчидан, тижорат банкларининг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган мини-банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиққа тортиладиган базадан чиқариш каби имтиёзларга эга бўлдилар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу иқтисодийетимизда олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашнинг яна бир муҳим омили бўлди.

Қарорда белгиланган муҳим вазифалардан яна бири, тижорат банкларининг кредит портфелини, жумладан, ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлар ҳолатини комплекс таҳлил қилишдан иборатдир. Ушбу тадбир банк активларининг реал баҳосини аниқлаш ва тижорат банкларининг муоммоли кредитлар билан янада самарали ишлашига имкон яратди.

Хусусан, мазкур қарор талаблари ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибидаги муддати ўтган қарздорликлар ҳажми доимий пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2011 йил 1 ярим йиллиги натижалари бўйича 0,9 фоизни ташкил қилмоқда. Халқаро тажрибадан яхши маълумки, кредит қўйилмалар таркибида муддати ўтган кредитларнинг 4 фоизгача бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Марказий банк томонидан банк тизимини янада ривожлантириш борасида ушбу дастурда белгилаб берилган асосий вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар айнан шу вазифаларни бажаришга қаратилган.

Ушбу ижобий натижаларга эришишда Марказий банк томонидан бозор механизмларидан кенг фойдаланилиши ҳам ўзининг ижобий самарасини берди. Хусусан, Марказий банк томонидан депозит операцияларининг амалиётга татбиқ этилиши банк тизимидаги ортиқча ликвидликни камайитиришга имконият яратди. Шунингдек, мажбурий захиралар жамғармаси бўйича ҳисоб-китоблар услубиётининг ўзгартирилиши ҳамда

банкларнинг хорижий валюта позициясига доир талабларнинг ўрнатилиши бир томондан инфляцияга номонетар омиллар таъсирини камайтиришга ва иккинчи томондан миллий валютага бўлган талабнинг ошишига эришилди.

Инфляция даражасининг пасайиши Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасини босқичма-босқич пасайтириб бориб, 2011 йилнинг 1 январидан 12 фоизгача туширилишига имконият яратди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган кредитлар ҳажми сезиларли даражада ошиб, шунга мос равишда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг тижорат банкларидан узоқ муддатли кредитлар олишига, иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг амалда ўсишига имкон яратилди.

Миллий валютанинг ички барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда, унинг ташқи барқарорлигини таъминлаш ҳам доимий равишда эътибор марказида бўлиб келди. Ушбу мақсадда миллий валютанинг алмашув курсини маълум бир доирада сақлаб туриш ҳамда ички валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чоралар кўрилди. Бунда асосий эътибор, сўмнинг жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертация қилишини таъминлаш юзасидан қабул қилинган мажбурийатларни бажаришни таъминлашга қаратилмоқда. Шу билан бирга, миллий валюта алмашув курси маҳаллий экспорт ва импорт қилувчи корхоналар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарилмоқда.

Самарали валюта сиёсатининг амалга оширилиши ҳамда жаҳон бозорининг қулай конъюнктураси республикамиз экспорти таркибини кенгайтириш, унинг ҳажмини сезиларли даражада ошириш ҳамда олтин-валюта захираларини кўпайтириш имконини берди. Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳамда чет эл валютасини харид қилиш ва сотишга доир операциялар ўтказиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилиши натижасида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шарт-шароитлар яратилди.

Қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, ўз навбатида, ички валюта бозори, жумладан нақд валюта бозоридаги операциялар бўйича 30 га яқин чекловларни бекор қилиш имконини берди.

Халқаро молия бозори ҳолатини чуқур таҳлил қилиб, жаҳон глобал молиявий инқироз ёқасида турганлигини олдиндан кўрган давлатимиз раҳбари зудлик билан кун тартибига тижорат банклари тўлов қобилиятини мустақкамлаш масаласини кўйди.


Шунга мавофиқ, 2007 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида» ПҚ-726-сонли Қарори билан «2007–2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури» тасдиқланди.

Дастурда банк-молия тизими меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг қимматли қоғозларини фонд бозорида фаол жойлаштириш орқали банклар капиталлашувининг юқори даражасига эришиш, банкларнинг инвестициялаш жараёнларидаги, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг инвестиция марказлари ва бизнес ҳамда корхоналарнинг ҳамкорлари сифатидаги ролини ошириш, юридик шахслар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш масалалари республика банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилди.

Қарорда 2008 йил 1 январидан бошлаб, янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори тижорат банклари учун – сўм эквивалентида 5 млн. Евро, хусусий банклар учун – сўм эквивалентида 2,5 млн. Евро миқдоридан белгиланди. Ушбу талаб мамлакат Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли қарорига мувофиқ мос равишда 10 млн. Евро ва 5 млн. Евро эквиваленти миқдоридан белгиланди.

Мустақиллик йилларида тижорат банкларининг устав капитали ҳажми 425 баробардан кўпроқ ошганлигининг ўзиёқ ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар салмоғини кўрсатиб беради:

**1994–2010 йилларда тижорат банклари устав
капиталининг ўсиш динамикаси**
(млрд. сўм)



Тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш ва уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2008–2010 йиллар давомида 6 та йирик банклар устав капиталига давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча равишда 600 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Ушбу рақамлар банк тизимининг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, тижорат банкларининг хўжалик субъектлари ва аҳолининг молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш имконияти янада кенгайиб бораётганлигининг ёрқин далилидир.

Шунингдек, қарорга мувофиқ аҳолига ҳамда тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатишда янада қулайлик яратиш, банклар ўртасида рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида банк филиаллари, мини банклари ва банк кассалари тармоқлари сони янада кенгайтирилди ва 2010 йил охирида аҳолига ва юридик шахсларга банк хизматлари кўрсатувчи банк филиаллари, мини банклари ва бошқа тармоқлари сони 9300 дан зиёдни ташкил қилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк тармоқлари сони кўрсаткичи бўйича дунёдаги олдинги ўринларни эгалламоқда.

Марказий банк томонидан тижорат банклари чиқарган қимматли қоғозларни баҳолаш учун миллий индивидуал рейтинг бериш тизимини жорий этиш мақсадида, Молия вазирли-

ги билан биргаликда «Молия бозорларида рейтинг агентликлари фаолиятига бўлган талаблар тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, амалга киритилди (рўйхат рақами – 1766, 2008 йил 13 февраль).

Банк тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган иқтисодийнинг реал секторини кредитлашнинг ресурс манбаларини шакллантиришда асосий эътибор ички имкониятларга, яъни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк акциялари ва узоқ муддатли депозитларига жалб қилишга қаратилди.

Умуман олганда, республикада узоқ муддатли иқтисодий ўсишни молиявий таъминлашда асосий эътиборни ички манбаларга қаратган ҳолда, хорижий кредитларни устувор равишда иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқин ўтмишда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга чуқур эҳтиёжи бўлган энергетика, кимё, нефть ва газ, алоқа ва транспорт тизимлари таркибидаги корхоналар банкларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида замонавий ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлишди.

Бугунги кунда республикамизнинг ички эҳтиёжларини тўлик қоплаб келаётган қатор нефть ва газни қайта ишлаш заводлари, электрэнергия ишлаб чиқариш ва узатиш тизимлари, темир йўл, авиация ва транспорт саноати фаолияти самарадорлигини оширган янги йўловчи ва юк ташиш воситалари, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган енгил саноат, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат соҳаси корхоналари шулар жумласидандир.

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари», «Ўзбекистон Темир йўллари», «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат», «Ўзавтосаноат» компаниялари, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзпахтасаноат», «Ўздонмаҳсулот» ва йўловчи ташиш уюшмала-

ри ҳамда бошқа соҳалардаги кўплаб корхоналарда замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимларини йўлга қўйиш мақсадларида йўналтирилган катта ҳажмдаги инвестициялар таркибида банк тизимининг салмоқли улуши ҳам мавжуд.

Хусусан, мустақиллик йилларида банк инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан Марказий Осиёда ягона бўлган Кўнғирот сода ва Деҳқонобод калий ўғитлари заводларининг қурилиши, Памук, Муборак ва Денгизкўл нефть-газ конларининг ўзлаштирилиши, Навоий ҳамда Олмалик тоғ-кон металлургия саноати корхоналарининг техник қайта жиҳозланиши орқали республикамизда стратегик аҳамиятга эга саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг пасайиши олди олиниши натижасида, Ўзбекистонда бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларидан фарқлироқ иқтисодий ўсиш суръатларининг ижобий динамикаси сақлаб қолинди.


Ўзбекистон Республикаси дунёда йигирма саккизинчи автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакат сифатида танилди. Бугунги кунда мамлакатимиз нафақат замонавий енгил ва юк ташувчи автомобилларни ишлаб чиқармоқда, балки уларни дунёнинг турли минтақаларига экспорт ҳам қилмоқда.

Ўзбекистон учун янги соҳа бўлмиш автомобилсозликнинг ривожланишини, албатта, тижорат банкларининг катта инвестицион маблағларисиз тассавур қилиб бўлмайди.

Мамлакат банк тизимининг республиканинг базавий тармоқлари ва стратегик корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан инвестиция дастурлари ва тармоқларни модернизация қилиш дастурлари доирасида йирик лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштироки тобора фаоллашиб бормоқда.

Хусусан, корхоналар ва тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга тижорат банклари томонидан йўналтирилган инвестиция кредитларининг миқдори 2008 йилда 1,5 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 3,25 трлн. сўмга етди ёки инқироз даврида 2,1 баробарга ошди.

**Тижорат банклари томонидан ажратилган
инвестицион кредитлар ҳажми, трлн. сўм**



2006 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунларининг қабул қилиниши, ислохотларнинг ушбу босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим бурилиш даври бошланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ягона қоидалар ва умумий нормаларни белгилаб берди, кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг янада кенгайишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида» ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунларининг қабул қилиниши микрокредит ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйилиши ва жадал ривожланишига туртки берди. Эндиликда, банклар билан бир қаторда кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳам микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар сифатида белгиланди.

2007 йилдан микрокредит ташкилотлари ташкил этила бошланди ва 2010 йил якуни бўйича республиканинг деярли барча ҳудудларида 35 тадан ортиқ микрокредит ташкилотлари фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сон Фармонида мувофиқ «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкил этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли Фармонида мувофиқ банк капиталлашув даражасининг оширилиши ва банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда иштирокини кенгайтирилиши, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини фаоллаштириш ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини оширилиши, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологиялар ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг қўламда фойдаланишларини таъминланиши республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги 114-сонли қарори билан аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун шарт-шароитларни яратишга, аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қўмаклашадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга, микромолиялаштириш хизматларига муҳтож бўлган аҳолини микромолиялаштириш хизматлари билан тўлиқ камраб олишга ва мамлакатда молия тизимини янада ривожлантиришга қаратилган «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш» Дастури тасдиқланди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги саъй-ҳаракатларнинг изчил давомидир. Чунончи, мамлакатимиз Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустақкам бўлиб боришига эришмоқдамиз» деб таъкидлашлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жамият ҳаётида алоҳида муҳим аҳамият касб этишини яққол кўрсатмоқда.

Меъёрий-хукукий базанинг такомиллаштирилиши ва микромолиялаш соҳасининг ривожини учун қулай муҳитнинг яратилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмининг, шу жумладан микромолиявий хизматлар ҳажмининг жадал суръатларда ўсишини таъминламоқда. Хусусан, 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2000 йилга нисбатан 26 баробарга ўсиб, 2,7 трлн. сўмга етди. Шундан, 485,2 млрд. сўмини соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан ўсиш 39 баробарни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтирилиши, ўз навбатида, мазкур соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улушини 2000 йилдаги 31 фоиздан 2010 йил якуни бўйича қарийб 53 фоизгача кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Соҳадаги ислохотларнинг мазкур босқичида замонавий нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини жорий қилиш ва янада ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822-сонли «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелидаги ПҚ-1090-сонли «Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш маблағларини банк депозитларига жалб қилинишини янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари республикада пластик карточкалар тизимини янада ривожлантиришга катта туртки берди.

Бундан ташқари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Марказий банк томонидан «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк


карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1850, 2008 йил 4 сентябрь) ҳамда «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1986, 2009 йил 27 июль) Низомлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикада пул муомаласини ташкил қилишда замонавий банк хизматлари, хусусан, пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш механизмининг аҳамияти тобора ошиб борди.

Агар 2000 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан 31 885 та пластик карточкалар эмиссия қилинган бўлса, 2011 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан жами 7 909 370 та пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Солиштирилаётган даврда пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи терминаллар сони мос равишда 512 тадан 86 548 тагача ўсди. Ўз навбатида, пластик карточкалар воситасида амалга оширилган ўтказмалар ҳажми ҳам йилдан-йилга юқори суръатларда ошиб бориши кузатилмоқда. Мисол учун, 2009 йилда пластик карточкалар орқали 3,3 трлн. сўмлик ўтказмалар амалга оширилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 5,7 трлн. сўмни ташкил қилди.

1.4-чизма

2000–2011 йилларда тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик карточкалар сонининг ўзгариши динамикаси



Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши муносабати билан 2005–2010 йиллар масофадан кўрсатиладиган хизматлар бозорининг ривожланишида ўзига хос бурилиш

даври бўлди. Ушбу даврда тижорат банкларининг миждозларга банкоматлар, мобил телефонлар ва интернет тармоқлари орқали ўз ҳисобварақларини масофадан бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш имкониятлари ниҳоятда кенгайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сонли «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидалари» (рўйхат рақами 1767, 2008 йил 13 февраль) ва «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь) низомларнинг қабул қилиниши банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш бўйича қонунчилик базасига асос қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда «Кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламини ахборот-алоқа технологияларни кенг қўллаган ҳолда кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси» ишлаб чиқилди.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-миждоз, интернет банкинг, мобил-банкнинг, sms-банкнинг ва бошқалар)дан жами фойдаланувчилар сони 24 545 та бўлиб, шундан интернет-банкнинг ва «Банк-Миждоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 14 241 тани, мобил-банкнинг ва sms-банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 10 304 тани ташкил этади.

Маълумки, глобал инқироз шароитида жаҳон бозорларида конъюнктура кескин ёмонлашиб борган шароитда, айрим экспортчи корхоналар молиявий қийинчиликларга дуч келиб қолди. Шу боисдан, бу каби корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда

рақобатдошлигини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилди.

2009–2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилиниши жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди.

Инқирозга қарши чоралар дастури, биринчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий қилишга, иккинчидан, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш, экспортни рағбатлантириш учун кўшимча омиллар яратишга, учинчидан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий қилиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини оширишга, тўртинчидан, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий қилишга, бешинчидан, жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Мазкур дастур доирасида 2008–2010 йилларда 50 тадан ортиқ йирик экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилгани уларга ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича юзага келган қийинчиликларга қарамасдан, ишлаб чиқаришнинг пасайишининг олдини олиш имконини берди.

Амалга оширилган тадбирлар қаторида тижорат банкларининг тўланмай қолган қарзлар туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги фаолияти, айниқса, юксак эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4053-сонли Фармони ҳамда 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Ф-4010-сонли Фармойиши қабул қилинди. Бундай механизм банкрот кор-

хоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутади.

Тижорат банкларининг тўланмай қолган қарзлар туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги фаолияти ҳам юксак эътиборга сазовор бўлди. Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмақда.

2011 йил I ярим йиллик яқунлари бўйича тижорат банклари балансига берилган 163 та банкрот корхонанинг 149 тасида ишлаб чиқариш қайта тиклангани, уларнинг 78 таси янги инвесторларга 770 миллиард сўмга сотилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 233 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди. Ўз навбатида, банклар томонидан фаолияти тикланган корхоналар томонидан 2011 йилнинг дастлабки 6 оyi давомида 300 миллиард сўмлик маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқилди ва шундан 106,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Юқоридаги ижобий кўрсаткичларга эришишда банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналар негизида ташкил этилган янги корхоналарнинг тўла-тўқис фаолият юритишлари учун бир қатор солиқ имтиёзлари берилганлиги ҳам улкан аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Жумладан, банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналар негизида ташкил этилган янги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб, 3 йилдан ошмаган муддатда янги инвесторларга сотилгунга қадар қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ, мол-мулк солиғи ҳамда ер солиғидан озод этилди.

Шунингдек, ушбу солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга нисбатан ҳам қўлланилиши белгиланди.

Банкрот корхоналарни тиклаш жараёнини рағбатлантириш мақсадида киритилган янги солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестицион фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1317-сонли Қарорида ҳам ўз аксини топди.

Унга асосан, тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарга, янги инвесторларга сотилгунга қадар, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

– мавжуд имтиёзлар бўйича мол-мулк солиғи суммасини корхона харажатларига киритмаслик;

– асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш.

Ушбу имтиёзларни кучга киритиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида «Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёридан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик Низом» ишлаб чиқилди.

Марказий банк томонидан Банклар ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда «Банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш

бўйича тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар Дастури» қабул қилинди.

Банкрот корхоналарни тиклаш борасида банк тизими томонидан амалга оширилган ишлар мамлакат раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Бу борада мамлакат Президентининг қуйидаги сўзларини келтириш kifоядир: «Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир. ...Бундай ёндашув келгусида ҳам банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида энг муҳим йўналиш бўлиб қолиши зарур».

Банк тизимининг республикамизда уй-жой қурилишини ривожлантириш ва мазкур жараёни молиялаштиришдаги фаолияти алоҳида эътиборга моликдир.

Маълумки, аҳолига уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ёки сотиб олиш учун банклар томонидан ипотека кредитлари бериш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида соҳадаги ислохотларнинг ушбу босиқичида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилди.

Хусусан, республикада уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сонли Қарори қабул қилиниб, мазкур қарор асосида «Уйжойжамғармабанк» ва «Замин-банк»ларни бирлаштириш асосида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ташкил этилди.

Шунингдек, аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилиш учун яқка тартибдаги қарз олувчиларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш мақсадида 2005 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-69-сонли Қарори қабул қилинди. Ушу қарорга мувофиқ «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилди ва унинг бош мақсади қилиб уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга яқка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» барча турдаги

соликлардан ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинди.

Ўзбекистонда ипотека муносабатларининг янада ривожланиши 2006 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан боғлиқ. Мазкур қонун қабул қилингандан сўнг республикада аҳолига уй-жой қурилиши, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредитлари берилишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низоми тасдиқланди.

Ушбу низомда ипотека кредити тижорат банклари маблағлари ҳамда Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан берилиши назарда тутилди. Хусусан, Жамғарманинг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан кредитлар 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши белгилаб қўйилди. Бунда қарз олувчи сотиб олинаётган уй-жой нархининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда дастлабки тўловни амалга ошириши, қолган маблағ банк кредити шаклида берилиши кўрсатиб ўтилди.

Аҳолини шинам уй-жой билан таъминлаш борасидаги амалий ишларнинг навбатдаги йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарорига мувофиқ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг тасдиқланиши билан боғлиқ.

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банки» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1083-сонли Қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Қишлоқ жойларда намунавий асосда яқка тартибдаги уй-жой қурилишига «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли кредит беришни тартибга солиш мақсадида 2009 йил 25 майда Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги» 148-сонли Қарори қабул қилинди.

«Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 2010 йилда республиканинг барча минтақаларида танлаб олинган 159 та тураржой массивида 6800 та шахсий тураржой объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадларга жами 430 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар, шу жумладан 250 млрд. сўмлик имтиёзли банк кредитлари йўналтирилди. Бу эса ушбу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 9 баравар юқори деганидир.

Шунингдек, 2011 йил дастури бўйича умумий нархи 576,5 миллиард сўмлик 7400 та уй-жой қуриш учун республиканинг 158 та қишлоқ туманларида 357 та ер массивлари танланиб олинди. Ушбу йўналишида сарфланадиган маблағларнинг 368 миллиард сўми банк имтиёзли кредитлари ҳисобидан, қолган 208,5 млрд. сўми аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилиб, иш ташкил этилди.

Шундай қилиб, ўтган қисқа вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг устувор вазифаларни амалга ошириш борасида қабул қилган фармон ва қарорлари банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакат банк тизimini янгидан барпо қилиш ва чуқур ислоҳ қилиш, мукамал инфратузилмани бунёд қилиш ва барқарорлигини таъминлаш борасида мамлакат Президенти раҳнамолигида амалга оширилган чора-тадбирларнинг нақадар тўғрилиги ва самарадорлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яққол намоён бўлди.

Глобал инқироз бошланган йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон банк тизимида жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликларидан бўлган «Мудис» агентлиги томонидан бир йўла учта йўналиш, яъни, банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги йўналишлари бўйича «барқарор» рейтинг даражаси берилди.

Шунингдек, бугунги кунда жами активлари мамлакатимиз банк тизими активларининг 90 фоиздан ортиғини ташкил

этадиган 18 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пуурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича кўрилган мақсадли чоралар натижасида банклар капитали охириги 10 йилда 21 мартага, охириги икки йилда эса 2 баробарга ошди.

Кейинги 10 йил ичида иқтисодийнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 35 баробардан зиёдга кўпайди.

Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобига шакллантирилган бўлса, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этгани эътиборга лойиқ.

Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ҳам республика банк-молия тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун банк тизимини баҳолашга нисбатан ёндашув ва услубларни тубдан ўзгартириш, унинг умум қабул қилинган халқаро принциплар, стандартлар ва меъёрларга ҳамоҳанг тарзда ривожлантиришни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган дастурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Қарорга мувофиқ:

Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капи-

таллашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш;

омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ҳамда аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибадор омонат ва депозитлар турларини жорий қилган ҳолда аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш;

етақчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлла-ниладиган ва алоҳида банклар ҳамда бутун банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган баҳолаш кўрсаткичлари бўйича янада юқори даражага кўтарилишини объектив баҳолаш имконини берувчи халқаро нормалар, стандартлар ва мезонлар асосида алоҳида банклар ва бутун банк тизими фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий тизимини жорий қилиш;

молия-банк фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаларини янада такомиллаштириш, давр талаблари ва халқаро меъёрлар ҳамда андозаларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ва норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ва уларнинг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, таваккалчиликларни баҳолаш ва лойиҳаларни экспертиза қилиш тизимини такомиллаштириш орқали кредит портфели сифатини яхшилаш ва доимий ўсишини таъминлаш, кредитлар бўйича муаммоли қарздорликнинг шаклланишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар кўриш;

нобанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта ва аудиторлик компаниялари тармоғини янада ривожлантириш ва ролини ошириш, халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ, уларнинг барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва молия бозори инфратузилмаси институтини мустаҳкамлаш;

аҳоли фаровонлиги ва бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молия-

лаштириш муҳим инструменти сифатида микромолиялаш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш;

тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботнинг замонавий технология услубларини янгича ёндашувларини шакллантириш ва жорий этиш, молия-банк ахборотлари сифат даражасини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ ундан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш;

республика тижорат банклари ва молия институтларини бутун жаҳонда қабул қилинган андозалар, услублар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, мукамал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Шундай қилиб, истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда янги банк тизимини ташкил қилиш ва ривожлантиришда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотларнинг «ўзбек модели» тамойилларига асосланди.

Соҳадаги ислохотлар бошланган даврда, ҳаттоки халқ хўжалигидаги тўловларни ўтказишни самарали ташкил қилишга қодир бўлмаган банк тизими қисқа вақт ичида энг замонавий талабларга жавоб берадиган, энг замонавий компьютер ва ахборот технологиялари билан жиҳозланган, турли молиявий ва иқтисодий инқирозларга бардошли бўлган, барқарор, мустаҳкам ва том маънодаги мустақил банк тизимига айланиб улгурди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканлигини исботлади.

Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилди.

Хусусан, 2009 йилнинг июнь ойида Халқаро валюта фондининг Бош директори томонидан республика раҳбарияти би-

лан ўтказган учрашуви давомида «Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган ислохотлар бошқа мамлакатларникига нисбатан фарқ қилиб, ўзининг афзалликларини намоён қилди», деб билдирган баҳоси эътиборга сазовордир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига Халқаро валюта фонди миссиясининг навбатдаги 2010 йилдаги ташрифи натижаси бўйича қилган баёнотида, Ўзбекистон глобал молиявий инқироз шароитида ҳам барқарорлигини сақлаб, ўз манбаларини сезиларли даражага ўсишини таъминлашига Ҳукуматнинг эҳтиёткорона иқтисодий сиёсати сабаб бўлганлигини қайд этиб ўтди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақилликнинг илк давридаёқ йилларида биз мустаҳкам пойдеворга эга бўлган банк тизимини шакллантирдик ва ривожлантирдик. Бизнинг банк тизимимиз мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириш ишига бундан буён ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб боради.

И б о б

МУСТАҚИЛ ПУЛ-КРЕДИТ ВА ВАЛЮТА СИЁСАТИ: МАВЖУД ВАЗИЯТ, КЎРИЛГАН ТАДБИРЛАР ВА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН НАТИЖАЛАР

2.1. Миллий валютанинг муомалага киритилиши ва мустақил пул-кредит сиёсатининг юритилиши

1991–1993 йилларда республика пул-кредит тизимидаги вазият. Аввалги бобда таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз ўз мустақиллигини ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда эълон қилди. Истиклол арафасида республикада ишлаб чиқариш самарадорлигининг кескин пасайиши, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг камайиши, асосий ишлаб чиқариш фондларида эскирганлик даражасининг юқорилиги, собиқ Иттифок бўйича халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида иқтисодий номутаносибликлар тобора кучайиб бориши кузатилар эди, собиқ иттифокдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши юз берган эди, аҳолининг катта қатлами эса ижтимоий ҳимояга муҳтож эди.

Узоқ йиллар мобайнида ўзгаришсиз қолдирилган, эскирган ва самарасиз бўлиб қолган иқтисодий механизм таъсирида 1980-йилларнинг охирида шаклланган ҳолат ва собиқ Иттифок ҳукумати томонидан амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг самарасизлиги ҳам вазиятни янада мураккаблаштирар эди.

Хусусан, 1986 йилда бошланган халқ хўжалигини қайта қуриш механизми мустаҳкам асосга эга эмас, унинг мазмун-моҳияти азалдан тушунарли бўлмаган ҳолда расман мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш суръатларини оширишга қаратилган эди, холос.

Натижада, собиқ Иттифокнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари пасайиб, 1989 йилнинг бошида давлат бюджетининг даромад ва харажатлари номутаносиблиги (тақчиллиги) 140 млрд. рублни ташкил этган ва пул эмиссияси миқдори мақбул даражадан анча юқорилаб кетган эди, аҳолининг пул шаклидаги жамғармалари товарлар захираларига нисбатан 5 баравардан ортиқни ташкил этар эди.

Оқибатда 1989–1991 йилларда кўплаб маҳсулотларнинг нархлари оша бошлади. инфляция жараёнлари кучайди, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқарди. Номутаносибликлар янада чуқурлашган ҳолда тўловга қобилиятли талабнинг таклиф билан таъминланиши даражаси тобора пасайиб, аҳоли реал даромадларининг ўсиши тўхтаган, турғунлик янада яққол намоён бўла бошлаган эди.

Қатор ташқи ва ички омиллар таъсирида вужудга келган макроиктисодий беқарорликнинг ўсишига барҳам беришнинг иложи бўлмади. Агар 1985–1988 йилларда Ўзбекистон ЯИМ ўсиши ўртача 5,2 фоиз бўлган бўлса, 1989–1991 йилларда ушбу кўрсаткич ўртача 1,6 фоизни ташкил қилди. 1992 йилдан эса турли омиллар таъсирида ЯИМнинг камайиши кузатила бошланди.

Хусусан, 1992 йилда Ўзбекистон ЯИМ пасайишининг энг катта кўрсаткичи (11,1 фоиз) қайд этилди. Лекин, мамлакат раҳбариятининг оқилона ва самарали иқтисодий сиёсати натижасида кейинги уч йилда, яъни 1993–1995 йилларда республикада ЯИМ нинг кескин камайиш тенденцияси жиловланди. Масалан, ушбу давр мобайнида ЯИМ Россияда 39, Украинада – 40, Қозоғистонда – 43, Қирғизистонда – 48 фоизга камайган бир шароитда, республикада ушбу камайиш бор-йўғи 7,8 фоиз даражасида эди.

Ҳукуматнинг ўтиш давридаги дастлабки қадамлари марказлаштирилган режалаштиришга асосланган бошқариш тизимидан босқичма-босқич воз кечишда, хусусийлаштириш ва нархларни эркинлаштириш жараёнларида ўз аксини топди. Бунда, бир томондан, стратегик ва ҳаёт учун зарур маҳсулотлар нархлари, иш ҳақи, ички ва ташқи битимлар ҳамда савдо фаолияти назорат қилинган бўлса, иккинчи томондан, қолган бошқа товарлар нархлари эркинлаштирилди, хўжалик юритиш бозор тизимининг институционал ва ҳуқуқий асосларини яратиш устида улкан ишлар олиб борилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида тарихий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида муайян зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва номутаносибликлар юзага келган эди.

Жумладан, нархлар номутаносиблиги хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг пасайганлигида ҳамда яқуний маҳсулотлар ва истеъмол моллари нархларининг ош-

ганлигида намоён бўлди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида айрим товарларга нархлар белгилаш тартибининг сақланганлиги ушбу номутаносибликнинг юзага келишининг сабабларидан бири бўлди. Чунки, айрим товарларга чекланган нархларнинг сақланиши катта миқдордаги бюджет маблағларини талаб қилар эди.

Бу каби ҳал этилиши муайян вақт, тузилмавий ислохотлар ва катта маблағлар талаб қилувчи муаммоларни бартараф этишда мамлакатимиз Президентининг вазминлик ва вазиятни пухта ўрганиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишлари ўзининг ижобий натижаларини берди.

Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич, изчил равишда ўтказиш Ўзбекистонга МДҲ даги бошқа мамлакатлардагига нисбатан хўжалик шароитларининг кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик имконини берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий валюта – «сўм» муомалага киритилгунга қадар режали иқтисодиёт йилларида тўпланиб қолган яширин макроиқтисодий беқарорликнинг ўсиши, афсуски, объектив равишда давом этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти белгилаб берган ўтиш тамойилларига мувофиқ ҳолда давлат буюртмалари ва субсидияларнинг бошқа мамлакатлардан фарқли равишда эҳтиёткорона ва босқичма-босқич бекор қилиниши билан бирга, кўпгина тармоқлар ва соҳаларда марказлаштирилган тарзда тартибга солиш ва назоратнинг сақлаб турилганлиги ислохотлар муваффақиятининг муҳим омили бўлди. Бундай мақбул иқтисодий сиёсат ёш мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий ўпирилишларнинг олдини олишга ёрдам берди.

1991–1993 йилларда инфляция даражаси анча юқори бўлиб турди, бу, аввало, МДҲ нинг иқтисодий макони доирасидаги ташқи омиллар билан, шунингдек, бюджетдаги енгил чеклашлар шароитида ички нархларнинг эркинлаштирилиши билан боғлиқ эди.

Шуни қайд этиш лозимки, МДҲ мамлакатларининг ҳукуматлари ҳамда уларнинг марказий банклари, ўз давлатлари ичида ўзаро мувофиқлашмаган молиявий тадбирларни амалга ошириш билан, собиқ Иттифокнинг бутун худудида кўчиб юрадиган инфляция тенденцияларининг юзага келишига сабабчи бўлди.

Бундан ташқари, 1991 йилнинг апрелида амалга оширилган 50 ва 100 рубллик қоғоз пулларнинг алмаштирилиш кампанияси инфляция даражасининг янада ошишига қўшимча омил бўлган эди.

Мустақилликка эришилгандан кейинги дастлабки босқичда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, кўп укладли иқтисодиётни барпо қилиш, корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, самарали ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳолида янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш каби йўналишлар иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлар сифатида белгиланган эди.

Ушбу босқичнинг мураккаблиги шундан иборат эдики, бунда икки муҳим вазифани бирданига ҳал этиш лозим эди. Буларнинг биринчиси маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш бўлса, иккинчиси республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш эди.

Президентимиз иқтисодий ислохотлар ва макроиқтисодий беқарорлик шароитида мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратди ва янгиланишларнинг ҳар бир чора-тадбирини белгилашда ушбу омилни қатъий инобатга олди.

Нарх ислохотларини изчил давом эттириш тадбирлари доирасида 1992 йил 10 январдан бошлаб республикада ишлаб чиқариш-техник мақсадидаги молларга, халқ истеъмол молларига, ишлар ва хизматларга нисбатан асосан шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларга ўтилди. Республика ҳукумати аҳолини химоя қилиш мақсадида, баъзи саноат молларига нархлар ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг айрим турларига тарифларнинг чеклаб қўйилган миқдорларини белгилади.

Ишлаб чиқарувчиларга донни импорт қилиш, нон, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича харажатларнинг бир қисми, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарининг мактаб ўқувчилари ва талабаларга бепул нонушталар бериш ҳамда имтиёзли овқатлантириши юзасидан вужудга келадиган харажатлар республика бюджетидан

қопланадиган бўлди. Бу чакана нархларни 1992 йил давомида ушлаб туришга ёрдам берди.

1993 йилда нархларнинг кескин ўсиши, муомаладаги пул миқдори ва кредит маблағлари ҳажмининг жадал кўпайиши, корхоналарнинг кенг миқёсдаги субсидиялар билан таъминланиши ягона рубль зонасининг барбод бўлишини тезлаштирди.

Республикада унинг ўз молия тизимини барпо этиш жараёни билан бир қаторда, Иттифоқ бюджетидан ажратмаларнинг тўхтатилиши, шунингдек бюджетдан дотациялар ва ажратмаларга харажатларнинг ошиши натижасида юзага келган давлат бюджети тақчиллигининг ўсиши ҳам содир бўлди.

Умумиттифоқ бюджетидан маблағ тушиши тўхтаб қолганлигига ва амалда ишлаб чиқариш ҳажми камайганлигига қарамасдан, молиявий аҳволнинг барқарорлиги таъминланди, амалда давлат сарф-харажатларини чеклашга эришиб, республикада давлат бюджетида етишмовчиликнинг ўсишига йўл қўйилмади. Бунинг учун солиқ-бюджет, пул-кредит сиёсатлари қатъийлаштирилди.

Бюджетдан маблағлар ойма-ой ажратилиб борилди ва у фақат тушган маблағлар доирасида амалга оширилди. Амалга оширилган изчил ва кескин чора-тадбирлар натижасида давлат бюджети тақчиллиги ушбу йилларда ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизидан паст даражада бўлишига, хусусан, 1994 йил давомида унинг ўсишини 1,7 бараварга камайтиришга эришилди.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 40 фоиздан 225 фоизга қадар оширилди, резерв талаблар 10 фоиздан 30 фоизга қадар кўпайтирилди, кредит ва нақд пул эмиссияси кескин камайтирилди.

Ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари ўсиб боришига қараб иш ҳақи фондини тартибга солиб боришнинг жорий қилиниши, аҳолининг шахсий ҳисобрақамлари бўйича депозит ставкаларининг оширилиши пул массаси ортиб боришининг секинлашувига олиб келди.

Бунга мисол тариқасида шуни кўрсатиш мумкинки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилида, яъни 1992 йил 5 майда республика ҳукуматининг 223-сонли қарорига мувофиқ нархларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан аҳоли жамғармаларининг ўз қийматини йўқотишдан муҳофаза қилиш ва аҳоли пул маблағларини қўшимча равишда жалб этиш мақ-

садида омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдори ошириб белгиланди.

Хусусан, омонатлар бўйича фоизлар Ўзбекистон давлат-тижорат жамғарма банки муассасаларида сақланаётган талаб килингунча омонатлар бўйича – 2 фоиздан 3 фоизга, сақланиш муддати 1 йилдан 3 йилгача – 5 фоиздан 7 фоизга, 3 йилдан 5 йилгача – 7 фоиздан 10 фоизга ва 5 йилдан ортиқ муддатга қўйилган депозитлар учун 9 фоиздан 15 фоизга оширилди. Ушбу тадбир нафақат депозитларнинг банк тизимидан чиқиб кетишининг олдини олди, балки шу билан бирга улар ҳажмининг кенгайишига ҳамда банк депозитларига бўлган талабнинг ошишига хизмат қилди.

Собиқ Иттифокнинг тарқалиши сабабли 1992 йилда республикалараро ва ташқи савдо ҳажмлари пасайди. Ўзбекистоннинг собиқ иттифокдош республикалар билан савдо битимларининг 80% га яқини икки томонлама савдо битимлари асосида амалга оширилар эди. Улар нефть ва нефть маҳсулотлари, нодир металллар, пахта ва кимёвий маҳсулотларга тааллуқли эди. Пахта толаси асосий экспорт маҳсулоти бўлиб, нефть ва нефть маҳсулотлари, газлама, ўғитлар, дастгоҳлар ва ускуналар импорт қилинар эди. Бу эса квоталар, лицензиялар ва давлат тақсимооти тизими сингари маъмурий тартибга солиш ва назорат механизмларидан кенг фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Ташқи савдонинг эркинлаштирилиши жараёнида экспорт қилиниши учун лицензия талаб этиладиган товарлар сони 1991 йилдаги 176 тадан 1993 йилда шунинг ярмидан ортиқроқ камайди. Бу тадбир ҳукумат қабул қилган бошқа чора-тадбирлар билан бир қаторда, 1993 йилда ташқи савдо айланиши ҳажмларининг 1992 йилдагига нисбатан кўпайишига олиб келди, аммо валюта бозорини зарур даражада кенгайтириш учун савдо қўламларини янада ошириш вазифаси турар эди.

Ушбу 1991–1993 йиллардаги янги шароитда иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун самарали фискал ва монетар сиёсатни ишлаб чиқиш, юритиш ва уни амалга ошириш, бозор инфраструктураси тўпламини шакллантириш ва, айниқса, миллий валютани муомалага киритиш муқобили бўлмаган заруратга айланган эди.

Оралик валюта сўм-купоннинг муомалада бўлиши. Республикада иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва

бошқа пул даромадларини аҳолига ўз вақтида тўланишини таъминлаш, республиканинг ички истеъмол бозорини муҳофаза қилиш, шунингдек, миллий валютани жорий этиш борасида дастлабки босқични амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги 550-сонли қарорига мувофиқ, 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1961–1992 йилларда чиқарилган нусхадаги рубль билан барабар тўлов воситаси сифатида «сўм-купонлар» муомалага киритилди.

«Сўм-купон»лар 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 «сўм» қиймати билан 1961–1992 йиллар нусхасидаги 1 рублга 1 «сўм-купон» нисбатида ва Россия Банкнинг 1993 йил нусхасидаги қоғоз пуллариға ҳам худди шундай нисбатда муомалага чиқарилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни беришда рубллар билан бир вақтда ва ўз муддатида белгиланган нисбатларда «сўм-купон»лар берилишини таъминлаб борди, 1993 йил декабрь ойи учун пенсия ва стипендиялар тўлиқ «сўм-купон»лар билан тўлаб берилди.

Шу билан бирга, 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб 1961–1992 йиллардаги намуналар бўйича чиқарилган нақд рубль пуллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш тақиқланди. 1993 йилнинг 22 ноябридан Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида купонли варақчалар (бир маротабали купонлар)нинг амалда бўлиши бекор қилинди.

Маълумки, бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва товарларни фақат республика фуқароларига сотиш учун шароит яратиш мақсадида Хукуматимизнинг 1992 йил 2 январдаги «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1-сонли қарорига мувофиқ, 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига сўмларда (рублларда) ҳақ тўлаш билан бирга купонлар бўйича товарлар сотиш жорий қилинган эди.

Шунингдек, ушбу қарор билан идоралар ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга 1992 йилнинг 4 январигача банкларнинг тегишли муассасаларига, 1991 йилнинг декабри-

даги иш ҳақи суммаси ҳисобидан, унинг 1992 йилда ошишини назарда тутган ҳолда зарур миқдордаги купонларга талабномалар тақдим этишлари, Ўзбекистон давлат банкига эса республиканинг бошқа банклари билан биргаликда тушган талабномаларга мувофиқ, зарур миқдордаги купонлар беришни таъминлаш вазифалари топширилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, оралиқ валюта – «сўм-купон»нинг муомалага киритилиши купонлардан фойдаланишга зарурат қолдирмади.

«Сўм-купон»лар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида давлат, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ва аҳоли томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек, банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ҳисобварақларига, омонатларга, аккредитивларга қўшиш учун ва пул ўтказиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийлиги белгиланди.

Шунингдек, ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида, қиймати 25 минг рублдан юқори бўлган товарларнинг ҳаммаси савдо тармоқлари орқали Ўзбекистон Республикасида фақат унинг фуқароларига берилган ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқларига кўра пул ўтказиш йўли билан, паспорт кўрсатилган ва паспортга берилган иловада белги мавжуд бўлган тақдирда сотилиш тартиби жорий этилди.

Халқ хўжалигида ҳисобга олиш ва Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда рубллар ҳисобида юритиш тартиби вақтинчалик сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 ноябрдаги 570-сонли қарорига мувофиқ, собиқ Иттифок Давлат банки ва Россия Банкнинг 1961–1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пуллари МДХ нинг амалда барча мамлакатларида муомаладан тўхтатилганлиги муносабати билан ва республикада ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида, 1993 йилнинг 1 декабридан Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида собиқ Иттифок Давлат банкнинг 1991–1992 йиллар нусхасидаги қиймати 200, 500 ва 1000 рубль бўлган қоғоз пулларини тўлов воситасида қабул қилиш тўхтатилди.

Бунда, кўлида рублдаги нақд маблағлари бўлган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ушбу пул маблағлари Жамғарма банки томонидан тўлиқ қабул қилинди ҳамда махсус фойсиз ҳисобвараққа чекловларсиз ўтказиб борилди.

1994 йил 1 январдан бошлаб Хукуматимизнинг 1993 йил 30 декабрдаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 613-сонли қарори билан собиқ Иттифок Давлат банкининг 1961–1992 йиллар намунасидаги барча қийматдаги пуллари муомалада бўлиши бутунлай тақиқланди. Россия банкининг 1993 йил намунасидаги пуллариға фақат алоҳида ташкил этилган савдо нуқталарида халқ истеъмол молларини сотишга руҳсат этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўм-купоннинг харид куввати-ни ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 1994 йил 15 апрелдан республика ҳудудида Россия Банки банкноталаридан тўловларда фойдаланиш тақиқланди ва сўм-купон ягона қонуний тўлов воситаси бўлиб қолди.

Сўм-купон муомалада бўлган киска вақт ичида – бор-йўғи етти ярим ойда қанчалик улкан ишлар қилинганлигини аниқ тасаввур қилиш учун ушбу даврни куйидаги босқичларга ажратган ҳолда келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1) **1993 йил 15 ноябрдан** муомалага киритилган «Сўм-купон»лар собиқ Иттифок Давлат банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган 1961–1992 йиллар намуналари бўйича чиқарилган қоғоз пуллари, собиқ Иттифок Давлат банки ва Россия Банкининг қиймати 200, 500, 1000 рубль бўлган 1991–1992 йиллар намуналари бўйича чиқарилган қоғоз пуллари, Россия Банкининг 1993 йил намуналари бўйича чиқарилган қоғоз пуллardan параллел тўлов воситаси сифатида фойдаланилди.

Россия банкининг қиймати 5 000 ва 10 000 рубль бўлган қоғоз пуллари тўлиқ муомаладан чиқарилди, уларни майда купюраларга алмаштириш тақиқланди.

2) **1993 йилнинг 1 декабридан** собиқ Иттифок Давлат банки ва Россия Банкининг қиймати 200, 500, 1000 рубль номиналдаги 1961–1992 йиллар намуналари бўйича чиқарилган қоғоз пуллари бутунлай муомаладан чиқарилди.

3) **1994 йил 1 январдан** бошлаб собиқ Иттифок Давлат банкининг 1961–1992 йиллар намунасидаги барча қийматдаги

пуллари муомалада бўлиши бутунлай тақиқланди. Россия Банкининг 1993 йил намунасидаги пуллариға фақат алоҳида ташкил этилган савдо нуқталарида халқ истеъмоли молларини сотишға рухсат этилди.

1993 йил 15 декабрдан қиймати 50 ва 100 рубль ва 1994 йилнинг 1 январидан қиймати 1, 3, 5, 10, 25 рубль бўлган қоғоз пуллар муомаладан чиқарилди, 1993 йилнинг 6 декабридан ушбу банкнотларни омонатларға қабул қилиш тўхтатилди.

4) **1994 йил 15 апрелдан** Россия Банки банкноталарининг муомалада бўлиши тақиқланиб, республика ҳудудида сўм-купон ягона қонуний тўлов воситасига айлантирилди.

Миллий валютамик – «Сўм»нинг 1994 йил 1 июлдан муомалаға киритилиб, республика ҳудудида ягона тўлов воситасига айлантирилганидан кейин сўм-купонлар 1994 йилнинг 1 августига қадар муомалада бўлиб турди ва ушбу санадан уларни тўловға ва омонатларға қабул қилиш тўхтатилди.

Оралиқ валюта – «сўм-купон»нинг мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида муомалаға киритилиши ва собиқ давлат банки купюраларининг муомаладан босқичма-босқич чиқарилиши – мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаги муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди. Ушбу тадбир суверен мамлакатнинг асосий белгиларидан бири бўлган миллий валютани жорий этиш йўлидаги ўта жиддий синов, тайёргарлик, куч ва тажриба тўплаш босқичи бўлди, дейиш мумкин.

Шу билан бирға, ушбу восита орқали мамлакат ички бозори рублнинг стихияли, вайрон қилувчи интервенциясидан сақлаб қолинди, макроиктисодий вазият изға туширилди ва энг муҳим жиҳатларидан бири, имкониятлар ниҳоятда чекланган бўлишиға қарамасдан, аҳолини энг зарур истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш муваффақиятли бажарилди.

Амалға оширилган чора-тадбирлар, эришилган натижалар миллий валютамик – «Сўм»ни муомалаға киритишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Сўм-купонлар муомаласини нормаллаштириш орқали миллий валютамикни жорий этишға асос яратиш тўлиғича бажарилди. Сўм-купонлар муомалаға киритилган пайтданок уни чет эл валюталариға конвертация қилиш бошланди ва сўм-купонларнинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, пул муомаласи-

ни барқарорлаштиришга, истеъмол бозорини тўлдиришга ва экспортни оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сўмнинг барқарор муомалада бўлишига замин яратди.

Миллий валюта – «Сўм»нинг муомалага киритилиши.

Миллий валютамиз – «Сўм»нинг муомалага киритилиши улкан тарихий воқелик сифатида Ўзбекистонда самарали пул-кредит тизимини яратиш жараёнларининг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ўта муҳим воқеа мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичини бошлаб берган илк қадам, деб баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта – ягона қонуний тўлов воситаси бўлмиш «Сўм»нинг муомалага киритилиши ҳақиқатан ҳам инқилобий қадам бўлди. Бу иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигидан дарак берди.

Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги ПФ-870-сонли Фармониға мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1000 сўм-купонга бир «сўм» нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – «Сўм» муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – «Сўм» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 «сўм» бўлган банк қоғоз пуллари – банкнотлар ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 «тийин» бўлган металл тангалар ҳолида нақд пуллар муомалага чиқарилди. Кейинчалик, 1997 йилдан 200 «сўм» ва 2001 йилдан 500 ва 1000 «сўм» бўлган банк қоғоз пуллар – банкнотлар муомалага киритилди.

Миллий валютани жорий этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқланиб, унинг зиммасига нақд пулларни алмаштиришга ҳамда пул муомаласига оид барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал қилиш вазифалари юклатилди.

Сўм-купонларни алмаштириш учун аҳолиға зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва миллий валютаға ортиқча

қийинчиликларсиз эркин ўтилишини таъминлаш мақсадида, 1994 йилнинг 1 августига қадар барча турдаги тўловларга, шунингдек фуқароларнинг омонатларига ва Ўзбекистон Республикаси доирасида пул ўтказиш учун миллий валюта билан бир қаторда 1000 сўм-купонга 1 «сўм» нисбати билан ҳеч қандай чекловларсиз сўм-купонларни қабул қилишга рухсат берилди. Аҳолига хизмат кўрсатаётган республиканинг барча савдо ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналари, ташилотлари ва муассасалари зиммасига мазкур талабнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси тегишли вазирликлар ва идораларига ушбу тартибга риоя қилишни назорат қилиш ҳамда ушбу даврда сўм-купонларга товарлар сотишдан ва хизмат кўрсатишдан бош тортган савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи шахсларни жавобгарликка тортиш ваколати берилди.

Мазкур қарорга асосан, Ўзбекистон Республикасининг банк муассасалари томонидан 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб сўм-купонларни муомалага чиқариш тўхтатилди. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турлари фақат миллий валюта – «Сўм» билан амалга оширилишини эътиборга олиб, аҳолига 1994 йилнинг 1 августига қадар қолган сўм-купонларни омонатларга чекловларсиз қўйиш тавсия этилди. Жамғарма тармоғига эга бўлган «Ўзжамғармабанк» ва республиканинг бошқа тижорат банклари 1994 йил 1 августидан бошлаб сўм-купонларни омонатларга қабул қилиш тўхтатилди.

Яна бир муҳим воқеа, 1994 йил 28 июндан 5 июлгача бўлган даврда 1994 йил июнь ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақи, шунингдек, 1994 йил июль ойи учун пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» ва республиканинг бошқа банклари томонидан илк марта миллий валюта – сўмларда берилди.

1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм қонуний тўлов воситаси эканлиги ҳамда сўмлар ва тийинлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларида қатъи назар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар томонидан олдин очилган омонатларга ва ҳисобварақларига қўшиб

қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Аҳолининг хорижий валютадаги жамғармаларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш мақсадида, республиканинг вакил қилинган банклари томонидан 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб тегишли валюта айирбошлаш шохобчалари орқали эркин муомаладаги валютани «Сўм»га чекловларсиз алмаштириб бериш йўлга қўйилди.

Дастлаб, валюта алмаштириш операцияларини ўтказиш ҳуқуқи фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкининг ихтисослаштирилган пунктларига берилган бўлса, аҳолига қулайликлар яратиш ва валютани алмаштиришнинг доирасини кенгайтириш мақсадида, 1994 йил 1 сентябрдан бундай ҳуқуқ барча ваколатли банкларга берилди.

Ушбу қарорга мувофиқ мулкчилик шаклларида қатъи назар, республиканинг барча ҳўжалик юритувчи субъектлари ва банк муассасалари 1994 йилнинг 1 июлигача бўлган ҳолатда ҳисобварақларидаги, омонатларидаги ва мажбуриятларидаги маблағларни, шунингдек иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва бошқа тўловларнинг миқдорларини 1 сўмга 1000 сўм-купон нисбати билан қайтадан ҳисоблаб чиқдилар.

«Ўзжамғармабанк» ва республиканинг бошқа тижорат банклари томонидан мазкур қарорга мувофиқ аҳолининг омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақларидаги операциялар 1994 йилнинг 1 сентябрига қадар фақат ҳисоб-китоб чеклари, чек дафтларчалари ёки омонатчиларнинг топшириқлари бўйича пул ўтказиш йўли билан, 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб эса омонатчиларнинг хоҳишига кўра нақд пулда ҳам амалга оширилди.

Миллий валюта – «Сўмни» жорий этиш ҳамда муомалада бўлган сўм-купонларни белгиланган муддатларда йиғиштириб олиш борасидаги ишларни ташкил этиш, бажариш ва назорат қилиш «Миллий валютани жорий этиш механизми» тўғрисидаги ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлиқ ва муваффақиятли амалга оширилди.

Миллий валютанинг муомалага киритилиши мамлакатимизнинг мустақил банк тизими шаклланишидаги сифат жиҳатидан янги босқичнинг бошланиши бўлди. Бу даврда Марказий банк асосий эътиборни макроиқтисодий барқарорликни

таъминлашга ва шу асосда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий ўсиш учун қулай шароитлар яратишга қаратди.

Миллий валютани муомалага киритиш иқтисодиёт жиловини ўз қўлимизга олиш имконини берди. Ана шу ҳолат ўша вақтда республикада юз берган муҳим ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлди.

Марказий банк фаолияти пул-кредит сиёсатини ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, унинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш, самарали тўлов тизимини йўлга қўйиш каби юксак мақсадга эришишга йўналтирилди.

Пул-кредит сиёсати биринчи навбатда инфляцияни жиловлаш ва унинг даражасини кескин тушириш ҳамда ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш асосида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга қулай шарт-шароитлар яратиш ва иқтисодиётдаги тўлов тизимини кучайтиришга йўналтирилди.

Режали иқтисодиёт йилларида тўпланиб қолган яширин макроиқтисодий беқарорликнинг «ошқор» бўлиши Ўзбекистоннинг мустақил бўлганидан кейин юз берди ва миллий валюта жорий этилган вақтга тўғри келди. Иқтисодий ислохотларнинг ана шу дастлабки йилларида яширин макроиқтисодий номутаносибликлар инфляция суръатларининг тезлашишида, давлат бюджети тақчиллигининг ўсишида, миллий валютанинг девалвациясида ва савдо баланси аҳволининг ёмонлашувида намоён бўлди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва соғломлаштириш, молия институтлари ва бозорларини шакллантириш, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишидаги иқтисодий ютуқлар айнан миллий валютанинг жорий этилиши самарасидир.

Натижада, муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатлари сезиларли даражада камайди. Бу эса, инфляция даражаси ва фоиз ставкаларининг пасайишига ҳамда макроиқтисодий барқарорлик таъминлашига замин яратди. Чунончи, ўртача ойлик инфляция суръати 1994 йилдаги 30 фоиздан 1996 йилда 4,2 фоизгача қисқарди, яъни республикамизда 1996 йилдаёқ МДХ мамлакатлари ичида биринчилар қатори ЯИМ нинг пасайиш тенденциясига чек қўйилди ва ўша йил унинг реал ўсиш суръати 1,6 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг бу ютуғини кўплаб халқаро нуфузли ташкилотлар, масалан, «Plan Econ» номли халқаро ташкилот собиқ Иттифок мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, Ўзбекистон ва Эстония ўтиш даврида олдинги ишлаб чиқариш даражасига эришганлигини эътироф этдилар.

Умуман олганда, банк тизимини ривожлантиришда, пул муомаласида, ислохотларни чуқурлаштиришда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда чуқур ижобий силжишлар рўй берди.

Сўмнинг барқарорлиги ва соғлом банк-молия тизимининг шаклланиши ва изчил пул-кредит сиёсати иқтисодиётнинг айрим жабҳаларидаги қолоқликни тугатиб, илғор рақобатбop соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилди.

Сўмнинг муомалага киритилиши катта ижобий ўзгаришларга, жумладан, иқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига, инфляциянинг бирмунча пасайишига олиб келди.

Шуни айтиш керакки, қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширган ҳолда инфляцияни жиловлашдан мақсад аҳоли омонатларини қадрсизланишдан ҳимоялаш бўлди. Ўз навбатида, инфляцияни пасайтириш орқали сўмнинг ички айирбошланишини таъминлаш миллий иқтисодиётимиз ривожини ва халқимиз фаровонлигининг ўсишини янада тезлаштирди.

Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувоzanатларнинг бузилиши ётади. Шу сабабли инфляцияга қарши кураш – уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қодир бўлган, бақувват тузилмавий ислохотларни амалга оширишдир. Бир қатор чет мамлакатларнинг инфляцияга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадди, улар инфляция билан иқтисодиёт структурасининг бузилиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, муомала соҳасини қатъий бошқариш ва тўловга қобилиятли ортиқча умумий талабни бартараф этиш билангина чекланмадилар. Муайян мақсадларга қаратилган йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Бу дастурлар ана шу номутаносибликни тугатиш ва бинобарин, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш имконини берди.

Президент И.А. Каримов миллий валютаимиз муомалага киритилган дастлабки йилда банк тизими ва умуман, жамиятимиз олдига қуйидаги вазифани қўйган эдилар: «Бугунги энг муҳим вазифа – валютаимизни бақувват, дунёда обрўли валютага ай-

лантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш – умуммиллий вазифа»¹. Республикамиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқдир. Шу сабабли ислоҳотлар иккинчи босқичининг стратегик жихатдан устувор вазифаси сўмнинг қувватини тобора ошириб бориш эди. Унинг ички алмашинувига, бақувват валюталар билан эркин алмашинувига эришмоқ лозим эди. Ҳар биримизнинг, республика аҳолисининг, ҳар бир корхонанинг иқтисодий аҳволи миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқлиги аниқ-равшан эди.

Мамлакатимизда пул муомаласини бир маромга солиш, истеъмол бозорини тўлдириш ва экспортни кўпайтиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сўмнинг барқарор муомалада бўлишига замин яратди. Мазкур жараён кўп жихатдан иқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига, пулнинг кадрсизланиши бирмунча пасайишига олиб келди.

Миллий валютага ўтиш иқтисодий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичларидан бири сифатида биздан мўътадил чекланган кредит сиёсатини амалга оширишни талаб этди. Пул массасини ҳаддан ташқари чеклаш охир-оқибатда иқтисодий ўпирилишларга ва ижтимоий тангликка олиб келишини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа республикалар мисолида кўрдик. Шу туфайли ҳам Марказий банк ўз фаолиятида, пулнинг кадрсизланишига қарши йўналтирилган пул-кредит сиёсатини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан мувофиқлаштириб ва узвий боғлаб олган тақдирдагина бу сиёсат муваффақиятли амалга ошади, деган тамойилга асосланиб келмоқда.

Шу боисдан, Марказий банк пул массаси ўсишининг аниқ мақсадга қаратилган йўналишларини белгилаб, кредитларни қисқартириш чораларини кўрди. Бу тадбирлар Ҳукуратимиз томонидан тасдиқланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун қатъийлаштирилган пул-кредит сиёсати олиб борилди. Пулнинг кадрсизланишини пасайтириш мақсадида Марказий банк сўмнинг қадрини ошириш, харид қувватини мустаҳкамлаш ва пул эмиссиясини қисқартириш учун марказлаштирилган ресурслар ажратишни кескин камайтириб, уларни асосан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

стратегик соҳаларга йўналтирди. Реал фоиз ставкаларининг шакллантирилиши эса хўжаликларни кредит ресурслари ва ўз маблағларидан янада самарали фойдаланишга туртки берди.

1995 йилнинг май ойида давлатимиз раҳбари Халқаро Валюта жамғармаси раҳбари М. Камдессю билан учрашуви чоғида юқори мартабали мутахассис республикамизнинг порлоқ келажагига ишонч билдириш билан бирга «Сўм»нинг истиқболи ҳақида шундай деди: «Республика раҳбарияти танлаган ислоҳотлар йўли ғоят тўғри йўлдир ва Ўзбекистон халқи ўтиш даври қийинчиликларини муваффақият билан енгиб, XXI асрда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига аминман»¹. Шу сингари кўплаб хорижлик мутахассисларнинг бундай фикр-мулоҳазалари Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банк иқтисодий ислоҳотлар йўлидан тўғри бораётганини яна бир бор намоён этди.

Хусусан, эришилган ижобий натижалар асосида ўша йили Жаҳон банки ислоҳотларни чуқурлаштиришга 187 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган эди. Ўзбекистон учун бу кредитларнинг миқдори эмас, балки халқаро ташкилотларнинг бизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тан олиши аҳамиятлидир. Ушбу даврда тузилган шартномалар Ўзбекистон Ҳукумати иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини яна бир карра исботлади ва мамлакат молиявий барқарорлигини ишбилармонлар дунёсига очиқ кўрсатиб берди.

Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки йилларда иқтисодиётимизда изчил ривожланиш тенденциялари кузатилди. Агар 1996 йилни иқтисодий ўсиш омиллари юзига кела бошлаган йил деб ҳисобласак, ўшандан буён ишлаб чиқаришнинг умумий ўсишига эришилди. Бир қатор янги ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди, ўн минглаб янги иш жойлари яратилди.

Қатъий молия ва пул-кредит сиёсати 1995 йилдан бошлаб янада чуқурлаштириб борилди. Хусусан, пулнинг кадрсизланиши даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир.

Миллий валюта муомалага киритилганидан кейинги дастлабки йилларда Марказий банк пул-кредит сиёсатни юмшоқ

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

тарзда юритиб, марказлашган кредитлар мамлакатнинг муҳим тармоқларини молиялаштириш билан бирга давлат корхоналарини айланма маблағлар билан таъминлашга ҳам йўналтирилди.

1996 йилда республиканинг ўтиш давридан сўнг биринчи бор 1,6 фоизлик ўсиш таъминланиши мамлакат иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорликка эришилганлигини кўрсатди. Ташқи савдо айланмаси бир йилда 1,4 мартага ўсиб, бюджет дефицити ЯИМ нинг 3 фоизидан ошмади. Хомашё ва истеъмол бозорларидаги таркибий дисбаланслар ташқи савдо ва ишлаб чиқаришни тикланганлиги ҳисобига бартараф этилди. Пул массасининг ўсиши тенденцияси 1996 йилда 1995 йилга нисбатан деярли 2 баробарга камайтирилди.

Пул-кредит соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар инфляция суръатини пасайтиришдаги муваффақиятни таъминлади.

Хусусан, Марказий банк томонидан самарали пул-кредит сиёсати олиб борилиши натижасида инфляция даражасини 1994 йилдаги 1132 фоиздан 1997 йилда 27,6 фоизгача пасайтириш имконини яратди. Бу эса ўз навбатида қайта молиялаш ставкасини 250 фоиздан 36 фоизгача пасайтирилишига олиб келди.

Қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиб борилиши тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган кредит ресурсларининг арзонлашувига олиб келди ва бу ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг банклар кредит маблағларидан фойдаланишига кенг йўл очиб берди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни кредитлашни кенгайтириш ва шу асосда барқарор иқтисодий ўсиш жараёнларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Пул бозоридаги молия институтларини шакллантириш жараёнида мажбурий резервлар сиёсати иқтисодиётдаги пул массасини тартибга солиш ҳамда бунинг натижасида Марказий банкда сақланиладиган мажбурий захираларнинг банклар ликвидлигини тартибга солиш қўшимча воситаси сифатида қўлланилди. Марказий банк мазкур инструментдан, бир томондан ушбу мақсадларда фойдаланган бўлса, иккинчи томондан банкларнинг узок муддатли ресурслари миқдорини оширишга қаратилган сиёсат юритишда фойдаланмоқда.

Ушбу даврда тижорат банклари томонидан маблағларни Марказий банкда мажбурий захираларда сақлаш тартиби ҳам такомиллаштириб борилди. Марказий банк тижорат банкларининг молиявий аҳволини яхшилаш ва ликвидлигини ошириш ҳамда пул массаси ўсишини чеклаш мақсадида, халқаро банк амалиёти тажрибасидаги ўрнатилган меъёрлардан келиб чиқиб, 2002 йилдан тижорат банклари томонидан маблағларни Марказий банкда мажбурий захиралашнинг янги тартибини (ўртача ойлик) амалиётга татбиқ этди.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши пул-кредит соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди, яъни пул мультипликаторини пасайтириш орқали муомаладаги пул массасини бирмунча камайтириш имконини берди.

1996 йилдан давлат қисқа муддатли облигацияларининг (ДҚМО) муомалага чиқарилиши, бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляциявий манбаси бўлиб, 1997 йилда 1996 йилга нисбатан бюджет камомадини эмиссиявий қопланишини 2 мартага камайтиришга хизмат қилди. Иккинчи томондан эса, ДҚМОлар тижорат банклари учун ўз маблағларини рисксиз активларга йўналтириш ва даромад олиш манбаига айланган бўлса, Марказий банк учун очиқ бозордаги операцияларни амалга ошириш имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли Қарори Марказий банк томонидан пул массаси устидан янада самарали назоратни таъминлаш имкониятларини яратди.

Мазкур қарорга асосан пул агрегатларини тартибга солишнинг янги механизмлари жорий этилди.


Хусусан, касса режаларини шакллантириш тизими бекор қилинди. Пул массаси устидан самарали назоратни таъминлаш имконини берувчи пул агрегатлари, банк тизимининг ликвидлиги ва пулга бўлган талабнинг факторлар бўйича таҳлили ва динамикасини моделлаштириш ҳамда тижорат банкларининг ликвидлигини қисқа муддатли тартибга солишнинг бозор воситалари, шу жумладан фоиз ставкалари ва мажбурий захиралар нормасини бошқариш, валюта депозитлари, давлат қимматли қоғозлари ва бошқа биринчи даражали активлар гарови асосида кредитлар бериш ва уларни жалб қилиш усулидан кенг фойдаланиш кўзда тутилди.

Марказий банк томонидан депозит операцияларининг «овер-найт» (1 кун муддатга), «том-нект» (1 кун муддатга, кейинги кундан бошлаб), «спот-нект» (1 кун муддатга, 2 кундан сўнг), «1 ҳафта», «2 ҳафта» шартлари асосида ўтказилиб борилди.

Ушбу тадбир тижорат банкларидаги ортиқча маблағларни Марказий банкка жалб қилиш, муомаладаги пул массасини камайтириш асосида инфляция суръатларини янада пасайтиришга қулай шарт-шароитлар яратди.

2.1-чизма

Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари (қайта молиялаш, мажбурий захиралар ва очик бозордаги операциялар) орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси



Мустақиллик йилларида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг билвосита инструментларининг ҳар бирининг қўлланилиш тарихига батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси. Ўтган даврда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг асосий ва замонавий воситаларидан бири бўлган қайта молиялаш ставкасидан кредитга бўлган талабни бошқариш ва муомаладаги пул массаси ҳажмини тартибга солиш орқали нархлар ўсишини жиловлаш ва пасайтириш мақсадида фойдаланилди.

Халқаро банк амалиётига мувофиқ республикамизда қайта молиялаш ставкаси амалдаги ва қутилаётган инфляция даражасидан, пул бозорида пулга ва кредит маблағларига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб борилди.

Ўзбекистонда 1994 йилнинг ўрталарига қадар қайта молиялаш ставкаси турлича белгиланар эди. Чунки, эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳали ўз миллий валютасига эга бўлмаётган республикада мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти йўқ эди. Натижада Марказий банк ҳар бир тармоқнинг хусусиятидан келиб чиқиб, турли хил банклар учун тузилган шартномага кўра турли фоиз ставкаларини белгилаб келди. Масалан, ушбу кўрсаткич 1991 йил учун 8 фоиздан 12 фоизгача, 1992 йилда 8 фоиздан 17 фоизгача, 1993–1994 йилларда эса 45 фоиздан 225 фоизгача ораликда белгиланган¹.

Миллий валюта муомаласага киритилган пайтда қайта молиялаш ставкаси йилига 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо миллий валюта муомаласага киритилгунга қадар мавжуд бўлган инфляциянинг инерция кучи шу даражада катта эдики, тезда қайта молиялаш ставкасининг бу даражаси етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Инфляцияни пасайтириш борасида янада қатъийроқ сиёсат юритиш мақсадида Марказий банк 1994 йил октябрь ойидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини 150 фоиздан 225 фоизгача кўтарди. 1995 йил февраль ойида қайта молиялаш ставкаси 250 фоизгача оширилган бўлса, март ойидан бошлаб у 300 фоиз этиб белгиланди²:

2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
қайта молиялаш ставкаси**

Амал қилиш муддати	Қмс*
2011 йил 1 январдан	12
2006 йил 15 июль – 2010 йил 31 декабрь	14
2006 йил 1 январь – 2006 йил 14 июль	16
2004 йил 21 декабрь – 2005 йил 31 декабрь	16
2004 йил 5 июль – 2004 йил 20 декабрь	18
2003 йил 10 сентябр – 2004 йил 4 июль	20
2003 йил 16 июль – 2003 йил 9 сентябрь	24
2002 йил 1 январь – 2003 йил 15 июль	30
2000 йил 1 июль – 2001 йил 31 декабрь	24
2000 йил 1 июнь – 2000 йил 30 июнь	27,6

¹ Муллажонов Ф.М. Банковская система в годы независимости. Т.: 1996 г. С. 80–81.

² Ўша ерда.

2000 йил 1 май – 2000 йил 31 май	28,8
2000 йил 1 апрель – 2000 йил 30 апрель	30
1998 йил 1 январь – 2000 йил 31 март	36
1997 йил 1 ноябрь – 1997 йил 31 декабрь	30
1997 йил 1 январь – 1997 йил 31 октябрь	39,6
1996 йил 1 август – 1996 йил 31 декабрь	48
1996 йил 1 июль – 1996 йил 31 июль	60
1995 йил 1 август – 1996 йил 30 июнь	84
1995 йил 1 июль – 1995 йил 31 июль	120
1995 йил 20 март – 1995 йил 30 июнь	300
1995 йил 1 февраль – 1995 йил 19 март	250
1994 йил 1 октябрь – 1995 йил 31 январь	225
1994 йил 2 май – 1994 йил 30 сентябрь	150

* Қайта молиялаш ставкаси

Айни вақтда ушбу даврда инфляция даражаси қайта молиялаш ставкасига нисбатан анча юқори бўлган ва реал фоиз ставкаси амалда манфий даражага тушиб қолган эди. Ушбу ҳолат фақат Ўзбекистонда эмас, балки барча МДХ мамлакатларида ҳам мавжуд эди.

2.2-жадвал

Баъзи МДХ мамлакатларида йиллик инфляция даражаси ва қайта молиялаш ставкалари динамикаси (фоизларда)¹

Давлатлар	1994			2010		
	Инф*	Қмс**	Рфс***	Инф*	Қмс**	Рфс***
Россия	307,6	215	-92,6	8,8	7,75	-1,05
Украина	891,2	252	-639,2	9,1	7,75	-1,35
Беларусь	2221,0	480	-1741	7,8	10,5	2,7
Арманистон	36,2	210	173,8	8,2	7,25	-0,95
Озарбайжон	1664,5	200	-1464,5	5,7	3,0	-2,7
Қозоғистон	1876,5	230	-1646,5	7,8	7,0	-0,8
Қирғизистон	1208,7	94,1	-1114,6	8,0	5,64	-2,36
Ўзбекистон	1132,2	225	-907,2	7,3	14,0	6,7

*Инфляция даражаси; **Қайта молиялаш ставкаси; ***Реал фоиз ставкаси

¹ ХВФ материаллари – International Financial Statistics


Ўтиш иқтисодиётининг дастлабки йилларида бюджет-солиқ сиёсатининг нобарқарорлиги, хусусан катта ҳажмдаги бюджет тақчиллиги Марказий банк томонидан иқтисодиётни тўғридан-тўғри кредитлашни талаб қилар эди.

Шундай ҳолатда молия бозорининг мавжуд бўлмаслиги ва молия секторининг яхши ривожланмаганлиги иқтисодиётда қайта молиялаш ставкаси ролини пасайтирар эди. Шунинг учун ўтиш иқтисодиётининг бошланғич йилларида барча МДХ мамлакатларидаги каби манфий реал фоиз ставкалари кузатилди.

Ҳозирда Марказий банк миллий валютаимиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида, халқаро амалиётга мос равишда монетар сиёсатни амалга оширмоқда ва шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги ривожланишдаги асосий эътибор иқтисодиётда фоиз ставкаларининг таъсирчанлигини босқичма-босқич кучайтиришга қаратилмоқда.

2.2-чизма

1995–2010 йилларда инфляция ва қайта молиялаш ставкаларининг динамикаси, йиллик ҳисобда, фоизларда



Аmmo мамлакатимизда ўтиш даврининг дастлабки йилларидаги зарурият туфайли, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини маблағ билан таъминлаш учун Марказий банк томонидан ажратилган марказлашган кредитлар қайта молиялаш ставкаси асосида эмас, Ҳукумат қарорлари асосида имтиёзли фоизларда берилди.

Пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш ва мавжуд қоидаларни бозор усулларига мослаштириш мақсадида ушбу соҳада янги механизмлар амалиётга киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 феврал-

даги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли Қарор қабул қилиниши билан пул-кредит сиёсатини олиб боришда бозор иқтисодиёти қоидаларига амал қилиш бўйича бир қатор ижобий муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, бюджет тақчиллигини қоплаш учун марказлашган имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётига чек қўйилди ва аввал ажратилган кредитлар қайтарилиши бўйича чоралар кўриб борилди.

Кредит сиёсатининг бозор механизмларидан кенг фойдаланилиши тез орада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Хусусан, Марказий банк олиб борилаётган монетар сиёсатни, жумладан фоиз сиёсатини барқарорлигини таъминлашда инфляция даражасининг пасайиши ва пул бозоридаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда қайта молиялаш ставкасини пасайтириб борди. 1996 йилнинг бошланишида бу кўрсаткич 84 фоиз бўлган бўлса, 2001 йилга келиб 24 фоизни, 2006 йилда 14 фоизни ва 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб 12 фоизни ташкил қилмоқда.

Инфляциянинг паст даражада бўлиши натижасида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилиши миллий валюта миқдори барқарорлашиб бораётганлигидан далолат беради ва реал ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига хизмат қилади.

Сўнгги даврда қайта молиялаш ставкаси иқтисодиёт иш-тирокчиларига инфляция даражаси тенденцияси ҳақида маълумот бериш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, кредитлаш ва депозитга жалб қилиш фаолияти билан шуғулланаётган молиявий ташкилотлар ушбу кўрсаткичдан нархлар ўзгариши бўйича мўлжал сифатида фойдаланиб келмоқдалар. Буни тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари динамикасидан кузатиш мумкин. Жумладан, инфляция даражаси ва қайта молиялаш ставкаси юқори бўлган даврда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари, масалан 1999 йилда 33,7 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 14,2 фоизгача пасайди. Бу эса кредитларнинг арзонлашаётганлигидан ва ҳамма учун қулай бўлаётганлигидан далолат бермоқда.

**Қайта молиялаш ставкаси ва миллий валютада
ажратилган қисқа муддатли кредитлар бўйича
фоиз ставкалари динамикаси**



Марказий банк томонидан пулга бўлган реал талабдан келиб чиқиб қайта молиялаш ставкасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши, республикамизда макроиктисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Марказий банк мажбурий захира талаблари. Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг замонавий воситаларидан бири бўлган мажбурий захира талабларидан ҳам пул миқдорини бошқаришда фаол фойдаланиб келинмоқда.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ривожланган давлатлар марказий банклари томонидан пул масасини тартибга солиш воситаси сифатида мажбурий захира нормалари пасайтирилмоқда ёки ушбу воситада умуман ишлатилмаяпти. Чунки мажбурий захира талаблари ўрнатилиши тижорат банкларининг иқтисодиётни кредитлаш имкониятларини чегаралаб қўяди. Жумладан, 1990 йили АҚШда муддатли депозитлар бўйича мажбурий захира талаблари бекор қилинди, Канадада 1992 йилнинг июн ойидан бошлаб омонатларнинг барча турлари бўйича мажбурий захира талаблари икки йил муддатга бекор қилинди. Бундан ташқари, Швейцария, Янги Зеландия ва Австралияда ҳам мажбурий захира талаблари умуман бекор қилинди. МДХ давлатларида ҳам юқорида қайд қилинган давлатлардаги каби ўхшаш тенденцияни кузатиш мумкин.

**2010 йилда МДХ мамлакатларида паст даражада
ўрнатилган мажбурий захира меъёрлари, фоизларда**

Давлатлар	Мажбурий захира меъёрлари
Россия	Барча мажбуриятлар учун 2,5 %
Тожикистон	Миллий валютадаги депозитлар бўйича 7,0 фоиз, хорижий валютадаги депозитлар бўйича 9,0 фоиз
Озарбайжон	Барча депозитлар учун 0,5 %, норезидент банклар ва молия институтлари мажбуриятлари учун 0,0 фоиз
Беларусь	Жисмоний шахсларнинг маблағлари бўйича 0,0 %, юридик шахсларнинг миллий валютада- ги маблағлари бўйича 6 %, хорижий валютадаги маблағлар бўйича 6 %.

Ўзбекистонда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг ушбу воситасидан пул массасини тартибга солиш воситаси сифатида 1994 йилдан бошлаб фойдаланиб келинмоқда.

Миллий валютанинг муомалага киритилиши ва қатъий пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши натижасида 1995–1997 йилларда инфляция суръатлари сезиларли даражада пасайди. Натижада тижорат банкларининг реал секторга кредит бериш фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида мажбурий захира талаблари меъёрлари ҳам пасайтирилди. Ушбу меъёр 1996 йилнинг июлидан эътиборан 30 фоиздан 25 фоизгача туширилди¹.

Миллий валютага бўлган ишончни ошириш, банк тизими учун маблағларнинг барқарор манбаасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ тижорат банкларига фуқароларнинг банклардаги

¹ Муллажонов Ф.М. Банковская система в годы независимости. Т.: 1996. С. 80–81.

омонатларини кафолатлаш тизими яратилди. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг жисмоний шахслардан жалб қилган депозитлари мажбурий захира фондига депонентлашдан озод қилинди.

Шунингдек, Марказий банкда мажбурий захираларга депонентлашнинг ўртача ойлик методологиясига ўтилиши (ой охиридаги маълумотлардан фойдаланиш ўрнига) пул кредит сиёсатининг ушбу воситасидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Халқаро банкчилик тажрибасини ўрганган ҳолда янги таҳрирдаги «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 18 январда 1444-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди ва 1 февралдан кучга киритилди.

Ушбу Низомга асосан миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира талаблари меъёри 20 фоиздан 15 фоизгача туширилди ва хорижий валютадаги депозитлар учун эса 5 фоиз миқдоридан мажбурий захира талаблари қўлланила бошланди.

2.4-жадвал

Марказий банк мажбурий захира талаблари* (фоизда)

Амал қилиш муддати	Юридик шахсларнинг талаб қилиб олинган ва 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатли депозитлари учун	Юридик шахсларнинг муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун	Юридик шахсларнинг 3 йилдан ошмиш муддатли депозитлари учун	Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари учун
1994 йил 1 майдан	30		10	30
1995 йил 1 январдан	25		10	25
1996 йил 1 июлдан	25		10	
1997 йил 1 декабрдан	20		10	
2000 йил 1 майдан	20			
2005 йил 1 февралдан	15			5

2005 йил 1 августдан	15			8
2007 йил 1 сентябрдан	13			
2008 йил 1 ноябрдан	15			
2009 йил 1 сентябрдан	15	12	10,5	Чет эл валю-тасидаги депозит-лар учун ҳам шу меъёр-лар ўр-натилган

* Изоҳ: Амалдаги талаблар «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2004, 2009 йил 9 сентябрь) Низомга мувофиқ ўрнатилган.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги қарорига асосан, мажбурий захиралар миқдори 2005 йил 1 августдан эътиборан жалб қилинган депозитлар ва омонатлар турлари бўйича барча банклар учун бир хилда, миллий валютада жалб қилинган депозитлар бўйича – 15 фоиз, хорижий валютада жалб қилинган депозитлар бўйича – 8 фоиз қилиб белгиланди.

Пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида, 2009 йилнинг 1 сентябридан мажбурий резервлар нормаси тижорат банклари депозитларининг муддатига қараб табақалаштирилди. Жумладан, мажбурий резервлар нормаси, муддати 1 йилгача бўлган депозитлар бўйича – 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар бўйича – 10,5 фоиз миқдорида ўрнатилди.

Мажбурий резерв талаблари механизмига киритилган ўзгартиришлар унинг самарадорлигини янада оширди.

Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари. Ҳозирги пайтда халқаро банк амалиётида очиқ бозор операциялари пул-кредит сиёсатининг асосий воситаси ҳисобланади ва одатда Марказий банк томонидан йирик банклар ҳамда

бошқа молия-кредит муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилади.

Ўзбекистонда ҳам пул-кредит сиёсатини амалга оширишда, шунингдек, пул массасини самарали тартибга солишда ушбу воситадан кенг фойдаланиб келинмоқда. Давлат бюджетининг тақчиллигини ноинфляциян қоплаш манбаси бўлган давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) 1996 йили март ойида муомалага чиқарила бошланди. Шу вақтдан бошлаб давлатнинг қисқа муддатли облигациялари бозори тез ривожлана борди ва қисқа муддатда у молия бозорининг асосий воситаларидан бирига айланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли қарори талабларини бажариш борасида ҳам Марказий банк томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2005 йилда пул массаси ўсишини тартибга солиш, пул бозорини ривожлантириш ва монетар сиёсатнинг бозор воситаларидан кенг фойдаланиш ҳамда монетар сиёсат самарадорлигини ошириш борасида мунтазам равишда тегишли чора-тадбирлар кўриб борилди.

Хусусан, мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, пул массаси ўсишининг чораклик ва йиллик мақсадли прогнозларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш ишлари янада кенгайтириб борилди. Жумладан, пул бозоридаги ҳолат, хусусан, банклар-аро пул бозоридаги депозит ва кредит фоиз ставкаларининг ҳамда пул агрегатларининг ўзгариши, уларга таъсир этувчи омиллар бўйича доимий равишда таҳлиллар ва мониторинг ишлари олиб борилди.

Мазкур воситаларни бозор шароитига мос ҳолда такомиллаштирилиши тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришнинг қулай воситаларидан бири сифатида РЕПО (қимматли қоғозларни қайтариб сотиб олиш шарти билан тузиладиган олди-сотди битими) операцияларини янада кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Марказий банк томонидан давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Давлатнинг ўрта муддатли облигацияларини жойлаштириш бўйича доимий кимошди савдолари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банк очик бозордаги операциялар ҳажмини ошириш мақсадида, монетар сиёсатнинг бозор механизмларидан кенг фойдаланилган ҳолда, ўзининг облигациялари билан ҳам молия бозорида қатнашиб борди.

Марказий банк облигациялари билан амалга оширилган савдолар ҳажми йилдан-йилга ортиб борди. Хусусан, 2005 йилда Марказий банкнинг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларини жойлаштириш бўйича жами 17 та кимошди савдоси ўтказилиб, уларда жойлаштириш учун эълон қилинган облигациялар ҳажми 20,0 млрд. сўмни ташкил этди ва улар бўйича тўланадиган фоизлар юридик шахслар учун 9,5 фоизни ташкил қилди.

Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган давлат ўрта муддатли облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операцияларини амалга ошириш давом эттирилди.

2010 йилда Молия вазирлиги томонидан юридик шахслар учун чиқарилган облигацияларни жойлаштириш бўйича ўтказилган аукцион савдоларида 23,6 млрд. сўмлик облигациялар жойлаштирилди. Бунда, 17,9 млрд. сўмлик облигациялар бирламчи савдоларда, қолган 5,7 млрд. сўмлик облигациялар эса иккиламчи савдоларда кўшимча жойлаштирилди.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра муомаладаги давлат ўрта муддатли облигациялари ҳажми 53,0 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 42,0 млрд. сўми (ёки 79,9 фоизи) банклар ҳиссасига, қолган 11,0 млрд. сўми (ёки 20,1 фоизи) корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу облигациялар бўйича ўртача йиллик даромадлилик 5,8 фоизни ташкил этди.

Марказий банк пул-кредит кўрсаткичлари, жумладан ялпи пул массасининг белгиланган даражада бўлишини таъминлаш ва олтин-валюта захираларининг ошиши ҳисобига муомалага чиқарилган ортиқча пул массасини қайтариб олиш мақсадида тижорат банкларининг маблағларини депозитларга жалб қилиш бўйича операцияларни мунтазам равишда амалга ошириб борди.

2.2. Республикада нақд пул муомаласини барқарорлаштириш ва эркинлаштириш

Истиқлол йилларида Марказий банк томонидан нақд пул-ни эмиссия қилиш, сақлаш, ташиш, инкассо қилиш, шунингдек, муомаладан чиқарилган пулларни йўқ қилишнинг замонавий инфратузилмаси ва механизми яратилди, банклар томонидан касса операцияларини амалга ошириш, уларнинг кассаларига нақд пул тушиши ва субъектларга нақд пул берилишининг аниқ тартиблари жорий этилди, ушбу жараёнларни таъсирчан назорат қилиш тизими йўлга қўйилди ва натижада пул тизими фаолиятининг узлуксизлиги ва барқарорлиги таъминланди.

Умуман дастлабки йилларда қатор объектив омиллар таъсирида иқтисодиётимизнинг рубль зонасида фаолият юритган даврида ва миллий валютамиз муомалага киритилганидан кейин юқори инфляцияни пасайтиришга қаратилган қатъий монетар сиёсат юритиш шароитида нақд пул муомаласини тартибга солишда муайян даражада бевосита инструмент (дастак)лардан, баъзида эса чекловлардан фойдаланишга тўғри келган эди.

Жумладан, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тўловларни ўз вақтида амалга оширишни самарали ташкил этиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 июлдаги «Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 356-сонли Қарорига кўра Марказий банк ва тижорат банклари томонидан корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, мулкчилик шаклларида қатъи назар, нақд пулларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни тўлашга, шунингдек, хизмат сафари харажатлари учунгина берилиши белгиланди ҳамда 1994 йилнинг 1 августидан меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган маблағлар давлат йўли билан тартибга солиниши жорий этилди.

Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки ойлардан бошлаб республикада нақд пул эмиссиясини қисқартириш ва унинг муомалада бўлишини тезлаштириш асосида пул муомаласини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини тезлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» 1994

йил 28 октябрдаги 526-сонли Қарорида ушбу вазифаларга оид дастурий чора-тадбирлар белгиланиб амалга оширилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 2 июлдаги 230-сонли Қарори республикада нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш, республика минтақаларида пул муомаласини яхшилаш учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарор билан «Республика минтақаларида пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланди. Шу билан бирга, мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан касса операцияларини юритиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш белгиланди.

Ушбу тартибнинг жорий этилиши банклар, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг пул муомаласи бўйича қонунчиликка риоя этиш борасидаги масъулиятларини ошириб, пул тушумларининг тўлиқ ва ўз вақтида инкассация хизмати орқали банк кассаларига топширилиши ҳамда нақд пулли тўловларнинг муддатида амалга оширилишини таъминлади.

Шунингдек, 1999 йил 17 ноябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 504-сонли Қарори меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик ҳосил бўлишига йўл қўймаслик ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини оширишга қаратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида пул муомаласи барқарорлигини сақлашга ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида бериб борилишини таъминлашга эришилди.

Ривожланишнинг сўнгги ўн йиллигида иқтисодиёт субъектларининг банк ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобидан нақд

пул олиш борасидаги мавжуд чекловлар босқичма-босқич бутунлай олиб ташланди.

Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарори билан тижорат банклари томонидан тайёрлов ташкилотларига аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан харид қилинадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматида нақд пул бериш тартиби жорий этилди.

Ушбу даврда республикада пул муомаласини мустаҳкамлаш, нақд пул тушумининг тўлиқ инкассация қилинишини таъминлаш, тижорат банкларининг хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш борасидаги масъулиятини ошириш, тижорат банкларига нисбатан ишончни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сонли Қарори билан инкассация хизмати нақд пул маблағларини инкассация қилиш бўйича хизматларни воситачилик тўловлари ундирмасдан амалга ошириши, кейинчалик мазкур харажатлар тижорат банклари томонидан қопланиши ва тижорат банкларига нисбатан банкларда ҳисобрақамларини ўз вақтида очиш, миждозларга ўз вақтида нақд пул бериш, уларнинг ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчиришнинг талабларини бузганликлари учун зарар кўрган томонга тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорини 0,1 фоизигача жарима тўланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир чора-тадбирлар тўғрисида» 88-сонли Қарори билан 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўланиши тақиқланди ҳамда тижорат банклари тегишли кафолат билан, шу жумладан, юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида иш ҳақи тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бериши ҳамда тегишли равишда банкоматлари тармоғини кўпайтирган ҳолда электрон пластик карточкалар воситасида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли Қарори билан пул муомаласига оид муҳим эркинлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Хусусан, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини топширилган нақд пул тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотларда меҳнатга тўлашга йўналтирилаётган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинди. Ушбу тадбир биринчидан, банкларни уларга хос бўлмаган функциядан озод қилган бўлса, иккинчидан хўжалик юритувчи субъектларни қўшимча назоратдан халос этди.

Ушбу қарор билан 2003 йил 1 январдан бошлаб банк тизими ва пул муомаласидаги янги босқич пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар ривожланган тизими шакллана бошлади ва Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида пластик карточкалар орқали иш ҳақи тўланилиши йўлга қўйилди.

Ушбу Фармон ва Қарорларда белгиланган топшириқ ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда банкларда ҳисобварақларни ўз вақтида очиш, миқдорларга, жумладан, тадбиркорлик субъектларига, уларнинг депозит ҳисобварақларида маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пулни ўз вақтида таъминлаш ишлари йўлга қўйилди.

Амалга оширилган изчил макроиқтисодий сиёсат натижасида республикамиз иқтисодиётида бозор муносабатлари шаклланди ва пул муомаласининг билвосита инструментларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли Қарори билан касса режаларини шакллантириш ҳамда нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари бажарилганлиги учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантиришнинг шаклланган тизими 2003 йил 1 февралдан бошлаб бекор қилинди ва пул муомаласини тартибга солишнинг билвосита инструментлари жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли Қарори пул муомаласини барқарорлаштириш, эркинлаштириш ва такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди.

Ушбу қарорда нақд пулли тўловларни амалга ошириш, жумладан омонатларни ўз вақтида қайтариш борасида камчиликларни батамом тугатиш, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул банклар томонидан узлуксиз бериб борилишини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда тижорат банкларида ва уларнинг филиалларида мижозларнинг биринчи талабига биноан нақд пулларнинг кафолатланган ва узлуксиз берилишини таъминловчи нақд пул маблағлари захираларини шакллантиришга оид нормативлар белгиланди.

Ахборотларни йиғиш ва уларга ишлов беришнинг электрон тизимини жорий этиш асосида тижорат банклари томонидан нақд пул захиралари бўйича белгиланган нормативларга риоя қилиниши устидан кундалик мониторинг йўлга қўйилди. Тижорат банкларининг нақд пулларни етарли миқдорда саклаб туришга оид фаолиятларини рағбатлантиришнинг иқтисодий воситалари жорий этилди.

Тижорат банкларида банк кассаларидан қилинадиган ўртача бир кунлик нақд пул чиқимлари доирасида нақд пул захиралари шакллантирилиши аҳолига ва хўжалик субъектларига уларнинг талабига биноан нақд пул маблағларини узлуксиз бериб бориш ҳамда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822-сонли Қарори республикада пул муомаласини тартибга солишга оид сўнгги йиллардаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мижозларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун тижорат банкларининг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, шунингдек, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тадбирлари амалга оширилиши муносабати билан нақд пул маблағларини банк айланмасига кўшимча равишда жалб қилиш мақсадида, 2008 йил 1 апрелдан бошлаб тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларида нақд пул захираларининг энг кам миқдорини тижорат банклари миждорининг нақд пул маблағларига бўлган икки кунлик эҳтиёжлари даражасида белгилаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, республикада банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга доир фармон ва қарорлар асосида таъсирчан ва самарали чора-тадбирлар белгиланиб амалга оширилди.

Бугунги кунда ҳудудларда пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида, банклар томонидан чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларига 88 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ҳамда тўловларни узлуксиз қабул қилиш имконини берувчи 507 та инфокиоскалар ва 307 та банкоматлар ўрнатилган ҳамда 7 млн. 988 мингтадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, 59 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларга иш ҳақини пластик карточкалар орқали бериш лойиҳалари жорий этилди.

2011 йил 1 январь ҳолатига республика бўйича чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг ўртача ойлик товар айланмаси ҳажмининг 40 фоизи пластик карточкалари воситада амалга оширилган тўловлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2.3. Республикада валюта сиёсатининг эркинлаштирилиши ва ривожлантирилиши

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунлариданоқ Республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш тамойилларига асосланган ҳолда валюта бозорининг эркинлаштирилиши босқичма-босқич амалга ошириб борилди.

Мамлакатимизда валютани тартибга солиш тизимининг шакллантирилиши 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилиниши билан бошланди.

Ўтиш иқтисодиёти шароитида, айниқса миллий валютани муомалага киритиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг валютани тартибга солиш бора-сидаги асосий вазифалари валюта ресурсларининг ўз вақтида келиб тушиши ҳамда уларнинг самарали ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш ва валюта муносабатлари соҳасида ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат бўлди.

1993 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан сўнг Марказий банк томонидан Молия вазирлиги ва валютани назорат қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда валютани тартибга солиш масалаларига доир меъёрий база янгидан яратилди. Тузилмавий ислохотларнинг натижалари ҳамда мавжуд имконият ва кўзланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, ички валюта бозорининг эркинлаштирилиши давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислох қилиш тамойилларига асосланган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилиши шошма-шошарлик билан ислохотларни ўтказган айрим Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг хатосини такрорламаслик имконини берди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур мамлакатларда валюта бозорини қисқа муддатларда асосан чет эл кредитларини жалб қилиш орқали эркинлаштириш йўли танланган эди.

Президентимиз Ислом Каримов 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида қилган маърузасида қарз олиш масаласига алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: «Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамининг, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб кўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу – катта гуноҳ бўлади».

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида миллий валютаимизнинг жорий операция-

лар бўйича айирбошланишини амалга ошириш учун республикамизда зарур шарт-шароит мавжуд эмас эди. Ўз навбатида республика иқтисодиётида миллий валютани чет эл валютасига айирбошлашга қаратилган улкан ишларни амалга ошириш ва зарурий шарт-шароитни яратишдек муҳим вазифа турар эди.

Ҳукумат аввало, мавжуд валюта маблағларидан самарали фойдаланиш, истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакат иқтисодиётининг экспорт салоҳиятини кучайтириш, халқ истеъмоли товарларини четдан келтиришга бўлган талабни камайтириш мақсадида валюта захираларини биринчи навбатда энг замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар сотиб олишга ишлатиш ҳамда импортнинг ўрнини боса оладиган товарларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратди. Шу билан бирга, Республика Ҳукумати ўша даврдаёқ мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашни ўз олдига муҳим вазифалардан бири сифатида қўйди. Бунда асосий эътибор, мураккаб иқтисодий вазият юзга келган бир шароитда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кўзда тутган ҳолда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилди. Бу ҳаракатлар биринчи навбатда иқтисодиётнинг ички имкониятлари ва дунё бозори конъюктурасини ҳисобга олиб, мамлакатимизнинг жаҳон меҳнат тақсимоотида ўзига хос мавқени эгаллашига йўналтирилди.

Аввал таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон ўтган асрнинг 90-йилларида бир томонлама ривожланган, собиқ Иттифок республикаларини арзон хомашё билан таъминлашга мослашган иқтисодиётга эга эди. Саноатимиз эса ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқарар, корхоналардаги ускуналар батамом эскирган ёки буткул ишдан чиққан эди. Шу сабабли республикамизда етарлича табиий ва меҳнат ресурслари бўлишига қарамасдан, хомашё, саноат, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни четдан катта миқдордаги валютага сотиб олинар эди.

1993 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон рубль зонасидан чиқиб кетди. Бунга қатор Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари 1992 йил октябрь ойида Бишкекда тузилган ягона пул тизими тўғрисидаги келишувга зид равишда ўз миллий валюталарини жорий этишлари ҳамда рублнинг ягона эмитенти бўлган Россия Банкнинг нақд пулларни етказиб беришдан воз кечиши ташқи омил сифатида хизмат қилди. Натижада хали барча зарур

шарт-шароитлар яратилмай туриб, 1993 йилда мамлакатимизда оралик валюта сифатида сўм-купон муомалага киритилди.

Шундай оғир шароитда миллий валютани эркин айирбош-лашга ўтиш иктисодиётдаги муаммоларни кескинлаштириш-га, республиканинг иктисодий қарамлигини кучайишига олиб келарди. Шу боисдан, валюта сиёсати мамлакатимизнинг иктисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг келажакдаги тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилди. Бошқача қилиб айтганда, валюта маблағларининг асосий қисмини иктисодиётимиз учун муҳим аҳамият касб этувчи устувор тармоқларни ривожлантиришга, энг аввало, янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни тако-миллаштиришга йўналтириш бош мақсад қилиб қўйилди.

Табиийки, бундай муҳим вазифаларни қисқа муддатда ҳал қилиш мумкин эмасди. Чунки йўлимизда иктисодиётдаги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган но-мутаносибликлар жиддий тўсиқ бўлиб турар эди. Миллий ва-лютани чет эл валютасига айирбошланишини жорий этиш эса биздан муносиб рақобатбардош иктисодиёт билан жаҳон бозо-рига кириб боришни талаб этарди. Ундан кутиладиган мақсад эса фақат миллий валютани чет эл валюталарига айирбошлаш имконига эга бўлиш эмас, балки иктисодиётимизнинг жаҳон бозорига тенг ҳуқуқли интеграциялашувини таъминлашдан иборат эди.

Жаҳон тажрибасидан ҳам маълумки, кўпгина мамлакат-ларда бозор муносабатлари маълум даражада шаклланиб, иктисодиётнинг ривожланиши муайян босқичга етганидагина миллий валютани чет эл валютасига айирбошланишига эри-шилган. Ушбу давлатларда амалга оширилган барча ислохотлар асосида, шу жумладан, ташқи иктисодий алоқаларда ҳам ўз мамлақати манфаатлари кўзда тутилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўтказилган таҳ-лилларга суянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ўз имкониятларини пухта чамалаб, миллий валютани чет эл валютасига айирбошлашга босқичма-босқич ўтиш сиёсатини олиб борди. Дастлаб, республикаимизда ва-люта соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллашти-риш, валюта бозори инфраструктурасини ҳамда ички валюта бозорининг самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилувчи соҳаларни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди.

Хусусан, Марказий банкнинг валютани тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш куйидаги мақсадларни ўз ичига олувчи валюта сиёсати-га мувофиқ ҳолда амалга оширилди:

– миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун фойдаланиладиган валюта захирасини шакллантириш;

– ички валюта бозорини ривожлантириш ва миллий валютани халқаро жорий операциялар бўйича чет эл валютасига айирбошланишига эришиш учун асос яратиш;

– экспорт салоҳиятини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш;

– самарали валюта назоратини жорий қилиш.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси шароитига мослаштирилган ҳолда фойдаланиш мақсадида, чет эл давлатларининг тажрибаси узлуксиз равишда ўрганиб борилди.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар чет эл валютасида ҳисобрақамлар очиш ва уларни юритиш тартиби; экспорт-импорт ва бошқа валюта операцияларининг ҳисобини юритиш ва амалга ошириш қоидалари; юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларини амалга ошириш тартиби; ички валюта бозорининг фаолият юритиш механизми; чет эл банклари ваколатхоналарини ҳамда хорижий сармоя иштирокидаги банкларни ташкил этиш, руйхатга олиш ва аккредитация қилиш; тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари ва бир қатор бошқа масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 146-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банкнинг олтин-валюта захираларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириб бориш ва банк тизимини ривожлантириш жараёнида Марказий банк томонидан валютани тартибга солиш ва олтин-валюта захираларини бошқариш соҳасидаги амалий иш тажрибаси ҳам мунтазам равишда ортиб борди. Бу ишларни амалга оширишга республика иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёни кўп жиҳатдан туртки бўлди.

Айни пайтда, чет эл валютасида операцияларни амалга оширувчи тижорат банкларининг сонини кўпайтиришга ва банклараро ракобатни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитлар яратилди. Агар, 1991 йилда валюта операцияларини ҳисобга олган ҳолда, миждозларга комплекс хизматларни кўрсатиш билан 6 та ваколатли банк шуғулланган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг умумий сони 27 тани ташкил этмоқда.

Марказий банк томонидан чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш бўйича лицензиялар беришнинг асосий мезони – тижорат банклари молиявий ҳолатининг барқарорлиги, ходимларнинг малакаси ва зарур техник воситалар, замонавий банклараро телекоммуникация ва ахборот тизимлари билан таъминланганлигидир.

Ваколатли банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан чет эл валютасида операциялар бажариш бўйича иқтисодий меъёрлар ва халқаро андозаларга мос келувчи ҳисобот шакллари жорий этилди. Хусусан, ваколатли банкларнинг валюта таваккалчиликлари даражасини пасайтириш мақсадида бутун банк бўйича, шунингдек, ҳар бир валюта тури бўйича очиқ валюта мавқеини юритиш қоидалари ишлаб чиқилди.

Ваколатли банклар томонидан дунёнинг деярли барча йирик банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди. Бу ўз навбатида хорижий ҳамкорлар билан тўғридан тўғри операцияларни амалга ошириш ҳамда миждозларга кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш билан бирга уларнинг сифатини ҳам яхшилаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-837-сонли ва 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1096-сонли Фармонларининг ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда хорижий ҳамкорлардан валюта тушумини тўлалигича келиб тушишини таъминлашга қаратилган республика хўжалик юритувчи субъектларининг экспорт шартномалари ҳисобини юритиш бўйича тизим ишлаб чиқилиб, узлуксиз такомиллаштирилиб борилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришнинг кўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1871-сонли Фармонида экспорт операциялари бўйича республикага валюта тушумининг келиб тушишини кафолатловчи халқаро ҳисоб-китоб шаклларини хўжалик юритувчи субъектлар ва ваколатли банклар томонидан қўлланилиши кўзда тутилди.

Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил XI сессиясида сўзлаган нутқида республикамизнинг экспорт имкониятини ошириш масаласига тўхталиб, шундай деган:

«Бир вақтлар Иттифокда Ўзбекистон четга маҳсулот чиқариш ҳажми жиҳатидан учинчи ўринни эгаллар эди. Тўғри, бу улушнинг катта қисми пахта экспортига тўғри келарди. Экспортнинг бундай йўналишини сақлаб қолиш биз учун мақбул эмас.

Бунда бир нарсани чуқур англашимиз лозим, четга бу қадар кўп пахта сотиш республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат ривожига кўзланган даражага етгунга қадар давом этиши мумкин. Биз барча тараққий топган мамлакатлар каби фақат пахта билан эмас, аввало, тайёр маҳсулот билан савдо қилишимиз зарур.

Табиийки, бизда экспортни кескин ошириш имконияти борми, деган асосли савол туғилиши мумкин. Ҳа, бор. Бунинг учун биз, даставвал, қимматли хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантиришимиз, чет эллик ҳамкорлар билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиб, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хомашё манбаларига авваламбор қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштиришимиз керак. Бу корхоналарнинг барчаси одатдагидек илғор технология билан жиҳозланиши, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши даркор. Республиканинг ички бозоридагина эмас, балки жаҳон бозори талабларига дош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши зарур. Бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишга асосланган иқтисодий шакллантиришга доир махсус дастурни ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз лозим, деб ўйлайман».

Бугун Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига базавий тармоқлари муайян даражада тараққий этган, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган соҳалари ривожланган

кучли иктисодиёт билан кириб бормоқда. Бундай оқилона сиёсат натижасида республикамизга йирик миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинди, мамлакатимизда мустақкам sanoat базаси яратилди, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилди, экспорт ва импорт таркибининг оптималлаштирилуви асосида ташқи савдо балансининг барқарорлиги таъминланиб борилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда валюта сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, яъни миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясини жорий этиш имконини берувчи мустақкам иктисодий асос яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 1996 йилда ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсишига эришди ва сўнгги 10 йил давомида унинг доимий барқарор ўсиши таъминланди.

Экспорт-импорт операциялари бўйича назорат тўғрисидаги низом ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операцияларини асосланган ҳолда амалга оширилишини мониторинг қилиш тартиби ишлаб чиқилди. Валюта назоратини амалга ошириш масалалари бўйича солиқ органлари, божхона хизмати ва ваколатли банкларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «Четдан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, Марказий банк томонидан капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларни амалга ошириш ва ҳисобини юритиш ҳамда юридик шахсларга чет элда ҳисобрақамларни очишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда 1994 йилнинг 1 июлидан миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши эса, тўлақонли ва мустақил валюта сиёсатини олиб боришга имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 7 октябрдаги 499-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида» 1996 йил 24 октябрдаги ПФ-1601-сонли Фармони қабул қилиниши миллий валютанинг мустақкамланишидаги муҳим босқич бўлди. Юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, эркин айир-

бошланадиган валютада савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш ман этилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона қонуний тўлов воситаси қилиб миллий валюта – «Сўм» белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютанинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 20 мартдаги ПФ-1979-сон Фармонининг қабул қилиниши билан жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани республика ҳудудига олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тартибини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, аввал қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудидан 500 АҚШ доллари олиб чиқишга рухсат этиш кўзда тутилган бўлса, ушбу миқдор 1500 АҚШ доллари эквивалентигача оширилди.

Ўз навбатида, белгиланган энг юқори миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш учун рухсатнома бериш ҳуқуқи, Марказий банкнинг чет эл валютасида операциялар бажариш ҳуқуқини берувчи бош лицензиясига эга бўлган барча ваколатли банкларга берилди (олдин бу ҳуқуқга фақат Марказий банк ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки эга эди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-2079-сонли Фармонига биноан, ҳисобрақамларга фуқароларнинг валюта маблағларини жалб қилиш мақсадида ваколатли банкларга ўз миқдорларига жамғармаларнинг сақланиши ва уларни сўзсиз равишда қайтариш кафолатларини бериш, жамғармалар бўйича прогрессив фоиз ставкаларини жорий этиш, жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобрақамларидан амалга оширилаётган операциялар бўйича банк сирини қатъий таъминлаш тавсия этилди.

Ушбу Фармонга мувофиқ ваколатли банклар томонидан жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар кўрилди. Масалан, биргина 1998 йилнинг 1 октябридан 1999 йилнинг охирига қадар фуқаролар томонидан очилган ҳисобрақамларнинг сони 1,5 мартаба ошди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 379-сонли Қарори ва Ҳукуматнинг кейинги қабул қилинган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтириш, ваколатли банкларнинг нақд хорижий валюта-ни айирбошлаш шохобчалари сонини кўпайтириш, уларни зарур техник воситалар билан жиҳозлаш, банкноталарнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун ишончли воситалар билан таъминлашга доир чора-тадбирлар узлуксиз равишда амалга оширилиб борилди.

Шунингдек, республикаимиз аҳолиси ва чет эл фуқароларига қулайлик яратиш мақсадида ваколатли банклар томонидан меҳмонхоналар, аэропорт, темир йўл вокзаллари ва божхона комплексларида узлуксиз тартибда фаолият кўрсатувчи валюта-айирбошлаш шохобчаларини очишга катта эътибор қаратилиб борилди.

Ички валюта бозорининг янада ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 27 июндаги ПФ-1193-сонли Фармони қабул қилиниши туртки бўлди. Унга мувофиқ, сўмдаги маблағларни хорижий валютага устувор равишда айирбошлаш ҳуқуқи халқ истеъмоли моллари, экспортбоп халқ хўжалиги маҳсулотлари ва товарларни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, иқтисодиётнинг базавий ва етакчи тармоқларидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган корхоналар (шу жумладан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар)га ҳамда хорижий инвесторлар дивидендлари ва фойдасининг бир қисмини репатриация қилиш учун берилди.

1996 йилда ўтказилган валюта-иқтисодиёт муносабатлари ва ташқи савдо (айниқса, истеъмол товарлари импорти) балансидаги ҳолат ушбу соҳаларга сезиларли ўзгартиришлар киритилиши зарурлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан республикага четдан товарлар харид қилинишини самарали механизмини жорий қилиш, ички бозорни сифатсиз ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган маҳсулотларни олиб қилишидан ҳимоя қилиш чоралари

кўрилди. Хусусан, импорт шартномаларини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигида олдиндан рўйхатдан ўтказиш, давлат эҳтиёжи учун олиб келинадиган истеъмол товарларини импорт қилишни танлов асосида амалга ошириш тизими ҳамда истеъмол товарларини импорт қилувчи корхона ва ташкилотларнинг сўм маблағларини устувор равишда хорижий валютага айирбошлаш тартиби жорий этилди.

1996 йилда ваколатли банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва кейинчалик кичик бизнес субъектларини чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби жорий этилишидан сўнг, корхоналар ва хусусий тадбиркорлар экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кўшимча валюта ресурсларидан фойдаланиш имконини қўлга киритдилар.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ҳамда экспорт салоҳиятининг мустаҳкамланиши валюта тушумини кўпайтириш ва республика валюта биржаси операциялари ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди. Бунда ўзларида хизмат кўрсатилувчи мижозларининг буюртмаларига асосан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича битимларни амалга оширувчи биржа савдоларининг иштирокчилари бўлган банклар сони 4 мартаба ошди.

1997 йилдан бошлаб банклар томонидан валюта биржасида операцияларни амалга ошириш билан бир қаторда, узвий равишда биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва унинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга ошириб келинди.

Валюта бозорини эркинлаштириш борасида кўрилган чора-тадбирларнинг энг муҳими сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли Қарорининг қабул қилиниши ва мазкур қарор билан тасдиқланган «Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси тўғрисидаги Низом» ҳамда «Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»ларнинг амалга киритилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасининг маблағларидан ички валюта бозорида операциялар ҳажмини ошириш,

тўлов баланси ва миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш учун фойдаланилади.

Натижада, ички валюта бозорида хорижий валюта маблағлари сотилишининг умумий ҳажми сезиларли даражада ошди. Бу, ўз навбатида ўтказилаётган валюта курси сиёсатида муҳим аҳамиятга эга бўлган тегишли ўзгартиришлар кириштишни тақозо қилди.

Миллий валюта жорий қилинганга қадар 1992–1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рублнинг айирбошлаш курси ўша даврда Россия Федерацияси билан ўзаро мавжуд бўлган келишувга мувофиқ, Москва банклараро валюта биржасидаги савдолар натижаси бўйича Россия банки томонидан ўрнатиладиган курс асосида белгиланар эди.

Валюта бозорини ривожлантириш ва олтин-валюта захираларини шакллантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар 1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида доимий савдоларни ўтказишга киришиш ва ўтказилган савдолар натижаси бўйича сўм-купоннинг, кейинчалик эса сўмнинг чет эл валюталарига нисбатан қийматини эълон қилиш имконини берди. Валюта биржасидаги савдолар ҳафтасига икки мартаба, 1997 йил апрель ойидан бошлаб эса, ҳар куни ўтказила бошланди.

Ҳозирги кунда сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан курси Марказий банк томонидан банклараро валюта савдоларидаги айирбошлаш курси, пул массасининг динамикаси ҳамда инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳар ҳафтада аниқланиб эълон қилинмоқда.

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва экспорт-боп товарларнинг ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ички валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштиришни таъминлаш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос бўлди.

Ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, шунингдек, хорижий инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари тўғрисидаги янги қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши халқаро молия ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, Ўзбекистон Республикаси банк тизимини жаҳон иқтисодиёти ҳамда молия

тизимига янада интеграциялашуви учун барча зарур шарт-шароитларни яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосий қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 10 июндаги 296-сонли Қарорининг қабул қилиниши иқтисодий ислохотларни ўтказиш йўлидаги муҳим кадам бўлди.

Юқорида қайд этилган қарорга мувофиқ, валюта бозорини эркинлаштиришга йўналтирилган босқичма-босқич чора-тадбирлар мажмуи, шу жумладан жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилинишини киритишга тайёргарлик кўриш бўйича ҳам тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ушбу масала бўйича Марказий банк томонидан тайёрланган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сонли, «Валюта бозорини эркинлаштириш ва валюта айирбошлаш операцияларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 250-сонли, «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 263-сонли, «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли, «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли қарорларида ўз аксини топди.

2000–2002 йиллар давомида ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта режимини янада эркинлаштириш бўйича кўрилган чоралар натижасида қуйидагиларга эришилди:

– кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва янада кенгайтирилишини рағбатлантириш мақсадида, микрофирма ва кичик корхоналар ўз маҳсулотларини (ишлар, хизматларни) экспорт қилишдан тушган валюта тушумларини мажбурий сотувидан озод этилдилар;

– банкларга хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмаларини кўриб чиқиш ва уларнинг сўмдаги маблағларини конвертация қилиш бўйича қарор қабул қилиш юзасидан барча ҳуқуқлар берилди;

– ички валюта бозоридаги операциялар чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқадиган эркин курс бўйича амалга ошириш амалиёти қўлланила бошланди;

– ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича операцияларни ўтказиш тартиби соддалаштирилди;

– тайёр истеъмол товарларни импорт килувчи корхона ва ташкилотларга уларнинг сўмдаги маблағларини хорижий валютага устувор равишда конвертация қилиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми тўхтатилди;

– корхона ва ташкилотлар сўм маблағларини конвертация қилиш учун ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш бўйича банкларга ўрнатиладиган чораклик лимитлар бекор қилинди;

– барча ваколатли банкларга валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилди, уларни ўтказиш тартиби бирхиллаштирилди;

– юридик шахсларнинг ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари сифатида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтишлари бўйича қўйилган талаб бекор қилинди, барча хўжалик юритувчи субъектларга бир вақтнинг ўзида ҳар хил ваколатли банкларда валюта ҳисобрақамларини очиш ҳуқуқи берилди.

Доимий равишда ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг қўламли тадбирлар амалга оширилиб, миллий валютаимиз мавқеини ошириш, хорижий валюта бозорини эркинлаштириш ва кенгайтиришга катта эътибор қаратилиб борилди. Валюта сиёсатини, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида қўйилган ўзига хос бир ижобий қадам бўлди.

Республика Ҳукумати билан Халқаро валюта фонди ўртасида 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандум имзоланди. Мазкур Меморандумда қишлоқ хўжалиги, нарх-наво, ташқи савдо, валюта сиёсати, банк тизими соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган турли ислохотлар кўзда тутилган бўлиб, уларнинг самарали ижроси мамлакатимизнинг Халқаро валюта фонди ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигининг янги босқичини бошлаб бериши шубҳасиз эди.

Меморандумда миллий валютамиз билан нақд хорижий валютанинг алмашув курсларини бирхиллаштиришга катта эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Валюта тизимини эркинлаштириш ва сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг ички валюта бозорида хорижий валютани эркин харид қилишини чегараловчи бир қатор низомлар Ҳукуматимиз томонидан бекор қилинди.

Нихоят, Халқаро валюта фонди мутахассислари билан 2002–2003 йилларда амалга ошириладиган ва мазкур фонд ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан қўллаб-қувватланиши мумкин бўлган иқтисодий дастурнинг асосий моддаларини ўша йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқиш ҳақида келишиб олинди. Бу эса, шубҳасиз, халқаро миқёсда мамлакатимиз банк тизимида бўлган ишончнинг янада мустаҳкамланиши ва хорижий молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратди.

Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган «Миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашга доир ҳаракат режаси»нинг ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан валютани назорат қилувчи бошқа идоралар билан биргаликда ички валюта бозори, шу жумладан нақд валюта бозоридаги операциялар, шунингдек, ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги мавжуд айрим чекловларни бекор қилиш юзасидан зарур бўлган таҳлилий материаллар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 16 июлдаги 317-сонли, «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 15 августдаги 355-сонли, «Экспорт-импорт операцияларини мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли ва «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 1 октябрдаги 420-сонли қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг бошқа қарорларига мувофиқ қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

1. Ички валюта бозоридаги операциялар бўйича:

– савдо-воситачилик ташкилотлари томонидан чет эл валютасини харид қилинишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда бюджет олдида қарздорлик ёки ўзларининг бўш валюста маблағлари мавжуд бўлган тақдирда уларнинг чет эл валютасини харид қилишларини тақиқловчи талаблар бекор қилинди;

– қарз маблағлари ҳисобига чет эл валютасини харид қилишга рухсат этилди;

– ички валюта бозорида сўм маблағларини хорижий валютага айирбошлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ваколатли банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди;

– корхоналарнинг сўм маблағларини чет эл валютасига айирбошлаш тартиби соддалаштирилди;

– ички валюта бозорида айирбошлаш курсларини бирхиллаштириш тўлиқ яқунланди ва ҳозирги пайтда чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш бўйича барча операциялар банклараро савдоларида талаб ва тақлиф асосида белгиланадиган курс асосида амалга оширилмоқда.

2. Нақд валюта бозоридаги операциялар бўйича:

– ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчалари орқали жисмоний шахсларга нақд чет эл валютаси ҳамда йўл чекларини сотиш муддати ва миқдори бўйича ўрнатилган чекловлар бекор қилинди;

– норезидент-жисмоний шахсларнинг чет эл валютаси ва йўл чекларини алмаштириш ҳисобига олинган сўм маблағи мавжуд бўлганда ва сўм маблағлари қонунчиликка мувофиқ жорий халқаро операцияларни амалга ошириш ҳисобидан келиб тушганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда, уларга ушбу миқдорда чет эл валютаси ва йўл чеклари сотилиши мумкинлигини белгиловчи тартиб жорий этилди;

– жисмоний шахс-резидентларга республика ташқарисига 2000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги нақд чет эл валютасини эркин олиб чиқишга рухсат этилди.

3. Ташқи савдо операциялари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида қуйидаги чекловлар бекор қилинди:

– импорт шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга оширишга доир чекловлар, шунингдек, чет эл банки кафолатномасини талаб қилиш ва аванс тўлови суммасига тенг

миқдордаги маблағни миллий валютада банд қилиб қўйиш ҳақидаги талаблар;

– оффшор худудларга аванс тўловлари ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишга оид чекловлар;

– импорт шартномалари бўйича учинчи шахс-норезидентлар фойдасига тўловларни амалга оширишни тақиқловчи чекловлар ҳамда чет эл кредитларини жалб қилиш муносабати билан фоиз ва бошқа тўловлар миқдори бўйича чекловлар;

– носавдо тўлов ва ўтказмаларни амалга ошириш билан боғлиқ чекловлар;

– собик Иттифок давлатлари хўжалик субъектлари билан ҳисоб-китобларни фақат клиринг асосида ёки эркин айирбош-ланадиган валютада амалга ошириш ҳақидаги талаблар.

Бундан ташқари, импорт шартномаларини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида олдиндан рўйхатга олиш тартиби бекор қилинди ва унинг ўрнига импорт шартномаларининг божхона мониторинги тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3321-сонли Фармони билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида фақатгина айрим импорт шартномалари экспертизадан ўтказилиши белгиланиб қўйилди.

Республикамизда сўнгги йилларда юритилган валюта ва ташқи иқтисодий сиёсат ҳам таркибий ислохотлар вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган эди. Замонавий технологик асбоб-ускуналар, улар учун бутловчи қисмлар, иқтисодиёт устувор тармоқлари учун саноат ишлаб чиқариши маҳсулотлари импортини рағбатлантириш муҳим вазифа этиб белгиланди. Чет эл инвестицияларини жалб этишда узоқ муддатли стратегик инвесторларга устуворлик берилиб, улар учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Юқори ҳаракатчанликка эга қисқа муддатли портфел инвестицияларини жалб қилишга нисбатан консерватив ёндашув республикамиз учун ташқи иқтисодий таназзулларга тез берилувчанлик билан боғлиқ салбий оқибатлардан сақланиш имконини берди. Валютани тартибга солиш борасида кўрилган чора-тадбирлар мамлакатдан сармоя чиқиб кетишининг олдини олди.

Таъкидлаш жоизки, валютани тартибга солишнинг самарали тизими мавжуд бўлмаган бир шароитда халқаро операциялардаги чекловларни шошма-шошарлик билан бекор қилиш деярли барча МДХ давлатларида ички ва ташқи қарзнинг ўсишига олиб келди. Ўзбекистоннинг янги минг йилликка арзирли ташқи қарзларсиз кириб келиши собик шўро давлати худудидаги ягона мисолдир.

Валютани тартибга солиш тизимини ўзгартириш борасида яқунловчи босқичда амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасига 2003 йил 15 октябрда Халқаро валюта фондининг миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақида Келишувлар моддаларининг VIII моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фондига 1992 йилнинг 21 сентябрида аъзо бўлиб, миллий валютамиз 1994 йилда муомалага киритилганини ҳисобга оладиган бўлсак, биз 9 йилда унинг конвертациясига эришдик.

Бу борадаги жаҳон тажрибасига бир назар ташласак, масалан, Буюк Британия ва Франция давлатлари Халқаро валюта жамғармасига 1945 йилнинг 27 декабрида аъзо бўлган бўлсалар-да, ўзаро келишувнинг 8-бандини фақат 1961 йилнинг 15 февралидан бажаришга киришган. Греция ва Хитойда эса бу жараён 1996 йилнинг 1 декабридан бошлаган бўлса, Швейцария, Португалия, Исроил, Туркия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Филлипин, Таиланд ва Бразилия давлатлари 90-йиллар бошида ёки унинг давомида имзоланган. Бу ўз навбатида, ушбу давлатлар томонидан миллий валюталарининг конвертация қилинишига эришиш учун амалий ва етарли шарт-шароит яратишга муҳим аҳамият берилганлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда ушбу мақсадга Ўзбекистон ўз ресурсларига таянган ҳолда, четдан маблағ жалб қилмасдан, зарур шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда эришди.

Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар доирасида қоидалари халқаро андозаларга тўлиқ мос келувчи Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни ишлаб чиқилди. Ушбу қонун 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси

иккинчи чакирик Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида қабул қилинди.

Натижада, ички валюта бозори, жумладан нақд валюта бозоридаги операцияларга оид қабул қилинган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиб, ўз навбатида валюта операцияларини амалга оширишга доир 30 га яқин чекловлар бекор қилинди.

Хукуматимиз ва Марказий банк томонидан олиб борилган валюта сиёсатини сарҳисоб қилиш мақсадида, Президентимизнинг «Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш»ининг 2000 йил 1 февралда бўлиб ўтган йиғилишида қилган маърузасидан қуйидаги фикрларни келтириш мақсадга мувофиқдир.

«Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустақкамламасдан туриб, энг муҳими, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб, яъни мен айтмоқчиманки, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин. Бу ҳам барчамиз учун тушунарли бўлиши керак». Шу билан бирга давлатимиз раҳбари ушбу маърузасида «Банклар инвестициялаш жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи керак» деб таъкидлаб ўтди.

Валюта бозорини эркинлаштириш шароитида бозор таъминланишига асосланган, миллий валютани айирбошлаш курсини ўзгартиришнинг банк тизими ва иқтисодиётга, шу жумладан, аҳоли фаровонлигига таъсири ва таваккалчилик даражасини камайтиришга йўналтирилган валютани тартибга солиш тизимини мустақкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг кўп даражада валюта таваккалчиликларига мойил бўлган айрим банклар активларини реструктуризация қилишни кўзда тутувчи ялпи чора-тадбирлар қўрилди, чет эл валютасида олган кредитларини қайтаришда қийинчиликларга дуч келаётган қарз олувчи корхоналарни реструктуризациялаш жараёнлари бошлаб юборилди. Экспорт бўйича валюта тушумларининг тўла ҳажмда келиб тушишини таъминлаш ва сармоянинг четга чиқиб кетишини олди-

ни олишга доир чора-тадбирларга алохида эътибор берилди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда валюта бозорини эркинлаштиришнинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Биз ўтиш давридаги барча қийинчиликларни ўз бўйнимизга олиб, келгуси авлодларимизга четдан олинган миллиардлаб қарзларни эмас, балки давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, озод ва обод юртни колдирмоқчимиз. Шу боис биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётни таркибан қайта қуриш ва уни ривожлантиришни афзал кўрдик.

Янги мустақил давлатларнинг барчасида ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш силлик кечмаётгани, унга чуқур мушоҳада, ҳисоб-китоб ва аниқ режаларсиз, ҳеч қандай тайёргарликсиз ўтишга ҳаракат қилинганлиги оқибатида тангликлар юзага келганини эсласангиз, Ўзбекистон танлаган йўл нечоғли тўғри бўлганини кўрсатмоқда.

Ҳап шундаки, ўша пайтда четдан қарз олиш ҳисобига валюта бозорини эркинлаштириш сиёсатини амалга оширган давлатлар ҳозирги кунда ўз қарзларини қайтариш ва фоизлар тўлашда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунинг ўзиёқ четдан қарз олиш сиёсати қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Валюта маблағлари ўз навбатида кўплаб янги инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга йўналтирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кўплаб янги корхоналар қурилиб, ишга туширилди, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари эса қайта жиҳозланди. Қолаверса, Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган саноат тармоқларига асос солинди. Умуман, ички валюта бозорини эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш инвестицион муҳитни яхшиланишига, хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантиришга ва республиканинг экспорт салоҳиятини янада оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан:

– экспорт бўйича валюта тушумини талаб ва таклифдан келиб чиқаётган эркин курс бўйича сотиш, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтиришга, шунингдек, экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ҳолатини яхшиланишига ва рентабеллигини оширишга қулай шарт-шароитлар яратди;

– кичик бизнес субъектларининг экспорт бўйича валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилиши, уларга ўз маблағларини техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириш имконини берди;

– чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари тартибининг соддалаштирилиши, валюта бозорида иштирок этаётган барча хўжалик юритувчи субъектларга товарлар, иш ва хизматлар импорти тўловини амалга ошириш учун сўм маблағларини конвертация қилишга буюртмаларининг ижросини таъминлашда тенг шароит яратди;

– барча ваколатли банкларга валюта айирбошлаш операцияларини ўтказиш ҳуқуқининг берилиши, айирбошлаш шохобчалари орқали нақд чет эл валютасини сотиш муддати ва миқдори бўйича ўрнатилган чекловларнинг бекор қилиниши аҳолининг нақд чет эл валютасига бўлган талабини қондиришга кенг имкониятлар яратди.

Марказий банк томонидан сўмнинг чет эл валютасига нисбатан курсини ички валюта бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланиши бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солинишини, корхона ва ташкилотларнинг балансларида молиявий натижалар ва ташқи иқтисодий операцияларнинг ҳаққоний акс эттирилиши, шунингдек, статистик кўрсаткичларнинг таққосланишини яхшилашни таъминлади.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, экспорт салоҳиятининг ортиб бориши ва ташқи савдодаги уйғунлашув Марказий банкка олтин-валюта захираларини Ўзбекистон Республикасининг монетар ва валюта сиёсатини олиб бориш ҳамда халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминлаш ва ташқи қарзларни ўз вақтида қайтариш учун етарли даражада сақлаб туриш имконини бермоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар моделининг асосий хусусиятларидан бири, уларнинг босқичма-босқичлиги ва узвий боғлиқлигидир. Давлат бугунга келиб ислохотларнинг бошловчиси сифатида вақт билан синалган, шунингдек, ҳаётийлигини исботлаган, пухта ўйланган ва самарали валюта сиёсатини олиб бориш билан мустаҳкамлади.

Ўтиш даври иқтисодиётига мансуб бўлган мамлакатларга хос валюта ресурсларининг чегараланганлиги шароитида валюта бозорини эркинлаштиришда ортиқча тез бўларга йўл

кўймасдан, юқори даражада самара берувчи технологик ишлаб чиқаришни шакллантиришга устуворлик берилди. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдирмасдан ва экспорт салоҳиятини оширмасдан туриб валюта бозорини шошқалоклик билан эркинлаштириш иктисодий ҳамда молиявий кийинчиликларни туғдирган бўлур эди.

Валюта бозорини эркинлаштиришда пухта ва узокни кўзлаб амалга оширилган сиёсат Ўзбекистонга иктисодий тебранишларни четлаб ўтиш, капитални мамлакатдан оқиб кетишининг, шу билан бирга валюта захираларини камайиб кетишининг олдини олиш, ички бозорни жануби-шарқий Осиёда ва ўтиш даврини бошидан кечираётган қатор бошқа давлатларда бўлиб ўтган молиявий инкирозларнинг салбий оқибатларидан химоя қилиш имконини берди.

Валюта маблағларини хорижий мамлакатлардан замонавий ва етакчи технологияларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган устувор ва узокни кўзланган мақсадларга йўналтирилиши, иктисодиётнинг устувор тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши, шунингдек, янги, экспорт-боп ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни барпо этиш имконини бериб, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириб-гина қолмай, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажми ўсишини ҳам таъминлади.

Бунда 2003 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши йилига 4 % ташкил қилган бўлса, 2004–2010 йилларда мазкур кўрсаткич 7–9 % ташкил қилди. Айти пайтда 2009 йилда содир бўлган бутун жаҳон молиявий инкирози даврида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ўсишига эришилиб, ушбу кўрсаткич 8 % ташкил қилгани юқори аҳамиятга моликдир.

Ички валюта бозоридаги мавжуд чекловларни бекор қилиниши республика экспорт салоҳиятининг ривожлантириб, мустақамлади ва бу ўз навбатида, хорижга экспорт қилиш ҳажмининг ортишига ва экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушининг сезиларли даражада кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди. Бунда ички валюта бозори эркинлаштирилишига қадар 7 йиллик (1997–2003) экспорт ҳажми 24,4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, ички валюта бозори эркинлаштирилгандан сўнг, ўтган 7 йил мобайнида (2004–2010) мазкур кўрсаткич 3 баробарга ўсиб 61,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди ва Республикага қўшимча 37,5 млрд. АҚШ дол-

лари миқдоридаги валюта маблағларининг келиб тушишини таъминлади.

Ушбу натижаларга Ҳукумат томонидан Халқаро валюта фондининг Келишувлар Моддаларининг VIII банди имзолангандан кейин, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертация қилиниши билан эришилди, деб таъкидланиши валюта сиёсатимизга нуфузли халқаро ташкилот томонидан берган ижобий баҳо бўлди.

Мамлакатимизда мустақил пул-кредит сиёсати ва валюта сиёсатини юритишда эришилган ижобий натижалар Халқаро валюта фонди томонидан эътироф этилди.

Хусусан, Халқаро валюта фонди миссиясининг Ўзбекистонга 2010 йил июнь ойидаги навбатдаги ташриф давомида Ўзбекистон молия-банк тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижалари алоҳида эътироф этилди.

Миссия томонидан «...Ўзбекистоннинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон иқтисодининг барқарорлиги сақланди, натижада, бюджет профицити таъминланди ва ушбу даврда иқтисодиётни ривожлантириш учун сезиларли ҳажмда маблағларни жамлаш имконини берди.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг банк тизимида таъсирини чегаралашга, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини қўллаб-қувватлашга ҳамда 2009 йилда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолинишига эришилишида инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чораларнинг кўрилиши, давлат идоралари томонидан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар Дастури, солиқ юкининг пасайтирилиши муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди. 2009 йилда ЯИМ ўсиши реал баҳолашда 8,1 фоизни ташкил этиб, жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, бунда инфляциянинг ўртача ўсиш суръати сезиларсиз даражада ошди», – дея қайд этилди.

Бундан ташқари, 2010 йил 30 августда Халқаро валюта фонди ижрочи директорлар кенгашининг Вашингтонда Ўзбекистон Ҳукуматида маслаҳатлар беришга бағишланган йиғилишида ижрочи директорлар кенгаши, 2009 йил ва 2010

йилнинг ўтган давридаги глобал молиявий-иктисодий инкироз шароитида макроиктисодий барқарорликни сақлаб қолиш, юқори суръатлардаги иктисодий ўсишни таъминлаш ва самарали тузилмавий ўзгаришларни ифода этувчи Ўзбекистон Республикасининг иктисодий ривожланиш натижаларини жуда юқори баҳолади.

Ижрочи директорлар кенгаши қайд этдики, ўз вақтида амалга оширилган инкирозга қарши чоралар Дастури ва пухта ўйланган макроиктисодий сиёсат Ўзбекистоннинг иктисодий ўсиш суръатлари жуда юқори бўлган давлатлар қаторидан жой эгаллашини, шунингдек, бюджет профицитига, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосига, олтин-валюта захирасининг ўсишига, келгусида давлат қарзларини қисқартиришга эришилишини таъминлади.

Бундан ташқари, ижрочи директорлар кенгаши шуни алоҳида таъкидладики, Ўзбекистонда мувозанатлаштирилган бюджет-солиқ сиёсати ҳамда қатъий пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши глобал инкироз шароитида ҳам иктисодиётнинг реал сектори ва молия секторини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини берди. Бунда, мувофиқлаштирилган солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатлари Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт Жамғармасида йирик миқдорда валюта тушумларини жамлаш, шу билан бирга инфляция босимини пасайтириш имконини берди.

Халқаро валюта фонди экспертлари қаттиқ ва пухта солиқ-бюджет сиёсатини, мазкур сиёсатнинг бюджетни мувозанатлаштирганлигини ва профицитини таъминлаганлигини, 2009 йил давомида инкирозга қарши дастур доирасида иктисодиётнинг бюджетдан рағбатлантириш самарадорлигини ва ўз вақтида амалга оширилганлигини ҳамда Марказий банкнинг қатъий пул-кредит сиёсатининг ижобий ролини мамнуният билан қайд этди.

Танланган валюта сиёсати мамлакат иктисодиётининг тезкор ривожланишига қулай шароит яратибгина қолмай, балки аҳолининг миллий валютага ва банк тизимига бўлган ишончини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ш 6 0 6
ТАЪСИРЧАН БАНК НАЗОРАТИ –
БАНК ТИЗИМИ БАҲҚАРОРЛИГИНИНГ
КАФОЛАТИ СИФАТИДА

Ҳар бир мамлакатда макроиктисодий мувозанатни, иктисодий ўсишни таъминлашда банк тизими муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, кредит ташкилотларининг уй-хўжаликларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини йиғиш ва уларни кредитлар ва инвестицияларга йўналтириш орқали иктисодиётда ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда қайта ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти бекиёсдир.

Марказий банк раҳбарияти банк тизимининг республика иктисодиётини ривожлантириш, инвестицион жараёнларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини оширишдаги муҳим аҳамиятини англаган ҳолда, истиқлолимизнинг илк йилларидан банкларнинг салоҳиятини доимий ошириб боришга қаратилган улкан ишларни амалга ошириб келди.

Кредит ташкилотлари, хусусан, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағларни иктисодиётнинг турли соҳаларига кредит ва инвестициялар кўринишида жойлаштирилиш жараёни турли таваккалчиликлардан холи эмаслиги, бунинг оқибатида эса банкларнинг таназзулга учраш хавфининг юқорилиги тижорат банклари омонатчилари ва кредиторлари манфаатларининг ҳимоя қилинишини тақозо этади.

Зеро, банклар юридик ва жисмоний шахсларнинг банкка ишониб топширган маблағлари ҳисобидан таваккалчилик асосида фойдаланар экан, ушбу маблағларнинг бут сақланишини ва ўз эгаларига фоизли даромадлар билан бирга тўлик қайтарилишини, шунингдек, тўловларнинг амалга ошириш орқали мижозлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш банк тизимида бўлган ишонччи мустаҳкамлаш учун ўта муҳим саналади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда банк назорати тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга, унинг халқаро тамойиллар ва стандартлар асосида қайта ташкил қилишга, мутлақ текширишдан пруденциал назоратга ўтишга соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида қаралди.

Банк тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш, тижорат банклари омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш, алоҳида банklar ва бутун банк тизими фаолиятига хос бўлган хатарларни аниқлаш ва уларни бошқариш банк назоратининг асосини ташкил этади.

Албатта, бир қарашда, банklar фаолиятини муайян чеклашлар орқали тартибга солиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин халқаро банкчилик тарихидан маълум бўлган инкирозлар банк фаолияти алоҳида тартибда назорат қилиниши лозимлигини яққол кўрсатиб берди. Айниқса, 2008 йилда АҚШдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ҳам банklar фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг қанчалик зарурлиги тўғрисидаги саволларга нафақат ҳожат қолдирмади, балки банк назорати бўйича жуда қаттиқ талаблар ишлаб чиқилишига сабаб бўлди.

Мамлакатимиз Президентининг глобал молиявий инкироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини ҳамда банklar фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини кўрсатганлигини таъкидлаб билдирган фикрлари ҳам банк назоратининг зарурлигидан далолат беради¹.

Банк назорати – давлат томонидан банк-молия тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, омонатчилар, кредиторлар ва миждозларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналиши ҳисобланади. Банк назорати тизими эса, давлат томонидан макроиқтисодий барқарорлик, банк-молия тизими барқарорлиги, унинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган тизим ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, банк назоратининг нафақат банк-молия соҳасини, балки бутун иқтисодиётни самарали бошқаришдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, 1974 йилда шу даврда катта ўнлик – G10 деб ном олган мамлакатлар Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасини ташкил қилди.

¹ Қаримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон ша-роитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон», 2009.

Кўмита 1990 йилларнинг бошларидан ривожланаётган мамлакатлар банк назорати идоралари билан ҳам кенг миқёсдаги масалалар бўйича ҳамкорлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йили мазкур кўмитанинг Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари гуруҳига аъзо бўлиб кирди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида банк назорати тизимини янгидан ташкил қилиниши ва ривожлантирилиши масалаларига тўхталишдан аввал Банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитасининг ушбу йўналишдаги фаолияти билан таъналарни мақсадга мувофиқдир.

Базель кўмитасининг банк назоратига оид асосий вази-фаси банк назорати ва банк тизимини тартибга солишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Кўмита банк назоратини амалга ошириш ваколатига эга эмас ва унинг қарорларига қонуний куч берилмаган. Мазкур органнинг асосий мақсади – банк назорати бўйича халқаро андозаларни ва йўналишларни яратиш, ҳар бир давлатнинг миллий банк-молия тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, амалиётга татбиқ этиш мақсадида банк назоратига тегишли энг илғор тажрибалар юзасидан таклифлар-тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Кўмита томонидан ишлаб чиқиладиган таклифлар кенг ҳажмдаги молиявий муаммоларни қамраб олади. Бунда асосий вазифа – қуйидаги иккита асосий тамойилларга риоя қилиш орқали халқаро банк назорати тизимидаги камчиликларни бартараф этиш ҳисобланади:

– ҳеч бир банкнинг хориждаги муассасаси назоратдан четда қолмаслиги;

– банк назорати адекват равишда ташкил этилиши лозим.

Ушбу мақсадга эришишни таъминлаш учун Кўмита томонидан 1975 йилдан бошлаб бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Базель кўмитаси ўз фаолиятдан кўзланган мақсадга эришиш учун барча давлатларнинг банк назорати органлари билан доимий алоқаларни йўлга қўйган бўлиб, уларни банк назоратига тегишли ишлаб чиқилган маълумотлар билан мунтазам равишда таъминлаб туради ва ўзаро ҳар икки йилда банк назоратчиларининг Халқаро Конференцияси ўтказиб турилади.

Базель кўмитаси ўз фаолиятини куйидаги 6 та асосий кичик кўмиталар орқали амалга оширади:

1. Келишувнинг татбиқ этилишини таъминловчи гуруҳ;
2. Капитал етарлилиги келишувининг талкин этилиши билан шуғулланувчи гуруҳ;
3. Бухгалтерия ҳисоби амалиётлари гуруҳи;
4. Асосий тамойилларни татбиқ этиш гуруҳи;
5. Халқаро банк фаолияти гуруҳи;
6. Илмий изланишларни олиб борувчи гуруҳ.

Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро банк ҳамжамияти томонидан қабул қилинган илк ҳужжат «Банк капиталини ҳисоблаш бўйича халқаро тизим» (1988 йил ва 1992 йилда қайта кўрилган) бўлиб, унда банк таваккалчиликлари ҳажмини банк капиталига боғлаш орқали чегаралаш ва шу орқали банк тизимини ҳимоя қилиш ғояси илгари сурилади.

Ушбу ҳужжатда банк капиталининг етарлилик даражаси куйидаги формула бўйича аниқланиши лозимлиги кўрсатилган:

$$\text{Банкнинг капитали}/(\text{Кредит таваккалчилиги} + \text{Бозор таваккалчилиги}) \geq 8\%.$$

Шунингдек, Базель кўмитаси томонидан 1996 йилда ишлаб чиқилган «Самарали банк назорати тамойиллари»да банк назоратини ташкил қилишнинг 25 асосий тамойиллари илгари сурилади. Ушбу тамойиллар банк назорати органи (Марказий банк)нинг банк назоратини амалга оширишдаги ролини аниқ белгилаган ҳолда, ушбу орган томонидан:

– банклардаги таваккалчиликлар даражасини инобатга олган ҳолда банк капиталнинг етарлилиги даражасини ва капиталнинг аниқ таркибини белгиланиши;

– бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келадиган таваккалчиликнинг энг юқори чегарасини белгиланиши;

– банкка дахлдор шахслар билан операцияларга нисбатан чекловларнинг ўрнатилиши ҳамда бундай шахслар билан операцияларни бошқа мижозлар ўртасида бир хил шартлар асосида амалга оширилиши лозимлигини белгиланиши;

– активларни таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиниши;

– банкларда ички сиёсатлар, шунингдек, тезкор бошқаришда, активларни жойлаштириш ва жорий бошқаришда қўлланиладиган ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқишга доир талаблар ўрнатилиши ва уларга риоя этилишини текшириши зарурлиги белгиланган.

Шунингдек, мазкур ҳужжатда Марказий банк тижорат банкларидан ўзини ўзи бошқариш ҳамда таваккалчиликларни бошқариш йўналишида:

– активлар сифатини баҳолаш бўйича адекват сиёсат ва методикалар ишлаб чиқилишини;

– таваккалчиликларни аниқлаш, ўлчаш, кузатиб бориш ва назорат қилиш ва улар бўйича йўқотишларни имкон қадар қоплашни қамраб олувчи тизимнинг мавжуд бўлишини;

– раҳбариятга ўзаро дахлдор бўлган кредиторлар ва қарздорлар гуруҳларини аниқлаш имкониятини берувчи ахборот тизимининг мавжуд бўлишини;

– бозор нархлари ва котировкаларнинг ўзгариб туриши билан боғлиқ таваккалчиликларни аниқ баҳолаш, кузатиш ва назорат қилиш тизимининг мавжуд бўлиши;

– операциялар турлари ва ҳажмига мутаносиб бўлган ички назорат тизимининг мавжуд бўлишини, ушбу тизим доирасида банкни бошқариш бўйича ваколат ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, активларни бут сақланишини кузатиб бориш, захираларни тўлдириб бориш, молиявий ҳисоботларни тузиш, мустақил ички ва ташқи аудитни амалга ошириш каби функцияларнинг бир-биридан ажратилишини;

– банкдан жиноий мақсадларни амалга ошириш йўлида фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган ички сиёсатлар ишлаб чиқилишини талаб қилиши лозимлиги кўрсатилган.

Банк назоратини такомиллаштириш йўналишида олиб борилган кейинги изланишлар натижасида Базель кўмитаси томонидан бир қатор янги ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва улар Базель II келишувлар пакетининг асосини ташкил этади. Жумладан, «Ҳоиз таваккалчиликларини бошқариш тамойиллари» (1997), «Кредит ташкилотларида ички назорат тизимининг асослари» (1998), «Банклар транспарентлигини таъминлаш» (1998), «Кредит таваккалчиликларини бошқариш тамойиллари» (1999), «Кредит ташкилотларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» (1999), «Операцион таваккалчиликни бошқаришнинг замонавий тажрибалари» (2003), «Капитал

стандартлари ва капитални баҳолашни халқаро конвергенцияси: янги ёндашувлар» (2004) каби ҳужжатларда асосий эътибор банк фаолиятини масофадан назорат қилиш ҳамда банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизимларини ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Шу билан бирга, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози ривожланган мамлакатлардаги банк назорати органлари томонидан йирик банкларнинг юқори таваккалчиликка асосланган ва носоғлом фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмаганлигини, амалдаги банк назорати инструментларининг эса етарли эмаслигини яққол кўрсатиб берди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг бу борада билдирган куйидаги фикрини келтириш ўринлидир:

«...бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини тасдиқлади»¹.

Банк назорати тизимидаги нуқсонларни бартараф этиш, банклар фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида банк назорати бўйича Базель қўмитаси 2010 йил сентябрь ойида банк капитали янги стандартларини тўлиқ ишлаб чиқилганлигини эълон қилди ва ушбу ҳужжат катта йигирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланди.

Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банк капитали етарлилигига минимал талабларнинг тобора кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга катта йигирмалик давлатларида 2013–2019 йилларда босқичма-босқич ўтилиши кутилмоқда.

Янги талабларга кўра, 1-даражали капиталининг етарлилик даражаси 6%ни, шу жумладан, тўланган оддий акциялар ёки 1-даражали асосий капитал кўрсаткичи (чегирмалардан кейин) 4,5% миқдорда бўлиши лозим. Бунда 1-даражали асосий капитал кўрсаткичи 2013 йилгача 2%, 2013 йилдан 3,5%, 2014 йилдан 4% ва 2015 йилдан 4,5% миқдорда бўлиши лозимлиги белгиланган.

Иккинчидан, Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар киритилмоқда. Шулар жумласида «Буфер капита-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон», 2009.

ли» деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали воситалари киритилмоқда.

Консервацион капитал иқтисодий ва (ёки) молиявий инкирозлар даврида банклар зарарларини қоплаш учун ўзига хос қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда.

Банклар консервацион капиталга 2016 йилдан бошлаб эга бўлишлари ва унинг миқдори 2016 йилдан 0,625%, 2017 йилдан 1,25%, 2018 йилдан 1,875% ва 2019 йилдан 2,5% бўлиши талаб этилмоқда.

Контрциклик капитал эса ҳар бир мамлакат шартшароитидан келиб чиққан ҳолда 0%–2,5% доирасида белгиланади.

Банклар контрциклик капитал даражасини 2016 йилдан 0,625%, 2017 йилдан 1,25%, 2018 йилдан 1,875% ва 2019 йилдан 2,5% даражасида таъминлашлари лозим. Контрциклик капитални 2,5% даражасига етказмаган банкларга дивидендлар тўлаш, ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш ҳамда бонуслар тўлашга чекловлар ўрнатилади.

Базель III даги яна бир янги восита – бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларнинг таназзулга учраши бутун молия тизими инкирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади. Базель III да бундай банклар капиталига нисбатан қўшимча талаблар ишлаб чиқилиши лозимлиги тўғрисида умумий келишувга келинган.

Шундай қилиб, Базель қўмитаси банк назоратини такомиллаштириш йўналишида Базель I, Базель II ҳамда Базель III келишувлар пакетини ишлаб чиққан ва амалиётга жорий қилишга тавсия қилган.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тавсияларнинг Ўзбекистонда жорий қилиш масалалари истиқлолимизнинг илк йилларидан республика раҳбарияти ҳамда банк тизими мутасаддиларининг диққат марказида бўлди.

Республикамизда банк назорати тизими халқаро талабларга мос равишда учта услубда – лицензиялаш, яъни банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш ва банкларни рўйхатга олиш, масофадан назорат қилиш ҳамда жойига чиқиб текшириш орқали амалга оширилади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда банк назоратини жорий этилиши бевосита мустақиллигимизнинг дастлабки йилларда мамлакатимизда энг тараккий топган давлатлардаги каби икки поғонали банк тизимининг яратилиши билан боғлиқ бўлиб, шундан сўнг уни янада ривожлантириш борасида ишлар олиб борилди.

Жумладан, Марказий банк томонидан банк назорати ташкил этилган дастлабки йилларда банклар фаолияти тафтиш (ревизия) қилинган бўлса, кейинчалик бундай банк назорати мамлакатда самарали банк назоратини олиб бориш учун етарли эмаслигини кўрсатиб берди ва дунё мамлакатларининг банк назоратини амалга ошириш тажрибаларига мурожаат этилиб, банк назоратини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш борасида жиддий чора-тадбирларни кўриш лозимлиги масаласи ўртага ташланди.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги банк назорати режали иқтисодиётга хос бўлган назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли, Марказий банк олдида «банк муассасаларида» кўп сонли йўриқномаларнинг амалда бажарилишини текширишдан назорат вазифаларини амалга ошириш йўлига ўтиш вазифаси кўйилди.

Шу ўринда, мамлакатимиз Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолият – жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида» мавзусида қилган маърузасида «... молия, банк-кредит ташкилотлари, божхона хизмати ишини халқаро стандартлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан туриб, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур қилиб бўлмайди» деган фикрлари иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлашда ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан ташқи иқтисодий, айниқса, молиявий муносабатларни мустаҳкамлаш билан бирга банк тизимини ҳам халқаро андозалар даражасида тартибга солиш нечоғли муҳим аҳамиятга эгаллигини англаш мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакат банк тизимидаги назорат механизми халқаро талаблар даражада тўғри йўлга қўйилиши ушбу давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ҳамкорлигини оширади. Худди шунингдек, халқаро андозаларга тўғри келадиган самарали банк назорат тизими истиқболли ҳамкорликка йўл очади, хорижий сармояларни республикага жалб қилиш ва мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Бу борада асосий эътибор, банк фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга доир қонун ва қонуности ҳужжатларни жаҳон банкчилик фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, халқаро талаблар асосида яратилишига, хусусан, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини бухгалтерия ҳисоботининг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришга ҳамда банклар фаолиятини тартибга солишга оид иқтисодий меъёрларни халқаро талаблар даражасида ўрнатилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда Конституциямиз, кредит ташкилотлари ҳамда параллел равишда фаолият юритувчи молиявий институтлар, улар билан боғлиқ бўлган бошқа тузилмалар фаолиятини тартибга солувчи қонунларимиз, Президентимиз Фармон ва Қарорлари, Ҳукумат Қарорлари, Конституцион суд ва Олий суд қарорлари банк фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Банк назоратининг ҳуқуқий асосининг асосий қисми – бу банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлардир. Аксарият мамлакатларда «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлар банк фаолиятини тартибга солувчи асосий қонунлар ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилишнинг бошланиши 1991 йилда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ. Дастлаб, 1992 йилда мазкур қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши билан республикада икки поғонали банк тизимига асос солинди.

Бунда банк тизимини Марказий банк томонидан бошқарилиши белгиланди, Марказий банкка банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш вазифалари юклатилди, банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш ҳуқуқи берилди.

Кейинчалиқ, 1995–1996 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларининг қабул қилиниши билан банк тизимини халқаро принциплар ва стандартлар асосида ривожлантиришнинг янги асослари яратилди.

Марказий банкнинг тижорат банкларини назорат қилиш билан боғлиқ фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари қонун билан мустаҳкамланди:

– банк тизимининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

– банклар фаолиятини лицензиялаш жараёнида банк соҳасига фақатгина ишончли банкларнинг кириб келишини таъминлаш;

– тижорат банкларининг Марказий банкка ҳисобот беришини ва назорат жараёнида зарур маълумотларни очик тақдим этишини йўлга қўйиш;

– муаммоли банклар фаолиятига ўз вақтида таъсир ўтказиш ва уларнинг муаммоларини тезлик билан ҳал этиш;

– банк тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш;

– зарур ҳолатда, банк тизимига минимал даражада салбий таъсир кўрсатган ҳолда алоҳида банкларни тугатиш чораларини кўриш.

Республикамизда банк назорати учта услубда – лицензиялаш, масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш орқали амалга оширилади.

Лицензиялаш – Марказий банк томонидан банк тизимини таркибий-тузилмавий жиҳатдан шакллантириш воситаси ҳисобланиб, унинг ёрдамида банк соҳасига, яъни банкларнинг кириб келиши, улар фаолиятининг ўзгартирилиши ёки қайта ташкил қилиниши, шунингдек, лицензиясини чақириш орқали фаолиятини тугатилиши жараёнлари тартибга солинади.

Банклар фаолиятини лицензиялашга доир асосий талаблар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасига кўра, банклар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банкларни назорат қилиш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Худди шу қонуннинг 50-моддасида Марказий банк банкларни рўйхатга олиши, шунингдек, банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида банк, шу жумладан, чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон

Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга ошириши, 10-моддасида банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлиши белгиланган.

Шунингдек, қонунда банкларнинг бошқа банклар капиталидаги иштирокига йўл қўймаслик, банк устав капиталини фақат пул маблағларидан ташкил топиши, уни кредитга ва гаровга олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилишига йўл қўймаслик каби талаблар белгиланди.

Ушбу талаблар халқаро банкчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган бўлиб, объектив равишда банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шунингдек, қонунда банк таъсисчиларидан бири ёки бир нечтасининг молиявий аҳволининг қониқарсизлиги, муассислар молиявий манбаларининг эълон қилинмаганлиги, банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги, банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги банкларни рўйхатга олишга ва уларга лицензия беришни рад қилинишига асос бўлишининг белгиланиши ҳам алоҳида банклар ва бутун банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Шундай қилиб, республикада банк фаолиятини лицензиялаш ва банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш Марказий банк ваколатига кириши қонун асосида белгилаб қўйилди.

Ўз навбатида, Марказий банк банкларни рўйхатга олиш ва уларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия беришни тартибга солиш мақсадида «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомни (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Ушбу низомга мувофиқ, республикада тижорат банкларини лицензиялаш жараёни қуйидаги икки босқичдан иборат:

– банк таъсис этиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатини бериш;

– банкни рўйхатга олиш билан бир вақтда лицензия бериш.

Мазкур жараён, энг аввало, банк тизимида ижобий ишбилармонлик тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсисчи сифатида кириб келишини таъминлашга хизмат қилади.

Биринчи боскич муассислар томонидан Марказий банкка тегишли ҳужжатларни топшириш, муассисларнинг молиявий имкониятларини, бизнес-режасини, обрў-эътибори (репутацияси), банк бошқарувининг касбий маҳоратини таҳлил қилишга оид ҳаракатлар амалга оширилиб, уларнинг натижаси бўйича тижорат банкига дастлабки рухсатнома тақдим этилади. Ушбу рухсатнома асосида таъсисчилар олти ой мобайнида банкни ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этишлари лозим.

Тижорат банклари томонидан банкни ташкил қилиш бўйича барча ташкилий ишлар кониқарли даражада бажарилгандан сўнг уларга банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилади.

Банкни ташкил этиш бўйича бизнес режанинг мақбуллиги, банк устав капиталининг етарлилиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ шаклантирилганлиги, даромадлиликнинг истикболлари, ташкил этилаётган банк раҳбарининг малакаси ва обрўси, банкни ташкил этиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, монополияга қарши чораларнинг мавжудлиги лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, банклар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш, яъни банк назорати банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, молиявий барқарор бўлган янги банкларни бозорга киритиш йўллари билан биридир.

Тижорат банкига фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилгандан сўнг, унинг Уставига устав капитали миқдори, акциядорлар таркибининг ўзгариши, шунингдек, банк номи ва манзилининг ўзгариши билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни Марказий банкда рўйхатдан ўтказиш жараёнлари Марказий банкнинг «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низоми (рўйхат рақами 573, 1998 йил 19 декабрь) билан тартибга солинади.

2010 йил якунлари бўйича республикада 31 та тижорат банки фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, шундан 3 таси давлат тижорат, 13 таси акциядорлик тижорат, 10 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклардир.

Мамлакатимизда янги банк ташкил этишда муассислар олдига қўйиладиган талаблар Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотларининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, Базель қўмитасининг «Самарали банк назорати тамойиллари»га мувофиқ ишлаб чиқилганлиги банк тизимига фақатгина ишбилармон ва обрў-эътиборли юридик ва жисмоний шахслар киришини таъминлашга эришилди.

Банклар фаолиятини лицензиялаш жараёнини ташкил қилишнинг шундай элементи мавжудки, унинг мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини таъминлашдаги роли беқиёсдир. Бу элемент – банк капиталига оид талаблардир.

Республикаимизда тижорат банклари капиталига оид қатор талаблар мавжуд. Уларнинг энг биринчиси бу банклар капиталининг энг минимал даражасига оид талаблардир.

Шу ўринда, республикада тижорат банклари устав капиталининг энг кам даражасига оид талабларнинг белгиланиши ва банкларнинг капиталлашув даражасини ошириб бориш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Республикада мустақилликнинг дастлабки йилларданок тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бунда банклар фаолиятини турли таваккалчиликлардан сакловчи, ўзига хос буфер сифатида хизмат қилувчи восита – банк капиталининг энг минимал миқдорига доир талаблар жорий қилинди. Таъкидлаш жоизки, банкларнинг капиталлашув даражасини босқичма-босқич ошириб боришда мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этди.

Бу йўналишда қўйилган дастлабки қадам ҳали республика иқтисодиёти рубль зонасида бўлган даврларга тўғри келади. Хусусан, 1993 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари учун устав капиталнинг энг оз миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги ПФ-563-сонли Фармони 1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб амалдаги ва янгидан ташкил қилинадиган тижорат банклари учун устав капиталининг энг кам миқдорини 100 миллион рубль, кооператив ва хусусий банклар устав капиталининг энг кам миқдорини эса 50 миллион рубль даражасида белгилади. Миллий валютаимиз

муомалага киритилиши муносабати билан, мазкур талаб 1 сўм: 1000 рубль нисбатда қайта ҳисобланиб, 1997 йилга қадар амал қилиши давом эттирилди.

Банкларнинг капиталлашув даражасини оширишнинг кейинги босқичи 1997–2000 йилларга тўғри келади. 1996 йил 27 августда Марказий банк Бошқаруви Тошкент шаҳрида жойлашган банклар учун устав капиталининг энг кам миқдорини 1997 йил 1 январдан 650 минг ЭКЮ, 1998 йил 1 январдан 1,2 млн. ЭКЮ, 1999 йил 1 январдан 1,6 млн. ЭКЮ ва 2000 йил 1 январдан 2,0 млн. ЭКЮ даражасида, республиканинг бошқа ҳудудларида жойлашган банклар учун эса 1997 йил 1 январдан 330 минг ЭКЮ, 1998 йил 1 январдан 650 минг ЭКЮ, 1999 йил 1 январдан 800 минг ЭКЮ ва 2000 йил 1 январдан 1,0 млн. ЭКЮ даражасида белгилади.

Шунингдек, устав капитали мазкур талабдан паст бўлган банклар 1997 йилдан бошлаб ҳар чоракда ўз устав капиталини 25 фоизга ўстириб бориш талаби кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1749-сонли Фармони соҳага хусусий капитални кенг жалб қилинишини таъминлади.

Фармонда республика ҳудудида бошқа тижорат банклари билан бир қаторда хусусий тижорат банклари ташкил қилиниши мумкинлиги, хусусий банклар устав капиталида жисмоний шахс бўлган муассисларнинг улуши камида 50 фоизи ташкил қилиши ва уларда давлатга қарашли бўлган юридик шахсларнинг иштирокига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, фармон билан хусусий банклар ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида бюджетга даромад солиғини тўлашдан озод қилинди, улар устав капиталининг энг кам миқдори 250 минг ЭКЮ даражасида белгиланди.

Айтарли қисқа вақтда хусусий банклар сони жами банкларнинг 30 фоизидан ортиғини ташкил қилди.

Европа иттифоқи мамлакатларининг 1999 йилга келиб ягона валюта – «Евро»ни жорий қилиш йўналишидаги ҳаракатлари, сўнгги паллага кириб бориши мамлакатимизда банклар устав капиталини шу даврда энг барқарор ҳисобланган АҚШ долларида белгилаш заруратини туғдирди.

1999 йил 15 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонли ва Марказий банкнинг Бошқарувининг тегишли қарорларига асосан тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори Тошкент шаҳридаги тижорат банклари учун 1999 йил 1 январидан 2,0 млн. АҚШ доллари, 2000 йил 1 январидан 2,5 млн. АҚШ доллари, республиканинг қолган ҳудудларида ташкил қилинган тижорат банклари учун 1999 йил 1 январидан 1,0 млн. АҚШ доллари, 2000 йил 1 январидан 1,25 млн. АҚШ доллари ҳамда чет эл капитали иштирокидаги банклар учун 1999 йил 1 январидан 5,0 млн. АҚШ доллари ва хусусий банклар учун 300,0 минг АҚШ доллари даражасида белгиланди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-56-сонли Қарорига асосан янги ташкил этилаётган тижорат банклари энг кам устав капиталларини босқичма-босқич ошириб бориш ва уларни 2007 йилнинг 1 январига қадар тижорат банклари учун 5 млн. АҚШ доллари ва хусусий банклари учун 2,5 АҚШ долларига етказиш белгиланди.

Мазкур тадбир натижасида тижорат банкларининг барқарорлиги мустаҳкамланиши билан уларнинг ресурс базаси ошади ва иқтисодиётни молиялаштириш имкониятлари янада кенгайди. Шу билан бирга, бир томондан, маҳаллий ва чет эл сармояси иштирокидаги банклар, иккинчи томондан, Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа ҳудудларида ташкил қилинган банклар устав капиталининг энг кам даражасига нисбатан талаблари тенглаштирилди.

2007 йилнинг охирларига бориб АҚШ иқтисодиётидаги муаммолар, жумладан катта миқдордаги ташқи қарзи ва бюджет тақчиллиги, иқтисодиётдаги рецессия аломатлари, халқаро савдо айланмасида доллар улушининг пасайиб бораётганлиги республикамизда банклар устав капиталига минимал талабларни «Евро»да белгиланишини тақозо қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-726-сонли Қарорига мувофиқ асосан 2008 йилнинг 1 январдан тижорат банклари устав капиталининг энг кам

микдори тижорат банклари учун 5 млн. Евро ва хусусий банклари учун 2,5 млн. Евро микдорида белгиланди.

Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Халқ банки (190 млрд. сўм), Асакабанк (147,1 млрд. сўм), Микрокредитбанк (72 млрд. сўм), Ўзсаноатқурилишбанк (65,4 млрд. сўм), Агробанк (50 млрд. сўм), Қишлоқ қурилиш банк (36 млрд. сўм) каби етакчи банклар капиталини жами 560,5 млрд. сўмга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Натижада мамлакатимиз банкларининг жами капитали кўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан 2007 йил билан таққослаганда 40 фоизга кўпайди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз банк тизими капиталини мунтазам ошириб бориш сиёсатининг нақадар тўғрилиги 2008 йилнинг иккинчи ярмида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яққол намоён бўлди.

Таъкидлаш лозимки, республика раҳбарияти томонидан тижорат банкларининг капиталлашув даражасини мунтазам ошириб борилишини таъминлашга қаратилган имтиёзлар бериш сиёсати ҳам амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3831-сонли Фармонига асосан 2007 йил 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилиниши ҳамда фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва кўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг микдорда камайтирилиши бўйича имтиёзлар берилган.

Шунингдек, Президентнинг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли Қарорига асосан, банклар капиталларига жисмоний шахсларнинг маблағларини кенг жалб қилиш мақсадида 2010 йил 1 январига қадар жисмоний шахсларнинг банк акцияларидан олган дивидендлар даромад солиғидан озод этилди.

Ушбу имтиёзлар натижасида банк акциядорлари сони охиригача қарийб йигирма йиллик давр ичида 62 тадан 231 мингга етди. Бугунги кунда банк акциядорларининг 68 фоизини жисмоний шахс бўлган акциядорлар ташкил қилиши эса аҳолининг

банкларга бўлган ишончининг тобора ошаётганлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш борасида олиб борилган ишлар натижасида банклар капитали ҳажми 1991 йилга нисбатан кескин ошиб, 2010 йил охирига 4,1 трлн. сўмни ташкил қилмоқда.

Марказий банк томонидан тижорат банки капиталининг банк активлари таваккалчилик даражасига мутаносиб равишда ўзгариб боришини таъминлайдиган, банк назорати бўйича Базель кўмитаси талаблари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу механизм халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Тижорат банклари капиталининг етарлиликка қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 560, 1998 йил 2 ноябрь) асосида жорий қилинди ва у банк умумий капиталини иккита – биринчи даражали ва иккинчи даражали капиталларга ажратди. Кейинчалик, яъни 2000 йил 25 июлда ушбу низомнинг янги таҳрири ишлаб чиқилди (рўйхат рақами 949).

Бунда биринчи даражали, яъни доимий капиталнинг етарлилик даражаси банкнинг таваккалчиликка тортилган активлари миқдорининг 5 фоизидан, умумий капиталнинг етарлилик даражаси 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозимлиги белгиланди. Таъкидлаш жоизки, Базель кўмитаси тавсияларида ушбу талаблар мос равишда 4 ва 8 фоиз даражасида белгиланган.

Тижорат банки капиталининг банк активлари таваккалчилик даражасига мутаносиб равишда ўзгариб боришини таъминлайдиган механизмнинг яна бир жиҳати – бу банк активлари бўйича таваккалчилик миқдори ҳисоблаш усулидир.

Ушбу усул банк активларини 4 та – 0, 20, 50 ва 100 фоизлик таваккалчилик гуруҳларига ажратади. Масалан, банкдаги нақд пуллар 0 фоизлик гуруҳга кирса, кредитлар ва бошқа қарз воситаларига жойлаштирилган активлар 100 фоизлик гуруҳга киритилади. Ушбу йўл билан таваккалчиликка тортилган активлар умумий суммаси ҳисобланади ва у банк капиталининг етарлилик даражасини ҳисоблашда қўлланилади.

Бунда банк умумий капиталининг етарлилик даражаси умумий капиталнинг таваккалчиликка тортилган активлар умумий суммасига нисбати сифатида аниқланади ва унинг энг минимал даражаси 0,1 дан ёки 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Худди шу каби, биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси биринчи даражали капиталнинг таваккалчилик-

ка тортилган активлар умумий суммасига нисбати сифатида аниқланади ва унинг энг минимал даражаси 0,05 дан ёки 5 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

Шу билан бирга, ушбу низомга мувофиқ левераж, яъни номоддий активлар ва гудвилл чегирилган ҳолда ҳисобланган биринчи даражали банк капиталининг жами активларга нисбати 6 фоиздан кам бўлмаслиги лозимлиги тўғрисидаги талаб жорий қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, 2010 йил охирида республикаимиз банк тизими умумий капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ортиқни ташкил қилиб, бу банк тизимимиз турли инқирозлардан етарли даражада ҳимояланганидан далолат беради.

Инқироздан кейинги даврда ҳам республика раҳбарияти банклар ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва банкларга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1317-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга кўра, банкларнинг молиявий барқарорлигини капиталлашув даражасини ошириш орқали таъминлаш мақсадида, тижорат банкларининг 2011 йил 1 январдан бошлаб банклар устав капиталининг энг кам миқдорлари тижорат банклари учун 10,0 млн. Евро ва хусусий банклари учун 5,0 млн. Евро миқдоригача етказилди.

Шунингдек, 2010–2012 йилларда банклар капиталлашуви даражасини уларнинг устав капиталларини ўстириш ҳисобига ошириш, акцияларни чиқариш ва фонд бозорларида жойлаштириш орқали жами капиталнинг ҳар йили камида 20 фоиз ўсишини таъминлаш, жумладан 2010 йил давомида 490 млрд. сўмга ошириш кўзда тутилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ПҚ-1438-сонли Қарорида 2011–2015 йилларда банклар капитали ҳажмини 2,1 баробарга ошириш белгиланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, банк тизимининг таркибий-ташкилий тузилишини самарали бошқариш, банк соҳасига ҳам молиявий жиҳатдан, ҳам репутация жиҳатидан барқарор банкларнинг киришини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ҳамда ликвидлигини мунтазам ошириб бориш ҳукумат ва Марказий банкнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Банк назорати тизимида масофадан назорат қилиш услуби муҳим ўрин эгаллайди. Масофадан назорат қилиш бир томондан банклар фаолиятини тартибга солувчи, банкларда таваккалчиликни бошқариш ва уни чеклашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, иккинчи томондан, ушбу талаблар устидан доимий назорат ўрнатиш ва мазкур талабларга риоя қилмайдиган банкларга нисбатан тегишли таъсир чораларини, шу жумладан иқтисодий санкцияларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Шу ўринда, Марказий банкнинг тижорат банклари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатишда идоровий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириб бориш фаолиятига алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Марказий банк томонидан банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уларни халқаро банк ишининг ривожланишига мос равишда такомиллаштириб боришга катта эътибор билан қаралди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Марказий банкнинг биргина «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари» (рўйхат рақами 10, 1995 йил 19 август) амалда бўлган.

Банк назоратига оид энг олди халқаро тажриба республика банк назорати тизимида Марказий банкка қатор халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро Тараққиёт Америка Агентлиги билан ҳамкорликда жорий қилинди ва Марказий банкнинг банк фаолиятини тартибга солувчи барча ҳужжатлари банк назорати бўйича Базель кўмитасининг Базель I келишувлар пакети, шу жумладан «Банк капиталини ҳисоблаш бўйича халқаро тизим» (1988 йилда ишлаб чиқилган ва 1992 йилда қайта кўрилган), «Самарали банк назоратини таъминловчи тамойиллари» (1996) асосида қайта ишлаб чиқилди.

Марказий банкнинг Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг бири – «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида»ги Низомидир (рўйхат рақами 559, 1998 йил 2 ноябрь). Мазкур низом банклар ликвидлигини бошқаришга ҳолатига нисбатан 30 фоизлик минимал талабларни белгилаш билан бирга Марказий банкнинг ликвидликни бошқаришга доир нуктаи назарини ҳам ифодалади. Хусусан, ушбу низомда банк ликвидлигини самарали бошқариш активлар ҳамда пассивларни бошқаришни ўз ичига олиши лозимлиги, активлар ва пассивлар муддати бўйича мутаносиб бўлиши даркорлиги, яъни қисқа муддатли мажбуриятларнинг узок муддатли активларга жойлаштирмаслик, бир манбадан жалб қилинган маблағларнинг ҳаддан ташқари катта бўлмаслиги каби талаблар ўрнатилди, банклар ликвидликни бошқариш бўйича махсус қўмита ташкил қилиниши лозимлиги, ликвидликни бошқаришга оид дастурий таъминотлардан фойдаланиш талаблари белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, «Бир қарздор ва ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 557, 1998 йил 2 декабрь), «Банклар ва уларга дахлдор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 556, 1998 йил 2 ноябрь)лар ишлаб чиқилди.

Агар «Бир қарздор ва ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги Низом бир қарздор ва ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасини 1-даражали банк капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги, ишончли кредитлар учун таваккалчиликнинг энг юқори даражасини 1-даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги, шунингдек, барча йирик кредитлар умумий ҳажмининг 1-даражали банк капиталидан 8 мартадан ортиқ ошиб кетмаслиги мумкин эмаслиги белгиланди.

«Бир қарздор ва ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги Низомга 2003 йил 10 декабрда киритилган ўзгартиришга мувофиқ бир қарздор ва ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1-даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозимлиги белгиланди.

«Банклар ва уларга дахлдор шахслар ўртасида ўтказиладиган операциялар тўғрисида»ги Низом асосида банклар ва уларга дахлдор шахслар ўртасида амалга ошириладиган операциялар бўйича таваккалчилик даражасини камайтириш, омонатчилар ва кредитлардан жалб қилинган маблағларнинг асосий қисмини дахлдор шахслар ўртасида тақсимланишининг олдини олиш мақсадида, дахлдор шахсларга бериладиган кредитларга нисбатан иктисодий нормативлар ўрнатилди. Бунда банкка дахлдор шахсларга тўғри келадиган таваккалчиликнинг энг юқори даражаси бир қарздор ва ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражасига қўйиладиган талаблар билан тартибга солиниши, банкнинг барча дахлдор шахсларга берган кредитларининг умумий суммаси банкнинг 1-даражали капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, банкка дахлдор бўлган шахслар билан операцияларнинг бошқа, банкка дахлдор бўлмаган шахслар билан операцияларга нисбатан қулайроқ шартларда амалга оширилиши тақиқланди, банкнинг дахлдор шахслар билан операциялари фақат банк Кенгаши рухсати билан амалга оширилиши лозимлиги белгиланди.

Банклар ва уларга дахлдор шахслар ўртасида ўтказиладиган операцияларга доир бундай талаблар белгиланиши банкларнинг, айниқса, хусусий банкларнинг ўз таъсисчилари манфаатлари йўлида ёки тор корпоратив манфаатлар йўлида фаолият юритишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Марказий банк томонидан «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисида»ги Низомни (рўйхат рақами 571, 1998 йил 19 декабрь) ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Мазкур Низомда банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек, ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига киритган қўйилмаси миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги, банкнинг барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги, олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмалари

миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталнинг 25 фоизидан ошмаслиги лозимлиги белгиланди.

Булардан ташқари, низомда банк унинг устав капиталининг ўн ёки ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахснинг устав фондида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги ва бошқа юридик шахслар устав фондининг 26 фоизидан ортиқ қисмига тўғридан-тўғри ёки билвосита (шўъба корхоналар орқали) эгаллик қила олмаслиги кўрсатилди.

Мазкур талаблар банк активларининг юқори таваккалчиликка асосланган операциялардаги иштирокини чегаралашга хизмат қилди.

2008 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан, Марказий банк «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги янги Низом (рўйхат рақами 1894, 2009 йил 2 февраль) ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

«Тижорат банкларининг кўчмас мулкка қилинган инвестицияларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 572, 1998 йил 19 декабрь) эса банк тизими маблағларини даромад келтирмайдиган активларга ортиқча жойлаштирилишининг олдини олиш ва уларни инвестиция жараёнларига йўналтириш мақсадида кўчмас мулкка инвестицияларга доир чекловлар ўрнатди.

Марказий банкнинг «Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби» (рўйхат рақами 632, 1998 йил 9 ноябрь) ҳисоботларда тижорат банкларининг реал молиявий ҳолатини акс эттириш, таваккалчиликларни чеклаш ҳамда алоҳида банклар ва бутун банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган яна битта ҳужжатдир.

Марказий банкнинг банк назорати бўйича меъёрий ҳужжатларида банклар фаолиятига нисбатан иқтисодий нормативларни ўрнатишдан асосий мақсад:

тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини, тўловга лаёқатлилигини, яъни ўз омонатчилари ва кредиторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришларини таъминлаш учун уларнинг ўз маблағларини етарлилигини;

тўловларни, яъни банк миждозлари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун етарли миқдорда ликвид активларга эга эканлигини баҳолаш;

банк актив операцияларининг, жумладан кредитлаш ва инвестициялаш билан боғлиқ операцияларининг таваккалчилик даражасини кескин ошиб кетишини, яъни банк омонатчилари ва кредиторларидан жалб қилинган маблағларни жуда юқори таваккалчиликка йўнатирилишини олдини олиш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасида ҳам тижорат банклари Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шартлиги, яъни ўз капитали ва ликвид маблағлари миқдорини талаб даражасида ташкил қилиши, активлар сифатини таснифлаш орқали шубҳали ҳамда ҳаракатсиз активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантириши, шунингдек, таваккалчилик даражасини тўғри бошқариш мақсадида активларни диверсификация қилиши лозимлиги қонун билан мустаҳкамланиб қўйилди.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар асосида ўрнатилган иқтисодий нормативлар ва талаблар банк назорати тизимининг замонавий стандартлар асосида ташкил қилинишига олиб келди.

Банклар фаолиятини масофадан назорат қилишни амалга ошириш мақсадида, Марказий банк томонидан халқаро андозаларга мос келадиган ҳисоб ҳамда ҳисобот тизими жорий этилди ва ушбу тизим асосида тижорат банкларидан кунлик, ойлик, чораклик, йиллик ва бошқа даврийликдаги ҳисоботлар қабул қилиш ва уларни таҳлил қилиш тизими йўлга қўйилди.

Марказий банк томонидан банклар фаолиятини масофадан назорат қилишни ташкил қилишда иқтисодий нормативларни ўрнатиш ва уларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур молиявий ҳисобот шакллари банклар фаолиятини масофадан туриб (дистанцион) самарали назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у:

- тижорат банкининг баланс ҳисоботи;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;

– фойзли даромадлар ва фойзли харажатлар таҳлили тўғрисида ҳисобот;

– банк капитали ҳисоб-китоби;

– таваккалчиликка тортилган активларнинг ҳисоб-китоби;

– акциядорлик капиталининг ўзгариши тўғрисида ҳисобот;

– тақсимланмаган фойдани текшириш;

– банк томонидан берилган кредитларнинг иктисодиёт тармоқлари, мижозлар турлари ва таъминот шакллари бўйича таркиби тўғрисида ҳисобот;

– муддати ўтган кредитлар ва лизинг операциялари таҳлили тўғрисида ҳисобот;

– таваккалчилик даражаси бўйича активларни таснифлаш тўғрисида ҳисобот;

– банкка дахлдор шахсларга берилган кредитлар ва лизинглар тўғрисида маълумот;

– 20 та йирик қарздорларга берилган кредит ва лизинг тўғрисида маълумот;

– кредитлар ва лизинглар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган ва қайтарилган тўловлар тўғрисида ҳисобот;

– мижозлар тури бўйича депозитлар тўғрисида ҳисобот;

– қимматли қоғозларга ва олди-сотди ҳисобварақлардаги активлар тўғрисида ҳисобот;

– банк ликвидлиги таҳлили;

– банк активлари таҳлили;

– банк мажбуриятлари таҳлили;

– «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақлари тўғрисида ҳисобот;

– иктисодий нормативлар ҳисоб-китоби;

– банк фаолияти билан боғлиқ бошқа турли хил маълумотлар каби жадвал кўринишидаги ҳисоботларни ўз ичига олади.

Банклар устидан ўрнатилган масофадан туриб назорат қилишда, ушбу молиявий ҳисобот шаклларида ташқари «Тижорат банкининг кредит портфели тўғрисидаги ҳисобот», «Қимматли қоғозлар портфели тўғрисида ҳисобот», «Бошқа банкларда жойлаштирилган маблағлар тўғрисида ҳисобот», «Бошқа банклардан жалб қилинган депозитлар ва олинган кредитлар тўғрисида ҳисобот» ва шу каби назорат қилиш учун зарур бўлган ҳисоботлар олиниб, таҳлил қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 53-моддасида банклар ва уларнинг филиаллари томонидан банклар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларини, шу жумладан иктисодий нормативларни бузган тақдирда Марказий банкнинг уларга нисбатан молиявий жарималар қўллаш, банк учун иктисодий нормативларни ўзгартириш, айрим турдаги операцияларни ўтказишни чеклаш ёки тақиқлаш, филиаллар очишни тақиқлаш. банк ёки унинг филиали раҳбарларини, шунингдек, банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини алмаштиришни талаб қилиш, банкка нисбатан ташқи бошқарувни жорий қилиш ҳамда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган ваколатларни васийга бериш, банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олиш каби ҳуқуқлари белгиланганки, булар масофадан назорат қилиш услуги самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган замонавий стандартларга мувофиқ масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш услублари бир-бирини тақозо қилувчи назорат услублари ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимиз банк назорати тизимини халқаро стандартларга мослаштирилишидан аввал мазкур услуб ўрнида назорат – тафтишдан фойдаланилар ва у фақатгина тижорат банклари фаолиятидаги хато ва камчиликларни аниқлашдан иборат эди. Бунда текширишлар банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида эмас, балки амалдаги йўриқномалар талабларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида ўтказилар эди.

Мамлакатимизда банк назорати тизимини халқаро даражада қабул қилинган талаблар асосида ташкил қилиниши жойига чиқиб текшириш услубининг мақсад ва вазифаларининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Хусусан, эндиликда бундай текширувлар банкларнинг ҳақиқий ёки реал молиявий ҳолатини баҳолаш, банклар фаолиятидаги хатарлар даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилиб, охир-оқибатда банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилди.

Марказий банк томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг инспекция ўтказувчи таркибий бўлинмалари томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларида инспек-

ция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 889, 2000 йил 4 февраль) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мазкур Низом жойига чиқиб текшириш ўтказиш мақсад ва вазифаларини белгилашдан ташқари, бундай текширувларни ўтказишда банкларнинг жорий фаолиятига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигига дахл солмаслик тартиб ва қоидаларини ҳам ўрнатди.

Юқоридаги низомда банклар фаолиятини жойига чиқиб текшириш CAMEL халқаро рейтинг тизими асосида ўтказилиши ҳам белгилаб қўйилди.

CAMEL рейтинг тизимининг асосий жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

CAMEL тизими, кўпроқ масофавий назоратга асосланган европача усулдан фарқли ўлароқ, жойида текширишга асосланган бўлганлиги сабабли банклар фаолиятини холисона баҳолаш ва самарали назорат қилишга имкон яратади;

мазкур тизим АҚШ тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда қўлланиладиган андозалаштирилган рейтинг тизими бўлиб, аниқ ва мукамал бўлганлиги сабабли, фойдаланиш учун қулайдир;

ушбу тизим орқали тижорат банкларининг молиявий мустаҳкамлигининг юқорида санаб ўтилган асосий компонентлари таҳлил этилиши натижасида, банкнинг молиявий мустаҳкамлигини ҳар томонлама тўлақонли таҳлил қилиш ва баҳолаш мумкин.

CAMEL рейтинг тизими орқали 5 та компонентнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида баҳолашда маълум қонун ва принципларга асосланади. Барча компонентларни баҳолаган ҳолда, банк фаолиятига берилган умумий рейтинг кўрсаткичига қараб, банк фаолияти бўйича умумий хулосалар қилинади.

Банклар фаолиятини жойига чиқиб текширилиши ва бунда CAMEL рейтинг тизимидан фойдаланилиши банклар фаолиятини масофадан назорат қилиш орқали масофадан назорат қилишда аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш, банклардаги муаммолар даражасини тезкор ўрганиш ва муаммоли банкларни ўз вақтида аниқлаш имкониятини яратди.

Банк назорати тизимида масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб ўрганиш услубларининг мантиқий давоми бўлган муаммоли банклар билан ишлаш тамойиллари ҳам жорий қилинди. Шу мақсадда Марказий банкнинг «Банкни муаммоли

банклар қаторига киритиш мезонлари ва тартиби ҳамда муаммоликни баҳолашда устуворлик тизими тўғрисидаги ички низоми» (рўйхат рақами 451, 1999 йил 24 июль) ишлаб чиқилди. Шунингдек, муаммоли банклар билан ишлаб механизмнинг қатор таркибий бўғинларига ҳам асос солинди. Жумладан, «Банкларга васийлик қилиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 570, 1998 йил 19 декабрь), «Банкларни тугатиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 626, 1999 йил 11 февраль), «Банкларни қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 456, 1998 йил 23 июль) каби Низомлар ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, муаммоли банклар билан ишлашни ташкил қилиш жараёни асосан омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш призмаси асосида ташкил қилинди. Бунда банклардаги муаммоли банклар билан ишлаш дастлаб васийлик тайинлаш орқали маълум банк фаолиятидаги муаммоларни бартараф қилиш чоралари кўрилади. Агар васийлик қилиш институти орқали банкни сақлаб қолишнинг иложи бўлмаса, навбатдаги босқичларда банкни бошқа банклар томонидан қўшиб олиниши ёки тугатиб юборилиши масаласи кўрилади.

Муаммоли банкларни тугатиш жараёни биринчи навбатда омонатчилар ва кредиторлар маблағларини қайтарилишини, банк муассислари ва акциядорлари маблағларини эса энг охириги навбатда қайтарилишини назарда тутадик, бу аҳоли ва юридик шахсларнинг банк тизимига бўлган ишончини яна бир қарра мустаҳкамлайди.

Мамлакатимиз банк назорати тизими Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг «Кредит ташкилотларида ички назорат тизимининг асослари» (1998), «Банклар транспарентлигини таъминлаш» (1998), «Кредит таваккалчиликларини бошқариш тамойиллари» (1999), «Кредит ташкилотларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» (1999), «Операцион таваккалчиликни бошқаришнинг замонавий тажрибалари» (2003), «Капитал стандартлари ва капитални баҳолашни халқаро конвергенцияси: янги ёндашувлар» (2004) каби Базель II келишувлар пакетининг асосини ташкил қилувчи ҳужжатлар асосида янада такомиллаштирилди.

Ушбу ҳужжатларда асосий эътибор банкларда корпоратив бошқарувни ташкил қилиш, бунда ички аудит ва назорат тизимларини самарали ташкил қилиш ва ривожлантириш, банк-

ларни кредитга лаёқатли қарз олувчилар ҳақидаги объектив маълумотлар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Ушбу ҳужжатларда тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказиш, кредитлар бериш ҳамда уларнинг қайтарилишини таъминлашда тижорат банкларига кўпроқ мустақиллик бериш, бунинг учун банкнинг раҳбар ва ижро этувчи органлари жавобгарлигини ошириш, шунингдек, банкларда корпоратив бошқаришга доир меъёрий ҳужжатларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсад қилиб қўйилди.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш асослари Марказий банк томонидан халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида» (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль) Низомда белгилаб берилди.

Мазкур Низомда банкларда корпоратив бошқарувни ташкил қилиш ва амалга оширишда акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши ва банк бошқаруви ваколати ва мажбуриятлари, уларнинг банк фаолиятини таъминлашдаги роли алоҳида кўрсатиб берилди.

Хусусан, Низомда банкни корпоратив бошқарувда банк кенгаши томонидан ишлаб чиқиладиган ички сиёсатлар, банкда ташкил қилинадиган турли қўмиталар роллари ёритилди.

Низомда Ички аудит хизматининг Кенгаш томонидан банкнинг жорий фаолияти устидан назоратни олиб боришдаги аҳамияти кўрсатиб берилди.

Шунингдек Марказий банк «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида» Низом (рўйхат рақами 992, 2000 йил 22 декабрь) ишлаб чиқди ва унда ички аудит фаолиятини ташкил қилиш бўйича Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топди.

Корпоратив бошқарувни ташкил қилиш доирасида банк кенгаши банк фаолияти устидан назорат ўрнатиш бўйича вазифаларни бажариш учун Аудиторлик, Кредит, Инвестиция, Актив ва пасивларни бошқариш каби қўмиталарни тузиши лозим. Бундан ташқари, банк кенгаши банк билан алоқадор шахслар ўртасида имтиёзли шартларда операцияларнинг амал-

га оширилишига йўл қўймаслиги ва Марказий банк томонидан ўрнатилган иктисодий меъёрларга риоя қилинишини таъминлаши лозим.

Банкларда корпоратив бошқарувни жорий қилиниши ва банкнинг ички сиёсатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича банк кенгашига кенг ваколатлар берилиши банкларнинг мустақиллигини оширишга ҳам хизмат қилди. Ушбу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида Марказий банкнинг банклар фаолиятини тартибга солувчи 100 дан ортиқ ҳужжат ва талаблари бекор қилинди.

Банкларда ўзини ўзи бошқариш жараёнига ва бу борадаги ишларни тизимли ташкил қилинишини таъминлаш ҳамда банкларда операцион таваккалчиликларни камайтириш мақсадида Марказий банк «Марказий банк томонидан тижорат банклари ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги (рўйхат рақами 916, 2000 йил 5 апрель), «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) Низомларни ва «Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар»ни (рўйхат рақами 569, 2004 йил 13 март) ишлаб чиқди.

Банк аудити банк назоратининг ноидоравий тури ҳисобланади ва унинг асосий мақсади барча фойдаланувчилар учун банкларнинг молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлиги тўғрисида ахборот бериш ҳисобланади.

Ўзбекистонда банк аудитига дастлабки йиллардаёқ катта эътибор қаратилди. Марказий банк томонидан тижорат банкларида аудит текширувларини ўтказиш, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга банкларда аудит ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, шу жумладан, «Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом», «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида Низом» ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Банкларда корпоратив бошқарувни ташкил қилиш доирасида Марказий банк томонидан банкларда ташқи аудит текширувларини ўтказиш ва ҳисоботларни эълон қилишга доир талаблар ҳам ўрнатилди.

2000 йил 1 сентябрда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунида «банкларни аудит текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк томонидан белгиланади» деб мустақкамланди, банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувдан ўтиш шарти аниқ белгиланди. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда банк аудити билан шуғулланадиган аудиторлик ташкилотларига ва аудиторларга сертификат ва малака сертификатларини Марказий банк томонидан берилиши тартиби ўрнатилди.

Бугунги кунда республикада банкларга аудит хизмати-ни кўрсатиш ҳуқуқига эга ташкилотларнинг учтаси «жаҳон тўртталиги»га киради.

Банкларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, хорижий молиявий институтлари билан яқин алоқалар ўрнатиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Республикада банк тизимига чет эл инвесторлари ва кредиторлари ҳамда омонатчиларнинг бўлган ишончини янада мустақкамлашда, хусусан, уларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, кредитга лаёқатлилиги ҳамда ликвидлилиги тўғрисида холисона ва аниқ маълумотларга эга бўлишларини таъминлашда тижорат банкларида ўтказиладиган ташқи аудит текширувларининг роли муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда, Марказий банкда тижорат банкларида молиявий ҳисоботларни Халқаро андозаларга ўтказиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса, банкларда ташқи аудит ўтказишга кўйиладиган талабларни янада кучайтиришга ва бу аудиторлик текширувларини нуфузли халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилишига имконият яратади.

Республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари 1997 йилдан буён ҳар йили аудит ўтказишнинг халқаро андозаларига мувофиқ ташқи аудит текширувларидан ўтказиб келинмоқда.

Тижорат банкларида ўтказиладиган бундай аудит текширувларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини холисона таҳлил этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги Қонунининг 51-моддасига мувофиқ, Марказий банк томонидан молиявий йил якуни бўйича тижорат банкларида ўтказиладиган аудиторлик текширувларига кўйиладиган талаблари тайёрланади.

Банкларда ҳар йили ўтказиладиган ташқи аудит текшируви мажбурий ҳисобланади ва бу банклар томонидан турли фойдаланувчиларга, шу жумладан, банк акциядорлари ва мижозларига, тадқиқотчилар ҳамда экспертларга, рейтинг агентликларига ва халқаро ҳамкорларга молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ойдинлиги устидан ноидоравий назоратнинг олиб борилишини таъминлайди.

Аудиторлар ўз хулосаларида банк капиталининг етарлилиги, кредитларнинг таснифланиши, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни ташкил қилиниши, банк бошқаруви жараёни ва банк сиёсати бўйича тавсиялар берган ҳолда таваккалчилик ҳамда ликвидлиликни бошқариш бўйича саволларга жавоб бериши керак.

Бундан ташқари, аудиторлар томонидан банкларнинг молиявий ҳисоботларни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мос келиши, Марказий банк томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар, шу жумладан иқтисодий нормативларга риоя қилиниши, банкларда корпоратив бошқарув сифати ва самардорлиги ҳолатига аниқ баҳо берилиши шартлиги, фирибгарлик, қалбакилаштириш ҳамда қасддан аналитик ҳамда синтетик ҳисобга ўзгартиришлар киритиш, банк қонун ҳужжатларини бузиш фактларини очишга эътибор қаратиш кераклиги шартлиги белгиланган.

Умуман олганда, республикамизда жаҳон тажрибаси ва халқаро андозаларга мос банк аудит хизматини такомиллаштириш юзасидан зарурий ишлар амалга оширилмоқда.

Банк тизимига мансуб ахборотлардан фойдаланишнинг муҳим хусусиятларидан бири – ушбу соҳада вужудга келадиган маълумотларнинг аксарият қисми «банк сири» эканлиги ва айни пайтда молия бозорига оид битимларнинг кенг ошкоралигини таъминлаш ҳисобланади. Шундай экан, мижозлар, хусусан маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, омонатчилар учун кафолатларни кучайтиришда зарурий маълумотларни кенг оммага ошкор этиш катта аҳамиятга эга.

Молия бозоридаги ҳолатнинг ўзгариб туриши, тузиладиган битимлар ҳажмининг йириклиги ҳамда уларнинг мураккаблиги нафақат банкларга, балки ахборотдан фойдаланувчилар, жумладан сармоядорлар, мижозлар ва мулк эгалари учун ҳам жиддий масъулият юклайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ банк тизимида оид ахборотларни матбуотда эълон қилиш ва ундан фойдаланувчиларга кенг имконият ва қулай шароитлар яратиш мақсадида зарурий ҳуқуқий асос яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунларида банк фаолиятига оид ахборотлар, банк инвестицияларига доир йирик битимлар, банк бошқариш органлари таркибидagi ўзгаришлар ва мулк эгалари учун зарур ҳисобланган бошқа маълумотларни ошкор этишнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур Қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда банкларнинг молия бозоридаги фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ёритиш мақсадида «Молия бозори иштирокчилари бўлган банклар томонидан ахборотларни ошкор этилиши тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1162, 2002 йил 31 июль) ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1419, 2004 йил 25 октябрь) Низомлари амалга киритилди.

Маълумки, банклар томонидан амалга ошириладиган фаолиятлар ичида кредит фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Халқаро тажрибадаги каби Ўзбекистонда ҳам банк активларининг асосий қисми кредитларга йўналтирилади.

Банкларнинг активларни жойлаштириши, шу жумладан, кредитлар бериш билан боғлиқ фаолияти энг юқори даромад келтирувчи фаолият бўлиши билан бирга, энг юқори таваккалчиликка асосланган фаолият ҳамдир. Бозор институтлари энди шаклланиб улгурган, давлат яккаҳоқимлигидан қутулиб, кўп укладли иқтисодиётни янгидан шакллантириш шароитида қарз олувчилар тўғрисида объектив маълумотларнинг йўқлиги банкларнинг кредит фаолиятидаги таваккалчилик даражасини кескин оширади.

Банкларда кредит таваккалчилигини қамайтириш энг аввало қарз олувчининг молиявий ҳолати ва истикболдаги фаолияти таҳлилининг сифатига боғлиқ албатта.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни банк тизимида ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланиб улгурмаган шароитда Марказий банк қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини ҳамда бизнес режа кўрсаткичларини таҳлил қилиш тартибла-

рини ишлаб чикди ва улар асосида тижорат банклари томонидан кредитлар бериш ёки бермаслик юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз талабларини ўрнатди. Хусусан, «Хўжалик субъектларини қисқа муддатли кредитлаш тартиби» (рўйхат рақами 33, 1996 йил 20 апрель) ва «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик субъектларига узоқ муддатли кредитлар бериш тартиби» (рўйхат рақами 330, 1997 йил 10 май) каби хужжатлар республикадаги барча банклар учун қисқа ва узоқ муддатли кредитлашнинг ягона тартибини белгилар эди. Кейинчалик банк фаолиятининг эркинлаштирилиши ва банкларда корпоратив бошқарувнинг жорий қилиниши муносабати билан мазкур тартиблар бекор қилинди.

Республикада банк тизимини эркинлаштириш жараёнининг чуқурлашуви ҳамда тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг жорий қилиниши бу каби тартибларнинг бекор қилинишига ва тижорат банкларининг кредит сиёсатини олиб боришда мустақиллигининг ошишига, банк тизимидаги рақобат муҳитининг кучайишига сабаб бўлди.

Тобора кучайиб бораётган рақобат муҳотида банклар томонидан ўз миқдорлари, шу жумладан, банк кредитидан фойдаланаётган миқдорлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бошқа банкларга тақдим этиши ўта катта маъсулият талаб қиладиган ва кези келса рақобат курашини бой беришга сабаб бўладиган ишга айланиб улгурди. Бу эса бир нечта банклардан кредитлар олиб, улардан самарасиз фойдаланадиган «тадбиркорлар» ёки «ишбилармонлар» учун жуда қўл келиши ҳам мумкин эди.

Бунинг устига, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ҳажмининг кескин ошиши ҳам кузатилдики, бу банклар томонидан ҳар бир қарз олувчининг бошқа банклардаги қарзлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишни ниҳоятда қийин ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарасиз жараёнга айлантирди.

Бундай шароитда кредит ахбороти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни банклар ўртасида алмашинувини таъминлаш долзарб масалага айланди.

Мамлакатимизда кредит ахбороти институтининг барпо қилинишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакл-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 197-сонли Қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарор банкларни қарздорлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, банк тизимида кредит рискинни камайтириш, кредит интизомини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилди ва у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциацияси қошида Банклараро кредит бюроси ташкил этилишини белгилаб берди.

Қарорда Кредит ахбороти миллий институтининг тижорат банклари ва уларнинг қарз олувчилари кредит операциялари, қарз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш, шартнома асосида кредит ташкилотларига кредит ахбороти тақдим этиш каби вазифалари белгиланди.

Ўз навбатида, Банклараро кредит бюроси тижорат банкларининг қарз олувчилари – жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида уларнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантириши, ахборотларни таҳлил қилиши, реал сектор корхоналари фаолиятини таҳлил этиши ва қарз олувчиларни рейтинг баҳолаш тизимини шакллантириши, шартнома асосида банкларга ҳамда бошқа кредит ташкилотларига, шунингдек, қарз олувчиларнинг ўзига уларнинг сўровномалари бўйича қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни бериши лозимлиги белгиланди.


Банк тизимида кредит ахбороти тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва уларни банклар ўртасида алмашишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, «Банклараро кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланиши ҳамда кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1380, 2004 йил 1 июль) ва «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1379, 2004 йил 1 июль) Низомлар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

Бугунги кунда Марказий банкда Кредит ахборот миллий институти ташкил қилинди. Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилгандан ҳозирги кунга қадар кредит ахбороти алмашинуви тобора такомиллашиб келмоқда, тақдим этилаётган маълумотларнинг сифати ортиб кредит ахбороти фойдаланувчиларига (кредиторларга) кредит хатарининг олдини олиш бўйича кенг имкониятлар берилмоқда. Масалан, 2004 йилда Кредит ахборот миллий институти ташкил этилганда кредит ахбороти алмашинуви бўйича тамойиллар, услуб ва механизмлар ҳақида маълумотлар йўқ ёки танқис эди, бундан келиб чиқиб дастурий-техника воситаларини ташкил қилиш масаласи турарди. Аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас, халқаро тамойилларга асосланган ҳолда Марказий банк кредит ахбороти алмашинуви тизими ва қарздорларнинг кредит ахбороти ягона реестрини ташкил қилди, дастурий таъминот, тегишли меъёрий ҳужжатлар, дастурий талабларни ишлаб чиқди ва 2005 йил 18 апрелдан банклардан кредит ахбороти олина бошланди.

2006 йилда Кредит ахборот миллий институти дастурий мажмуаси такомиллаштирилиб қабул қилинадиган маълумотлар доираси кенгайтирилди, уларнинг ишончлилигини ошириш учун электрон мантиқий назорат йўлга қўйилди ва «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги Низом янги тахрирда (рўйхат рақами 1562, 2006 йил 18 апрель) тасдиқланди. Ҳар бир қабул қилинаётган кредит ахборотнинг бир қатор электрон мантиқий назоратдан, хусусан реквизитларнинг ўзаро мувофиқлиги ёки қабул қилинаётган кредит ахборотининг қонунчиликка мос ўтиши йўлга қўйилди.


2011 йил 1 январь ҳолатига Кредит ахборот миллий институтида 732 мингдан ортиқ қарздорнинг 1,2 миллиондан зиёд кредит шартномалари тўғрисидаги ахборотлар шакллантирилган. Кредит ахборот миллий институтига тижорат банклари қарздорлари сони ҳамда тижорат банклари томонидан имзоланган кредит шартномалари сонининг 2005–2010 йиллардаги ўсиш динамикасини қуйидаги жадваллардан кўришимиз мумкин:

КАМИ базасидаги қарздорлар сонининг ўсиш динамикаси



3.2-чизма

КАМИ базасидаги шартномалар сонининг ўсиш динамикаси



Ушбу жадвалларда келтирилган маълумотлар тижорат банклари томонидан берилган кредитлар тўғрисидаги маълумотларнинг Кредит ахборот миллий институти базасига тўлиқ киритилганлигини англатади. Кредит ахбороти миллий институти томонидан ҳар куни 97 мингдан зиёд операциялар қайта ишланади ва банкларга қарз олувчилар тўғрисидаги маълумотлар реал вақт режимида тақдим этиб борилади.

Бундан ташқари, Кредит ахбороти миллий институтида шаклланган маълумотлар Марказий банкнинг банк назорати функцияларини амалга оширишда кенг қўлланилмоқда.

Бу эса, банк тизимида молия интизомини янада мустаҳкамлаш ва кредит таваккалчилигини камайтириш, тижорат банклари ҳамда уларнинг қарз олувчилари кредит операциялари ҳамда мажбуриятларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказий банк Кредит ахбороти миллий институти орқали кредит ахбороти алмашинуви тизимини ташкил этилиши натижасида банкларда қарздорлар тўғрисида ахборот олиш ва натижада кредит таваккалчилигини камайтириш имкони пайдо бўлди, бунда бир шахснинг бир неча банкдан кредит олиш имконияти кескин камайди, қарздорларнинг молия-кредит интизомини мустаҳкамлашга қизиқишини оширди, қарздорларда молиявий обрўсини ҳимоя қилиш туйғуси пайдо бўлди, банк назоратининг самарадорлиги ошишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, бундай тизим МДХ мамлакатларининг аксариятида ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг Б. Коулман бошчилигидаги вакилларнинг республикамызда 2008 йил октябрь ойида қилган расмий ташрифи давомида Кредит ахбороти миллий институтининг иш фаолияти, ишлаш тартиби, дастурий таъминоти ва кредит ахбороти алмашинуви тизимига ижобий фикр билдирган.

Банк назоратининг самарали ташкил қилиниши аҳолининг ва юридик шахсларнинг банк тизимига бўлган ишончини оширишга ҳамда аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитларининг ўсишида намоён бўлмоқда. 2010 йил якунида мамлакатимиз банк тизимидаги аҳоли омонатларининг умумий ҳажми 4 трлн. 447 млрд. сўмни ташкил этганлиги бунга мисол бўла олади.

Банк назоратининг самарали ташкил қилинганлигидан далолат берувчи яна бир индикатор, бу республикадаги алоҳида банклар ва бутун банк тизимининг етакчи халқаро рейтинг агентликларининг барқарор рейтинг кўрсаткичларига эга бўлишидир.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги 2010 йилда Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш прогнозини «барқарор» деб баҳолади. Худди шу агентликнинг қайд этишича, Ўзбекистон

банклари глобал иқтисодий инқирозга бардошлилигини, уларнинг активлари сифатининг барқарорлиги ва капиталлашув даражасининг ошганлигини намойиш этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратининг амалга оширилиши, банк ликвидлиги ва активлари сифати устидан доимий мониторингнинг олиб борилиши, Ўзбекистон тижорат банклари томонидан етакчи халқаро рейтинг агентларининг ижобий рейтинг баҳоларини олиш имкониятини берди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими жами активларининг 90 фоизидан ортиғини ташкил этадиган 18 та тижорат банклари «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пуурс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» юқори рейтинг баҳоларини олдилар:

3.1-жадвал

Банклар номи	Рейтинг агентлигининг номи	Рейтинг баҳоси
ТИФ Миллий банки	«Мудис» «Стандарт энд Пуурс»	«Барқарор» «Барқарор»
Агробанк	«Мудис» «Фитч Рейтингс»	«Барқарор» «Барқарор»
Асакабанк	«Мудис» «Фитч Рейтингс»	«Барқарор» «Барқарор»
Ўзсаноатқурилишбанк	«Стандарт энд Пуурс» «Фитч Рейтингс»	«Барқарор» «Барқарор»
Алоқабанк	«Мудис»	«Барқарор»
Қишлоқ қурилиш банк	«Мудис»	«Барқарор»
Ипак Йўли банки	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
Ҳамкорбанк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
Ипотекабанк	«Мудис»	«Барқарор»
Кредит-Стандарт банк	«Мудис»	«Барқарор»
Капиталбанк	«Стандарт энд Пуурс»	«Барқарор»
Халқ банки	«Стандарт энд Пуурс»	«Барқарор»
Микрокредитбанк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
Трастбанк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»

Туронбанк	«Мудис»	«Барқарор»
Универсалбанк	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
Ўзбекистон-Туркия банки	«Фитч Рейтингс»	«Барқарор»
Инвест Финанс банк	«Мудис»	«Барқарор»

Банклар мустақамлигини белгилайдиган асосий омиллардан бири – ликвидлик кўрсаткичи даражаси бўйича ўзбек банклари халқаро даражадаги энг барқарор, ишончли ва тўловга лаёқатли молия ташкилотлари қаторига киритилишига ҳақлидир.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,7 млрд. АҚШ доллари эквивалентидан ошиб, банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир.

Республика банк тизими барқарорлигига ташқи омилларнинг салбий таъсирини олдини олиш бўйича чоралар доирасида тижорат банкларининг кредит портфели ички манбалар ҳисобига шаклланишига алоҳида эътибор берилиши натижа-сида, охириги ўн йил ичида ички манбалар ҳажми 25 баробардан зиёдрок кўпайди.

Агар 2000 йилда ташқи қарзлар эвазига берилган кредитлар ҳажми 54 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ички манбалар ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 85 фоизни ташкил этди.

Тижорат банкларининг ташқи қарзлари республиканинг умумий ташқи қарзининг 4 фоизидан камроғини ташкил этади.

Банк назорати йўналишидаги ислохотларимиз Халқаро валюта фонди томонидан ҳам юқори баҳоланган. Жумладан, 2010 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган Халқаро валюта фонди миссияси Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини халқаро молия бозорлари билан интеграллашувидаги пухта ўйланган ёндашувини, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини юқори даражада эканлигини, шу билан бирга банк тизимини барқарорлиги ва мустақамлигини таъминлаш имконини берган самарали банк назоратини алоҳида таъкидлади.

Бундан ташқари, Халқаро валюта фонди миссиясининг 2010 йил июнь ойида Тошкентга қилган ташрифи натижалари Вашингтонда, Фонднинг ижрочи директорлар кенгаши

томонидан муҳокама қилинган ва унда ижрочи директорлар Ўзбекистон Ҳукумати ҳамда Марказий банки томонидан йирик банклар капиталининг оширилиши иқтисодийнинг реал секторини узоқ муддатли кредитлаш имкониятини кенгайтирганлигини таъкидлаган.

Ижрочи директорлар Кенгаши Ўзбекистон Ҳукумати ва Марказий банки томонидан инқирозга қарши дастурнинг муваффақиятли амалга оширилганлигини, узоқ йиллар давомида олиб борилаётган самарали ва бир маромдаги макроиқтисодий бошқарув, балансланган бюджет, қаттиқ пул-кредит сиёсати, шунингдек, банк тизими барқарорлигининг таъминланиши, инвестициялар ўсиши суръатларининг юқорилиги, экспорт структурасининг диверсификацияланганлиги, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари даражасининг пастлиги, катта миқдордаги халқаро захиралари Ўзбекистоннинг инқироздан янада мустаҳкам иқтисодий билан чиқиши учун ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлаши учун мустаҳкам пойдеворга эга эканлигини қайд қилган.

Ижрочи директорлар кенгаши банк тизимидаги ҳолатга тўхталган ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вақтида банк тизими барқарорлиги, банк капиталлашув даражасининг юқорилиги ва ликвидли активларнинг етарлилиги, ҳукуматнинг инқирозга қарши дастурини амалга оширишда муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаган, муддати ўтган кредитларнинг паст даражада эканлигини ижобий баҳоланган.

Хусусан, ижрочи директорлар Кенгаши Ўзбекистонда Марказий банкнинг олиб борган сиёсати натижасида шакллантирилган барқарор банк тизими ҳукуматнинг инқирозга қарши дастури муваффақиятининг асосий гарови бўлганлигини, Марказий банк тижорат банклари устидан кучли, қатъий банк назорати олиб борганлигини ва бунинг натижасида аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончи юқори даражада таъминланганлигини, оқибатда тижорат банклари депозит базаси доимий ошиб борганлигини таъкидлаган ҳамда Марказий банкнинг ушбу йўналишларида олиб борган сиёсатини маъқулланган.

Ўзбекистон сезиларли даражада ички талабга мўлжалланган, уни рағбатлантирувчи ва иқтисодий диверсификацияловчи иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаган.

Халқаро молия институтлари ва рейтинг агентликларининг юқоридаги каби эътирофлари иқтисодий ислохотларнинг

«ўзбек модели» – танланган энг тўғри йўл эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Республикада банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни халқаро стандартларнинг ўзгаришига мос равишда такомиллаштириб боришни таъминлаш мақсадида, мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилган «2011-2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда республика банк-молия тизими олдида республикада банк назорати тизимига Базель кўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш, тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, бунда банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини ҳолис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ этиш, тижорат банклари фаолиятларини ва бутун республика банк-молия тизимини баҳолаш учун етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган меъёр, андозаларни ҳамда баҳолаш кўрсаткичларни жорий этиш, банкларда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, банклар мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-тахлил қилишнинг замонавий услубиётини дунёнинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Мазкур қарорнинг банк назорати тизими учун аҳамияти шундан иборатки, унда банкларнинг барқарорлигини ҳамда ликвидлигини таъминлаш, соҳага хусусий ва хорижий капитални жалб қилиш, активлар сифатини ошириш, аҳоли ва хорижий инвесторларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш каби фундаментал масалаларни ҳал қилишдаги марказий ўрни аниқ белгилаб берилди.

Ушбу қарор ҳамда «2011–2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлар»дан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк томонидан банк назорати тизимига Базель III янги стандартларини жорий қилиш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинди.

Жумладан,

– 2011–2012 йилларда Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини босқичма-босқич жорий этиш, банклар капиталининг етарлилигига доир талабларни ошириш, банк капитали таркибда уларнинг инкирозли ҳолатлар таъсирига қаршилик кўрсата олишини таъминловчи барқарорлаштириш резервларини ташкил этиш;

– 2011 йилда алоҳида ҳар бир банк ва бутун банк-молия тизими фаолиятини баҳолаш учун «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пуурс» етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган меъёр, андозаларни ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банклар томонидан ушбу рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлаш;

– 2011–2015 йилларда банк назорати тизимига, капиталнинг етарлилигига бўлган талабларни такомиллаштиришни, эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни кутилаётган йўқотишлар модели асосида шакллантириш бўйича янги тавсияларни жорий қилиш, Банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини ҳолис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилиш;

– 2011 йилда банкнинг корпоратив бошқарув тузилмасига банк Кенгашига бевосита бўйсунувчи рисклар назоратини амалга оширувчи тегишли Кўмитани мажбурий равишда киритилишини жорий қилиш;

– 2011–2012 йилларда банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмини жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек, муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш;

– 2011 йилда банк операцияларини амалга оширишда операция ва бозор таваккалчиликларини аниқлаш бўйича меъёрий ҳамда услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда банклар миждозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилишнинг замонавий услубиётини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш каби қатор вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз банк назорати тизимини ривожлантириш, уни энг замонавий талаблар даражасида қайтадан ташкил қилишда улкан марраларга эришилди.

Банклар капиталлашуви даражасининг доимий равишда ошириб борилиши, банкларда таваккалчиликларни бошқаришнинг ҳамда банк назоратининг замонавий, халқаро тан олинган усулларининг жорий қилиниши, банклар ўртасида қарз олувчилар тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви тизимининг ва фуқароларнинг банклардаги омонатларини давлат томонидан қафолатлаш тизимининг жорий қилиниши, омонатлар тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланишини қонун билан қафолатланиши банк назорати тизимини халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиниши таъминлабгина қолмай, ҳар бир банк ва бутун банк тизимини институционал ривожлантириш, унинг барқарорлигини ошириш ва унга бўлган ишончни оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республикамызда оқилона ва таъсирчан банк назоратини амалга оширилиши бир тарафдан, банкларнинг ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишларига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи тарафдан молия бозорида эркин рақобат муҳитининг вужудга келишига хизмат қилмоқда ва шу билан бирга, мамлакатимиз банкларининг халқаро даражада муносиб ўрин эгаллашларига замин ҳозирлаб бермоқда.

ТЎЛОВ ТИЗИМИ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ: УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ БАНКЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

4.1. Замонавий электрон тўлов тизимининг жорий этилиши ва такомиллаштирилиши босқичлари

Республикамиз мустақилликка эришгач, Президентимиз томонидан белгилаб берилган «Ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўли танланди. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳада бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Бундай ўзгаришлар нафақат банк тизими, балки банк тизимининг «қон томири» бўлиб ҳисобланган тўлов тизимини ҳам четлаб ўтмади. Республика бозор иқтисодиёти шароитига босқичма-босқич қадам қўяр экан, ҳукуратимиз томонидан бозор муносабатларининг субъектлари ўртасида ҳисоб-китоблар механизмини ташкил этиш, тўловлар узлуксизлиги ва бир маромда ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, республикада 1991 йили банкларро тўловлар 1–3 ойда амалга оширилар, яъни тижорат банк бўлимлари вилоят марказларида жойлашган Давлат банкнинг Ҳисоб-китоб касса марказларида очилган вакиллик ҳисобварағи орқали тўловларни почта алоқаси тармоғи орқали боғланган ҳолда амалга оширар эдилар. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтаётган ёш давлатнинг талабларини ўз вақтида кондириш учун халақит берарди.

Халқаро банк амалиётидан маълумки бозор иқтисодиётига муваффақиятли ўтиш, мазкур шароитда фаолият юритадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг талабларига жавоб берувчи самарали фаолият кўрсатадиган банк тизимида замонавий нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини йўлга қўйиш билангина амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, самарали йўлга қўйилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими, бевосита молия-валюта ва қимматли қоғозлар бозорларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Аввал мавжуд бўлган режали иқтисодиётга мослаштирилган ҳисоб-китоблар тизимида хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар Москвадан туриб тартибга солинадиган банклараро ҳисоб-китоблар (МФО) механизми билан амалга оширилар эди. Ушбу тизим бозор шароитининг янги талабларига жавоб бера олмас эди. Чунки собиқ Иттифоқ ҳудудида фаолият юритган хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги, иккинчи тарафдан эса банкларнинг вакиллик ҳисобварағи орқали ҳисоб-китоб қилиш тартибига ўтганлиги сабабли, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро қарзлар ҳажми ошиб кетди. Инфляция даражаси шиддат билан ўса бошлади ва корхоналар ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни кечикиши каби бир қатор салбий ҳолатлар билан тўкнашишга тўғри келди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида рубль зонаси 1993 йилда тугади. Бу ўз навбатида давлатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларнинг ва ҳисоб-китобларнинг бузилишига, натижада республиканинг молиявий маблағларининг сезиларли даражада камайишига ва мамлакатларнинг амалдаги банк тизимини, хусусан, ҳисоб-китоблар тизимини бозор иқтисодиётига мослаштириш орқали уни ислоҳ қилишга олиб келди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, банкларнинг молиявий ҳолатини ва улардаги мутахассисларнинг билим савиясини ҳисобга олган ҳолда, янги ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришнинг илк босқичида, яъни 1991 йил 1 октябрдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда собиқ Иттифоқ республикалари билан бўладиган барча ҳисоб-китоблар Давлат банкнинг 127 та клиринг марказлари орқали амалга оширила бошланди. Тижорат банкларининг тўловлари ушбу клиринг марказларида очилган тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш жорий этилди, яъни банкларда марказлаштирилмаган ҳисоб-китоблар тизими йўлга қўйилди.

Лекин бу тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари орқали маблағлар ўтишини тезлаштирган бўлса-да, ҳудудлараро тўловлар ўтиш вақтини қисқартира олмади. Бу каби камчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз

фикрини билдириб, «...Умуман, тўлов масаласи қийин кечяпти. Марказий банк ва бошқа банкларнинг раҳбарлари масъулиятни чуқур ҳис этиши лозим. Нима учун тўлов Фарғонадан Тошкентга 20 кун ёки бир ой ичида келиб тушади?...»¹ деб таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбарининг бундай сўзлари Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг диққат эътиборини тўлов тизимини ривожлантириш учун қаратишга туртки бўлди. Хусусан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Ўзбекистон почтаси» билан келишган ҳолда, банк ҳужжатларини фелдъегер алоқаси орқали юборилиши жорий этилди. Натижада, ҳужжатларни ўтиш вақти 1–3 ойдан 9 кунгача қисқартирилди. Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида 1991 йил январдан 1992 йил июль ойлари мобайнида амалга оширилган ҳисоб-китоблар республика ички ҳисоб-китоблари билан солиштириш ишлари якунланиб, улар ўрнатилган тартибда ёпилди.

Шунингдек, Республика банк тизимининг Халқаро банк-молия тизимига чиқиши, улар билан вакиллик алоқаларини ўрнатиш, мустақил давлатимиз учун иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш каби эҳтиёжлар, тўлов тизими ҳамда банк тизимининг бухгалтерия соҳасида зудлик билан ислохотлар амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, банклар фаолиятида бажариладиган операциялар нафақат сифат жиҳатдан, балки сон жиҳатдан ҳам кескин кўпайиб бориши банкларда бухгалтерия операцияларини ўз вақтида амалга ошириш, балансда акс эттириш ва кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни ўрнатилган муддатларда тузиш учун бухгалтерия ҳисобини юқори технологияларга асосланган автоматлаштирилган тизим асосида жорий этиш лозим деб топилди.

Мамлакат ҳисоб-китоблар тизимини қайта ислоҳ қилишда асосий диққат-эътибор электрон тўлов тизимини ташкил этиш, банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия амалларини компьютер техникаси ва дастурий воситалар орқали амалга оширишни ташкил қилишга қаратилди.

Шунинг учун, 1994 йил 1 январдан бухгалтерия амалларини компьютерларда бажариш ва шу асосда электрон тўлов тизимини жорий этиш учун керакли компьютер техникаси

¹ *Каримов И. А.* Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 150-бет.

ва технологиялари сотиб олиш жараёни бошланди. Жумладан, Марказий банк тизимидаги барча мавжуд компьютерлар Марказий банкнинг вилоятлардаги худудий ахборотлаштириш марказларига берилиб, тўлов тизимини ривожлантиришнинг янги босқичига пойдевор кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит алоқаларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 18 мартдаги 146-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда Республика банк тизимини компьютерлаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур Қарорга асосан банк тизимида электрон тўлов тизими жорий қилиниши учун харид қилинадиган техникага катта маблағ сарф қилиниши инобатга олиниб, олдинги бобларда таъкидланганидек, республика худудидаги барча банклар 1994–1997 йилларда солиқнинг айрим турларидан озод қилинди. Бу қарор банкларда ахборот тизимларини тадбиқ қилишнинг асосий омили бўлди.

Ушбу қарорга асосан, солиқдан озод қилинган маблағнинг 50 фоизи банкларни ривожлантириш учун моддий техника базасини мустаҳкамлашга ва қолган 50 фоизи Ўзбекистон банклар ассоциациясига ажратилди.

Банклар ихтиёрида қолдирилган маблағлар бутун банк тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашга ва янги барча қулайликларга эга бўлган банк бинолари қурилишига сарфланди.

Шу муносабат билан, Марказий банк раҳбарияти ва Бошқаруви томонидан банк тизимида, хусусан, бухгалтерия, молиявий ҳисоботлар ва банклараро тўлов тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 1994 йил 6 майда тегишли қарор қабул қилиниб, янги технологияга асосланган электрон тўловлар тизимини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепцияда қуйидаги масалалар қайд қилинди:

банкларда қўлда юритилган бухгалтерия ҳисобини компьютер техникалари ёрдамида автоматлаштирилган тизимга ўтказиш;

ҳар бир банк муассасасида локал ҳисоблаш тармоғини ташкил этиш;

республика микёсида маълумотларни қисқа муддатда уза-тилишини таъминлайдиган банк телекоммуникация тармоғини ташкил этиш;

электрон тўловлар тизимининг дастурий мажмуасини яра-тиш учун техник топширик ишлаб чиқиш;

бутун республика банк тизимини компьютерлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш;

Марказий банк ҳисоблаш марказининг функцияларини кўриб чиққан ҳолда, Ахборотлаштириш бош марказига (АБМ) айлантириш ва унинг филиалларини барча вилоят марказлари-да ташкил этиш.

Шундай қилиб, тижорат банкларида ва Марказий банкда ҳисоб-китобларни юритиш ҳамда техника билан таъминлан-ганлик ҳолатидан келиб чиқиб, электрон тўловлар тизимини яратишни босқичма-босқич амалга оширишга доир тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Республикада 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб ҳудуд-лараро банклар ўртасидаги тўловлар 4 кунгача ўтказилишига эришилди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси банкла-ри ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида»ги вақтинчалик Низом қабул қилинди. Бу вақтда баъзи бир тижорат банкларида амалиёт куни қўлда ёки «Аскота» бухгалтерия автоматларида қайта ишланиб, почта авизолари қўлланилар эди.


Иқтисодиётнинг устувор соҳаларини ривожлантириш, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда янги технологиялардан фойдаланиш бораси-да Республикамиз Президенти Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида сўзлаган нутқида: «...Аввало, иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларини, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўзига мос ўрнини эгаллашига қаратилган салмоқли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш даркор. Шу-лар билан бирга, халқ хўжалигининг устувор тармоқларида тўлов ва ҳисоб-китобларни тартибга келтириш учун мах-сус чора-тадбирлар кўриш керак...» деб таъкидлаган эди. Қўйилган топшириққа асосан, қоғозсиз технологияга асос-ланган дастурий мажмуаларни ишлаб чиқишга ва уни август ойидан бошлаб банк тизимида жорий қилишга киришилди.

Бу ўз навбатида, банклараро тўловларни амалга оширишни белгилловчи меъёрий ҳужжатларни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этар эди. Шу муносабат билан, 1995 йил 19 августда Марказий банк Бошқаруви томонидан тўловларни автоматлаштирилган шаклда узатишни тартибга солувчи янги меъёрий ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида»ги Низом қабул қилинди.

Ушбу меъёрий ҳужжатга асосан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг, жумладан, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, аккредитивга ариза, инкассо топшириқномаси, тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки ва мемореал ордерларнинг электрон шакли яратилди.

Марказий банк ва тижорат банклари олдида турган асосий вазифалардан бири яратилган тўлов тизимини мустаҳкамлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди.

Мазкур вазифани бажариш учун Жаҳон банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига компьютер, телекоммуникация жиҳозлари ва дастурий таъминот сотиб олиш учун 1995 йил 7 августда халқаро тендер эълон қилиниб, унда ғолиб чиққан «SIEMENS» (Германия) компанияси билан 1996 йил 25 мартда шартнома тузди. Шартномага кўра, маълумотларни узатишнинг X.25 протоколига асосланган пакетли коммутация алоқа тармоғи яратилди. Бу тармоқ банк маълумотларини узатиш учун мўлжалланган ягона тармоқ бўлиб, барча вилоят ва туманлардаги банк бўлимлари ушбу алоқа тармоғи орқали иш бошлади. Бу тадбир 1995 йил сентябрь ойдан бошланиб, электрон тўлов тизими Тошкент шаҳри банкларида пилот лойиҳа сифатида тадбиқ этила бошланди ва октябрь ойдан 1996 йил март ойига келиб республиканинг барча вилоятларида Марказий банкнинг клиринг марказлари базасида Ҳисоб-китоблар маркази ташкил этилди ҳамда тижорат банкларнинг 600 дан ортиқ филиаллари тўлиқ электрон тўлов тизимига уланди. Етти ой давомида бутун банк тизими электрон тўлов тизимига уланди. Бунчалик қисқа вақт мобайнида банк тизимини қамраб олган электрон тўлов тизимининг яратилиши чет эллик мутахассисларнинг фикрича, ҳеч бир давлатда давлат миқёсида амалга оширилмаган. Бу ҳолдаги электрон тўловларни ўтиш жараёни қуйидаги чизмада келтирилган.



Шу билан бир қаторда, Марказий банкда ишлатиладиган «ORACLE» маълумотлар базасининг бошқариш тизими асосида дастурий мажмуалар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Натижада ҳудудлараро тўловларнинг ўтиш муддати 15 минутгача, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиш муддати эса 5 минутгача қисқарди. Электрон тўлов тизимининг жорий қилиниши натижасида:

– *биринчидан*, Республика бўйича тўловларнинг ўтиш муддатини олдинги 4–9 кун ўрнига – бир неча дақиқаларда амалга оширишга эришилди;

– *иккинчидан*, кредит ва дебет авизоларни қўллаш, почта тармоғи орқали қоғоз ҳужжатларни жўнатиш ва энг асосийси уларни қалбакилаштириш, кечикиб бориш каби камчиликларнинг олди олинди;

– *учинчидан*, хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этди, муомаладаги пул маблағининг айланиш тезлигини ошганлиги натижасида маблағ танқислиги камайди ва хўжалик субъектларининг мамлакат иқтисоди ривожланишига қўшадиган ҳиссаси салмоқли даражада орта бошлади;

– *тўртинчидан*, банкларга вақтинча бўш турган маблағлардан самарали фойдаланиш, кредит ҳамда ликвидлилик хавф-хатарини тезкорликда бошқариш имконини берди.

Иқтисодиётга янги технологияларни татбиқ этиш Президентимиз назаридан четда қолмади ва бу борада 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида сўзлаган нутқида «Иқтисодиёт фақат унинг фондларини янгилан турганида, янги технологиялар жорий этилганида, янги

қувватлар ишга туширилганда ривожланиши мумкин. Бу – ишот-талаб қилмайдиган ҳақиқатдир»¹, деб ўз фикрини билдирди. Шунингдек, 1996 йил 25 июлда И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида «Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар янги қурилишлар ҳисобига эмас, асосан, мавжуд ишлаб чиқаришни янгилаш ҳисобига амалга оширилади. Бу – аён ҳақиқат. Бугунги кунда технологияларни янгиламай туриб, техник жиҳатдан қайта қуролланмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди»² деган эди.

Банк соҳасида электрон тўлов тизими жорий қилиниши билан уни такомиллаштириш ишлари тўхтаб қолмади. Шу даврда банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби режаси марказлаштирилган тизимга асосланган иқтисодиёт талабларини ўз негизида акс эттирганлиги сабабли, банк ҳисоби ва ҳисоботларини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш мақсадида республика банк тизимида, хусусан бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича ислохотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январь 37-сонли Қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит ислохоти» учун Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағи ҳисобига «Артур Андерсен ЛЛП» консалтинг компанияси билан Марказий банк учун алоҳида ва тижорат банклари учун алоҳида ҳисобварақлар режалари ишлаб чиқилди.

Республикамик банклари 1997 йил март ойидан бошлаб янги ишлаб чиқилган ҳисобварақлар режаси талаблари бўйича яратилган «Банк технологияси автоматлаштирилган тизими»нинг дастурий мажмуаси (БТАТДМ) асосида иш юрита бошлади ва бу билан миллий тўлов тизимини такомиллаштиришнинг яна бир янги босқичи бошланди. Бухгалтерлик ҳисобининг халқаро стандартларга ўтказилиши замонавий банк технологияларини қўллаш ва банк операцияларини максимал даражада автоматлаштириш имконини берди. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, бу каби комплекс дастур жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича жуда катта миқдорда маблағ сарфлаш эвазига яратилади. Ушбу дастурий мажмуалар маҳаллий мутахассислар томонидан яратилди ва у ҳозирги кунда барча банкларда муваффақиятли ишла-

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 23-бет.

² Каримов И.А. Янгилаш фикрлаш ва ишлаш давр талаби, Т.: «Ўзбекистон», 1997, 85-бет.

тилишини инобатга олиб, бу билан бир неча миллион ҳажмдаги чет эл валютаси тежаб қолинишига эришилди.

Шу билан бир қаторда, янги жорий этилган ҳисобварақлар режасига мувофиқ, Марказий банк томонидан банк миждозларига хос рақам (уникальный код) бериш ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни сақлаш мақсадида, 1996 йил ноябрь ойида Банк Депозиторларининг Миллий Ахборотлар Базаси (БДМАБ) ташкил этилди. БДМАБ Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан юридик шахсларга, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга биринчи мартаба банк ҳисобварақлари очишда уларга хос рақам беради, уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини юритади ҳамда миждозлар ҳисобварақлари тўғрисида маълумотлар олишни таъминлайди. Шунингдек, БДМАБнинг ташкил этилиши банкларга ўз миждозларининг ҳисобварақлари тўғрисида зарурий маълумотларни зудлик билан олиш, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, солиқ идораларини бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китобларни назорат қилишлари учун тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш каби имкониятларни яратади.

БДМАБга Ахборотлаштириш бош маркази (кейинги ўринларда – АБМ) томонидан хизмат кўрсатилади ҳамда унинг фаолияти устидан назорат Марказий банк томонидан олиб борилади.

БДМАБ банк миждозлари ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни, қолдиқ суммаларини қайд этмаган ҳолда сақлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчи юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари (филиаллар, ваколатхоналар) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) олиб юридик шахс сифатида амал қилаётган бўлса, ушбу филиаллар (ваколатхоналар)га ҳам алоҳида хос рақам берилади.

БДМАБда юридик шахслар бўлган миждозларга берилган хос рақамлар, уларнинг хўжалик фаолияти тугатилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сақланади ва бу давр ичида мазкур хос рақам бошқа шахсларга берилмайди. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига хос рақам бир марта берилади ва фақат уларга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами бе-

кор қилингандагина, ушбу хос рақам бекор қилиниши мумкин. Шундан кейин ушбу хос рақам бошқа якка тартибдаги тадбир-кор ёки дехкон хўжалигига берилади.

Мижозларнинг ҳисобварақлари БДМАБда, ҳар бир баланс ҳисобварақлари учун валюта кодлари бўйича кетма-кет рақамлаш тамойили асосида дастурий равишда шакллантирилади, бюджет ташкилоти бундан мустасно. Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларини шакллантиришда ҳисобварақ тартиб рақами ўрнига даромад (ҳаражат) моддаси (бўлими) кўрсатилади. Мижознинг БДМАБда шакллантирилган банк ҳисобварағи банкнинг маълумотлар базасига киритилади ва уларни банкда ўзгартириш мумкин эмас.

Мижозга асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очиш жараёнида банк БДМАБдан мижозга хос рақам берилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин, бу тўғрисида ўз мижозига хабар беради ва шундан кейингина мижоз ушбу ҳисобварақ бўйича банк амалиётларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Бунда мижозга дастлабки очилган ёки бошқа банкдан ўтказилган банк ҳисобварақлари бўйича барча ҳисоб-китоблар кейинги иш кунидан бошлаб амалга оширилади.

БДМАБда ҳисобварақларни очиш, бошқа банкка ўтказиш, ёпиш, маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва уларни қайта тиклаш саналари шакллантирилади ва банкларга узатилади. Улар банкнинг маълумотлар базасига дастурий равишда киритилади ва банк томонидан ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси банклари билан БДМАБ ўрғисидаги ахборот алмашилиш сўров файли тамойилига асосланади ва АБМнинг электрон почта алоқаси орқали амалга оширилади.

Сўровлар БДМАБга жўнатиладиган кейин, АБМ файлининг БДМАБга узатилганлиги тўғрисида банкка тасдиқнома жўнатади. Банклардан БДМАБга келиб тушадиган барча сўров турлари дастурий равишда, шу куннинг ўзидаёқ қайта ишланади. БДМАБдан келиб тушган жавоб файлларининг барча маълумотлари банкда мижоз тақдим этган ҳужжатлар асли билан такроран солиштирилади. Агар хатолар аниқланса, хато маълумотлар бартараф қилинган ҳолда БДМАБга сўров қайта жўнатилади. Шунингдек, БДМАБдаги маълумотларни, шу жумладан, банк сирини ҳисобланган маълумотларни

қонунчиликка зид равишда ошкор қилишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгилаб қўйилди.

БДМАБ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) банк депозиторларининг ахборотлар базасини шакллантириш, сақлаш, тўлдириб бориш ва уни фаол ҳолатда сақлаб туришни таъминлаш;

б) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда, банк сирига риоя этган ҳолда тегишли давлат органлари билан банк депозиторлари ҳисобварақлари ва депозиторлар тури бўйича электрон маълумотлар алмашиш;

в) банклараро электрон тўловларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш;

г) банкларнинг сўровларига жавоб бериш;

д) банкларнинг маълумотларига мувофиқ ахборотлар базасини тезкор ўзгартириб бориш;

е) сўралган ахборотларни тезкор излаш;

ж) ахборотлар базаси архивини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатда сақлаш;

з) тизимнинг фаолият кўрсатиш бўйича электрон баённомасини юритиш;

и) қабул қилинган, жўнатилаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган ахборотлар муҳофазасини таъминлаш;

к) фавқулодда ҳолатлар юз берганда банкларни ўз мижозлари ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш;

л) қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда тегишли давлат органларининг ёзма сўровларига асосан БДМАБда рўйхатга олинган депозиторлар ва уларнинг банк ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

Банк мижозлари яхлит маълумотлар базасининг ташкил этилиши банкларга ўз мижозларининг ҳисобварақлари тўғрисида зарурий маълумотларни зудлик билан олиш имкониятларини берди, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширди, солиқ идораларини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китобларни назорат қилишлари учун тўлиқ маълумотлар билан таъминланди.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, БДМАБ базасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг ҳисобварақлари асосида Ҳисоб-китоб марказида банклараро тўловлар ҳеч бир нуқсонсиз бошқа бир банк мижозининг


ҳисобварағига аниқ қирим қилиниши таъминланди. Бу база асо-
сида Ҳисоб-китоб марказида банклараро тўловлар амалга оши-
рилганда тўловчининг банки, СТИРи ва ҳисобварағи ҳамда олув-
чининг банки, СТИРи ва ҳисобварағи тўғри киритилганлиги
дастурий равишда назорат қилинади. Агарда бирор-бир мижоз
ҳисобварағи нотўғри кўрсатилган бўлса ёки БДМАБдан рўйхатдан
ўтмаган бўлса, сабаби кўрсатилган ҳолда тўлов амалга оширилмас-
дан тўловчининг банкига ижросиз қайтариб юборилади.

Ҳозирги кунда, барча тижорат банклари ягона вакиллик
ҳисобварағи тизимига ўтганлиги муносабати билан, ушбу тех-
нология тижорат банклари Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказларида
ҳам жорий этилган бўлиб филиаллараро тўловларни нуқсонсиз
ўтишини таъминлаши ҳамда хатоликларни қисқартирган
ҳолда банк томонидан АБМга тўланадиган хизмат ҳақининг
камаишига ва мижозларнинг норозилигини ҳамда ортиқча
вақт сарфланишининг олди олиниши таъминланди.

БДМАБ фаолияти тўлиқ автоматлаштирилганлиги сабабли,
банклардан олинган сўровномалар инсон иштирокисиз авто-
матлаштирилган тарзда қисқа вақт ичида қайта ишланиши таъ-
минланди. БДМАБда қайд этилган мижозлар ва уларга очилган
ҳисобварақларни таҳлил қиланадиган бўлса, уларнинг миқдорини
йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

4.2-чизма

**Банк депозитлари миллий ахборотлар базасида
рўйхатга олинган мижозлар ва улар ҳисобварақларининг
ўсиш динамикаси**



БДМАБда рўйхатга олинган мижозлар сони 1996 йилда 187 419 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 1 160 959 тага этди. Уларга очилган ҳисобварақлар сони 1996 йилда 206 514 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 3 926 356 тани ташкил этмоқда, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг сони узлуксиз кўпайиб бормоқда.

Банклараро ҳисоб-китобларда банклар томонидан амалга оширилаётган тўловларни бенуқсон ва ўз вақтида ўтишини таъминлаш мақсадида, тўлов ҳужжатларида қайд этилган мижозларнинг реквизитлари БДМАБда қайд этилган маълумотлар билан солиштирилади. Натижада, тўловларнинг нотўғри ўтишининг олди олинади. Шундан келиб чиқиб, тизимнинг тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда қанчалик аҳамиятли эканлиги аниқ бўлади. Банк тизимида амалга оширилган янги комплекс дастурнинг ва электрон тўлов тизимининг жорий қилиниши нафақат банкларнинг, балки бутун Республика иқтисодиётининг ривожланишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Нидерландия қироллигининг Тошкентдаги консулик ваколатхонасининг очилишига бағишлаб 1997 йил 29 октябрда ўтказилган расмий маросимда ушбу қиролликнинг консули Питр Клайн – электрон тўлов тизимига баҳо бериб, Марказий банк раҳбарлигида ташкил қилинган тизим жуда юқори даражада эканлигини, ҳатто, ғарбдаги айрим давлатларнинг шу каби тизимидан устун эканлигини таъкидлаб ўтган.

Электрон тўлов тизимини ташкил этиш, нафақат унинг технологияларини такомиллаштиришни, балки доимий равишда янги назарий услубларни яратишни талаб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларида республика банклари ва бошқа ташкилотлар жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш мақсадида ўз ишларида энг янги технологияларни қўлламоқда ва тадбиқ этмоқдалар (янги ахборот-телекоммуникация технологиялари, янги банк хизматлари, ҳалқаро стандартлар ва меъёрлар шулар жумласидандир).

Ўзбекистонда 1998 йилдан бошлаб ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда янги «Банк-Мижоз» дастури амалда тадбиқ қилинди. Мазкур тизим фаолиятини тартибга солиш мақсадида «Ҳисоб-китобларни «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 497, 1998 йил 8 октябрь) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу эса миллий тўлов тизимини янги техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, банк мижозларига ўз

иш жойларидан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали тўловларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Мазкур тизимни тадбик қилинишининг иқтисодий самараси иқтисодиётда пул ва товар айланмаларини тезлаштириш, ўзаро мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайдиган имконни яратди.

Шу билан бир қаторда, тўлов тизимини такомиллашиб бориши билан бирга уларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ҳам такомиллашиб борди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисобкитоблар юритиш тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрири (рўйхат рақами 399, 1999 йил 19 ноябрь) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу Низом ҳамда унга кейинчалик қилинган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, 2000 йилнинг май ойидан бошлаб республика электрон тўловлар тизимида электрон тўловларнинг ўтказилиш вақти соат 14⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача узайтиришга эришилди ва нотўғри тўлов ҳужжати рейсдан олиниб, қолган ҳужжатларни шу вақтнинг ўзида ўрнатилган тартибда ўтказилишига имконият яратилиши таъминланди. Шунингдек, тижорат банкларига ўз вакиллик ҳисобварағининг олдинги кун ниҳоясидаги ҳолати тўғрисидаги маълумотни узатиш вақт оралиғи 8⁰⁰-9³⁰ дан 8⁰⁰-16⁰⁰ қилиб белгиланди.

Доимий равишда банкларнинг эътибори рақобат муҳитини изчил ривожлантиришга, фаолиятнинг даромадлиги ва самарадорлигини ошириш масаласига қаратиб келинмоқда. Тижорат банкларида марказлашмаган ҳолда ҳисоб-китобларни юритиш шароитида таваккалчилик ва ликвидликни бошқариш, стратегик қарорлар қабул қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни юритишнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқишни талаб қилинади.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Жаҳон банкининг «Республика молия соҳасини ривожлантириш» учун ажратилган кредити ҳисобига беш йўналиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Шулардан тўртинчи йўналиш «Ўзбекистон молия соҳасининг ахборот тизимини такомиллаштириш» бўлиб, у ўз навбатида тўртта бир-бирига боғлиқ тўлов тизимини такомиллаштириш, бошқариш учун ахборот тизимини яратиш, банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш ҳамда ахборот тизимининг муҳофазасини яратиш йўналишларидан иборатдир.

Шу йўналишларда жаҳон стандартларига мос келадиган йўллари халқаро экспертлар билан бирга аниқлаш мақсадида, «Sema Group Sae Consulting» (Испания) компанияси мутахассислари 2000 йилнинг май-октябрь ойлари давомида миллий


тўлов тизими фаолиятини таҳлил қилишди ва такомиллаштиришнинг йўналишлари бўйича ўз фикрларини беришди.

Бу ишларни амалга ошириш Хукумат дастурларига ҳам киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарориди ва унга илова қилинган 2000–2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастурида 29 декабрдаги 517-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодий комплекс ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида, муайян ишлар амалга оширилди.

Бу борадаги ишлар икки босқичга бўлиб олиб борилиб, биринчи босқичда – тўловларни Бош банкнинг ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш мўлжалланган эди. 2002 йилнинг июль ойи ва 2003 йилнинг сентябрь ойлари мобайнида барча филиалга эга бўлган тижорат банклари тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш тизимига ўтказилди. 2003 йил 8 сентябрдан бошлаб Марказий банкнинг барча ҳудудий Бош бошқармаларидаги Ҳисоб-китоб марказлари ёпилиб, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармасида ягона Ҳисоб-китоб маркази қолдирилди ва ҳар бир тижорат банклари ўзининг бош офисларида тўлов (ҳисоб-китоб) марказларини жорий этишди. Бу ўз навбатида бош банк учун банк филиалларидаги маблағларни бир жойда тўпланишига, бўшаган маблағларни ўринли активларга жойлаштириш имконини берди. Шунингдек, молия муассасалари учун кредит ва депозит бозорларида рақобат муҳитини шакллантиришга туртки берди:

4.3-чизма

Ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали электрон тўлов ҳужжатларининг ўтиш схемаси



Тижорат банкларини ягона вакиллик ҳисобварағи тизимига ўтказиш учун комплекс дастурлар Марказий банк мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган техник топшириқлар асосида маҳаллий дастур яратувчи мутахассислар томонидан яратилди ҳамда замон талабларига жавоб берадиган банклараро, банкнинг ички тўлов тизими ва чакана тўловлар тизими татбиқ этилди.

Кейинги йилларда республика иқтисодиётида, хусусан банк тизимида рўй бераётган бу каби ўзгаришлар Республикамиз Президенти диққат эътиборидан четда қолмади. Президентимиз 2004 йил 7 февралдаги «2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида «Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

...Агар биз юксак технологиялар, замонавий ахборот тизими ва телекоммуникацияларни олиб келиб ҳаётимизга жорий этмасак, қандай қилиб ривожланишга эришиб бўлади? Бу масала, яъни Ўзбекистоннинг келажаги қандай бўлади, деган савол бизни доимо ўйлантириши, амалий ишларга сафарбар этиши лозим»¹ деган фикрни билдирди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали амалга ошириш банкнинг барча маблағларини битта жойда – Бош банкда тўплашга, банкларга ликвидлик хатарини бошқариш, стратегик режалаштириш, бухгалтерия ҳисобини ҳамда аудитни юритиш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳисоб-китоблардаги маблағларни бўшатиш ва улардан унумли фойдаланиш имконини беради.

Иккинчи босқич – барча банкларда ягона баланс технологияси бўйича ишни ташкил этишдан иборат эди.

Бунга мувофиқ, Марказий банкнинг барча Ҳисоб-китоб-касса марказлари 2004 йил май ойида ягона баланс тизимига тўлиқ ўтказилди. Шунингдек, тижорат банкларида ҳам ягона

¹ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2004, 13–16 бетлар.

на баланс технологиясига асосланган дастурий мажмуалари босқичма-босқич ишга туширилиб, мазкур ишлар 2006 йил январь ойига келиб Давлат-тижорат «Халқ банки»дан ташқари барча тижорат банкларида тўлиқ амалга оширилди. Давлат-тижорат «Халқ банки» ягона баланс тизимига 2008 йилнинг 24 ноябрида муваффақиятли ўтказилди.

Албатта, бундай технологияни ўзлаштиришда тижорат банклари филиалларининг бош банк офиси билан ишончли алоқасини таъминлайдиган мавжуд банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, «банк амалиёт куни» янги дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, янги компьютер техникалари билан таъминлаш анча харажат талаб қилди. Шунга қарамаздан, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ягона баланс технологиясига асосланган янги тўлов тизимига ўтилиши бугунги кунга келиб ўзини тўлиқ оқлади. Чунки, филиалларда ҳисоботларнинг катта ҳажмини шакллантириш заруриятига ҳожат қолмади, қоғоз билан боғлиқ харажатлар, телефон, телекс ва почта хизматлари ҳақи кескин қисқарди, техникага хизмат кўрсатиш, дастурий таъминот ишини кузатиш харажатлари камайди, хизмат сафари харажатлари ва шу каби бошқа харажатлар ҳам камайди.

Шу билан бирга, ягона баланс технологияси асосида банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш натижасида барча филиаллар саъй-ҳаракатларини назорат қилган ҳолда, банк раҳбариятига банкни тўлақонли ва самарали бошқаришга ҳамда ягона солиқ сиёсатини юритишга имкон беради.

Бундан ташқари, банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар олиб борилди. Мавжуд ахборот-коммуникация технологияларини замон талабларига жавоб бера оладиган даражага олиб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосий туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2002 йил халқаро тендер ўтказилди ва 15 октябрда тендер ғолиби АМТ Групп (Россия) компанияси билан контракт имзоланди. Ушбу компания томонидан 2003 йили шартномада кўрилган ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида оптик толали кабель линияси ўтказилиб замонавий алоқа халқаси ташкил этилди

ва тармоқ жихозлари янгилашиб барча вилоят марказларигача юқори тезликдаги рақамли алоқа тармоғи яратилди. Натижада, банк телекоммуникация тармоғи таркибида тижорат банкларининг корпоратив тармоқлари ташкил қилинди, мазкур тармоқ хизматидан фойдаланувчи тижорат банклари ва иқтисодий вазирликларнинг тармоқ орқали юқори тезликда ахборот алмашувига замин яратилди. Яратилган телекоммуникация тизими ҳамда барча банкларда жорий этилган автоматлаштирилган интеграл ахборот тизимлари республика иқтисодиёт секторида ахборотлаштиришни кенг кўламда ривожлантиришга пойдевор бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, банк тизимида, қолаверса халқ хўжалигида шакллантирилаётган барча молиявий ҳисоботлар тўлов тизими орқали амалга оширилаётган электрон маълумотлар асосида тайёрланади. Шунинг учун ҳам Марказий банк мутахассислари томонидан республика иқтисодий вазирликлари ўртасида ахборот алмашинув концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат асосида республика иқтисодий идоралари ўртасида электрон ахборот алмашинув тизими йўлга қўйилди. Яъни бугунги кунда республика иқтисодий вазирликлари ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни тезлашди ва уларнинг ишончилиги таъминланди.

Шу билан бир қаторда, республикамиз банкларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш ҳамда уни халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Молиявий ҳисоботларни халқаро андозалар асосида тайёрлаш ва уларни тижорат банкларига татбиқ этиш бўйича 2003 йилнинг 14 мартида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва АҚШнинг халқаро ривожлантириш агентлиги (ЮСАИД) ўртасида имзоланган Меморандумга асосан, Марказий банкда «Ўзбекистон банк тизимини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси ўз фаолиятини амалга оширди. Ушбу лойиҳа асосида банк тизимида бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалардаги сўнгги ўзгаришларни тижорат банклари молиявий ҳисоботларида акс эттириш бўйича тегишли ишлар олиб борилди. Бунинг натижасида, банк тизимида тайёрланаётган тижорат банклари молиявий ҳисоботларини стандартлаштириш ва халқаро

андозаларга мос равишда қўл меҳнатисиз автоматик тарзда шакллантириш таъминланди.


Республикамиз банк тизимини, хусусан, тўлов тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижаси ҳам самарали бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали 1996 йилда 10,4 млн. донга ёки 4,2 трлн. сўмлик банклараро тўлов ҳужжатлари ўтган бўлса 2010 йилда бу кўрсаткич 35,5 млн. донани ёки 410,9 трлн. сўмни ташкил этди. Солиштирилаётган даврда миллий тўлов тизими орқали ўтаётган тўлов ҳужжатлари сони 3–4 баробарга, тўлов ҳужжатлари суммаси эса қарийб 100 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин.

Тўлов тизими орқали амалга оширилаётган тўлов ҳужжатларининг сони ва уларнинг суммаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бўлган мамлакатимиз иқтисодиётининг борган сари ривожланиётганлигидан далолатдир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда миллий тўлов тизими ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлгани ҳолда босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилмоқда.

4.4-чизма

Марказий банкнинг банклараро электрон тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот



Бундан ташқари, тўлов тизимини ривожлантириш бевосита ахборот-телекоммуникация соҳаси билан боғлиқ бўлганлиги са-

бабли, бу соҳада дунёда рўй бераётган янгиликларнинг таъсир доирасида бўлиши муқаррардир. Шунинг учун Марказий банк ахборот-телекоммуникация технологияларини ривожлантириш, моддий-техника базасини янгилаш мақсадида «Банк тизимининг ахборот технологияларини 2005–2008 йилларда ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилди ва Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланди.

Шунингдек, Президентимиз замонавий ахборот-телекоммуникация соҳасида олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида «... замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур»¹, деб таъкидлади.

Бу вазифа ва Концепцияда белгиланган масалаларни амалга ошириш учун иш режалари тузилиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сонли «Ахборот-телекоммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли «Ахборотлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда куйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган эди:

– Марказий банк тизимида электрон ҳужжат айланиши тизимини татбиқ қилиш ҳамда уни бошқа давлат бошқарув органларининг ахборот-коммуникация тизимлари билан интеграллаштириш;

– юқори тезликда маълумотларни узатишни таъминлаш учун Банк телекоммуникация тармоғини туман марказларигача ривожлантириш ва Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларида замонавий локал ҳисоблаш тармоғини татбиқ этиш;

– Марказий банк ва тижорат банкларида ягона баланс ва бошқарув учун ахборот тизимларини тўлиқ татбиқ этган ҳолда, интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимини жорий этиш ишларини яқунлаш;

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 56-бет.

– банк тизими учун электрон рақамли имзо калитларини Рўйхатга олиш марказини ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Молия соҳасидаги электрон маълумотлар базаларини мослаштириш ишларида қатнашиш.

Мустақиллигимизнинг кейинги йилларида тўлов тизимини такомиллаштириш ва замонавий банк хизматини ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 517-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодий комплекс ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Дастури ҳамда 2003 йил 15 декабрда 547-сонли «2004 йил макроиқтисодий прогноз параметрлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини бажарилишининг таъминланиши тўлов тизими фаолиятининг янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, тўлов тизими фаолиятини бошқариш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов тизимининг фаолиятига тегишли бўлган бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Низом (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель), «Ўзбекистон Республикаси Банк Депозиторларининг Миллий Ахборотлар Базаси ва унда миқдорларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1145, 2003 йил 30 май), «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Низом (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль), «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель), «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) шулар жумласидандир.

«Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) АБМ ва Марказий банк Ҳисоб-китоб маркази (ХКМ) Электрон тўлов тизими (ЭТТ) нинг иштирокчилари ҳисобланади. Ундан

фойдаланувчилар эса Марказий банкнинг ХҚМда вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ва молиявий институтлар ҳисобланади. Тўлов тизимидан фойдаланувчилар тўлов тизимига уланишлари учун Марказий банкдан банк фаолиятини юритиш тўғрисида лицензияга эга бўлгандан кейин керакли ҳисоблаш техника ва дастурий мажмуага эга бўлишлари ҳамда Банк Депозиторларининг Миллий Ахборотлар Базасидан хос рақам олишлари керак. Тўлов тизими орқали банклараро нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомда (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель) белгиланган тартибда фақат миллий валютада амалга оширилади.

Тўлов тизими такомиллаштирилиши билан бир қаторда республикамизда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингандан кейин мамлакатимизнинг ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда тўлов тизими фаолиятига доир қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берила бошланди.

Бундан ташқари, 2003 йил 11 декабрда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва 2004 йил 24 апрелда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 16 декабрда «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Банк телекоммуникация тармоғидан (БТТ) янада самарали фойдаланиш ҳамда тармоқ миқозларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган рақамли тармоқни туман марказларигача ривожлантириш лойиҳаси устида иш олиб борилиб, 2009 йилда мазкур ишлар тўлиқ таъминланди.

Марказий банкнинг барча Худудий Бош бошқармаларида замонавий локал ҳисоблаш тармоқлари тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, Марказий банк Бош аппарати ва худудий Бош бошқармалари ўртасида БТТ орқали видео конференция тизими жорий этилди ҳамда Марказий банкнинг электрон кутубхона тизими фойдаланишга топширилди. Интернет тармоғида Марказий банкнинг WEB сайти яратилди.

Шу билан бирга, сўнгги беш йил мобайнида Марказий банк ва тижорат банк мутахассислари томонидан қоғозсиз технологияга асосланган банк тизими жорий этиш бўйича муайян

ишлар олиб борилиб, Марказий банкнинг интеграллашган ахборот таҳлилий тизими дастурий мажмуаси 2009 йил май ойидан бошлаб тўлиқ ишга туширилди. Бунга кўра, барча тижорат банклари баланс билан боғлиқ барча ҳисоботларни Марказий банк маълумотлар омборхонасига электрон тарзда тақдим этиш имкониятлари яратилди.

Ҳозирги кунда, тижорат банклари 46 та талабномалар асосида Марказий банкнинг маълумотлар омборхонасига кунлик маълумотларни электрон тарзда тақдим этиб келишмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур талабномалар асосидаги маълумотлар тижорат банклари томонидан кейинги иш куни бошланмасдан олдин соат 9:00 гача Марказий банк омборхонасига электрон тарзда узатилиши шарт. Бунда тижорат банкларининг Марказий банкда очилган вакиллик ҳисобварағи орқали банклараро тўловларни амалга оширишга чеклов қўйиш ҳисобига, тижорат банклари томонидан ушбу маълумотлар электрон тарзда тўлиқ тақдим этилиши таъминланмоқда. Бугунги кунда Марказий банк маълумотлар омборхонасидаги мазкур талабномалар асосида кунлик 200 дан ортиқ ҳисобот турлари шакллантирилмоқда. Ушбу ҳисобот турлари алоқадорлиги бўйича Марказий банк тегишли департамент, мустақил бошқармалари ва ҳудудий Бош бошқармалари ходимларига кунлик мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида электрон почта орқали узатилмоқда. Бу эса банк тизими назоратининг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ўтган қисқа вақт давомида мамлакатимизда замонавий банк соҳасида такомиллашган электрон тўлов тизими ташкил қилинди ва улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда банкларнинг рақобат қилиш имконияти яратилди.

4.2. Марказий банк тизимида электрон ҳужжат айланишининг жорий этилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сонли қарори талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг

«2010 йилгача ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларни доимий янгилаб бориш чора-тадбирлари режаси» ишлаб чиқилди ва Республика Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш раиси томонидан тасдиқланди. Ҳозирги кунда ушбу режада белгиланган ишлар тўлиқ бажарилиб, мақсадли йўналишлар кўрсаткичларига тўлиқ эришилди.

Жумладан, банк соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, республика банклараро тўлов тизимини такомиллаштириш, ахборот муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни татбиқ қилиш ишлари амалга оширилди.

Марказий банк ходимларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими ҳамда унинг таркибида электрон ҳужжат айланиши (ЭҲА) тизими тўлиқ ишга туширилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги 155-сонли «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг «Компьютер техникасидан самарали фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилишини такомиллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш»га доир бўлимида кўрсатилган вазифалар амалга оширилди.

ЭҲА тизимини ўз вақтида ишга туширилиши учун қатор ташкилий, маъмурий, техник омилларнинг мавжудлиги асос бўлди. Бу омиллар қуйидагилардан иборат:

Ташкилий ва маъмурий омиллар:

– раҳбарият томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишини қўллаб-қувватланиши;

– янги технологияларни татбиқ этиш жараёнида тегишли фармойиш ва буйруқларни чиқарилиши ҳамда зарур шароитларни яратилиши;

– марказий банк ва барча ҳудудий Бош бошқармалар, тижорат банклари ўртасида электрон почта тизими орқали ахборот (ёзишмалар, ҳисоботлар) алмашувини йўлга қўйилганлиги;

– ҳар бир иш жойининг компьютер билан жиҳозланганлиги ва ҳар бир ходим компьютерда ишлаш малакасига эгаллиги;

– марказий банкда компьютер саводхонлиги ва янги технологиялар бўйича доимий ўқув курсларининг мавжудлиги;

– иш юритиш интизоми қатъиян бажарилишини талаб этилиши;

– меъёрий ва услубий йўриқномаларнинг мавжудлиги;

– марказий банк тузилмасида махсус Ахборотлаштириш Бош маркази ташкил этилиб, унинг ходимлари томонидан керакли дастурий маҳсулотларни буюртма асосида яратилиши ҳамда компьютер тизимлари ва тармоқлари ишини таъминлаб борилиши;

– ҳисоботларни ўрнатилган тартибда ўз вақтида тақдим қилинишининг зарурлиги;

– иш юритиш тизимини махсус меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилиши.

Техник ва технологик омиллар:

– марказий банк аппаратида ва барча ҳудудий Бош бошқармаларда замонавий локал ҳисоблаш тармоқларини жорий этилганлиги;

– марказий банк аппарати ва барча ҳудудий Бош бошқармаларни замонавий компьютерлар билан таъминланганлиги;

– барча иш ўринларини локал ҳисоблаш тармоғига уланганлиги;

– банк телекоммуникация тармоғи (БТТ) таркибида Марказий банк ва барча тижорат банкларининг корпоратив тармоқлари яратилганлиги;

– БТТни ўз вақтида такомиллаштирилиб, барча вилоят ва туман марказларигача юқори тезликдаги рақамли каналларга эга эканлиги;

– республика банк тизимида Lotus Notes электрон почта тизимининг мавжудлиги ва унга барча банкларни уланганлиги;

Марказий банкда Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизимини жорий этилиши ҳамда унинг таркибида маълумотлар омборхонаси ва банк фаолияти бўйича турли базаларининг мавжудлиги ҳамда улардан тегишли равишда фойдаланиш ҳуқуқларининг ишлаб чиқилганлиги.

Шунингдек, мутахассисларнинг билимларидан самарали фойдаланган ҳолда иш самарадорлигини ошириш, мавжуд техника ва дастурий воситалардан оқилона фойда-

ланиш, банкларнинг компьютер тизимларидаги ахборотлар ҳажмини кескин ошиб бориши ва уларга ишлов бериш учун кўп вақт талаб этилиши, ташқи корхона, ташкилот ва фуқаролар билан ёзишмаларнинг кўпайиши ЭҲА тизимини жорий этиш масаласининг долзарб эканлигини ва уни ҳал қилишни тақозо этади.

Автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартибига биноан, энг аввал Марказий банкда мавжуд бўлган иш юритиш тартиби, мавжуд меъёрий ва услубий талабларнинг бажарилиши, ҳисоботларнинг турлари, даврийлиги, тайёрланиш ва тақдим қилиш тартиби, ҳисоботлар ҳамда ёзишмалар бўйича ахборот оқимларининг йўналиши, ёзишмаларнинг турлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натижада ахборот оқимлари ва иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ЭҲА тизимини жорий этиш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги аниқланиб олинди.

Жумладан, олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, келатган ҳужжатларнинг 80–85% тижорат банкларидан бўлиб, уларнинг 90% ҳисоботларни ташкил этади. Мазкур ҳисоботлар Марказий банкка келганидан сўнг, уларни қайта ишлаш, турли иқтисодий кўрсаткичлар бўйича умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари мутахассислар иш вақтининг асосий қисмини банд этади. Бундан ташқари, тижорат банклари ўз вақтида жўнатилмаган ҳисоботлар ва айрим маълумотларни телефон, факс ва бошқа воситалар орқали узатишга мажбур эди. Бундай ҳол иш жараёнида қўйидаги ҳолатларни келтириб чиқаради:

- мутахассисларнинг иш вақтини ҳисоботларни йиғиш ва умумлаштириш учун сарф қилиниши;
- оператив равишда даврий маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;
- мутахассисларнинг компьютерларига келиб тушадиган ва сақланадиган маълумотларнинг йўқолиш хавфининг мавжудлиги;
- турли ҳисоботларда бир хилдаги маълумотларнинг такрорланиши ҳолларини жуда кўплаб учраши;
- ҳисоботларни узатиш, йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларнинг асоссиз равишда ошиб кетиши.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) яратилиб, унда маълумотларни жамлаш, назорат қилиш, ҳисобини юритиш,

қайта ишлаш, шакллантириш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди.

ИАТТ таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими, Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими, Ягона вакиллик ҳисобварақлар ҳисоб-китоб маркази, Электрон ҳужжат айланиши тизими, банк тизими маълумотлар базалари киритилган бўлиб, Марказий банкнинг маълумотлар омборхонаси ташкил этилган.

Марказий банкда «*Lotus-Notes*» электрон почта тизими фойдаланишда бўлганлигини ҳисобга олиб, ЭҲА тизими ҳам «*Lotus-Notes*» асосида яратилган дастур орқали амалга оширилди. Ушбу дастурни Марказий банк талабларига мослаштириш, қўшимча дастурий ишланмаларни яратиш ва Марказий банк тизимида татбиқ қилиш ишлари Ахборотлаштириш бош маркази томонидан Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти раҳнамолиги асосида бажарилди.

Бунинг учун Марказий банкдаги иш юритиш тизимининг куйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланди:

– Марказий банк структураси марказий аппарат ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят ҳудудий Бош бошқармаларидан ташкил топганлиги ва бу ҳол ЭҲА тизимида ҳисобга олинishi;

– ҳужжатлар ҳажмининг кўплиги (ҳисоботларни узатиш ва қабул қилиш даврида ҳужжатлар сони соатига 300–400 дан ошиб кетади);

– ҳужжатларни туркумлаш ҳамда иш юритиш жараёнининг мураккаблиги;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тизимга қўшимча талабларнинг қўйилиши;

– ҳужжатларни узоқ муддат сақланиши зарурлиги;

– катта ҳажмдаги ахборот билан ишлаш зарурлиги;

– ИАТТ тизими билан боғлиқлиги;

– иш юритиш бўйича ҳисобот турларининг кўплиги;

– таркибий бўлинмаларда ишни ташкил этилишининг мониторинги ва таҳлилини олиб бориш талаби.

Ушбу хусусиятлар Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ва Ахборотлаштириш Бош маркази томонидан ишлаб чиқилган Техник талабларда ҳисобга олинди.

Албатта, ЭҲА тизимини амалга жорий этилиши натижасида Марказий банкда мавжуд иш юритиш услубига ўзгартиришлар киритилиши кўзда тутилди. Бу киритиладиган ўзгартиришлар натижасида:

– маълумотларни йиғиш, бир томонлама таҳлил қилишдан маълумотларни автоматлаштирилган тартибда қабул қилиш, қайта ишлаш ва энг асосийси, қарор қабул қилишда кутилган мақсадга эришиш учун кўп қиррали таҳлиллар қилишда иш самарадорлигининг ошиши;

– ҳар бир иш ўрнидан Марказий банк электрон кутубхонасидаги электрон китоблар, меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, ҳуқуқий ахборот излаш тизимларидан («Право», «Норма» ва бошқалар) фойдаланиш имкониятининг яратилиши;

– таркибий бўлинмаларда ишни ташкил этилишининг мониторинги ва таҳлилини амалга ошириш;

– ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини (яратиш, келишиш, қайд қилиш, кўриб чиқиш ва ижро этиш) тезлаштириш;

– ижро интизомини йўлга қўйиш ва унинг назоратини осонлаштириш имкониятларининг яратилиши кутилди.

ЭҲА тизими ижро интизомининг тезлашиши билан бир қаторда, банк аналитик мутахассислари талаблари бўйича банк тизими маълумотлар омборхонаси маълумотлари асосида шакллантирилган ҳисоботларни тизимда тарқатилишини таъминлайди. Бу эса мутахассисларга Марказий банк ва Тижорат банклари таркибий бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилишда барча зарур бўлган маълумотларни бевосита тизимдан олиш имкониятини яратади. Натижада иш унумдорлиги 25–30% ошди.

ЭҲА дастурий воситаси Марказий банкда амалга жорий этилишидан олдин Ахборотлаштириш Бош марказида тўлиқ синовдан ўтказилди. Тизимнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга жорий этиш режалаштирилди. Биринчи навбатда, Марказий банкка келадиган ва ундан чиқиб кетадиган ҳужжатлар билан ишлайдиган Марказий банк бошқаруви котибиятининг Девонхона ва Экспедиция бўлимлари, Марказий банк Аппарати бўлими, Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўлимларида ЭҲА тизимини жорий этиш режалаштирилди. Шу мақсадда мазкур таркибий бўлимларда ўрганиш-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўрганиш-тадқиқот ишлари натижасида дастурий мажмуа-

га ва фойдаланувчиларни тайёрлаш ўқув режасига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Дастлаб ЭҶА тизими Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ҳамда ҳудудий Бош бошқармалардан бирининг Девонхонасида тажриба-синов мақсадида амалга жорий этилди.

ЭҶА тизимини амалга тўлиқ жорий этиш учун, мавжуд компьютерлар ва ташкилий техник воситалари парки янгиланиб, 2009 йилнинг 1-чорагида барча иш ўринлари янги компьютерлар билан жиҳозланди.

ЭҶА тизими Марказий банк аппаратида 2009 йил 1 майдан, барча ҳудудий Бош бошқармаларда 2009 йилнинг 1 июнидан амалга тўлиқ жорий этилди.

Марказий банкнинг ЭҶА тизими, барча тижорат банкларининг Бош банкларида ЭҶА тизими учун махсус ажратилган компьютер билан боғланди ва тижорат банклари билан электрон ҳужжат алмашуви йўлга қўйилди.

Марказий банк ЭҶА тизими бошқа шундай тизимлардан фарқли равишда қуйидаги имкониятларни беради:

– тизимда маълумотлар тиражланишининг олдини олиш мақсадида умумий электрон папкалардан фойдаланиш;

– маълумотлар базасидан, бошқарув тизимида оид ахборотни ўз ичига олган ҳисоботларни автоматлаштирилган тартибда ҳосил қилиниши ва ундан фойдаланиш руҳсат этилган барча мутахассисларнинг электрон папкаларига жойлаштириб қўйиш;

– мутахассисларнинг иш билан бандлиги даражасини аниқлаш, иш ҳажмини тўғри тақсимланиши, иш вақтидан унумли фойдаланишнинг мониторингини олиб бориш мақсадида ЭҶА ва ЭИЮ тизимида «Кундалик бажарилган ишларни қайд этиш» электрон журнаlines юритиш;

– раҳбар ходимларнинг хизмат сафари чоғида (Республиканинг қайси ерида бўлишидан қатъи назар), банк телекоммуникация тизими орқали, ўзининг таркибий бўлинмалари фаолиятига доир бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиши, ижросини ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатмалар киритиши ва масофадан имзолаши;

– Марказий банк департаментларидан тижорат банкларига қисқа муддатда ижро этилиши лозим бўлган топшириқларни жўнатиш ва уларнинг ижросини топшириқ берувчи томонидан

назорат қилиш мақсадида «Тезкор топшириқлар билан ишлаш» дастурий модулидан фойдаланиш;

– хужжатларни қайд этиш бўйича электрон журналларини юритиш;

– раҳбарият топшириқлари ижросининг ҳолатлари, келган ва жўнатилган хужжатлар, бажарилган, бажарилиш муддати ўтган, қайд қилинган санаси бўйича, назоратга олинган, назорат муддати ўтган хужжатлар ва маълум муддат оралиғидаги кирувчи ҳамда чикувчи хужжатлар бўйича автоматлашган тарзда турли ҳисоботларни шакллантириш;

– электрон хужжат айланиши тизимининг Марказий банкнинг бошқа автоматлашган тизимлари билан интеграллашган ҳолда ишлаш имконияти.

ЭҲА тизимининг жорий қилиниши хужжат бўйича келишиш жараёнини тезлаштирди, хужжатларни излаб топиш осонлашди. Девонхона ходимларининг келган хужжатларни қоғоз шаклида ҳар куни тарқатишига чек қўйилди, хужжатнинг йўқолиб қолишининг олди олинди, ижрочилари бир нечта бўлган хужжатдан нусха олиб, уни ижрочиларига тарқатиш зарурати йўқолди, Бош бошқармалар ва тижорат банкларига жўнатиладиган хужжатлар тизим воситасида хавфсизлиги таъминланган ҳолда тез ва аниқ етказилиши, бир вақтнинг ўзида айна бир хужжатни турли таркибий бўлинмалар томонидан ижро этилиши таъминланди. Булар ўз навбатида ижро муддатларининг қисқартирилишига, хужжатларни чоп этиш ва тарқатиш харажатларини камайтиришга, ижрочилик интизомини назорат қилишни осонлаштиришга замин яратди.

Марказий банкка келаётган қоғоз шаклидаги хужжатларнинг аксарият қисми вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларидан келаётган хужжатлардир. Мазкур хужжатлар Марказий банк котибиятининг «Девонхона» бўлими ва Марказий банк Аппаратининг «Назорат» бўлимида қайд этилади ва техник воситалар ёрдамида электрон шаклга ўтказилиб ЭҲА тизимига киритилади. Аслида бу жараён машаққатли бўлиб, кези келганда хужжатлар миқдори ҳамда улардаги варақлар сонининг жуда кўплиги, уларни қисқа муддатда ва сифатли қилиб электрон шаклини олиш ва ЭҲА тизимига киритиш учун кўп ишчи кучи техник воситалар мавжудлиги талаб қилинарди. Бу муаммони бартараф этилиши учун вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларида ЭҲА тизимларининг жорий этилиши ҳамда

идоралараро электрон ҳужжат алмашувининг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида турли компаниялар томонидан яратилган ЭҲА тизимлари жорий этилмоқда.

Бу борада республика миқёсида электрон ҳужжат алмашувини йўлга қўйиш учун барча вазирлик, ташкилот, идора, корхона ва муассасаларда ҳужжатлар фақат электрон шаклда юритилиши, турли дастур яратувчи фирма ва компанияларнинг дастурий мажмуаларини орасида электрон маълумотлар алмашуви бўйича ягона стандартларнинг ишлаб чиқилиши, фойдаланувчилар малакасини оширишни ташкил этиш ва тизим талабларига жавоб берадиган техника ва технологиялар билан таъминлашни жорий қилиш каби масалаларни ҳал қилиш талаб этилади.

4.3. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг тараққиёт омиллари

Маълумки, банклар замонавий молия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, бозор ва ишлаб чиқарувчилар талаблари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият олиб боради. Улар жаҳон иқтисодий ҳаётининг марказида жойлашган бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш орқали саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги ва аҳолини ўзаро боғлайдилар.

Кейинги йилларда республика тижорат банклари чакана амалиётларни ривожлантириш орқали ўз миқозларига тақдим этадиган хизматлар турларини кўпайтиришга ва ўз фаолиятини диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу мақсадда миқозлар томонидан банкоматлар, мобиль телефонлар ва Интернет орқали ўз ҳисобварақларини масофавий бошқариш каби электрон хизмат кўрсатиш технологиялари фаол тарзда амалиётга жорий этилмоқда. Масофавий банк хизматларини ҳаётга татбиқ қилиш орқали кредит ташкилоти ўзининг анъанавий банк амалиётларига қўшимча равишда, миқозлар эҳтиёжини тўлароқ ва сифатлироқ қондирадиган янги банк маҳсулотларини ҳам қўлламоқда. Мисол тариқасида биз ДАТ «Асакабанк»нинг «SMS-информатор», ХОАБ «Трастбанк»нинг «Интернет-банкинг», ОАТБ «Самарқандбанк»нинг «SAM. online», «Asia Alliance» банкининг «Альянс IVR» ва шу каби

бошқа тижорат банкларининг янги турдаги хизматларини келтиришимиз мумкин.

Қайд этиш жоизки, масофивий банк хизмати деганда, банк биноти ташқарисидаги миждознинг бевосита талабини қондириш мақсадида турли хилдаги телекоммуникация тармоқлари орқали банк маҳсулотларини ва хизматларини тақдим этиш тушунилади.

Умуман олганда, моҳияти жиҳатидан банк ва миждоз мулоқотининг анъанавий ва масофавий банк хизмати схемалари орасидаги фарқ жуда катта эмас. Бунда банк хизматлари ҳам, ҳисобварақлар ҳам мазмун моҳиятан «ўз ўрнида» қолган бўлиб, фақатгина банк ходими ва миждозларни ўзаро боғлайдиган алоқа тури ўзгарган холос. Яъни фақат банк офисида бажарилиши мумкин бўлган амалиётлар, банк офисига хос бўлган функциялар эндиликда масофадан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда «Миждоз банк учун эмас, банк миждоз учун» деган пурмаъно шиорга амал қилиб, миждозга кенг имконият яратилди. Миждоз ўз «оёқларига дам бериши» мумкин, дақиқалик амалиётни амалга ошираман деб, банк бинотига бориш йўлига кетадиган қимматли иш вақтини тежаш имконияти яратиб берилади.

«Банк-миждоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» каби банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари, ўзаро фарқланишига қарамасдан, миждозларга хизмат қилишнинг анъанавий усулларидан нисбатан қуйидаги устунликларга эга:

Хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали вақт чеклови олиб ташланади, яъни миждоз ўз банк ҳисобварағини ҳафтасига етти кун, кунига йигирма тўрт соат бошқариш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, миждознинг географик ҳолатига ҳам эътибор берилмайди. Миждоз дунёнинг исталган нуқтасидан ўз транзакцияларини ўтказиши мумкин бўлади, бунинг учун персонал компьютер ва Интернет глобал тармоғи ёки мобиль телефон ва алоқа тармоғи бўлса kifоя;

– янги банк маҳсулотларини яратиш, амалиётга татбиқ этиш ёки мавжуд молиявий хизматларни масофавий алоқа воситалари билан уйғунлаштириш ва ўзаро интеграциясини ошириш орқали банклараро рақобат шароитида банкнинг рақобатбардошлик кўрсаткичининг ошиши;

– филиалларни бошқариш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш орқали банк амалиётлари таннархининг камайиши.

Шу ўринда, нима учун банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг замонавий банк тизими тараққиётининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади, деган табиий савол туғилади. Бунинг бир қатор омиллари борки, ушбу омилларни батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи омил Интернет глобал тармоғи фойдаланувчилари сонининг ошиб бориши ҳисобланади. Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра, сўнгги кунда бутун жаҳон аҳолисининг 25 фоизи Интернет фойдаланувчилари бўлиб, улар сони жорий йилда 2 млрд.дан ошади. Бунда фақат иш офислари ва ўз уйларидаги компьютерлардан фойдаланган ҳолда интернет тармоғига уланадиган фойдаланувчилар эътиборга олинди, жамоат трафиги, масалан Интернет-кафелар ҳисобга олинмади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сўнгги беш йил давомида интернет-фойдаланувчилар сони икки мартага ошди. Шу билан бирга, 2009 йилда интернетдан уйида туриб фойдаланадиганлар сони 1,4 млрд.ни ташкил қилган бўлса, 2010 йил давомида бу кўрсаткич 1,6 млрд.га етди. Жами 226 млн. нафар янги фойдаланувчиларнинг 162 млн. нафари ривожланаётган мамлакатлар аҳолисидан иборат бўлиб, 2010 йил охирида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда Интернетдан фойдаланувчилар салмоғи жами аҳолига нисбатан мос равишда 71 фоиз ва 21 фоизни ташкил қилди. Бундан ташқари, жаҳон аҳолисининг 90 фоизи мобил алоқадан фойдаланиш имкониятига эга¹.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 6,626 млн. нафар бўлиб, шахсий компьютер орқали Интернетга уланадиганларнинг сони 3,12 млн. нафарни ташкил этди. Мобил интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса 3,504 млн. бўлиб, бу ўз навбатида, мобил телефонларнинг Интернетга чиқишда кўпроқ қўлланилишидан далолат беради². Интернет ва мобил алоқанинг барча фойдаланувчилари банклар учун истиқболли

¹ The World in 2010: ICT Facts and Figures. International Telecommunication Union, <http://www.itu.int>

² Ўзбекистон ахборотлари портали. <http://www.uzinform.com/ru/news/20101029/04861.html>

мижозлар ҳисобланади ва масофавий хизматларнинг қулай томонларини кўрсатиб бериш йўли билан ушбу бўлажак ми- жозларни банкка жалб қилиш фақат ушбу банкнинг хатти- ҳаракатларига боғлиқ, холос. Чунки ўз маблағларини банкда сақлаган жисмоний шахс интернет-банкнинг орқали нафақат ўз ҳисобварағи тўғрисидаги ахборотларни олиши, балки мо- бил алоқа, интернет, телевидение, коммунал хизматлари ва шу каби кўплаб хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларини амалга ошириши мумкин.

Мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш эвази- га банк харажатларининг қисқариши, масофавий банк хиз- матларининг иккинчи омили ҳисобланади. Чунки, интернет орқали масофавий хизматларни амалга ошириши учун банк глобал тармоқда ўз иштирокини таъминласа, яъни «вирту- ал офиси»ни ишга туширса бўлди. Ушбу «виртуал офис» орқали миждоз банк-миждоз дастурини юклаб олиши ёки тўғридан-тўғри интернет-банкнингга уланиб, зарурий ама- лиётларни амалга ошириши мумкин. Бунда банк миждоз- ларга хизмат қилувчи серверни ўрнатиши ва миждозларнинг топшириқларини автоматлаштирилган банк ахборот тизимига ўтказувчи шлюзларни яратиши зарур бўлади. Албатта, ушбу ҳаракатлар қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлса-да, ин- тернет тармоғи орқали ишлайдиган масофавий банк хизмат- лари тизимини жорий қилишга кетадиган жами харажатлар банкнинг янги филиалини очиш учун кетадиган харажатла- ридан анча кам бўлади. Шу билан бирга, «виртуал офис»да хизмат кўрсатиладиган миждозлар сони филиал миждозлари со- нидан бир неча марта ортик бўлади.

Масофавий банк хизматлари тизимидан келадиган соф фойдани ҳисоблаш мушкул масала ҳисобланади, чунки бу ти- зим орқали даромад билвосита келади. Бевосита даромад эса (масалан тизимдан фойдаланганлик учун ҳақ) одатда жуда кам ёки умуман бўлмайди, албатта бу ҳолат муайян банкнинг ми- жоз сиёсатига боғлиқдир. Бундан ташқари, масалан, ахборот тақдим этиш шаклида қўлланиладиган интернет-банкнинг ти- зими учун фойдага асосланган сәмарадорлик кўрсаткичини аниқлашнинг ўзи ноўрин, чунки бу турдаги интернет-банкнинг миждозларга бепул равишда тақдим этилади. Масофавий банк хизматлари тизимларининг самарадорлиги улар келтирадиган фойда эмас, балки тежалган харажатлар эвазига шаклланади.

Бошқача қилиб айтганда, банк қурилишга ёки ижарага кетадиган харажатларни қисқартириш, банк ходимлари штати ва уларнинг бажарадиган ишлар ҳажмини қайта кўриб чиқиш, банк филиалларида бажариладиган кам даромадли амалиётлар салмоғини камайтириш имконига эга бўлади.

Мижозларга интернет орқали банк хизматини кўрсатиш тараққиётининг навбатдаги омили – бу электрон тижоратнинг ривожланиши ҳисобланади. Электрон тижоратнинг анъанавий тижоратдан фарқи шундаки, бунда фаолият фақат тармоқ ичида амалга оширилади. Электрон тижорат тарихи 1914 йилдан, яъни General Petroleum Corporation of California корхонаси томонидан чиқарилган нефть маҳсулотлари учун тўлов кредит картасидан бошланган. 1982 йилнинг ноябрь ойида эса Nittingam Building Society қурилиш компанияси Шотландия банки ва British Telecom телефон ҳамкорлигида Homelink тизими жорий этди ҳамда электрон тижорат сифатида телефон-банкнинг тан олинди. Ўтган асрнинг 90-йилларида .com доменининг яратилиши билан Интернет глобал тармоғида электрон тўлов карталарини авторизация қилиш орқали товар ва хизматларнинг сотилишидан иборат бўлган веб-тижорат юзага келди. Замонавий тадбиркорлик фаолияти айнан шу йўналишда ривожлана бошлади ва бугунги кунда электрон тижорат нафақат жаҳон иқтисодида катта салмоққа эга бўлди, балки ўз имкониятларини кундан-кунга ошириб ҳам бормоқда.

Сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси UZ интернет-ҳудудида тижорат веб-хизматларини кўрсатадиган сайтларнинг сони кўпайди. Жумладан, энг таниқли тижорат сайтлари сифатида www.torg.uz, www.korzinka.uz, www.doda.uz, www.yarmarka.uz ва шу каби ўнлаб сайтларни келтиришимиз мумкин.

Интернет-дўкон эгалари савдо майдонларидан фойдаланиш учун ижара ҳақи ва хизмат кўрсатадиган ходимлар маошини тўламаслик, реклама харажатларини қисқартириш, дунёнинг ихтиёрий нуктасидан дўконга кирилиши каби афзалликларга эга бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир мижозга товар тўғрисидаги маълумотларни айтиб бериш зарурати қолмайди, ҳар бир товар ёки хизмат бўйича ахборот базаси шакллантирилиб, товарларнинг катта ассортименти жойлаштирилади ва қайси мижозга қандай товарнинг зарурлиги тавсия этилади. Ушбу тарихга асосан эса, мижозга индивидуал ёндашган ҳолда

кейинги жараёни автомат равишда режалаштириш мумкин бўлади.

Интернет-дўкон харидорлари эса, ушбу савдо нуқталаридан товарларни арзонроқ сотиб олиш мумкинлигини, тармоқ дўконлари кунига 24 соат давомида очиклигини, товарни олмасдан ва уйдан чикмасдан туриб, у тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш мумкинлигини аллақачон англаб етишди. Бундан ташқари, харидор олинаётган товарни форумларда муҳокама қилиши, олдинги харидорлар томонидан чет сайтларда ёзилган хулосалар ва таклифларни ўқиши ҳам мумкин. Бу орқали эса, албатта, вақт тежаллади ва кўнгилдагидек товар танланди. Аммо, айтиш керакки, интернет-дўконлар камчиликлардан холи эмас, мисол учун, ёлғон буюртмаларнинг расмийлаштирилиши, хакер ҳужумлари, ўз кўли билан «тирик» товарни ушлаб кўриш мумкин эмаслиги, сотувчи томонидан товар олиб келинишини кутиш зарурлиги шулар жумласидан.

Юқорида санаб ўтилган омилларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги замон ахборот технологиялари тараққиёти шароитида миждозларга банк маҳсулотлари ва хизматларини масофавий алоқа воситалари орқали тақдим қилиш банк тизими ривожининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Республика масофавий банк хизматлари бозорининг жорий ҳолати таҳлилидан келиб чикқан ҳолда, ушбу сектордаги фаолиятни фаоллаштириш мақсадида биз куйидаги тавсияларни келтираемиз:

Масофавий банк хизматлари ривожининг дастлабки пайтида, миждозларнинг ишончига кириш банклар олдида турган асосий мақсад ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун эса, масофавий хизмат кўрсатиш технологияларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг кўламда эълон қилиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

Миждозлар томонидан банк янги хизмат турларига бўлган ишончсизликни йўқотиш учун, молиявий банк хизматларига оид қатъий қонунчилик базасини шакллантириш керак.

Республиканинг барча тижорат банкларида sms-банкнинг жорий этиш ва ушбу хизматни пластик карточкалар эгаларига бепул тақдим этиш зарур. Чунки ушбу хизмат орқали миждозлар исталган пайтда ва жойда ўз ҳисобварағидаги қолдиқни, охириги транзакциялар ҳақидаги маълумотни оли-

ши мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, миждознинг иқтисодий ҳаётини энгиллаштириб, банкка янги миждозлар келишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида масофавий банк хизматларининг келажаги чакана банк хизматларининг ривожин билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, йирик миждозлар учун эксклюзив, анъанавий хизматлар ва индивидуал эътибор муҳим бўлса-да, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар ҳамда жисмоний шахсларга масофавий банк хизматлари самаралироқ ҳисобланади. Чунки, ушбу йўл билан улар юқори сифатли, асосийси арзон хизматларга эришадилар.

4.4. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобварақлар режасининг жорий этилиши

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин Марказий банк томонидан банк тизимида, хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар, миждозлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар шакли тўлов тизимини қайта шакллантириш соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Натижада тижорат банкларининг иқтисодиёт субъектларига ҳисоб-китоб-касса, кредит ва бошқа банк хизматларини кўрсатиш имкониятлари ва сифати ошди, бухгалтерия ҳисоби механизми бозор тамойилларига мос ҳолга келтирилиб тамомила янгиланди, молиявий ҳисоботлар халқаро андозаларга мувофиқлаштирилди.

Эришилган ушбу улкан тарихий ютуқлар давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг беқиёс кўмаги, соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатлари эвазига энг камтарона бошланғич имкониятлар ва иқтисодиётимизда мураккаб вазиятлар ҳукм сурган даврда амалга оширилган эди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида республика банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юриштиш собиқ Иттифоқ Давлат банки ҳисобварақлар режаси ва шу асосда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида ҳамда энг оддий усулларда амалга оширишга мажбур эди.

Жумладан, кўпчилик банк амаллари кўлда ҳисоб счетлари ва «Аскота» ҳамда «Оливетти» маркали механик машинкалари ёрдамида амалга оширилди.

Ҳисоблаш маркази ёрдамсиз бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва ҳисоб-китобларини юритувчи тижорат банк бўлимлари, вилоят марказларида жойлашган Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларида очилган вакиллик ҳисобварағи орқали тўловларни почта ва телетайп алоқаси ёрдамида амалга оширар эдилар. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтаётган ёш давлатнинг талабларини ўз вақтида қондириш имкониятини бермас эди.

Шунингдек, Марказий банк ва тижорат банклари учун ягона ҳисобварақлар режаси ва баланс ҳисоботларини тузиш тартиби амал қилиб, бозор муносабатлари шароитидаги банк тизими фаолиятига умуман мос келмасди.

Қайд этилган бухгалтерия ҳисобварақлар режаси кредит ресурсларни жалб этиш ҳамда уни ҳудудлараро ва тармоқлараро тақсимлашнинг марказлаштирилган тизимига асосланган иқтисодиёт талабларини ўзида акс эттирган эди.

Молиявий йилни яқунлаш, ҳисоботларни тузиш, таҳлил қилиш ишлари кейинги йилнинг февраль ойигача чўзиларди. Бунда, банкларда иккита баланс, жорий йил учун алоҳида «жорий» ва олдинги ўтиб кетган йил учун алоҳида «яқуний» баланс юритилиши ишни анча қийинлаштирар, ҳисоботлар олишни кечиктирар эди. Ҳозир эса, йиллик, ойлик ва кундалик балансларни тузиш, маълумотларни олиш муддатларида фарқ қолмасдан барча маълумотлар ҳамда ҳисоботларни кунлик «он лайн» тизими орқали бир зумда олиш имконияти яратилди.

Ривожланган мамлакатлар банклари ва фирмалари, бошқа мамлакат банклари ва фирмалари билан алоқани уларнинг молиявий ҳолатини халқаро андозаларга жавоб берувчи аудит ҳисоботларисиз бошламайдилар. Шу вақтгача амалда бўлган банк бухгалтерия ҳисоби ва аудити ҳамда улар асосида тайёрланган ҳисоботлар, шунингдек, тўлов тизимидаги баъзи масалалар янги шароит талабларига жавоб бера олмас эди.

Банклар фаолиятида бажариладиган операциялар нафақат сифат жиҳатдан, балки сон жиҳатидан ҳам кескин кўпайиб бориши банк операцияларини ўз вақтида амалга ошириш, балансда акс эттириш ҳамда кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни ўрнатилган муддатларда тузиш учун бухгалтерия ҳисобининг юқори технологияларга асосланган автомат-

лаштирилган тизимни жорий этишга жиддий талабни юзага келтирган эди.

Марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодига ўтиш жараёни банк молия ҳисоботидан фойдаланувчилар сафини кенгайтирди ва банк фаолияти ҳақидаги ахборотга бўлган талабни банклар бухгалтерия ҳисоби соҳасида туб ислохотларни амалга оширмасдан туриб қондириш мумкин эмас эди.

Шу сабабли, республика банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ислохот ўтказиш ҳамда янги халқаро стандартларга мос ҳисобварақлар режасини банк тизимида татбиқ этиш жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Юқорида баён этилган ҳолатлар инobatга олиниб, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Марказий банк Бошқаруви томонидан банк тизимида, хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар йўналишида туб ўзгаришларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Тизимда инқилобий ислохотни амалга ошириш учун банкларда ишлаб келаётган маҳаллий, ёш, иқтидорли ходимлар, олий ўқув юртларидан ёш олим ва мутахассислар Марказий банкга ишга таклиф қилинди. Уларга ривожланган мамлакатлар банкларида, Халқаро молия институтларида тажриба ва малака ошириш учун барча имкониятлар яратиб берилди.

Ушбу кўрилган чора-тадбирлар ва қабул қилинган қарорлар тез орада ўз самарасини берди. Собиқ Иттифок давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Марказий банк ва тижорат банклари учун алоҳида-алоҳида ҳисобварақлар режалари ишлаб чиқилди ва 1997 йилдан қўлланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит ислохоти тўғрисида»ги 37-сонли Қарорининг қабул қилиниши ушбу ҳисобварақлар режаларини ишлаб чиқишга асосий туртки бўлди. Ушбу қарорга асосан, жаҳондаги 5 та нуфузли фирма иштирокида ўтказилган тендерда ғолиб чиққан АҚШнинг «Артур Андерсен ЛЛП» консалтинг фирмаси маслаҳатчилари билан ишлар олиб борилди, Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди таклифлари инobatга олинди.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимида собиқ Иттифок Давлат банки тизимида амалда бўлган ҳисобварақлар режаси ва у асосда тузиладиган молиявий ҳисоботлардан тубдан фарқ

килувчи, бутунлай янги, халқаро андозаларга тўлақонли жавоб берадиган ҳисобварақлар режаси амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Амалдаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конунчиликка ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро андозаларига тўлиқ мослаштирилган ҳисоб усуллари, ҳисобот шакллари ҳамда меъёрий ҳужжатлар тўлиқ қайта ишлаб чиқилди.

Банк бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг кейинги босқичини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва АҚШнинг USAID халқаро ташкилоти ўртасида 2003 йил 14 мартда имзоланган Меморандум давом эттирди.

АҚШнинг «Ўзбекистон банк тизимига техник ёрдам кўрсатиш» Лойиҳаси билан ҳамкорликда Республика банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига ўтказиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, бу борада тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси 2004 йил август ойида ва Марказий банкда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси 2005 йилнинг декабр ойида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига тўлиқ мослаштирилиб, қайта ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, тижорат банклари мазкур ҳужжат талаблари асосида ўзларининг Ҳисоб сиёсатларига тегишли ўзгартиришлар киритиб, ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишган.

Банк тизимининг бухгалтерия ҳисоби соҳасида амалга оширилган тадбирлар натижасида молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлари татбиқ қилинди, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги (ошқоралиги) таъминланди, корпоратив бошқарувда энг тўғри ва ишончли иқтисодий ечимни қабул қилиш жараёни осонлаштирилди.

Шунингдек, чет эл инвесторларининг республика банкларига бўлган ишончини оширди, иқтисодиётни халқаро интеграциялашуви жараёни яхшиланди, яъни банклар томонидан турли қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда ва чет эл банклари билан алоқалар ўрнатилмоқда, чет эл инвестицияларини самарали жалб қилмоқдалар ва натижада иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган ижобий шароитлар яратилмоқда. Республика банклари ҳамда Марказий банкнинг йиллик молиявий ҳисоботлари нуфузли халқаро аудиторлик компаниялари томонидан ташқи аудитдан ўтказилмоқда.

Марказий банк учун эса самарали монетар сиёсатни амалга ошириш ва банклар устидан назорат олиб бориш учун энг кулай шароитлар яратиб берилди.

Умумий қилиб айтганда, банклар томонидан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этилиши, республикамиз иқтисодиётида мавжуд капитал ресурсларнинг самарали ва оқилона тақсимлаш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ПҚ-1438-сонли Қарори бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичини бошлашга ҳуқуқий замин яратди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича Марказий банк томонидан барча зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар ассоциацияси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан банк-молия тизими бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди.

Маълумки, тўлов тизимини ҳисоб-китобларни юритиш, ҳисоботлар ва ҳисобдорлик тизимларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Худди шу ўринда халқаро стандартларга асосланган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг жорий этилиши хусусида сўз юритиш айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунлари талабларига мувофиқ ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона методологик асосларини белгилаб берди.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг улар белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб узлуксиз равишда юритилиши таъминланди.

Шунингдек, тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар режасига асосан акс эттиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилишлари лозимлиги белгилаб кўйилди.

Мазкур ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобини акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валюта тизимига асосланган бўлиб, ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса Ёрдамчи китоблар очилади. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг чет эл валюталари бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилиб ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича банкнинг кунлик жамланма баланси тузилиши таъминланди.

Тижорат банкларида операцияларни ҳисобга олишда амалдаги ҳисобварақлар режаси 6 та – Активлар, Мажбуриятлар, Капитал, Даромад, Харажат, Кўзда тутилмаган ҳолатлар гуруҳларига бўлинган.

Янги ҳисобварақлар режаси ва унга асосланган ҳисоб усуллари ҳамда ҳисобот шакллари бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботининг халқаро андозаларига тўлиқ мослаштирилди. Янги ҳисобварақлар режасининг аввалги ҳисобварақлар режасидан устунлик томонларидан бири шундаки, даромадлар ва харажатлар, бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига кўра «ҳисоблаш усули»ни қўллаган ҳолда, уларнинг келиб тушиш ёки тўланиш муддатидан қатъи назар қайси ҳисобот даврига тегишли бўлса, шу давр учун акс эттирилиш имкониятини беради. Эски ҳисоб тизимига асосан эса даромадлар амалда келиб тушган ва харажатлар тўланган вақтдагина тан олинishi кўзда тутилган ёки бухгалтерия ҳисобининг «касса усули» қўлланилар эди.

Бундан ташқари, янги ҳисобварақлар режасида активларнинг ликвидлилик тамойилига асосланган ҳолда жойлаштирилган. Бунда кассадаги нақд пуллар балансидаги «Активлар» бўлимининг энг юқорисида ҳамда нақд пулга айлантирилишига энг кўп вақт талаб қиладиган актив эса мазкур бўлимининг энг охирига жойлаштирилган. Балансининг мажбуриятлар бў-

лими эса банк мажбуриятларини ижро этиш муддатининг яқинлиги тамойили бўйича жойлаштирилган.

Банк молиявий активлари ўз мақсадларига кўра уч гуруҳга, олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозлар, сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва сўндириш муддатига қадар сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларга бўлинган.

Айниқса активлар ва мажбуриятларнинг реал баҳоланиш механизмини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда банкнинг маълум хатарга таваккалчиликка (рискка) эга бўлган активлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлари учун захиралар яратиш кўзда тутилган. Бу эса банкларга балансда активлар ва мажбуриятларни реал баҳоси бўйича акс эттириш ва шу орқали хатарлардан ҳимояланиш имконини беради.

Банкнинг балансида асосий воситалар, номоддий активлар бошланғич қийматида акс эттирилади. Бундан ташқари, мазкур ҳисобварақлар кўп валютали ҳисоб юритиш имкониятини яратди. Хусусан, чет эл валютасида сотиб олинган асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда кам қийматли ва тез эскирувчи буюмлар балансда улар сотиб олинган кундаги Марказий банк томонидан чет эл валютасининг сўмга нисбатан курси, яъни тарихий курс бўйича миллий валютадаги эквивалент қийматида акс эттирилади ҳамда валютанинг курси ўзгариши билан қайта баҳоланмайди.

Ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимида асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда чет эл валютасидаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради.

Янги ҳисобварақлар режасида банкнинг хусусий капитали мустақил бўлим сифатида ажратилган. Бу банкларнинг нафақат бутун акциялар пакетини, балки унинг қанчалик реаллиги ва мослигини таҳлил қилиш имконини беради. Банкнинг устав капитали бўйича барча маълумотлар, шу жумладан эълон қилинган, чиқарилган, шунингдек, оддий ва имтиёзли акциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобварақлар режасининг 3-қисмида келтирилган.

Бугунги кунда, Ҳукуматимиз томонидан банк тизими фаолиятининг функционал асосларини кучайтириш ва тизим самардорлигини ошириш, замонавий тузилмага эга бўлган самарали

банк тизимини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларига банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди ҳамда бу борада банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган дастурий-меъёрий ҳужжатларга кўпгина ўзгартиришлар киритилди ва янгилари қабул қилинди. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, банклар томонидан миллий ва чет эл валютасида банк ҳисобварақларини очиш, уларни қайта расмийлаштириш ҳамда ёпиш тартиби белгиланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқнома Марказий банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган.

Ушбу Йўриқнома амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга мос равишда бир неча марта қайта ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда 2009 йилнинг 27 апрелида 1948-сонли рақам билан давлат рўйхатига олинди. Ушбу Йўриқнома, резидент ва норезидентларга банк ҳисобварақлари очиб ўз фаолиятларини самарали юритиш учун имкониятлар яратиб берди.

Хулоса қилиб айтганда, банклар томонидан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этилиши билан республикаимиз иқтисодиётида мавжуд капитал ресурсларнинг самарали ва оқилона тақсимлаш амалга оширилмоқда.

4.5. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг касса ижроси тизимини шаклланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, Марказий банк зиммасига Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, Марказий банкнинг топшириғига кўра тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни амалга оширадилар.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида»ги Йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Йўриқнома 2001 йилда янги тахрирда қайта ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинди.

Банклар томонидан Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги тезкор, ойлик ҳамда йиллик ҳисоботлар мазкур Йўриқномага мувофиқ тузилиб, улар ўрнатилган тартибда ва муддатларда молия, божхона ва солиқ органларига ҳамда бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга тақдим этиб келинмоқда. Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги тезкор, ойлик ҳамда йиллик ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1993 йил 2 февралда 11-сонли буйруқ билан тасдиқланган «Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари классификацияси»га асосан тузилган.

Ушбу Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари классификацияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йилда жаҳон андозаларига мос равишда қайта тахрир қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 10 октябрда 2146-сон билан «Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома» рўйхатга олинди.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш тартибини белгилайди. Бюджет таснифи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга қўлланилади ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари гуруҳланиши бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

Давлат бюджети даромадларининг таснифи;

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи;

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Марказий банк томонидан бюджет таснифига мувофиқ, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳисобварақларининг тўғри очилиши ва ойлик ҳисоботларнинг дастурий йўл билан тузилишини таъминлаш мақсадида шартли ҳисобварақлар ишлаб чиқилган. Мазкур шартли ҳисобварақларга асосан ойлик ҳисоботларнинг тўғри ва ўз вақтида тузиш учун Марказий банкнинг тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти томонидан «BUD» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди ва Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига амалиётда фойдаланиш учун юборилди. Бунга асосан, Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича тегишли маълумотлар базаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ҳисоботларни тузишда фойдаланиб келинмоқда.

Марказий банк Ҳукуматнинг банки, маслаҳатчиси ва фискал агенти сифатида унга ўз вазифа ва ваколатларига дахлдор масалалар, шунингдек, иқтисодий ва молиявий масалалар ҳамда давлат бюджетини тайёрлаш юзасидан зарур тақлиф ва тавсияларни бериб келмоқда.

Ривожланган давлатларнинг иқтисодиётини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларининг ҳисоби ва ижроси ғазначилик тизими орқали амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Республикамизда Молия вазирлиги Ғазначилигини яратиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелда қабул қилинган 144-сонли «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши билан бошланди.

Ғазначиликнинг яратилиши ва Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизми жорий қилишнинг муҳим босқичларидан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва 2006 йил 1 январда кучга кирган «Давлат

бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади.

Қонун Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ғазна ижросини меъёрий базасини белгилаб берди. Унда Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий тамойиллари, Давлат бюджетининг ғазна ижроси муддатлари, Ғазначиликнинг асосий вазифалари, Ғазначиликнинг бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари ва бошқалар акс эттирилган.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси йўналишидаги биринчи амалий қадамлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори асосида бошланди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Давлат бюджети ижросининг Ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, шу жумладан, республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалга оширилди.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий қилинишининг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2006 йилда Самарқанд вилоятида Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмларини жорий қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган бюджет ташкилотлари учун бюджетнинг ғазна ижроси механизмини жорий қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилиши давом эттирилди.

Давлат бюджетнинг ғазна ижроси механизмини жорий қилишнинг учинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий

макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарори асосида амалга оширилди.

2007 йилда Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизми республиканинг қолган ҳудудларида жойлашган бюджет ташкилотларига ҳам татбиқ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосан, 2007 йилдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида махсус молия органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ташкил қилинди.

Ғазначилик зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилди:

– давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

– давлат бюджети маблағларини ғазначилик ғазна ҳисобрақами, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ҳудудий ғазначилик ҳисобрақамларини жорий этиш орқали бошқариш;

– бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида, мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш;

– бюджет ташкилотларини, шу жумладан, муҳофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

– харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисобрақамларига бюджет маблағлари олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

– давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, Давлат бюджети ижроси ҳақида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ҳамда ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини ижро этиш.

– Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги мурувват ёрдами ва техникавий кўмаклашиш воситаларининг тўлиқ ҳамда тизимли ҳисобкитобини юритиш.

Ҳозирги вақтда республиканинг барча ҳудудларида бюджет ташкилотларининг харажатлари тўловларини замонавий ахборот технологиялари асосида ҳудудий ғазна ҳисобварақларидан амалга ошириш механизми жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қуйидаги давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари ҳамда харажатларининг ғазна ижроси механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш топширилди:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкани бошқариш қўмитасининг махсус ҳисобрақами;

– Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;

– Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси базасида);

– Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

– Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

Давлат бюджети ғазна ижросининг кейинги ривожланиши, Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағида жамлаш ҳамда ундан Давлат бюджети харажатларини амалга ошириш, шунингдек, Ягона ҳисоблар режаси асосида Давлат бюджети ягона ҳисобини ташкил қилиш ва ижроси тўғрисидаги ҳисобот тайёрлаш имконини берадиган, ғазначилик тизимининг (ДМБАТ) функционал ва техник структурасини ишлаб чиқиш Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштирилиши билан боғлиқдир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик, тарихан қисқа даври мобайнида республикамиз банк тизимида халқаро андозаларга мос келувчи самарали ҳисоб-китоблар ҳамда замонавий электрон тўлов тизими шакллантирилди, ҳисоб ва ҳисоботлар тизими йўлга қўйилди. Республикада ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, замонавий электрон тўлов тизимини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш, бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириб бориш мақсадида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар банк мижозларига замонавий ва сифатли банк хизматларини кўрсатишни таъминлаш билан бирга, республика иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БАНК ТИЗИМИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР

5.1. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ташкил топиши ва уни молиявий қўллаб-қувватлаш

Иқтисодиётимизнинг ҳаракатга келтирувчи механизмига айланиб бораётган кичик бизнеснинг юзага келиши ва ривожланиш босқичлари республикамиз ҳудудида узоқ даврларга бориб тақалади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, республикамиз ҳудудида хунармандчилик бир неча асрлар давомида тараққий этиб келган. Буюк ипак йўли орқали савдо-сотик ривожланган даврларда ва ундан кейин ҳам Самарқанд қоғози, Марғилон шохиси, Бухоро зарининг доврўғи бутун дунёга машхур бўлган. Бундай маҳсулот турларидан бир қанчасини санаб ўтиш мумкин. Ушбу маҳсулотлар ўша пайтда хунарманд ва қосиблар томонидан устахоналарда яратилган.

Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан забт этилганидан кейин ҳам, мустабид тузумнинг оғирлигига қарамай хунармандчиликнинг ривожланиши тўхтаб қолмади. Ўзбек хунармандлари ва усталари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1895 йилда Париж (Франция) ва Атланта (АҚШ) шаҳарларида, 1904 йилда Сан-Луи (АҚШ) шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кўргазмаларда бутун дунё эътиборини тортган.

Шўролар даврининг дастлабки йилларида ҳам республикамиз ҳудудида хунармандчилик ва ишлаб чиқаришнинг майда шакллари ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Хусусан, Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил 8 августдаги «Хунармандчилик ва майда ишлаб чиқариш тўғрисида» 88-сонли Қарори бу соҳани ривожлантириш ва тартибга солиш бўйича қабул қилинган асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Бироқ, XX асрнинг 30-йилларига келиб, хунармандчилик ва майда ишлаб чиқариш, асосан, хусусий мулкка ва эркин рақобатга асосланганлиги сабабли бир қатор тазйиқларга учраб, йўқ бўлиб кета бошлади. «Совет тузуми хусусий тадбиркорликни тақиқлаб,

«яқинларини қўллаш»га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий «ўрни» йўқотилишига сабабчи бўлди»¹.

Шўролар даврида фақат кичик артеллар ва маиший хизмат буюмларини тузатиш устахоналаригина сақланиб қолди. Асрлар давомида ҳунармандчиликнинг айрим ўта нозик турлари бўйича тўпланган билим ва тажриба бу даврда унутилиб кетди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида, «қайта қуриш» даврига келиб, кичик корхоналар ташкил этишга ҳамда кооператив тарздаги фаолиятга рухсат берилди. Бироқ улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва механизми тўлиқ яратилмаганлиги сабабли кичик корхоналар оммавий характерга эга бўла олмади.

Фақат республикамик мустақилликни қўлга киритганидан кейингина кичик бизнес соҳаси учун кенг имкониятлар яратилиб, уни ривожлантиришга истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироб қаратилди. Чунки бозор муносабатларига ўтиш шароитида ушбу соҳанинг ўзига хос ўрни бор: у кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш суръатларини белгилаб, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини янада самарали тақсимлаш имконини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб бориши жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, республикамикда ишлаб чиқариш жараёнларини халқаро андозалар талаблари даражасида йўлга қўйиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, истеъмол моллари бозорини сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, айниқса, аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнеснинг аҳамияти беқиёс ҳисобланади.

Қолаверса, мазкур соҳа янги маҳсулот турларини фаол ўзлаштиради, йирик бизнес учун жозибадор бўлмаган тармоқларда тараққий этади. Шунингдек, кичик бизнес соҳаси ўзгарувчан бозор конъюнктурасига тез мослашувчанлиги, инвестицияларни жадал жалб этиши, фаол инновация фаолияти ва айланма маблағларнинг тез айланувчанлиги билан ҳам ха-

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1999, 532-бет.

рактерланади. Кичик бизнесда ташкил этилган ҳар бир янги иш ўрни йирик корхоналарда яратилган иш ўрнига нисбатан камроқ харажатларни талаб қилади.

Маълумотларга қараганда, йирик корпорацияларга нисбатан кичик фирмаларда 30 фоиз ишлаб чиқариш чиқимларининг камлиги, 39 фоиз маҳсулот етказиб беришнинг оперативлиги, 42 фоиз илғор технологиялар билан жиҳозланганлиги ва 61 фоизга ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатининг юқорилиги билан характерланади¹.

Мамлакатимизда хусусий тармоқни ривожлантириш давлат мулкчилигига асосланган тоталитар тузумдан хусусий мулкчилик тамойиллари амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутди. Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ҳамда жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин, асос яратди, жамият ҳаётида ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қила бошлади.

1991–1995 йилларда салмоқли қонунчилик асоси яратилиб, шунга кўра бизнес учун қулай муҳит ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилди.

Хусусан, 1992 йилнинг 26 феввалида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 85-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

«Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги Низомда хусусий тадбиркорлик – бу ташаббускорлик, қонунчилик доирасидаги хўжалик фаолияти бўлиб, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида таваккалчилик билан ва ўз зиммасига мулкий жавобгарлик олиб, ёлланма меҳнатни жалб этган ҳолда фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан амалга оширилиши, шунингдек, хусусий тадбиркорлик юридик шахс бўлмасдан амалга ошириладиган якка тадбиркорлик фаолиятини ҳам ўз ичига олиши белгиланди.

¹ *Абатуров В., Рустамов Д.* Йирик ва кичик бизнес: жаҳонда ва Ўзбекистонда. Т.: «Бозор, пул ва кредит» журнали, 1998, 11-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тадбиркорликнинг юзага келиши иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичидаги энг асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди.

Бу вазифани ҳал этиш учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилиб, мазкур тизим қонунлар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз ичига олувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланди.

1995 йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингандан сўнг кичик корхоналарни таснифлашнинг янги меъёрлари белгиланди. Қонунга мувофиқ саноат ва қурилишда – 50 кишигача, кишлок хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида – 25 кишигача, фан ва илмий хизмат кўрсатишда – 10 кишигача, ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида – 10 кишигача ҳамда чакана савдода – 5 кишигача ходимлари бўлган корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида эътироф этилди.

Бироқ ушбу қонун билан белгилаб берилган меъёрлар фақат кичик корхоналарга тегишли бўлганлиги туфайли, кейинчалик кичик бизнеснинг барча субъектларини гуруҳларга ажратишда муаммолар юзага кела бошлаган. Шу сабабли мазкур қонун билан белгиланган меъёрлар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сонли Фармонида корхоналарни кичик ва ўрта бизнес субъектларига киритиш меъёрлари белгиланди.

Фармонга кейинги киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар кириши белгилаб қўйилди:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда

10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

куйдаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати – 100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари – 50 кишидан;


фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар – 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Кичик бизнеснинг мамлакат тараққиётида тутган ўрни ҳақида гапирганда, ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётганлигини, иш билан банд аҳолининг катта қисми ушбу соҳада меҳнат қилаётганлигини қайд этиш зарур.

Хусусан, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа даврда, яъни 2010 йил якунига келиб ушбу кўрсаткич қарийб 52,5 фоизни ташкил этиб, 2011 йилда унинг ЯИМ даги улуши 54 фоизга етиши кутилмоқда.

5.1-чизма

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фукаролар учун янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганлиги боис мамлакатимизнинг иш билан банд аҳолисининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Истиклолнинг дастлабки йилларидан кичик бизнес ривожланиши учун иқтисодий-ҳуқуқий шароитнинг яратилиши, унинг ривожланишини рағбатлантириш баробарида мазкур соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш ҳақида»ги ПФ-1208-сонли Фармони билан ташкил этилган Бизнес-фонд соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим молиявий воситаси бўлиб хизмат қилди. Жамғарма бюджетдан ажратилган, давлат ҳамда маҳаллий мол-мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан, ўз фаолиятини хусусий ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва жойлаштиришдан тушган даромадлардан иборат пул маблағларини жамлаш йўли билан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган дастурлар, лойиҳалар, тадбирларни маблағ билан таъминлаш имкониятини яратиб берди.

Унинг бўлинмалари барча вилоятларда очилиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кредит буюртмаларини кўриб чиқиш учун қабул қилиб келган.

Жамғарма юридик шахс мақомида фаолият юритиб, ўз мустақил балансига, шу жумладан, чет эл валютасидаги балансига эга эди.

Жамғарма халқаро молиявий ташкилотлар, агентликлар ва ваколатхоналар, корпорациялар, ассоциациялар, шунингдек, МДХ мамлакатлари ва ундан ташқаридаги ташкилотлар билан бозор инфратузилмасини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, умуман миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун ўз маблағларини ажратиш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб қилишда яқиндан ҳамкорлик қилди.

Бизнес-фонд эътироф этилган ва ишончли хорижий шерикларни тез топиш, улар билан истиқболли иқтисодий алоқа-

ларни йўлга қўйиш ҳамда кенг қўламли фаолият турлари бўйича қўшма тадбиркорлик тузилмаларини вужудга келтиришга кўмаклашди.

Бизнес-фонднинг асосий мақсадлари:

– устувор йўналишларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўли билан бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириб бориш мобайнида давлат сиёсатини ўтказишга кўмаклашиш;

– кичик ва ўрта бизнеснинг бозор инфратузилмасини вужудга келтиришга кўмаклашувчи инфратузилма элементлари (банк, ахборот, суғурта, лизинг ва бошқалар)ни шакллантириш;

– кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш учун ўз маблағларини ажратиш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш масалаларида халқаро ташкилотлар ва жамғармалар, ваколатхоналар, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашдан иборат эди.

Шу билан бирга, Бизнес-фонднинг асосий вазифалари этиб:

– кичик ва ўрта бизнеснинг тадбиркорлик тузилмаларига республика бозорларини тўлдириш, четдан келтириладиган товарлар ўрнини босиш ва четга чиқариладиган товарлар турини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

– кичик ва ўрта бизнеснинг тадбиркорлик тузилмаларини инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

– Ўзбекистон Республикасида маълумотлар базасини вужудга келтириш ва бизнесни ташкил этиб, ривожлантириш борасида ахборот-ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш;

– кичик ва ўрта бизнеснинг камёб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва хизматларни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалари ҳамда дастурлари учун молиявий маблағлар ажратиш белгиланди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли фоиз ставкалари бўйича қарз бериш, қарз берувчи ташкилотларга тегишли фарқни тўлаш Бизнес-фонд маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Бунда, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартлар асосида кредит беришни амалга

оширувчи кредит ташкилотлари имтиёзлардан белгиланган тартибда фойдаландилар.

1991–1996 йиллар мобайнида хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акцияларни сотишдан Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисобрақамларига тушган тушумларнинг умумий ҳажми 1996 йилнинг охирига келиб, қарийб 8 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг 50 фоизи ҳукумат органлари қарорларига мувофиқ, «Бизнес-фонд» орқали инвестиция лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар тарзида тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлашга, жами тушган маблағларнинг 20 фоизи ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ва 20 фоизи Давлат мулки қўмитаси томонидан халқ хўжалиги турли тармоқлари корхоналарини хусусийлаштирилгандан кейинги қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар сифатида йўналтирилди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисида сўз борар экан, бунда тижорат банклари томонидан амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Республикамизда фаолият олиб бораётган барча тижорат банклари ўз йўналишларидан қатъи назар, кичик ҳамда ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга яқиндан ҳисса қўшишди ва қўшиб келмоқдалар десак, муболаға бўлмайди.

Хусусан, ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермерлик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Пахтабанк ташкил этилган бўлса, Халқ банки аҳоли билан муомалаларни, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва хусусий тадбиркорликка кредит бериш бўйича энг йирик банклардан бирига айланди.

1994 йили «Ўзсавдогарбанк», «Трастбанк». «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк» ва бошқа бир қатор банклар иш бошлади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 13-сонли Қарори

билан қишлоқда тадбиркорлик ва мулкчиликнинг янги шакллари ривожлантиришни амалда молиявий қўллаб-қувватлаш, янги ишлаб чиқариш тузилмалари жамоаларининг иш фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш учун «Ўздек-қончиликсаноатбанк» ҳузурида тадбиркорлар, фермерлар ва хусусий шахсларнинг «Тадбиркор» акционерлик тижорат банки ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Дехқон (фермер) хўжалиқларига, шахсий ёрдамчи хўжалиқ эгаларига, қишлоқ хўжалиги ижарачиларига ва кооперативларга, кичик, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи хусусий корхоналар ва фирмаларга хизмат кўрсатиш, хорижий сармойни кенг жалб этиш Тадбиркорбанкнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Шунингдек, «Тадбиркор» акционерлик тижорат банкининг устав фондидаги улуш сифатида давлат бюджетидан 1 млрд. 500 млн. сўм ажратилди ва банкнинг Устави ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлардаги бўлимлари тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 апрелдаги «Ўзтадбиркорбанк»нинг ташкил топишида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 187-сонли Қарори меъёрларидан келиб чиқиб, банк томонидан дехқон (фермер) хўжалиқларига, шахсий ёрдамчи хўжалиқлар эгаларига, қишлоқ хўжалиги ижарачиларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва хусусий корхоналарга қуйидаги фоизларда кредитлар бериш амалиёти жорий этилди:

чорвачилик, ғаллачилик ва озуқа етиштирувчи хўжалиқларга – йиллик 15 фоиз;

мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалиқларга – йиллик 20 фоиз;

қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва хусусий корхоналарга – йиллик 25 фоиз;

қишлоқ жойлардаги бошқа тадбиркорлик субъектларига – тижорат асосида.

Ушбу қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги «Ўзтадбиркорбанк» буюртманомасига кўра олий ўқув юрғларининг тегишли мутахассисликлар бўйича битирувчиларини банк тизимида ишлаш учун юбориш, Ўзбекистон Республикаси Марка-

зий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва бошқа банкларга «Ўзтадбиркорбанк»ни малакали мутахассислар билан тўлдиришда самарали ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Кредит бериш муассасалари, айниқса, «Тадбиркорбанк» тузилмаларини ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун тижоратчи ихтисослаштирилган банклар, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги банклар тармоқларини кенгайтириш давом этди, савдо уйлари, инвестиция компаниялари, инвестиция воситачилари, фонд дўконлари, клиринг ва агентлик тармоқлари фаолияти кенгайди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳанинг ривожланишини рағбатлантириш борасида мустақилликнинг дастлабки 10 йиллигида қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, 2000 йилга келиб бу борада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги, бор имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, банкларнинг мазкур соҳага молиявий кўмак бериш борасидаги ишларини янада такомиллаштириш зарурлиги аён бўлди.

Хусусан, 2000 йил 1 февраль куни бўлиб ўтган «Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш» йиғилишида Президентимиз томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги, қўллаб имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётганлиги танқидий баҳоланган эди.

Президентимиз ўз нутқида: «... Биз иқтисодий эркинлаштириш деганда банк ва молия тизимини бундан буён ҳам ислох қилишни назарда тутамиз. Албатта, бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Лекин биз бу жараёндаги ишлар ҳали ниҳоясига етмаган, деб ҳисоблаймиз. Банк тизимини тубдан мустақкамлаш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш лозим.

Банклар инвестициялаш жараёнининг асосий бўғини, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи керак.

... Бугунги кунда эндигина иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш, хусусан, кичик кредитлар ажратиш тизимини яратиш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда...» – деб таъкидлаб ўтган эди.

Мазкур йиғилишда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ишларига тегишли баҳо берилганидан сўнг ушбу соҳани ривожлантиришга доир қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўрилди ва мутасадди бўлган барча тузилмаларнинг соҳага ҳар томонлама кўмак бериш борасидаги фаолиятлари янги суръатларда жадаллашиб борди.

Айнан шу «Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларро мувофиқлаштирувчи кенгаш» йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, барча соҳалар каби банк тизимида ҳам кичик бизнесни кредитлашга эътибор янада кучайтирилди, кредитлаш, шу жумладан микрокредитлаш борасида меъёрий ҳужжатлар тўлиқ қайта кўриб чиқилди ҳамда давр талабига мос равишда кредитлаш соҳасига оид янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Эътиборли томони шундаки, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратиш тартиби бир мунча соддалаштирилди, кредитлар ажратишда талаб этиладиган ҳужжатлар сон жиҳатдан минимал даражага келтирилди, кредит буюртманомаларини қисқа муддатда кўриб чиқиш қатъий белгилаб қўйилди.

Хусусан, «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш» Тартиби (рўйхат рақами 902, 2000 йил 29 февраль) ва «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиқларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш» Тартиби (рўйхат рақами 903, 2000 йил 29 февраль) шулар жумласидандир.

Ушбу тартибларда хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларининг кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган бир қатор нормалар белгиланди.

Жумладан, микрокредит олиш учун банкка юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар куйидаги ҳужжатлар, яъни:

- сўралаётган кредит суммасини кўрсатган ҳолда кредит олиш учун ариза;
- олинаётган кредитдан фойдаланиш мақсадлари, албатта кўрсатиладиган бизнес-режани тақдим этиши белгиланди.

Ўз навбатида, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркор эса микрокредит олиш учун:

- микрокредит олишга кредит буюртманомаси;
- пул оқимининг таҳлили албатта кўрсатилган бизнес-режа;
- Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи тасдиқлаган, охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома, шунингдек, 90 кундан зиёд қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (деҳқон хўжаликларидан ташқари) тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Микрокредитлар миқдори юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар учун 5 минг АҚШ долларигача эквивалентда, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар учун эса 10 минг АҚШ долларигача эквивалентда миллий ёки хорижий валютада ажратилиши белгиланди.

Мазкур тартибларга мувофиқ, кредитнинг қайтарилмай қолиш хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди:

- мол-мулк ёки қимматли қоғозларнинг гарови;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахсларнинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчи томонидан кредитни сўндирмаслик ҳатари суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси.

Шу билан бирга, банклар улар билан доимий алоқага, банк ҳисобварағида мунтазам пул оқимига, яхши обрўга ва яхши кредит тарихига эга бўлган қарз олувчиларга, таъминотнинг турларини тақдим этмасдан, бланкли (ишончли) микрокредитларни беришга ҳақли эканлиги белгилаб берилди.

Ушбу тартиблар ўша пайтлари ишини эндигина бошлаётган тадбиркорларга қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган бўлиб, уларда кредитнинг таъминоти бўйича енгилликлар кўзда тутилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (ишлар бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг барча турлари учун микрокредитлар берилиши йўлга қўйилди.

Микрокредитларнинг 50 фоизигача бўлган миқдори нақд пулда берилиши амалиёти жорий қилинганлиги, тадбиркор-

ларнинг аҳолидан чорва моллари, парранда, уруғликлар ва кўчатларни сотиб олиб ўз бизнесларини ташкил этиши ва ривожлантиришида алоҳида аҳамият касб этди.

Шунингдек, микрокредит ҳисобига сотиб олинadиган мол-мулк, унинг қийматининг 80 фоизи мазкур кредит бўйича гаров сифатида қабул қилинишига рухсат этилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг кредит ажратиш бўйича берган сўровномаларини тезкор равишда кўриб чиқиш, ортиқча сарсонгарчиликка йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида, кредит аризаларини кўриб чиқиш муддатлари янада қисқартирилди. Бунда тадбиркорларнинг кредит аризаларини кўриб чиқиш муддатлари, туман ва шаҳар банк бўлимлари учун 5 иш куни, вилоят банк бўлимлари учун 10 иш куни ва Республика банклари учун эса 20 иш куни қилиб белгиланди. Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш ҳамда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал тармоғини кредитлаш имкониятларини кенгайтирди.

Тижорат банкларида микрокредитлаш механизмлари амалиётга энди жорий этилган бир вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 75-сонли Қарори асосида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва унинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, уни иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг муҳим омилига айлантириш, шунингдек, Тошкент вилояти мисолида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари синаб кўриш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Банк тизимида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Тошкент вилояти бўйича молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тадбиркорларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини тузиш борасида ҳар бир тижорат банки, маҳаллий ҳокимият, Савдо-саноат палатаси, Деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари уюшмасининг бўлимлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги; Марказий банк, «Пахта-банк», Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Тошкент вилояти

хокимлиги билан биргаликда 2000 йилнинг 1 июлигача Тошкент вилоятининг камида 100 та фермер хўжалигига 10 минг АҚШ долларига тенг миқдоргача хорижий валютада ёки миллий валютада микрокредитлар ажратилиши белгиланди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2000 йил 1 июлга қадар Тошкент вилоятидаги молиявий қўллаб-қувватлашга мухтож бўлган 605 та тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликларига 720,8 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 481,8 млн. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, вилоятдаги 394 та деҳқон ва фермер хўжаликларига техника, қорамол, ем-хашак, минерал ўғитлар сотиб олиш учун йўналтирилди.

Кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш механизмларининг такомиллаштирилиши ва соддалаштирилиши билан бир қаторда, ушбу соҳа вакилларининг йирик кредитлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ҳам такомиллаштирилиб берилди.

Хусусан, «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш» Тартибига (рўйхат рақами 907, 2000 йил 7 март) асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини кенгайтириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредитлар олиш имкони яратилди.

Мазкур Тартиб тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектларига, шунингдек, юридик шахсни ташкил этган деҳқон хўжаликларига кредитлар бериш тартибини мувофиқлаштириш вазифасини ўтади.

Тижорат банклари томонидан кредитлар берилиши кредитланаётган тадбирнинг ўзини қоплашига боғлиқлиги, хусусан:

– кичик бизнес субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун кредитлар 1 йилгача муддат билан берилиши;

– фермер хўжаликларига, шунингдек, юридик шахсни ташкил этган деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга оборот маблағларини тўлдириш учун кредитлар, одатда, камида 2 йил муддатга берилиши;

– кичик бизнеснинг барча субъектларига, шу жумладан, юридик шахсни ташкил этган фермер ва деҳқон хўжаликларига

инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун кредитлар тўлаш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкинлиги;

– кичик бизнес субъектларига айланма маблағларини тўлдиришга бериладиган кредитларни сўндиришнинг энг кўп муддати, уни узайтириш ҳисобга олинган ҳолда, 12 ойдан ошиши мумкин эмаслиги (кутилмаган (форс-мажор) ҳолатлар бундан мустасно) белгилаб берилди.

Ўз навбатида, кишлок хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларини тўлдириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган кредитларни сўндиришнинг энг кўп муддати, уни узайтириш ҳисобга олинган ҳолда, кутилмаган (форс-мажор) ҳолатлардан ташқари, 30 ойдан ошиши мумкин эмаслиги, кишлок хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг айланма маблағларини тўлдиришга берилган бошқа кредитлар бўйича, бу муддатни узайтириш ҳисобга олинган ҳолда, улардан фойдаланишнинг энг кўп муддати 12 ой қилиб белгиланди.

Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банкларга кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкасининг миқдори қарз олувчи билан банк ўртасида кредит шартномасига асосланган ўзаро келишув бўйича белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 1999 йилнинг май ойидан Марказий банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти таркибида фаолият олиб борган «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишларнинг мониторинги ва таҳлили» бошқармаси базасида 2000 йил ноябрь ойида Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилди. Шунингдек, мазкур департаментнинг Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларида бўлимлари ташкил этилиб, улар малакали мутахассислар билан бутланди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг тавсияси билан тижорат банкларида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар ва уларнинг ҳудудий Бош бошқармаларида тегишли бошқармалар ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича махсус бўлимлар ташкил этилди.

Ташкил этилган махсус бўлимларнинг мақсади этиб кичик бизнес субъектларига молиявий кўмак бериш ишларини амалга ошириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларни сармоя билан таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиб бориш ва уларни тижорат банклари фаолиятига татбиқ этиш белгиланди.

5.2. Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасининг ташкил этилиши ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-2564-сонли Фармони банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Мазкур Фармонга мувофиқ тижорат банкларида улар фойдасининг 25 фоизига қадар миқдорини ажратиш йўли билан ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли маблағ билан таъминлаш мақсадида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилди.

Тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳажмини ошириш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида банкларнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур Жамғарманинг ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўналтирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилинди.

Фармон ижросини таъминлаш ҳамда тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантиришда фаол қатнашишини янада рағбатлайтириш мақсадида 2000 йил 19 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли Қарори билан «Тижорат банклари томонидан кичик

тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида»ги ва «Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомлар тасдиқланди.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш бўйича кредит берилган кундаги белгиланган ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланди.


Таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзининг жорий қилиниши тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари ҳажмини кенгайтиришга ва улардан ажратиладиган имтиёзли кредитлар ҳажмини оширишга кучли туртки бўлди.

Хусусан, 2000 йилда жамғарма ҳисобидан қарийб 13 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, кейинги беш йил давомида ушбу кўрсаткич салкам 1,5 баробарга ўсди ва 2005 йил давомида ушбу жамғармадан ажратилган кредитлар ҳажми 19 млрд. сўмни ташкил этди.

Умуман олганда тижорат банкларида Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил этилгандан буён кичик тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиklarининг лойиҳаларини молиялаштиришга 2000–2010 йилларда жами 201,6 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

5.2-чизма

**2000–2010 йиллар давомида тижорат банкларининг
Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари
ҳисобидан ажратилган кредитлар динамикаси**



Мамлакатимизда Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан, мазкур соҳа субъектларининг имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда банкларда ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳажмини ошириш борасида тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштиришнинг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида микромолиялаш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 79-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур ҳужжатларга мувофиқ:

– Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинадиган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслар фойдасидан тўланадиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йилнинг 1 январигача озод этилди;

– жамғарма маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилиши белгиланди;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча субъектлари учун имтиёзли ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида жамғарма ҳисобидан кредитлар энг кам ой-

лик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган сум-мада ажратилиши белгиланди.

Қайд этиб ўтиш жоизки, кўрсатиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши кичик бизнес субъектларининг имтиёзли кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда тижорат банкларининг бу борадаги фаолиятини рағбатлантиришга ҳисса кўшди.

Банкларнинг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини оширишдаги фаолияти рағбатлантирилиши ушбу жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорининг ўсиб боришига янгидан замин яратди. Натижада кичик бизнес субъектларининг ушбу жамғарманинг имтиёзли маблағларидан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайди.

Биргина, 2011 йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармасидан соҳа субъектларига 24 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши прогноз қилинган бўлиб, 6 ойлик яқунлари бўйича ушбу жамғармадан ажратилган кредитлар 15,4 млрд. сўмни ташкил этди.

5.3. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бошланғич сармояни шакллантириш учун кредитлар бериш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрда қабул қилинган «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 366-сонли қарори кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда жадал ривожлантириш, уларнинг молиявий, моддий-техника ва хомашё ресурслари олишини кенгайтиришга хизмат қилди. Мазкур қарорга кўра:

– деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурсларининг камида 50 фоизи ҳар йили деҳқон (юримдик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун тижорат банкларида мақсадли кредит линиялари очишга йўналтирилиши;

– микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) ва фермер хўжаликларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда кредит олиш учун тегишли буюртманомалар берган фақат янгидан очилган корхоналарга берилиши;

– кўрсатиб ўтилган мақсадли кредит линиялари ҳисобига олинган дастлабки (бошланғич) сармоя кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши ишлаб чиқилишига, асбоб-ускуналар олинишига йўналтирилиши мумкинлиги белгиланди.

Бундан ташқари, қарорда дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида имтиёзли фоиз ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга узайтириш ҳуқуқсиз микрофирмалар ва деҳқон (юридик шахс мақомига эга бўлган) хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдоригача ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача, фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ҳамда асосий қарзни кредит олингандан кейин 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилиши кўзда тутилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига мувофиқ, тижорат банкларида кредит линиялари очиш, якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналарни кредитлаш, шу жумладан, дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш тартибини белгиловчи «Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1074, 2001 йил 3 октябрь), кейинчалик эса унинг ўрнига «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль) тасдиқланди.

Юқорида қайд этиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.


Биргина Деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 2000 –2010 йиллар давомида бошланғич сармояни шакллантириш учун 439,3 млн. сўм¹ маблағ деҳқон ва фермер хўжалиklarига ажратилди.

Шу ўринда, соҳа субъектларининг бошланғич сармоясини шакллантиришда «Микрокредитбанк» ОАТБ нинг фаолиятига қисқача тўхталиб ўтиш ўринли.

Хусусан, мазкур банк томонидан кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиklarига бошланғич сармояни шакллантириш учун 2006 йилда 2,8 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли микрокредитлар ажратилган бўлса, 2010 йилга келиб мазкур кўрсаткич 5 баробарга ўсиб, 14,1 млрд. сўмни ташкил этди.

5.3-чизма

«Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиklarига бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратилган имтиёзли микрокредитлар тўғрисида маълумот



¹ Деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маълумоти.

5.4. Оилавий тадбиркорлик ва маҳаллий хунармандчиликни кредит тизими орқали молиявий қўллаб-қувватлаш

Маълумки, тадбиркорлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат бўлиб, ота-боболаримиз азалдан ўз ерлари ва мулклари асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, рўзгор тебратганлар, оила ва эл-юрт манфаатини таъминланганлар. Шу жиҳатдан оилавий тадбиркорлик бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

2002 йилда Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида» Низомнинг (рўйхат рақами 1146, 2002 йил 3 июнь) ишлаб чиқилганлиги, оилавий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, иссиқхоналар қуриш, чорва моллари сотиб олиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, хунармандчилик фаолияти ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва бошқа мақсадлар учун имтиёзли асосда энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдоригача микрокредитлар олиш имконини яратди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу тартибнинг жорий этилиши халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун бошланғич сармоёга эҳтиёжманд оилавий тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари билан таъминлаш имконини берди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомда (рўйхат рақами 1548, 2006 йил 21 февраль) Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, энг кам

ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда 2 йилгача муддатга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисми миқдоридаги фоиз ставкаси бўйича берилиши кўзда тутилди.

Оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 216-сонли қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низомга мувофиқ, илк бор Вазирлар Маҳкамасининг қарори даражасида оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликка таъриф берилиб, оилавий тадбиркорлик эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти эканлиги, хунармандчилик эса юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти эканлиги белгиланди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оилавий бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базасини яратиш ва ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида уни жадал ва кенг ривожлантириш хусусида сўз юритилди. Шунингдек, «Кичик бизнès ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқилиши кўзда тутилди.

Шунга мувофиқ, манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда оилавий

тадбиркорликнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ташкил этиш ва тугатиш тартиби, шунингдек, солиққа тортиш механизмлари ҳамда бошқа мезонлар акс этди.

Айтиш жоизки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши соҳа субъектлари фаолиятини ривожлантиришга, мамлакатимиз ЯИМида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улушини оширишга ва янги иш ўринлари яратишга салмоқли ҳисса қўшади.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан сўнг оилавий тадбиркорликни тартибга солувчи барча меъёрий-ҳуқуқий, шу жумладан соҳа субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлашга доир ҳужжатлар ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, уларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилади.

Хусусан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 12,6 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига 16,6 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларда мазкур бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

5.5. Республикамиз аёллари тадбиркорлигини кредит ташкилотлари орқали қўллаб-қувватлаш тизимининг яратилиши

Республикамизда хотин-қизларнинг оилада, жамиятдаги ролини кучайтириш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ҳамда интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 3434-сонли Фармони қабул қилинди.

Унда аёл тадбиркорларимизнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда фаол иштирок этиши учун старли даражада шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Мазкур Фармонга асосан тижорат банклари томонидан аёллар тад-

биркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва аёллар бошқарадиган корхоналарга молиявий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилиб келинди.

Аёллар тадбиркорлигини молиявий кўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ўсиб борди. Хусусан, 2008 йилда ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 148,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 264,9 млрд. сўмга етди. 2011 йилда эса мазкур йўналишга 304,6 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда.


Шу билан бир қаторда, аёллар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш борасида банклар чет эллик ҳамкорлари билан қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

Хусусан, Халқ банки ва Микрокредитбанк томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Омонат кассалари жамғармаси билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган бўлиб, ушбу жамғарма маблағлари эвазига мазкур банкларда Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш Жамғармаси шакллантирилган.

Халқ банки томонидан Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш Жамғармаси маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятларида бошланғич капитални шакллантириш учун аёл-тадбиркорларга микрокредитлар ажратиб келинмоқда.

5.4-чизма

Тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган кредитлар ҳажмининг динамикаси



Келтирилган рақамлардан кўринадики, аёл тадбиркорларнинг банк тизими кредитларига бўлган талаблари ҳар йили ўртача 60 млрд. сўмга ўсиб бормоқда. Биргина сўнгги 4 йил ичида уларга берилган кредитлар икки баробарга ошди.

Худди шу каби, Микрокредитбанк томонидан Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш Жамғармаси маблағлари ҳисобидан Навоий, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун микрокредитлар ажратилмоқда.

5.6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириб, бир қанча халқаро молиявий ташкилотлар (ХМТ) билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрната бошлади. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, кенгайтириш учун ҳуқуқий асосларини яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари, кўплаб Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Булар, аввало, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратишга имкон берди.

Ўзбекистон 1992 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)га аъзо бўлди. Мазкур банкнинг асосий фаолият йўналиши собиқ тоталитар тузумдан халос бўлган Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида кичик бизнесни ривожлантириш, режали иқтисодиёт шароитида яшаган мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантириш, монополияни тугатиш ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантириш ҳамда ушбу мамлакатларни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини тезлаштиришга қаратилди.

Бундан ташқари, республикамиз Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ўзаро кенг ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон 1995 йил 31 августда ОТБ нинг тўлиқ аъзоси бўлди. Мазкур банк йирик минтақавий ҳукуматлараро кредит ташкилоти бўлиб, унга аъзо бўлган барча мамлакатлар ривожланиш дастурларини молиялашга мўлжалланган. ОТБ нинг Ўзбекистондаги фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мазкур молия институтларининг кредит ресурсларини кенг жалб этиш, кредит беришнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш, тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий маблағлар олишини янада кенгайтиришга катта эътибор қаратилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 10 сентябрда «Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 367-сонли Қарор қабул қилиниб, унга мувофиқ:

– ЕТТБ нинг микрокредит бериш дастури доирасини кенгайтириш ва кичик тадбиркорлик субъектларини маблағ билан таъминлашга 20 млн. АҚШ доллари миқдоридан (биринчи транш) кредит линияси очилди;

– маҳаллий хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни, қўшимча иш ўринлари ташкил этишни, меҳнатга яроқли аҳоли кўп бўлган минтақаларда кичик бизнесни ривожлантиришни, шунингдек, республика хотин-қизларининг иш билан банд бўлмаган қисми ўртасида касаначиликни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олувчи микрокредит бериш дастурининг асосий йўналишлари маъқулланди.

Ўз навбатида, ЕТТБ нинг кредит линияси маблағлари ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бериш мамлакатимиз тижорат банклари орқали миллий валютада амалга оширилиши ҳамда микрокредитлар бир қарз олувчига 5000 АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда берилиши жорий қилинди.

Шунингдек, кичик бизнесни тўлиқ кўламда ривожлантириш Япония – Ўзбекистон дастури доирасида Европа тик-

ланиш ва тараққиёт банки кредит линиясидан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ кўламда ривожлантириш бўйича дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 201-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор тижорат банкларининг ЕТТБ кредит линиясидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига кредит бериш бўйича имкониятларини янада кенгайтирди.

Ушбу қарорга мувофиқ, ЕТТБ нинг кичик бизнесни тўлиқ кўламда ривожлантириш бўйича «Япония – Ўзбекистон» дастурини амалга ошириш учун икки босқичда 20 млн. АҚШ долларидан – жами 40 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилди.

Тижорат банклари томонидан кредитлар битта қарз олувчига 100 минг АҚШ долларигача миқдорда ёки шунга тенг миқдорда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, микрокредитлар эса 10 минг АҚШ долларигача миқдорда ёки шунга тенг миқдорда миллий валютада ажратилиши белгиланди.

Маҳаллий хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик ишлаб чиқаришларни, хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, кўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, республика аҳолисининг иш билан банд бўлмаган қисми учун касаначилик меҳнати ташкил этишга кредит бериш «Япония – Ўзбекистон» дастурининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасида турли соҳаларда олиб борилган амалий ишларнинг ижобий самарасини инобатга олган ҳолда, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, кичик бизнес субъектларига кредит ва молия хизмати кўрсатишни кенгайтириш, микромолиялаштиришни ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида ОТБ Директорлар кенгаши томонидан «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун беш йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга 20 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз берилиши ва кредит уюшмалари фаолияти устидан назорат тизимини институционал мустаҳкамлаш бўйича техник кўмаклашиш мақсадида 400 минг АҚШ доллари миқдорида грант берилиши маъқулланди.

Бу бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 348-сонли Қарорида қарз маблағларини ўзлаштиришнинг асосий жиҳатлари ва бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилди.

Лойиҳанинг самарали амалга оширилганлигини инобатга олиб, 2010 йилнинг 21 апрелида ОТБ Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини амалга ошириш учун қайтариш муддати 20 йил, шу жумладан имтиёзли даври 5 йил бўлган 50 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз бериш, шунингдек, лойиҳада иштирок этаётган тижорат банклари, микромолиялаштириш ташкилотлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг салоҳиятини оширишга техникавий кўмаклашиш мақсадида 600 минг АҚШ доллари миқдорида грант беришни маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 июлда қабул қилинган «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 152-сонли Қарорида лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи тижорат банклари бир қарз олувчига 20 минг АҚШ доллари миқдорида ёки Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги эквивалентда кредитлар бериши, шунингдек, микрокредит ташкилотлари томонидан бериладиган микрокредитлар ва микроқарзлар 1 минг АҚШ долларидадан ортиқ бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур Қарорга мувофиқ Агробанк, Ипак йўли банки ва Ҳамкорбанк томонидан ОТБ нинг кредит линияси ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилиб келинмоқда.

ОТБ нинг ушбу кредит линияси ҳисобидан 2010 йилда 6,2 млн. АҚШ доллари миқдорида микрокредит ажратилган бўлса, 2011 йил давомида 18 млн. АҚШ доллари миқдорида микрокредитлар ажратилиши кўзда тутилган. 2011 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар натижасида 12,4 млн. АҚШ доллари миқдорида микрокредитлар ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион

лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Хитой тараққиёт банки, Германиянинг КФВ банки, Корея Эксимбанки, Ҳиндистон Эксимбанки, Америка, Италия, Испания каби бир қатор ривожланган давлатларнинг банклари ва халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит ресурслари жалб этиб келинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун ўзлаштирилган хорижий кредит линиялари ҳажми 2001 йилда 78,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йил якунлари бўйича мазкур кўрсаткич 103,1 млн. АҚШ долларидан ошди.

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда халқаро молия институтларининг кредит линияларини кенгроқ жалб этиш, мазкур институтлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида амалий ишлар олиб бориш, уларни Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, кишлок хўжалигини ривожлантириш учун яратилган қулай ҳуқуқий ва иқтисодий муҳитдан хабардор қилиш мақсадида халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида конференциялар, форумлар ўтказиб келинди.

5.7. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш жараёнининг такомиллаштирилиши

Юртимизда микромолиялаш соҳасининг ривожланишини шартли равишда 3 босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич 1995–2000 йиллардан иборат бўлиб, у микромолиялаш соҳасининг юзага келиши, меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилиши ва тижорат банкларида микромолиялаш амалиётининг жорий қилиниши каби хусусиятларга эга.

Мазкур босқич давомида микромолиялаш соҳасининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилган бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиқларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш» (рўйхат рақами 902, 2000 йил 29 февраль) ва

«Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш» Тартибларига (рўйхат рақами 903, 2000 йил 29 февраль) мувофиқ микрокредитлар бера бошладилар.

Иккинчи босқич 2001–2005 йилларни ўз ичига олиб, нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва меъёрий-ҳуқуқий базага микромолиялаш соҳасини янада ривожлантиришни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритилиши мазкур босқичга хос бўлган вазифалар ҳисобланади.

Ушбу босқич давомида янги молия институтлари сифатида нобанк кредит ташкилотлари тизими шакллана бошлади, тижорат банклари эса микрокредитлаш фаолиятини амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг кредит линияларидан фойдаланиш ишлари жадал суръатларда кенгайиб борди. Шунингдек, тижорат банклари бюджетдан ташқари жамғармалар (Бизнес фонд, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш жамғармаси)нинг кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар ажратиш ишлари кенг тарзда йўлга қўйилди.

Иккинчи босқич давомида республикамизда илк бор кредит уюшмалари ва ломбардлар рўйхатдан ўтказилди. Шу билан бирга, айнан шу босқичда нобанк кредит ташкилотларининг фаолияти кенгайди. Хусусан, 2005 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони 14 тани, жами кредит портфели қарийб 4,0 млн. АҚШ долларини, миқозлари сони эса 41 мингга яқин кишини ташкил этган.

Бундан ташқари, 4 та тижорат банки, яъни Ҳамкорбанк, Пахтабанк (ҳозирги Агробанк), Уйжойжамғармабанк (ҳозирги Ипотекабанк) ва Ипак йўли банки Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар беришни бошладилар.

Учинчи босқич 2006 йилдан – ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур босқичда микромолиявий хизматларнинг жадал ривожланиши ҳамда тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши, микромолиялаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши каби вазифалар бажарилиши давом этмоқда.

Ушбу босқич давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3750-сон Фармонида мувофиқ, собиқ АТБ «Тадбиркорбанк» базасида «Микрокредитбанк» АТБ ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари этиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига микрокредитлар бериш, кенг кўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш, айниқса қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш белгиланди.

Банкнинг капиталлашуви даражасини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишда унинг иштирокини кенгайтириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг мини-технологиялар ва замонавий технологик ускуналарни харид қилиш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлардан кенг кўламда фойдаланишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4051-сонли Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ:

– тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставка йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

– кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500-баробари миқдоридagi микрокредитлар бўйича ставка Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

– кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридagi им-

тиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставка йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун уларнинг молиявий маблағлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун – Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни 2006 йилнинг сентябрь ойида амалга киритилди.

Мазкур қонун мамлакатимизда микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар учун микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ягона қоидаларини ва умумий нормаларини белгилаб берди, кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмининг янада кенгайтишига хизмат қилди.

Қонунда илк бор «микромолиялаш» иборасига таъриф берилди ва «микрокредит», «микроқарз», «микролизинг» тушунчалари киритилди. Хусусан, микрокредит энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан, микроқарз энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан, микролизинг эса энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилиши белгиланди.

Шу билан бирга, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда микромолиялашнинг ягона механизми амалиётга жорий қилинди. Натижада эса, илгари амалда бўлган «Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиқларини тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валюталарда микрокредитлаш» (рўйхат рақами 902, 2000 йил 29 февраль) ва «Тижорат банклари томонидан фермер хўжалиқларига, ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этиб амалга ошираётган кичик бизнеснинг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютада микрокредитлар бериш» (рўйхат рақами 903, 2000 йил 29 февраль) каби тартиблари ўз кучини йўқотди.


Шунингдек, микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солув-

чи Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги мамлакатимизда микромолиялаш соҳасининг янада ривожланишига туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги 114-сонли Қарори билан аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун шарт-шароитларни яратишга, аҳолининг иш билан бандлигини оширишга кўмаклашадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга, микромолиялаштириш хизматларига муҳтож бўлган аҳолини микромолиялаштириш хизматлари билан тўлиқ қамраб олишга ва мамлакатда молия тизимини янада ривожлантиришга қаратилган «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш» Дастури тасдиқланди.

5.5-чизма

**2000–2010 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**



Мазкур маълумотлардан кўринадики, меъёрий-ҳукукий базанинг такомиллаштирилиши ва микромолиялаш соҳасининг ривожини учун қулай муҳитнинг яратилиши натижасида ҳозирда кўрсатилаётган кредитлар ҳажмининг, шу жумладан микро-

молиявий хизматлар ҳажмининг жадал суръатларда ўсиши кузатилмоқда. Хусусан, 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2000 йилга нисбатан 26 баробарга ўсиб, 2,7 трлн. сўмга етди. Шундан, 485,2 млрд. сўмини соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан ўсиш 39 баробарни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори билан тасдиқланган ва 2011–2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олувчи «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари» Дастури алоҳида эътиборга моликдир.

Дастурда микромолиялаш соҳасидаги қонунчилик базасини ва нобанк молия институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Хусусан, 2011–2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2,7 баробарга ошириш, тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини эса 2,8 баробарга ошириш белгиланган.

Микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг учинчи даврига тўғри келган «Микрокредитбанк» ОАТБ бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳақиқий ҳамкорига айланиб бормоқдаки, ушбу банк ҳақида алоҳида тўхталиш республикамизда микромолиявий хизматлар бозорини нақадар жозибали эканлигини кўрсатиб беради.

5.8. «Микрокредитбанк» ОАТБ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳамкоридир

Қисқа давр мобайнида мамлакатимиз ҳудудларида ўз тизimini яратган замонавий хизматлар кўрсатадиган «Микрокредитбанк» чинакамига мустақиллигимиз мевасидир.

Соҳани микромолиялашга ихтисослаштирилган мазкур молиявий ташкилот таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк»

акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил этилди. Янги микромолиялаш институти мамлакатимизда тадбиркорликни ташкил этиш, ривожлантириш ва кичик корхоналарни техника, технологиялар билан таъминлаш учун имтиёзли микросармоялар ажратиш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш ишларини янада кенгайтириб юборди.

Янги банк зиммасига кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш вазифаси юкланди ва 78 млрд. сўм низом жамғармаси белгиланди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қуйидагилар ўз фаолиятини бошлаган «Микрокредитбанк» ОАТБ нинг асосий вазифалари қилиб белгиланди:

– кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун микрокредитлар ажратиш, кенг қўламдаги банк ва консалтинг хизматларини кенгайтириш;

– микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш билан микрофирмалар фаолиятини, оилавий бизнес ҳамда касаначиликни тараққий этиш жараёнини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси қўламларини кенгайтириш;

– микросармояларнинг самарадорлигини, қайтарилишини таъминлаш;

– тадбиркорларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш.


Банк, дастлаб Республикамиз ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган асосий омил – ўз инфратузулмасини яратишга ҳаракат қилди. Айни кунда турли аҳоли пунктларида банкнинг 82 филиали, 285 мини банки ва кўплаб агентликлари ишлаб турибди. Ҳозир банк 200 мингга яқин мижозга хизмат қилмоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида, ҳақли равишда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси молия бозорида беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкининг ўзига хос хиссаси бор, албатта. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 551 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, микромолиявий хизматлар миқдори 386 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 400 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожлана бошлади. Буни янги банк жадал ишлай бошлаши билан 2008 йил 10 ноябрда Президентимизнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан ҳам англаб олиш мумкин. Ушбу Фармон қайд этиб ўтилганидек, тадбиркорлар учун яна катта имтиёзлар яратди. Жумладан, бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратиладиган микрокредит устамаси йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш ва бизнесни ривожлантириш учун ажратиладиган микрокредитлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизига, яъни 6 фоизга камайтирилди. Банк устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилди ва 150 миллиард сўмга етказилди.

5.6-чизма

Банк активларининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)



Банк активлари биргина 2010 йил давомида 1,2 баробар кўпайди. Унинг таркибида даромад келтирувчи активлар миқдори йил бошига нисбатан 1,8 баробарга ошди.

Банк имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари, хусусан, кўшимча жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобидан корпоратив ва чакана кредитлар ажратиш келмоқда.

Эришилаётган ютуқларнинг муҳим омилларидан бири унинг жамоатчилик ташкилотлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйгани ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида аҳолининг барча қатламларига индивидуал ёндашишидир. Банк бугунги кунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бир қадар довларни босиб ўтган экан, эришилган марраларда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Оқсоқоллар кенгашининг «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби кўплаб жамоатчилик ташкилотлари билан олиб борилган ҳамкорлик катта аҳамият касб этди. Банк ана шундай ҳамкорлик асосида узоқ кишлоқлардаги ҳар бир маҳаллага, уларда истиқомат қилаётган ҳар бир оила даврасигача кириб борди.

Тадбиркорлар учун яратилган ана шундай имтиёзлар самараси ўлароқ, банк ўтган 2010 йилнинг ўзида кичик бизнесга 214,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, 121,4 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатди. Яъни, банкнинг 2010 йилга мўлжалланган микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўлами аввалги йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди. Йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига қарийб 120 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Банкнинг тадбиркорлар даврасига жадал кириб бораётганига яна бир мисол, ўтган 2010 йилнинг ўзида иш билан банд бўлмаган, илк бор тадбиркорликка кўл урган фуқароларга бошланғич сармоя учун 14,1 миллиард сўм микрокредитлар ажратилди.

Якка тадбиркорлар уй меҳнатини ташкил этиш билан ҳар бир оила учун ишончли ва доимий даромад манбалари яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай тадбиркорликнинг 4760 субъектига бошланғич сармоя сифатида 6 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Берилаётган микрокредитлар ҳажмининг кескин ошиши ҳисобига 2010 йил даво-

мида кредит қўйилма миқдори 32,5 миллиард сўмга ёки 189,3 фоизга ошди.

Ўтган йилги ҳисоб-китобларга қараганда бошланғич сармоя сифатида микрокредит олган тадбиркорлар жами миждозларнинг 50 фоизини ташкил этди. Бинобарин, микросармоялар ҳажми бирмунча кичиклигини ҳисобга олсак, бу маблағ неча юзлаб тадбиркорларнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқаради.

Айни чоғда банк микрокредитлари таркибида кичик корхоналарга берилган сармоялар – 36 фоизни, фермер хўжалиқларига ажратилган кредитлар – 24 фоизни, микрофирмаларга ажратилган микросармоялар – 16 фоизни, юридик шахс бўлмаган якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларга ажратилган микросармоялар – 16 фоизни, деҳқон хўжалиқларига ажратилган микросармоялар – 8 фоизни ташкил қилмоқда.

Банк кредит фаолиятидаги устувор йўналиш корпоратив бозор сегментида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, кимё саноати корхоналари, қурилиш ташкилотлари ҳамда халқ хўнарамдчилиги билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилди.

Микросармоялар аниқ мақсадларга сафарбар этилгандагина кутилган натижаларни беради. Имтиёзли бундай кредитларни имкон даражасида аҳоли учун зарур бўлган бирор маҳсулот, буюм ва ашёларни ишлаб чиқишга йўналтириш тадбиркор учун ҳам, жамият учун ҳам ғоят фойдали ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан микролизинг хизматлари мамлакатимизнинг турли бурчакларида кўплаб янги товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва хонадонларнинг кўплаб заруриятларини қондиришга хизмат қилмоқда. Чунки микролизинг хизматлари орқали кичик корхона ва фирмалар янги ва маҳсулдор замонавий ускуналар, инновацион техника ва минитехнологиялар билан таъминланмоқда.


Банк, жумладан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ва деҳқон-фермер хўжалиқларига қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар, тўқимачилик ускуналари, хизмат кўрсатиш дастгоҳлари, саноат учун минитехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаларини, йўловчиларни ташийдиган транспорт воситалари, юк автомобилларини имтиёзли микролизинг хизматлари асосида олиб берди.

«Микрокредитбанк» республикамиз молиявий институтлари ичида энг имтиёзли фоизларда, яъни йиллик 5 фоиз устама билан микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. 2010 йил давомида банк томонидан 37 млрд. сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Банк ташкил этилганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микролизинг хизматлари ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

5.7-чизма

«Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан кўрсатилган микролизинг хизматлари динамикаси (млрд. сўм)



Микролизинг портфелининг 35,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига, 20,0 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизациялаш соҳасига, 24,0 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқариш соҳасига, 17 фоизи озиқ-овқат соҳасига ва 5,0 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўғри келади.

Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълумотларига кўра «Микрокредитбанк» 2010 йилда лизинг бозорида кўрсатилган лизинг хизматлари сони бўйича биринчи ўринни эгаллади.

2011 йил биринчи чорагининг ўзида 69 та тадбиркорлик субъектларига – саноатни ривожлантириш учун 4,5 млрд. сўм, 72 та тадбиркорлик субъектларига – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 4,4 млрд. сўм ҳамда 28 та тадбиркорлик субъектларига – қишлоқ хўжалиғи соҳасини

модернизациялаш учун 504 млн. сўм микдориди микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу жараёнда асосий эътибор янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, микролизинг хизматлари эвазига жорий йилнинг биринчи ярмида 2621 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Банк ўз фаолиятида асосий эътиборни доимий фаолият юритаётган кўرғазма-савдо ва ярмаркаларда хорижий етакчи компанияларнинг замонавий ускуна ҳамда минитехнологияларини, айниқса, қишлоқлардаги тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микролизинг шартлари асосида сотиб олиб бериш учун шарт-шароитлар яратишга қаратмоқда.

Кичик бизнесни минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан таъминлашда Республикамиз ҳукумати томонидан ташкил этилаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo» – кўрғазмалари катта роль ўйнамоқда. Уларда ишлаб чиқарувчилар билан банк ўртасида истиқболли лойиҳалар учун шартномалар имзоланмоқда. Шундай шартномалар асосида 2010 йилда 54 нафар мижозга микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу мақсадлар учун 1,3 миллиард сўм сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва бошқа қатор масъул ташкилотлар томонидан «BANK EXPO 2011» деб номланган банк технологиялари, жиҳозлари ва хизматлари кўрғазмаси якунида банк республика молия муассасалари ўртасида ўтказилган танлов натижаларига кўра «Энг кўп ташриф буюрилган стенд» ва «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинациялари бўйича ғолиб деб топилганининг ўзи банкнинг шу кунлардаги фаолиятига берилган баҳо ҳисобланади.

Микролизинг хизматларини кўрсатишда янги ишчи ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, такрор ва қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Банкнинг энг ишончли ва фаол ҳамкорлари тадбиркор аёллар ҳисобланади. Жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг аксарият йўналишлари асосан аёллар меҳнати билангина ўзининг такомиллига эга бўлади. Айниқса, касаначилик билан шуғулланаётган аёллар бола тарбияси ва рўзғор

юмушларидан ажралмаган ҳолда оилага бир қадар даромад олиб келиш имкониятига эга бўладилар.

Шу боис, «Микрокредитбанк» фаолиятининг илк кунлариданоқ юртимиз аёллари, айниқса, олис туман ва қишлоқлардаги хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг касб-хунар ва чеварлик борасидаги билим ва малакаларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бунинг учун банк, аввало ишни республикамизнинг барча худудлари, айниқса, чекка туманлардаги олис қишлоқ ва овулларда ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, бу борада мамлакатимизда яратилган имконият ва имтиёزلарни уларга етказиш мақсадида банк филиалларида доимий равишда махсус ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этишдан бошлади.

Шунингдек, қишлоқларда яқка тартибдаги меҳнат фаолиятларини бошлаган 4 минг 451 нафар хотин-қизларга шахсий бизнесларини ташкил этишлари учун банк филиалларида ўқув семинарлари ташкил этилди ва уларга 5,6 миллиард сўм миқдорида бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратилди.

Банк ўзининг беш йиллик фаолияти давомида фақатгина аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 70 миллиард сўмдан зиёд микрокредитлар ажратди. Агар кўрсаткичларни биргина ўтган 2010 йил мисолида оладиган бўлсак, ажратилган кредитлар 26 миллиард 70 миллион сўмни ташкил этиб, натижада республикамиз миқёсида 17 мингдан зиёд аёл доимий иш билан таъминланди.

Жорий йил давомида 30,4 миллиард сўм айнан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади. Бу билан банк қанчадан-қанча оилаларимизнинг моддий манфаатдорлигини, фаровонлигини ортишига ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар ривожланиши жамғармаси (Юнифем) билан ҳамкорликда Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳани Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида амалга ошириш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Микрокредитбанк» ОАТБ ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Ушбу лойиҳанинг келгусидаги самараси бевосита кам таъминланган

оилалардаги аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилишида катта ёрдам бўлади. Натижада аёлларимиз банкнинг имтиёзли сармояларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар.

Банк, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида бир неча йилдан буён ўтказилиб келинган «Кўли гулдир ўзбек аёлин...» кўرғазма савдосининг ташкил этилиши, республикамизнинг чекка ҳудудларида банк микро-сармояларидан фойдаланаётган аёлларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотларни янада кенг тарғиб этиш, қолаверса, шу орқали уларни рағбатлантириб бориш имкониятини очиб берди. Анъанавий тарзда ўтказилган мазкур кўрғазмада бугунги кунда банк кредитлари ҳисобига фаолиятини юритаётган чевар аёллар гиламдўзлик, каштачилик, зардўзлик ва бошқа ўнлаб турдаги қўл меҳнати маҳсулотлари билан чинакам мўъжиза яратмоқдалар. Шунингдек, тадбир доирасида доимий равишда савдо ярмаркаси иштирокчиларига семинарлар ташкил этилиб, уларга бизнесларини бундан-да ривожлантиришлари учун тавсия ва маслаҳатлардан иборат тарқатма материаллар берилди. Мазкур кўрғазма тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик фаолиятига энди кириб келаётган, асосан уй бекалари бўлган ва миллий қадриятларимиз асосида хунармандчилик маҳсулотлари яратаётган моҳир аёллар учун тажриба-синов мактаби бўлмоқда.

Банк жамоаси ёшлар билан узоқ келажакни кўзлаган ҳолда ҳамкорлик олиб боради. Чунки чинакам тадбиркор ўзининг ҳаёт йўлини яратувчиликка қадам қўйиш билан бошлаган билимли, қўлида хунари бор заковат эгаларидан чиқиши ойдек равшан. Шунинг учун ҳам тадбиркор ёшлар банкнинг энг асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёшларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика-мизнинг барча ҳудудларида «Ёш тадбиркор – юртга мадакдор» кўрик-танлови ташкил этилмоқда. Шунингдек, банк «Келажак овози» ёшлар ташаббус маркази томонидан амалга оширилаётган «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» дастури ижросида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, дастур асосида ташкил этилган «Ёш тадбиркорлар учун ўқув маркази» қатнашчиларига кредитлаш амалиётлари бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчилари-

ни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди. Унга кўра, барча вилоят ҳокимликлари билан биргаликда вилоят касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан, айнан эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган йигит-қизларимизга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари топшироқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 9 минг 820 та ёш оилага 21,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ёш оилага ажратилган кредитлар миқдори 11,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 9 минг 380 та янги иш ўринлари яратилди.

2010 йил давомида касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларга берилган имтиёзли микрокредит миқдори 3,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк фаолият бошлаганидан кейинги ўтган давр мобайнида микросармоялаш борасида муайян тажрибаларни қўлга киритди. Аввало эҳтиёжманд бўлган ҳар бир оила учун турмуш шароитини яхшилаш, оддийгина бўлса ҳам ўз бизнесини ташкил этиб, даромад манбаи яратиш учун кичик ҳажмдаги, қулай муддатларга мўлжалланган микрокредитлар жорий қилинди. Иккинчидан, ҳар бир микросармоя туфайли ишлаб чиқариш, яъни яратувчилик манбаи ташкил этиш билан биргаликда ишчи ўринлари яратишга эътибор қаратилди. Учунчидан, микросармоялар натижадорлигига эришиш учун масъулият ва маҳорат билан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун имтиёзлар – ишонч кредитлари жорий қилинди. Уларни бошланғич сармоя олганларидан тортиб ишлаб чиқаришларини саноат даражасига кўтаришга эришгунларигача қўллаб-қувватлаш банкнинг анъанасига айланиб қолмоқда. Микрокредитлардан ҳар бир хонадон баҳраманд бўлиб, ўзи учун даромад манбалари яратишини мўлжаллаб микросармоялар олиш имкониятлари кенгайтирилди. Масалан, жисмоний шахс кафиллиги, гуруҳ кафиллиги асосида микросармоялар бериш жорий қилинди.

«Микрокредитбанк» ОАТБ фаолият бошлаганидан кейин беш йилдан ортиқроқ вақт ўтган экан, бу давр мобай-

нида тадбиркорлик ҳаракати доираси ғоят кенгайиб кетди, муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка муносабат тубдан ўзгарди. Банкнинг илк мижозларидан бири – узоқ Томдида «Жигер» кичик корхонасини ташкил этган Фарида Муҳаммедова қўй юнгидан турли кигизлар, жумладан ўтов тиклаган ва унинг илк нусхаси туман марказига ўрнатилган бўлса, бугунги мижозлар замонавий автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини чиқариш бўйича йирик заводлар билан ҳамкорлик қилмоқда ёки энг замонавий қурилиш ашёларини ишлаб чиқармоқда. Мазкур соҳа тараққиётимизнинг таянч нуктасига айланиб бораётгани учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дея эълон қилинганини яна бир бор таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Банкнинг бу каби саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланди. 2010 йил якунлари бўйича ижтимоий йўналишлардаги «MikroFinanzaRating» компанияси (Италия) «Микрокредитбанк»ка халқаро қабул этилган «SBB» меъёрларига мувофиқ «Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк» деган ижтимоий рейтинг тақдим этди.

Банк айни пайтда дунёдаги йирик молиявий ташкилотлар – Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кредит линиялари грантларини, Германия Жамғарма фонди, Люксембург Микромолия фонди маблағларини Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жалб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, банк бугунги кунда нафақат республика, балки халқаро миқёсда ишончли микромолиявий муассаса сифатида тан олинди. Истикболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» ОАТБ Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви – «MIX-MARKET» агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осий ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

«Микрокредитбанк» ОАТБ ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ мижозларга хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, дунё бозорига кириб бориш мақсадида Жаҳоннинг

етакчи молиявий ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. «Commerzbank AG» (Германия), «Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ» (Япония), «Русславбанк» (Россия), «Беларусбанк» (Беларус) билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган. Банкда Халқаро банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти «SWIFT» тизими ишлаб турибди, Банк хизматлари борасидаги халқаро тажрибани чуқур ўрганиш мақсадида ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, микрокредитлаш ишини кенг қулоч ёйдириш мақсадида Россиянинг Микромолиялаш маркази билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Банк Халқаро Молиявий марказ (Польша), «Осиё банкирлари уюшмаси» (Тайван) аъзолигига қабул қилинди, Халқаро «Fitch Ratings» агентлиги «Микрокредитбанк» ОАТБ нинг узок ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини «В» – «Барқарор» даражасига кўтарди. Лондон шаҳрида дунёнинг 140 дан ортик етакчи банкларининг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган «Bank of The Year Awards – 2010» тақдимот маросимида «Financial Times» компанияси томонидан «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки «2010 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» сифатида «Микрокредитбанк» зиммасига яна ҳам катта масъулиятлар юклади. Мазкур йилда банк ўзининг беш йиллик тўйини нишонлаб, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ишлари кўламини сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам юқори босқичга кўтаришга, мамлакатимиз сарҳадларидаги оилаларнинг ҳар бирида тўкин-сочинлик, фаровонлик ва осойишталикни барқарор этишга ҳаракат қилмоқда.

5.9. Банк тизими ёш оилаларни кўллаб-қувватлашга яқиндан ҳамкорлик қилмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароит яратиб бериш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай ишларнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг асосий мақсади ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш, мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашдан иборатдир.

Фармонга мувофиқ, ёш оила аъзолари, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар ҳисобланади.

Ушбу Фармон ижроси юзасидан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1697, 2007 йил 18 июль) асосан:

– ёш оилаларга оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилиши;

– ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда берилиши;

– ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари бўйича олти ойлик имтиёзли давр берилиши белгиланди.

Бунда ёш оилаларга микрокредитлар юридик шахс мақомига эга бўлмаган оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун ва яқка тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжалиklarини кенгайтириш ва ривожлантириш учун берилиши жорий қилинди.

Шу билан бирга, Низомда ёш оилаларга ипотека кредитлари 15 йилдан кам бўлмаган муддатга:


– яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва сотиб олиниши учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача;

– якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп қаватли уйдаги хонадонни сотиб олиш учун – қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача берилиши ўз аксини топди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнгги 2006–2010 йиллар давомида ёш оилаларга ажратилган кредитлар миқдори 2 баробардан ортиқ ўсиб, 242,6 млрд. сўмга етди. Бунда ажратилган кредитларнинг 130,7 млрд. сўмини ипотека кредитлари, 59,8 млрд. сўмини истеъмол кредитлари ва 52,2 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этди.

5.8-чизма

Ёш оилаларга ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот



5.10. Тизимнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига микромолиявий ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли ва 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-

сонли қарорларида кўзда тутилган чора-тадбирлар, шубҳасиз, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Бунга, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли Қарори билан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилишлари ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгиланганди.

Мазкур Қарор ижроси юзасидан қабул қилинган «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1567, 2006 йил 2 май) ва «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1568, 2006 йил 2 май) Низомга мувофиқ, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар 3 йилгача бўлган муддатга энг кам иш ҳақининг 80 бараваригача бўлган миқдорда берилиши кўзда тутилди.

Шунингдек, микрокредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган микрокредитлар эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисми даражасидаги фоиз ставкаси билан берилиши белгиланди.

Кўрсатиб ўтилган Низомларга мувофиқ микрокредитлар фақат кам таъминланган оилаларга ажратилади ва уларга чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратишга

маҳалла, кишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашлари тавсия-номалари асос бўлиб хизмат қилади.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида, ажратилган микрокредитлар ҳажми 2007 йилда 42,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб қарийб 45 млрд. сўмга етди.

5.11. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига молиявий кўмак бериш

Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму кўст тўлдириш, асосан кишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарорга асосан тижорат банклари томонидан:

– маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлган технология ускуналари, хомашё ва материаллар сотиб олиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимларини харид қилиш учун;

– фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига – иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича белгиланган тартибда кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш амалиёти жорий қилинди.

Шунингдек, рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхона-

ларни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор асосида тижорат банклари томонидан:


– ишлаб чиқарувчи корхоналарга – технологик ускуналар харид қилиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар сотиб олиш учун;

– улгуржи савдо корхоналарига – маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ноозиқ-овқат истеъмол товарларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича белгиланган тартибда кредит бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш амалиёти жорий қилинди.

5.9-чизма

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот

млрд. сўм



Юқоридаги диаграмма тижорат банклари томонидан ушбу соҳаларга кредитлар ажратишга ва лизинг хизматлари кўрсатишга катта эътибор қаратилаётганлигини ҳамда ажрати-

лаётган маблағлар ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Хусусан, ПҚ-1047-сонли ва ПҚ-1050-сонли қарорлар асосида тижорат банклари томонидан 2009 йилда озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга қарийб 490 млрд. сўм, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 403,6 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2010 йилда ушбу соҳаларга ажратилган кредитлар миқдори мос равишда 519,5 млрд. сўм ва 486,3 млрд. сўмни ташкил этган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва топшириқлар асосида тасдиқланган ҳудудий, шу жумладан, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ дастурларга киритилган лойиҳаларнинг банк кредитлари ҳисобига молиялаштирилиши устувор аҳамият касб этмоқда.

5.12. Кичик бизнес субъектларига яратилган қулайликларни аҳоли ўртасида тарғибот қилиш ва бу борадаги ҳамкорликлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни кредитлаш жараёнида юзага келадиган сунъий тўсиқларни бартараф этиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг иқтисодий билимларини ошириш, мавжуд муаммоларини жойида ўрганиш Марказий банк ва унинг барча ҳудудий Бош бошқармалари томонидан доимий назоратга олинган.

Тадбиркорлар ва банклар ўртасида юзага келаётган масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, тадбиркорларнинг талаб ва истакларини эшитиш, уларни қизиқтирган саволларга тезкор ва малакали жавоб бериш, умумлаштириб айтганда, банкларнинг миждоз учун бекаму-кўст хизмат қилишини таъминлаш мақсадида Республика Марказий банки ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларида ва барча тижорат банкларида «ишонч телефон»лари ташкил этилди. «Ишонч телефонлари»нинг рақамлари доимий равишда оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлар ва бoshқа йўллар орқали кенг омма эътиборига етказиб келинмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини тезкор равишда кўриб чиқиш

ва улар юзасидан ўрнатилган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида банкларда ташкил этилган «Ишонч телефон»ларининг мунтазам ишлаши ва уларга малакали мутахассислар бириктирилиши, келиб тушган мурожаатларнинг рўйхатга олиниб, белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг таклифлари инобатга олинган ҳолда уларни қийнаб келаётган масалаларни ўрганиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, банклар ва тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш мақсадида ҳудудларда Марказий банк томонидан манфаатдор вазирлик, идоралар, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда тадбиркорлар иштирокида мунтазам равишда семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда амалий учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг махсус Фармойишига мувофиқ Раис ўринбосарлари ҳудудларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, авваламбор, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш учун яратилган қулайлик ва имтиёзларни, уларга кредитлар ажратиш ҳамда банк хизматлари кўрсатиш тартибини кенг тушунтириш бўйича амалий учрашувларни ўтказиш учун масъул этиб тайинланди, шунингдек, ҳудудларда амалий учрашувлар ўтказиш жадвали тасдиқланди. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жойларда доимий равишда амалий учрашувлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, мазкур Фармойишга мувофиқ, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан вилоят ҳокимлари ўринбосарлари билан келишилган ҳолда ҳар бир туман (шаҳар) ва қишлоқ (маҳалла) фуқаролари йиғинларига тижорат банкларининг ҳудудий бошқармалари (филиаллари) ва туман (шаҳар) филиаллари раҳбар ходимлари оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун масъул этиб бириктирилиб, тижорат банкларининг филиалларига жойларда семинарларни ташкил этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Шу билан бирга, Давлат дастурида банк тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилиб, ушбу хоналарда малакали мутахассислар томонидан тадбиркорларга кредитлар ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган «Тадбиркорлар бурчаги» орқали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, тақлиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилмоқда.

Банкларнинг мунтазам янгиланиб борадиган веб-сайт ва порталлари орқали ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёзлар, қулайликлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тушунтириш мақсадида, жойларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар, ҳокимликлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар, микромолиялашнинг аҳолини иш билан таъминлаш, фаровонлигини оширишдаги моҳияти ҳамда роли кенг тарғиб қилинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси ҳамкорлигида олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик билан боғлиқ лойиҳаларини амалга

оширишга кўмаклашиш мақсадида «Диплом билан бизнесга» номли лойиҳа ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча минтақаларида олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари битирувчи босқич талабалари учун махсус-ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳалари амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан бир қатор тижорат банклари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Ёшларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий банк ташаббуси билан «Камолот» ЁИХ ва Микрокредитбанк ОАТБ ҳамкорлигида «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳаси, Агробанк билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳаси, Микрокредитбанк, Агробанк, Ипотекабанк, «Қишлоқ қурилиш банк» билан ҳамкорликда «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси, Халқ банки билан ҳамкорликда «Миллий кадриятлари буюк юрт» лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини қўшимча рағбатлантиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Энг яхши бизнес режа», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси», «Энг яхши ёш тадбиркор лойиҳаси», «Энг яхши аёл тадбиркор лойиҳаси», «Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа» каби номинациялар бўйича танловлар уюштирилиб, ушбу лойиҳалар бўйича имтиёзли кредитлар ажратилиб келинмоқда.

Бундай тадбирларни ташкил этишдан пировард мақсад, кўрсатилаётган банк хизматларини ҳар томонлама кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, шунингдек, ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтириш орқали кичик бизнес субъектларининг иқтисодийда тутган ўрнини ошириш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

5.13. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида соҳа субъектларининг молиявий қўллаб-қувватланиши

Маълумки, юртимизда 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган хар қайси янги йилга ном берилиб, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги муҳим ва устувор вазифалар белгилаб келинмоқда.

Шунга мувофиқ, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли Қарори билан тегишли Давлат дастури тасдиқланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга оширишдан иборатдир.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Давлат дастурининг ижроси юзасидан Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йилда «Банклар – тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!» шиори остида фаолият юритувчи тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга 3,5 трлн. сўмдан ортиқ, нобанк кредит ташкилотлари томонидан эса 307 млрд. сўмдан ортиқ микдорда кредитлар ажратилиши ва лизинг хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган бўлиб, соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга жами 3,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида соҳа субъектларига ажратиладиган кредитлар тўғрисида маълумот

млрд. сўм



Хусусан, 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратишнинг тижорат банклари ва ҳудудлар кесимида тасдиқланган чораклик Режа-жадвалларига мувофиқ соҳа субъектларига кредитлар ажратилмоқда.

Жумладан, 2011 йилнинг I ярим йиллиги давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарга ошиб, 2 049,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Шундан кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар 399,6 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

Давлат дастурининг тегишли бандларига мувофиқ турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш ҳажмини ошириш истикболли кўрсаткичларидан кам бўлмаган миқдорда кредитлар ажратилиши таъминланди. Жумладан:

жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 164,7 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

«Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, авваламбор хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кишлок хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 88,2 млрд. сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли ҳамда 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари томонидан озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга мос равишда 388,9 млрд. сўмлик ва 432,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Қайд этиш лозимки, аҳоли бандлигини ошириш, кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятларини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида:

– тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига 15,4 млрд. сўм (прогноз кўрсаткичига нисбатан 160,0 фоиз);

– касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш ва олинган замонавий билим ҳамда кўникмаларни амалиётда қўллаш мақсадида 12,3 млрд. сўм (прогноз кўрсаткичига нисбатан 154,4 фоиз) кредитлар ажратилди.

Хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобига кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратишни янада кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг I ярим йиллиги давомида:

– инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг 64,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилиб, прогноз кўрсаткичи 328,1 фоизга;

– Осиё тараққиёт банкининг «Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳаси доирасида 12,4 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, прогноз кўрсаткичи 309,5 фоизга;

– Халқ банки томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоят-

ларида бошланғич капитални шакллантириш учун тадбиркор аёлларга 115,8 минг Евро миқдорида микрокредитлар ажратилиб, прогноз кўрсаткичи 350,9 фоизга бажарилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ҳисобот даврида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришга доир 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарори доирасида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун 29,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди ёки прогноз кўрсаткичи 185,4 фоизга бажарилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига, шу жумладан деҳқон ва фермер хўжаликларига, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик фермаларини, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг I ярим йиллиги давомида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга 18,6 млрд. сўм, чорвачиликни ривожлантиришга 71,1 млрд. сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 61,4 млрд. сўм, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун 7,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларини (интернет-банкнинг, мобил-банкнинг ва бошқалар) қўллаган ҳолда кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини 1,6 баробарга кенгайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини республика миқёсида доимий кенгайтириб бориш учун мақсадли кўрсаткичлар режаси тасдиқланиб, бу борада тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Давлат дастурининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга

доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон Қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги 79-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узоқ ва бориш қийин бўлган туманлар, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ҳамда шаҳарлар рўйхати аниқлаштирилди, тижорат банкларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига микромолиялаштириш соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ҳамда кўшимчалар киритиш бўйича қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 12 фоизгача пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада соҳа субъектлари томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

Мухтасар қилиб айтганда, банк тизимининг молиявий кўмаги асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борган сари иқтисодиётимизни ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. 2000 йилда ЯИМ таркибида 31 фоизни ташкил этган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2010 йил якунига келиб 52,5 фоизни ташкил этди ва 2011 йил якунига қадар ушбу кўрсаткич 54 фоизга етиши кутилмоқда.

Соҳани бундай ривожланишида алоҳида ўринга эга бўлган банк тизими бундан кейин ҳам тадбиркорларнинг чинакам ҳамкори бўлиб қолади.

VI б о б

БАНК ТИЗИМИ МУВАФФАҚИЯТИ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ БИЛАН АСОСЛАНАДИ

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга бориб тақалади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ». Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу кўрсатмалари халқ хўжалигининг барча жабҳалари қатори банк тизими учун ҳам устувордир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тизимини ҳам қайта ташкил этишни зарурат қилиб қўйди.

Халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси ва умумба-шарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари негизида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида Марказий банкда, умуман банк тизимида кадрлар сиёсатини юритиш, банк тизимида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишнинг механизми ишлаб чиқилди.

Маълумки, истиқлолимизнинг ўтган қисқа даври ичи-да республикамиз иқтисодиёти тикланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди. Таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар баъзи соҳаларда тезроқ, баъзи соҳаларда эса секинроқ кеч-ди. Бироқ айтиш мумкинки, банк тизими иқтисодиётдаги ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда тараққий этиб, унинг етак-чиси сифатида ислохотлар жараёнида анча олдинда борди. Бу, албатта, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ти-зимда кадрлар масаласига катта эътибор билан қараш, ёш, иқтидорли, билимли кадрларни жалб қилиш борасида олиб борилган сиёсат самарасидир.

Республикамизнинг тадрижий ривожланиш даври давомида Марказий банкда ва бутун банк тизимида кадрлар сиёсати доимий равишда такомиллаштириб борилди. Агар Марказий банкнинг ўтган йиллардаги кадрлар сиёсатига назар ташлайдиган бўлсак, унда бутун банк тизимининг такомиллашуви йўлини кўришимиз мумкин.

Собиқ Иттифокдан мерос бўлиб қолган эски банк тизими кадрлар таркиби асосан, катта ёшдаги ходимлардан иборат эди. Ҳар бир туманда нари борса иккита, аксарият ҳолларда эса битта банк бўлими бўлиб, унда ишловчиларнинг ўртача ёши 50–53 ни ташкил этарди.

Мустақилликка эришилгач, дастлабки йилиёқ Марказий банк томонидан бу борада туб ўзгаришлар амалга оширилди – ўқув даргоҳларидаги ёшларни тарбиялаш, уларни тизимга жалб қилиш сиёсати ишлаб чиқилди. Ушбу сиёсат доирасида амалга оширилган дадил чора-тадбирлар эса тез орада ўз натижаларини бера бошлади. Дастлабки босқичда асосий эътибор тез ривожланиб, кенгайиб бораётган банк тизимини кадрлар билан таъминлашга қаратилди. Бунда авлодлар давомийлигини сақлаб қолган ҳолда банк тизимини ёшартириш муаммоси муваффақиятли ҳал этилди.

Бошқача айтганда, банкларга ёш, иқтидорли, билимли кадрларнинг келиши натижасида банк тизими тез ёшарди. Ҳозирда банк тизимида ишловчи 55 мингга яқин ходимларнинг ўртача ёши 30–35 дан ошмайди.

Тизимни ривожлантиришни кейинги босқичида банк тизимида олиб борилган кадрлар сиёсати ходимларни сифат жиҳатидан ўстириш, уларнинг касбий билимларини оширишга йўналтирилди. Кадрлар сиёсатининг изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида банк тизими етук малакали кадрлар потенциалига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, банк фаолиятининг ҳамма иш участкаларини бозор иқтисодиётининг асосларини, илғор жаҳон банки амалиётини эгаллаган, касбий жиҳатдан тегишли билимга эга бўлган ходимлар билан мустаҳкамлашга имкон берувчи катта ижтимоий ютуқдир. Шунингдек, барча даражадаги билимдон, малакали, тажрибали, ўз ўрнига муносиб раҳбарларни тарбиялаб етиштириш учун асос, пойдевордир.

Мамлакатимизда собиқ Иттифокдан мерос қолган банклар ўрнида янгидан барпо қилинган банк тизими олдида кадрлар

тайёрлаш бўйича моддий базани тамоман янгидан яратиш ва-зифаси турар эди.

Банк тизимида янгича фикрлайдиган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутахассислар, раҳбар ходимларни тайёрлаш масаласи долзарб эди.

Мустақиллик йилларида Тошкент халқ хўжалиги институти негизида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институти очилди, шунингдек, Президентимиз ташаббуслари билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университе-ти ташкил этилди.

Ушбу илм масканларида «Замонавий банк иши», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Инвестиция», «Аудит», «Қимматли қоғозлар» ва шу каби йўналишларда қатор факультетлар ташкил қилинди, уларда айнан мамлакат банк тизими учун зарур бўлган мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Банк тизимида ходимларнинг сифат таркибини яхшилаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда ҳудудлардаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили республикамиз олий ўқув юртларини юқори баллар ва имтиёзли диплом билан тамомлаган битирувчилар ишга қабул қилиниб келинмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини юқори баллар ва имтиёзли диплом билан тамомлаган 1000 дан ортиқ битирувчи ишга қабул қилинди.

Банк тизимида муносиб раҳбар ходимларни етказиб беришда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияларининг ҳам ҳиссаси катта эканини қайд этиш ўринли.

Республикамизнинг нуфузли ўқув даргоҳларидан бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ҳамда Банк-молия академияларига ҳар ўқув йили учун раҳбарлик қобилиятига эга бўлган иқтидорли банк ходимларини ўқишга тавсия этиш ва уларни таҳсил олиши билан боғлиқ ишлар изчил олиб борилмоқда.

1995 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини ўтган 1996–2010 йиллар мобайнида Марказий банк тавсиясига кўра «Давлат ва жамият қурилиши», «Бозор

иктисодиёти асослари ва тамойиллари», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ва «Халқаро муносабатлар» йўналишлари бўйича таълим олиб, жами 76 нафар ходим магистрлик даражасига эга бўлди.

Бугунги кунда мазкур Академия битирувчиларидан 53 нафари Марказий банк тизимида меҳнат қилиб келмоқда. Улардан, 1 нафари Марказий банк Раиси ўринбосари лавозимида, 7 нафари департамент директори лавозимида, 6 нафари Марказий банк ҳудудий Бош бошқарма бошлиғи, 13 нафари департамент директори ўринбосари, 11 нафари Марказий банк ҳудудий Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари, 5 нафари бошқарма бошлиғи, 7 нафари бошқарма бошлиғи ўринбосари, 1 нафари бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаб келмоқда.

Шу билан бирга, Марказий банк иштирокида 1996 йилда ташкил топган Банк-молия академиясини «Банк иши», «Лойиҳавий молиялаштириш», «Банк бошқаруви», «Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш», «Пул муомаласи ва монетар сиёсат» ҳамда «Банк менежменти ва маркетинги» мутахассисликлари бўйича жами 128 нафар ходим ўқиб битирди, жорий 2010–2011 ўқув йилида эса 11 нафар ходим тахсил олмоқда.

Бугунги кунда мазкур Банк-молия академияси битирувчиларидан 77 нафари Марказий банк тизимида меҳнат қилиб келмоқда. Улардан 1 нафари департамент директори лавозимида, 1 нафари Марказий банк ҳудудий Бош бошқарма бошлиғи, 7 нафари департамент директори ўринбосари, 6 нафари Марказий банк ҳудудий Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари, 12 нафари бошқарма бошлиғи, 15 нафари бошқарма бошлиғи ўринбосари, 11 нафари бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-56-сонли Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича Банк-молия академиясида янги иқтисодий йўналишлар очилди. Жумладан, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва қимматли қоғозлар бўйича операцияларни амалга оширувчи соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Банк-молия академиясини битирган, билими, малакаси, амалий иши, ишбилармонлиги ҳамда инсоний фазилатлари билан ўзининг раҳбарлик лавозимларига муносиблигини кўрсата олган мутахассисларнинг бир қанчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг илмий институтида, вазирликларда, республика тижорат банкларида, маҳаллий ҳокимият органларида, халқаро ташкилотларда ва республика олий ўқув юртларида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб келмоқда.

Тижорат банкларининг ўрта махсус маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, махсус маълумотга эга бўлмаган банк ходимларини сиртдан ўқитиш ҳамда тайёрлаш ишларини яхшилаш мақсадида Марғилон ҳисоб-кредит техникуми ҳамда унинг Тошкент ва Термиз филиаллари ҳамда Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи ташкил этилди. Мазкур ўқув юртлари республика банк тизими учун ўрта бўғин банк мутахассислари тайёрлаш ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

1991–2011 йиллар давомида республика банк тизими учун мазкур ўқув юртларида 10 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди.

Соҳадаги ислохотларнинг барча босқичларида иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Жумладан, мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси йўлланмаси билан чет элда таълим олган ёш мутахассислар Марказий банк ҳамда тижорат банкларига ишга қабул қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

«Истеъдод» жамғармаси йўлланмаси билан чет элда таълим олиб қайтган ва ҳозирда банк тизимида фаолият юритаётган ёш мутахассислар иш самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир мутахассиснинг меҳнат фаолияти, касбий ўсиши устидан доимий мониторинг ўрнатилган бўлиб, улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Ўз навбатида, совриндорларнинг хорижда олган назарий ва амалий билимларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида, яъни ўз билим ва кўникмаларини бўлажак мутахассисларга етказиб беришлари учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда республика олий ўқув юртларида дарс беришлари йўлга қўйилган.

Умуман олганда, 1998 йилдан буён «Истеъдод» («Умид») жамғармаси йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимидаги муассасаларга ишга тақсимланган совриндорлар жами 35 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг 8 нафари республика аппарати ва ҳудудий Бош бошқармаларида ишлаб келмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ янги иқтисодий шарт-шароитларда ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири эркин бозор талабларининг доимий равишда ўзгариб бориши ва рақобатчилик шароитларида самарали ишлаш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чет эллик ҳамкорлар билан самарали иш олиб борди.

Магистрлик дастури бўйича Марказий банкнинг 58 нафар мутахассиси Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Халқаро Валюта фонди, Япония Ҳукумати, Осие тараққиёт банки, Корея Фанлар ва илғор технологиялар институтининг Молия олий мактаби, Жаҳон банки, Оксфорд университети, Британия Кенгаши, Швейцария Савдо ташкилоти, Америка Халқаро таълим кенгаши, Германия Академик тажриба алмашув хизмати томонидан Австралия, Япония, Корея, Швейцария, Буюк Британия, Германия, АҚШ давлатларининг нуфузли университетларида таълим олиб, магистрлик унвонини кўлга киритдилар.

Ҳозирги кунда мазкур мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Валюта биржаси, республика тижорат банкларида ва халқаро ташкилотларда, 29 нафари эса Марказий банк тизимида раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб келмоқда.

Айни кунда эса магистрлик дастури бўйича яна 6 нафар мутахассис Япониянинг Сиёсий фанлар миллий институти, Рицу-

мейкан, Хитотсубаши, Нагоя, Япония Халқаро университетларида таҳсил олмоқда.

Бундан ташқари, республикамизда халқаро нуфузга эга бўлган П.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали, Тошкент халқаро Вестминстер университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларининг фаолияти йўлга қўйилиб, иқтидорли ёшларимизнинг ушбу нуфузли олий ўқув юрларида ҳам таҳсил олишлари йўлга қўйилди.

Уларда «Банк иши», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш», «Халқаро ҳуқуқ», «Халқаро ҳуқуқий муносабатлар», «Халқаро бизнес» каби янги йўналиш ва ихтисосликлар очилди.

Мамлакатимиз банк тизими мутахассисларининг малакасини оширишда Марказий банк ўқув марказининг ҳам ўрни катта. Мазкур марказ 1997 йилда Марказий банк ҳузуридаги малака ошириш факультети номи билан очилган бўлиб, 1997–2000 йиллар давомида ушбу курсларда иқтисодчи, бухгалтер ва кассир лавозимларида ишлайдиган 800 нафар банк мутахассислари ўз билимларини бойитдилар.

Мазкур факультет негизида Марказий банк бошқарувининг 2000 йил 25 ноябрдаги 22–15-сонли қарори билан Марказий банк ўқув маркази ташкил этилди. Ўқув марказда 2001–2011 йиллар давомида турли мавзуларда ташкил қилинган ўқув курслари ва семинар машғулотларида банк тизимининг қарийб 9 минг нафар раҳбар ходимлари ва мутахассислари малака оширди. Уларнинг қарийб 4 минг нафари Марказий банкда ишловчи мутахассислар бўлса, 5 минг нафари тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотлари раҳбар ходимлари ва мутахассисларидир.

Ўқув марказида ташкил қилинган ўқув курслари ва семинар машғулотларида маърузачилар мамлакатимиз иқтисодиётини, хусусан, банк тизимини ислоҳ қилишга оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ҳамда банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур ўқув курслари ва семинар машғулотларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Марказий банк департамент ва мустақил бошқармаларининг тажрибали раҳбар ходимлари ва

мутахассислари жалб этилди. Улар ичида 1 нафар фан доктори, 10 дан ортик фан номзодлари ҳам мавжуд.

Машгулотлар мультимедиа воситалари ва бошқа замонавий ўқув жиҳозларидан ҳамда илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланилган ҳолда интерфаол услубда, самарали ташкил қилинмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида бўлаётган ўзгаришларни халқаро амалиёт асосида янада чуқурлаштириш ва тажриба алмаштиришда Ўзбекистон 1994 йилнинг февраль ойидан фаолият кўрсатиб келаётган Минтақавий банк ўқув маркази муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йиллар давомида ушбу марказда Марказий банк раҳбарияти таркиби ва мутахассисларидан иборат бўлган 1838 нафар мутахассис малака оширди. Марказда ташкил этилаётган ўқув курслари ва семинарлар «Замонавий банк иши», «Тижорат банклари балансининг таҳлили», «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Кадрларни бошқариш», «Кичик бизнесни ривожлантириш», «Чет эл валюталари билан операциялар ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби», «Акциялаштириш», «Қимматли қоғозлар ва фонд бозори», «Замонавий кредит операциялари», «Тижорат банкларининг валюта операциялари ва уларнинг ҳисобини юритиш» ҳамда «Кредит портфелини бошқариш» каби мавзуларга бағишланди.

Эътиборлиси, Минтақавий банк ўқув марказининг курслари Фарғона, Жиззах, Урганч, Андижон, Қарши, Нукус шаҳарларида ҳам ташкил этилиб, уларда 3000 га яқин банк ходимлари ўзларининг касбий малакасини оширдилар.

Бундан ташқари, Марказий банк мутахассисларини ётачи хорижий давлатларда ташкил этиладиган ўқув курсларида таҳсил олиши, семинар, конференция, симпозиумлар, касбий маҳоратни ошириш мақсадида ташкил этилган курсларда иштирок этиши, амалиёт ўташи ва шу орқали ўз билим кўникмасини оширишини таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадлар йўлида Марказий банк АҚШ, Австрия, Англия, Германия, Швейцария, Франция, Италия, Япония, Корея, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Малайзия, Филиппин, Россия банклари ва бошқа кўплаб халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. 1993 йилдан буён Марказий банкнинг ўзидан 1066 нафар мутахассислар хорижий давлатларда малака ошириб қайтди.

Хусусан, мутахассислар Халқаро валюта фонди томонидан АҚШ, Австрия, Италия, Япония, Корея, Сингапур, Таиланд, Ҳиндистон ва МДҲ давлатларида ташкил қилинган семинарларда, ўқув курсларида, шунингдек, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи, Германиянинг техник ҳамкорлик бўйича жамияти, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТ, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги каби ташкилотларнинг семинар ҳамда танишув сафарларида қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Шу билан бирга Марказий банк мутахассислари Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Жаҳон банки, Польша миллий банки, Корея тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Япония банки, Коммерцбанк, Россия Федерацияси Марказий банки, Кукминбанк, Бундесбанк томонидан ташкил этилган ўқув ва махсус-амалий курслар, тренингларида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ходимлар учун Япония банки, «Сосьете Женераль» банки, Мичиган университети, Германия Жамғарма кассалари фонди мутахассислари томонидан долзарб мавзуларда семинарлар ўтказилди.

1998 йилдан бошлаб Дойче Бундесбанк референтлари томонидан Марказий банкда «Кредит ахборотлари тизимлари», «Пул бозори ва уни тартибга солиш», «Кредит портфелини бошқариш», «Нақд пуллари бошқариш», «Банк назорати», «Монетар сиёсат», «Микромолиялаш ва марказий банклар», «Таваккалчиликни бошқариш», «Марказий банк молиявий инструментлари. 2007 йилдан бошланган молиявий инқирозни бартараф этиш йўллари» каби мавзуларда 30 дан ортиқ семинарлар ташкил этилиб, унда Марказий банк республика аппарати, унинг ҳудудий Бош бошқармалари ҳамда тижорат банкларининг 1000 дан ортиқ ходимлари иштирок этдилар.

Президентимизнинг ёш, иқтидорли кадрларни республика-мизнинг барча вилоятлари, айниқса узоқ ҳудудларидан излаш, жалб қилиш ва ўз иқтидорига мос лавозимларга қўйиш бўйича билдирган фикрлари Марказий банк кадрлар сиёсатини янгича йўналишда ташкил этиш учун асос бўлди.

Ушбу вазифаларни бажариш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Хусусан, республика-мизнинг барча вилоятларидан ёш, иқтидорли ёш кадрларни

танлаб, уларни Марказий банк аппаратиغا ишга олиш, уларга янги, замонавий иш услубларини ўргатиш ва тайёр раҳбар бўлиб ишлай оладиган даражага кўтарган ҳолда, ҳудудий тижорат банклари ёки Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари раҳбарлик лавозимларига тайинланиши ҳам Марказий банк кадрлар сиёсатидаги ўзига хос йўналиш бўлиб қолмоқда.

Марказий банк кадрлар сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши – бу банк тизими ходимлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлашдир.

Раҳбар ходимлар таркиби сифатли бўлишининг бош шартларидан бири амалдаги ходимлар захирасини шакллантиришдан иборатдир. Ходимлар захираси билан олиб бориладиган ишларни банкнинг ривожланиш истиқболини, яқин вақтда ва истиқболда раҳбар ходимларга бўлган талаб-эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилмоқда. Мазкур масалага бўлган ёндашув Марказий банк томонидан тубдан қайта кўриб чиқилди. Раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун мўлжалланган ходимлар захирасига киритилган номзодлар билан ишлаш жараёни такомиллаштирилди.

Шахсий тайёргарлик бўйича иш режаларидан ташқари, номзодларнинг олдиндан қай даражада тайёргарлик кўрганлигини текшириш мезонлари қайта кўриб чиқилди, бунда уларнинг ўз таркибий бўлимининг асосий меъёрий ҳужжатлари, Фармонлар, Ҳукумат қарорларини билиш даражаси текширилиб, кейин махсус комиссияларда муҳокама этилади. Захирадаги ҳар бир номзоднинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, унинг сиёсий ва касбий билимларини такомиллаштириш, ўз дунёқараши ва тафаккурини кенгайтириш бўйича аниқ йўналишлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида раҳбарлик лавозимларига ўтказиш учун тавсия этилган ходимлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлаш таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги тартибига мувофиқ Марказий банк республика аппарати ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида раҳбарлик лавозимлари захирасининг таркиби билан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2011 йил бошидаги ҳолатга кўра, Марказий банк республика аппарати номенклатураси ва ҳудудий Бош

бошқармалари захира таркибининг 30 фоиздан ортиғи юқори лавозимларга тавсия этилган номзодлар сирасига киради.

Захира таркибида турган номзодларнинг касбий жиҳатдан ўсишини таъминлаш ҳамда уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун яқка тартибда тайёрланиш бўйича иш режалари ишлаб чиқилган.

Раҳбарлик лавозимлари захира таркибига киритилган номзодларнинг яқка тартибда тайёрланиш иш режалари бўйича ҳисоботлари Марказий банк республика аппаратининг Ҳайъат йиғилиши мажлисларида ва Банк кенгашларида эшитиб борилмоқда.

Ходимларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, истиқболли, иқтидорли ходимларни юқори лавозимларга кўтариш учун уларни захира таркибига киритиш, ёндош участкалар ишини ўзлаштириб олишларини таъминлаш ва юқори самарадорликка эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида амалий малака ошириш тартиби тўғрисида Низом»и ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом»ларига асосан ходимларни ротация қилиш ва амалий малакасини ошириш (стажировка) ишларига алоҳида урғу берилмоқда.

Биргина 2010 йилнинг ўзида Марказий банк таркибий бўлинмалари ва ҳудудий Бош бошқармаларидан 139 нафар (республика аппаратида – 41, ҳудудий Бош бошқармаларида – 98) мутахассис ротация қилинди.

Шунингдек, республика аппаратида 6 нафар раҳбар ходим Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларида малака ошираётган бўлса, ўз навбатида ҳудудий Бош бошқармаларнинг 8 нафар ходими республика аппаратида, яна 182 нафар ходим таркибий тузилмалараро ўз кўникмасини бойитмоқда.

Ёш ходимни шахс сифатида тарбиялаш, ижодкорлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишини таъминлаш, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат туйғусини шакллантириш ҳамда касбий жиҳатдан ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида мураббийлик фаолиятини ташкил этиш бўйича

Тавсиялар»и асосида Марказий банк тизимида мураббийлик фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда ишга янги қабул қилинган ёш ходимлар меҳнат фаолияти устидан Ходимлар билан ишлаш тузилмалари томонидан мониторинг ўрнатилган. Ёшларга жамоада катта ҳурмат-эътибор ва кўп йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган энг малакали 107 нафар мураббий бириктирилган бўлиб, улар ёшларга ўзларининг билим ва кўникмаси, малака ва иш тажрибасини ўргатиш ҳамда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш бўйича тарбиявий ишларни олиб боришмоқда.

Ёш ходимларга мураббийлар томонидан тузилган якка тартибда тайёргарлик кўриш бўйича иш режалари таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тасдиқланиб, мураббийлар томонидан Иш режаси бўйича амалга оширилган тадбирлар назорат қилиб борилмоқда.

Мураббийлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун кенгашлар тузилган бўлиб, уларнинг таркибига энг тажрибали 3а обрў-эътибор қозонган ходимлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги 311-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк ва унинг тасарруфидаги муассасалар томонидан жойларда маънавий-маърифий меросни тарғиб қилиш, миллий ғояларни шакллантириш, ёшларни тарихий кадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратилди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг ҳудудий бўлимлари, «Маънавият» нашриёти билан узвий алоқа ўрнатилган.

Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш юзасидан мунтазам равишда семинарлар ўтказиб турилади, таниқли фан ва маданият арбоблари, олимлар, ҳуқуқшунослар, адиблар, оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» ва «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарлари, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-

миятини ривожлантириш Концепцияси», Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгиланишини изчил давом эттириш – давр талаби» маърузаларида белгилаб берган вазифаларни ўрганиш бўйича Марказий банк республика аппарати ва ҳудудий Бош бошқармаларида 2010–2011 ўқув йилида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Шу билан бирга, Марказий банк тизимида Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби – маънавий тарбия соҳаси учун дастуриламалдир» номли мультимедиа асосида ғоявий-маърифий семинарлар ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилинган Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банк Бошқарувининг қарорлари, банк соҳасига оид меъёрий ҳужжатларнинг ўрганилиши самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, Марказий банк тизими мутахассисларининг назарий билимларини, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини, маънавий-маърифий савияси ва сиёсий саводхонлигини, касбий тайёргарлигини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк республика аппарати, унинг ҳудудий бош бошқармалари, тасарруфидаги корхона ва муассасаларда ҳар йилнинг сентябрь ойидан кейинги йилнинг июль ойигача давом этадиган касб-иқтисодий ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Марказий банк тизимида касб-иқтисодий ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича Марказий банк Раиси ўринбосарлари, таркибий тузилмалар раҳбарларидан иборат Кенгаш тасдиқланган.

Кенгаш зиммасига:

– ўқув машғулотларини ҳар ойнинг 3-чоршанбасида мунтазам равишда юқори савияда ўтказилишини таъминлаш;

– ўқув машғулотларига Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, департаментларнинг малакали мутахассисларини жалб этиш;

– мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларни, жумладан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартавраф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар

дастури ва комплекс дастурларни амалга ошириш натижасида иқтисодиёт ва жамиятимиз ижтимоий ҳаётини барқарор, муво- занатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатларини таъминлаш имконини берганлигини инobatга олиб ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан банк тизими олди- га қўйилган долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур ўқув машғулотларининг йиллик режасини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган.

Марказий банк тизимида ходимларни касб-иқтисодий ўқуви жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Инқирозга қарши чоралар Дастури»да банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг моҳияти ва банклар капиталлашувининг иқтисодий самарадорлиги», «Жаҳон молиявий инқирози шароитида пул-кредит инструментларидаги ўзгаришлар», «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқнома (2009 йил 27 апрель, рўйхат рақами 1948) шарҳи, «Ўзбекистон Республикасида нобанк кредит ташкилотларини ривожланиш тенденциялари ва хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили», «Бозор шароитида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг ҳуқуқий аҳамияти», «Пластик карточка: ҳам қулайлик, ҳам имконият» мавзуларида маърузалар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли ва 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармонлари ва 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1166-сонли ҳамда 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1317-сонли Қарори талаблари

ва банк тизимида ижро жараёнининг бориши бўйича жойларда давра суҳбатлари ташкил этилди.

Касб-ўқув машғулотларига Марказий банк департаментларининг ҳамда ҳудудий Бош бошқармаларининг малакали мутахассислари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутасадди ходимлари ҳамда Республика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари жалб қилинди. Ходимлар билан ишлашда маънавиятни тарғиб қилиш, миллий ғояни шакллантириш, тарихий кадриятлар ва халқ анъаналари, урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратилди.

Марказий банк кадрлар сиёсатининг яна бир бўлаги – тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари раҳбарлари билан ишлашдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Марказий банк раҳбарияти томонидан тижорат банкларига раҳбар танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб тижорат банклари, кейинчалик эса барча кредит ташкилотлари раҳбарларига малака талаблари кўйиш босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилди.

Хусусан, биринчи босқичда тижорат банклари бошқаруви раислари, раис ўринбосарлари, вилоят ва туман филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларидан иборат Марказий банк номенклатурасига кирувчи лавозимлар белгилаб олинди. 1994 йилда Марказий банкда «Касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси» ташкил этилиб, тижорат банкларидаги Марказий банк номенклатурасига кирувчи лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар ушбу Комиссия суҳбатига жалб қилиниш амалиёти жорий этилди. Номзодлар фақатгина Комиссиянинг ижобий хулосасига кўра лавозимларига тайинланиши белгилаб қўйилди.

Комиссия ишини ташкил этиш, Марказий банк номенклатурасига кирувчи лавозимларни малакали мутахассислар билан бутлаш ишларини олиб бориш мақсадида аввал Ходимлар билан ишлаш департаменти таркибида, 2000 йилдан Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таркибида алоҳида Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Кейинчалик тижорат банклари ва уларнинг

филиаллари сонининг ошиши, тижорат банклари раҳбарларига қўйиладиган малака талаблари кучайтирилиши натижасида ҳамда Марказий банк раҳбариятининг ходимларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибори туфайли Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси ташкил этилди. 2002 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ушбу таркибий бўлинма мустақил Бош бошқарма сифатида, 2008 йилдан бошлаб эса департамент сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Замонавий банк тизими талабларидан келиб чиқиб, кредит бозорининг кенг тараққий этиши, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси сифатида молия бозорида нобанк кредит ташкилотларининг пайдо бўлиши ушбу кредит ташкилотлари ижро органининг раҳбарларига ҳам малака талаблари қўйилиб, Марказий банк касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси суҳбатидан ўтиш тартиби жорий этилди.

Марказий банк номенклатурасига кирувчи лавозимлар тоифасини аниқлаш, уларга талабларни ўзида мужассам этган «Тижорат банклари раҳбар ходимларига малака талабларини қўйиш тўғрисидаги Низом»и ишлаб чиқилди. Ходимларнинг малакаси, мутахассислигига бўлган талаблар ҳамда тижорат банкларидаги таркибий тузилмаларнинг ўзгариши ва бошқа объектив сабаблардан келиб чиқиб, мазкур меъёрий ҳужжат икки марта янги тахрирда қайта давлат рўйхатидан ўтказилди.

Хусусан, 2005 йил 10 мартда 1455-сон билан, 2006 йил 14 ноябрда 1641-сон билан қайта рўйхатдан ўтказилиб, сўнгги тахрирда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низом сифатида амалиётда қўлланиб келинмоқда.

Кредит ташкилотлари раҳбар ходимлари билан ишлаш департаменти мазкур Низомга асосан, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кредит ташкилотларининг Марказий банк номенклатурасига кирувчи раҳбарлик лавозимлари (тижорат банклари Бошқаруви раислари ва раис ўринбосарлари, бошқарув аъзолари, Бош банкнинг бош бухгалтерлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва

туман филиаллари, амалиёт бошқарма (бўлим)лари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари)даги бўш ўринларни Низомда белгиланган муддатларда бутлаш бўйича барча чораларни қўриб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 19 июндаги 14/11-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизимида раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ходимлар захираси таркибини шакллантириш бўйича Тавсиялар» талаблари асосида раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ходимлар захирасини шакллантирилишини, захирага олинган ёш мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш ишларини ташкил этиш ва улар ҳисобини юритиш ишлари мониторингини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси банк тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги 1998 йил 24 сентябрдаги Р-896-сонли Фармойишига асосан банк тизими раҳбар ходимларини уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиш белгилаб қўйилганлиги муносабати билан Марказий банкнинг республика аппарати, ҳудудий Бош бошқармаларини малакали кадрлар билан бутлаш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишни такомиллаштириш, уларнинг ишбилармонлиги, билими даражаси ҳамда шахсий фазилатларини баҳолаш мақсадида Марказий банк тизими раҳбар ходимлари ва мутахассислари ҳам ҳар 3 йилда бир марта аттестациядан ўтказилиб келинмоқда.

Аттестациялар қатъий талабчанлик ва принципиаллик руҳида ташкил этилиб, ундан муваффақиятли ўтиш учун ходимларнинг бевосита ишлаб чиқаришдаги фаолияти, уларнинг ишчанлик қобилияти ҳамда шахсий фазилатларига объектив баҳо беришга, ходимларнинг ўз лавозим вазифаларини қандай бажараётгани, касбий мувофиқлиги, малака даражаси ва шахсий фазилатларини аниқлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Марказий банк томонидан банк тизимида 20 йиллик давр ичида кадрларни сифат жиҳатидан ўстириш, касбий билимларини ошириш, такомиллаштиришнинг узлуксиз ва яхлит механизми яратилганлиги туфайли кутилган вазифаларга эришилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётидаги чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган молиявий-кредит сиёсатини юритиш бевосита банк ходимлари маълумотининг умумий даражаси, шунингдек, касбий тайёргарлигига узвий боғлиқдир. Ҳозирги замон талабларига жавоб бериш доимий равишда, узлуксиз ўқиш-ўрганишни талаб этади, бу эса, ўз навбатида, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини сифатли ташкил этиш йўли билан таъминланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида мустақиллик йиллари давомида қўлга киритилган ютуқларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, кредит уюшмалари ва хусусий банкларни ривожлантириш борасида, шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритилган кейинги ўзгартиришларнинг банк тизими ходимлари томонидан ўрганилиши ва уларнинг касбий малакасини янада ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мухтасар айтганда, Марказий банк томонидан кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва уларни замон талабига мутахассислар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида бугунги кунда банк-молия тизими, иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларини етук ва ҳар жиҳатдан билимдон кадрлар билан таъминлаш имконияти яратилди. Айниқса, ҳозирда иқтисодиётда банкларнинг ўрни ва роли тубдан ўзгарган бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таркиб жиҳатдан ҳар томонлама етук, ҳаёт талаб қилаётган долзарб масалаларни ижодий ҳал эта оладиган, ташаббускор, янгиликлар ҳамда ўзгаришларни ҳис қилувчи, стратегик истиқболни олдиндан кўра биладиган ва бошқарувчилик маданиятини ўзлаштирган кадрларга эга бўлди.

Мустақиллик йилларида банк тизими эришган яна бир ютуқ – бу бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган, бозор иқтисодиёти муносабатларини тўғри англаб ҳаётга татбиқ эта оладиган юқори малакали кадрларнинг янги авлодини вужудга келтирилгани бўлди. Бу масаланинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан Марказий банкнинг ҳеч бир иккиланмай ёш, иқтидорли мутахассисларни ишга қабул қилиши, уларга масъулият талаб этадиган вазифаларни топшириб, уларнинг ижро этилишига эри-

шиш мақсадида ушбу ёш мутахассисларни тинмай тарбиялаб боргани бўлди.

Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнаси олдидан Ўзбекистон банк тизими фаолиятини сарҳисоб қилиб, келажакда тизим олдидан мамлакат иктисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ улкан вазифалар, жумладан яқин йиллар давомида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш дастурини амалга ошириш йўли билан уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш вазифаси турибдики, бундай марраларга эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир банк ходимининг олий бурчидир.

Банк тизими матбуоти ва уларнинг тизим ривожигаги ўрни

Республикада мустақил банк тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг дастлабки давридан соҳада олиб борилган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириб бориш ва энг асосийси, банк тизими мутахассислари ва иктисодиёт соҳасида изланишлар олиб борувчи мутахассислар учун эркин фикр минбарини ташкил этиш мақсадида республикамик Марказий банки раҳбарияти «Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» газеталарини ҳамда «Бозор, пул ва кредит» илмий-амалий журналинини таъсис қилди.

Бугунги кунда ушбу нашрлар асосан банк ва молия тизими мутахассислари, тижорат банклари мижозлари ҳамда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва талабалари учун мўлжалланган. Ўтган йиллар мобайнида «Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» газеталари ҳамда «Бозор, пул ва кредит» журнали юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислоҳотлар, банк-молия тизимини либераллаштириш, республикамикда ва вилоятларда мазкур соҳани ривожлантиришга доир масалалар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сиёсати асосида янги банк маҳсулотларинини тарғиб қилган ҳолда, мамлакатимиз банкларининг ижобий имижини мустаҳкамлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Банк ахборотномаси» ва «Банковские ведомости» газеталари 1995 йилда ташкил топган бўлиб, дастлаб уларда асосан

банк соҳасига оид янгиликлар, тижорат банкларининг кредитлар бериш ва омонатларни қабул қилишга оид хабарлар, янги қонунлар, фармонлар ва қарорлар тўғрисидаги эълонларгина бериб борилар эди. Илк даврлар газеталар ҳажми 2–4 варақни, адади эса 2 минг донани ташкил этар эди.

Ўша пайтларда газеталар тахририятининг стратегияси, давр билан ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, асосий эътибор ўқувчиларни банк тизими фаолиятининг асослари билан таништиришга қаратилган эди. Юртимизда банк тизимининг мустақамланиши ва тараққий этиши газеталар тахририяти стратегиясини такомиллашишига ва уларнинг мазмунан янги босқичга чиқишига хизмат қилди.

Янги нашрлар тахририятида чоп этиладиган мақолалар сифатини ошириб бориш, газетхонлар сафини доимий кенгайиб боришини таъминлашда Марказий банк бошқаруви, хусусан, Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти томонидан ҳар томонлама кўрсатилган кўмак газеталарнинг нуфузини янада ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Газеталарда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар кенг ёритилиб, уларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб борилди. Ўқувчиларга давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ҳамда улар асосида ишлаб чиқиладиган дастурларда белгиланган ҳар бир чора-тадбир натижасида эришилиши кутилаётган ўзгаришлар мазмуни батафсил баён қилина бошланди.

Шунингдек, газеталар саҳифаларида банк соҳасида амалга оширилаётган ўзгартиришлар, жорий қилинаётган янгиликлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка батафсил ёритиб борилди, соҳанинг ҳар бир йўналишида жорий қилинаётган ўзгартиришлар ва янгиликлар хориж тажрибаси билан солиштириб, газетхонларга уларнинг афзалликлари кўрсатиб берилди.

Банк фаолиятининг ҳар бир йўналишида, бу пул-кредит сиёсатими, валюта сиёсатими, валюта назоратими, банк назоратими, тўлов тизимими, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга оид фаолиятими ёки бўлмаса кадрлар сиёсатими, банк фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тартиб-қоидалари ва уларнинг аҳамияти тўғрисида кенг тушунтиришлар бериб

борилди. Банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатларда томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга риоя қилинмаслик оқибатлари батафсил ёритилди.

Газеталар банклар томонидан ўз мижозларига кўрсатиладиган хизмат турлари, айниқса, янгидан жорий қилинаётган замонавий банк хизматларининг афзалликларини тушунтириб бориш учун ҳам ўзига хос минбар сифатида хизмат қила бошлади. Уларнинг саҳифаларида тижорат банкларининг кредит ёки депозит хизматлари тўғрисидаги, интернет-банкнинг, sms-банкнинг каби замонавий масофавий хизматлар тўғрисидаги ахборотлар, банк пластик карталаридан фойдаланишнинг афзалликлари, банк хизматларидан фойдаланишдаги солиқ имтиёзлари ва яна кўплаб газетхонларни қизиқтирувчи маълумотлар ва ахборотлар бериб борилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга оид янгиликлар ва маълумотлар газетхонларга, айниқса, манзур бўлди.

Аҳамиятлиси, газеталарда тижорат банкларининг мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини нашр этила бошланиши газетхонлар, банкларнинг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчилар учун яна бир афзаллик бўлди.

Эндиликда улар ҳар бир тижорат банки активлари, ўз маблағлари ва мажбуриятлари, даромад ва харажатлари ҳамда соф фойдаси, қолаверса, рентабеллик даражаси тўғрисида ишончли маълумот олиш ва ўз молиявий агентларини тўғри танлаш имконига эга бўлдилар.

Шунингдек, газетхонлар маҳаллий ва халқаро рейтинг агентликлари томонидан мамлакатимиз банкларига берилган рейтинг баҳолари тўғрисидаги маълумотларни ҳам газета саҳифаларидан олишлари мумкин бўлиб, бу ҳам уларга тўғри молиявий қарорлар қабул қилишга кўмак беради.

Газеталарда Марказий банк томонидан ишлаб чиқиладиган тартиб-қоидалар, йўриқномалар шарҳлаб борилди-ки, газетхонлар ҳар бир тартиб-қоиданинг ўрнатилиши мазмуни ва моҳияти тўғрисида аниқ ва сифатли маълумотга эга бўла бошладилар.

Марказий банк «Бозор, пул ва кредит» журнали фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб борди, унинг фаолиятини энг юкори талаблар даражасида ташкил этишга яқиндан ёрдам кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, «Банк ахборотномаси» ва «Банковские ведомости» газеталари ўз муштарийларига республикамиз банк тизимининг ҳар кунги ҳаёти тўғрисида маълумотлар бериб борадиган нашр бўлиб хизмат қилса, «Бозор, пул ва кредит» журнали банк соҳасидаги жараёнларни илмий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилиб бориш, илмий изланишлар натижаларини кенг мушоҳада қилиб бориш мақсадида ташкил қилинди.

Журнал саҳифаларида банк соҳасига оид макро ва микро-иктисодий таҳлиллар, банк фаолиятининг турли йўналишида олиб борилаётган сиёсатлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар сабаблари чуқур таҳлил қилинган мақолалар ва нуқтаи назарлар бериб борилди, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг банк тизими ривожига таъсири даражаси таҳлили натижалари чоп этилиб борилди.

Бунда ҳам Марказий банк, айниқса Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти журналга чоп этиш учун берилган материалларни таҳлил қилувчи эксперт сифатида фаолият кўрсатди. Аксарият ҳолларда эса, мазкур департамент иктисодиётда, банк соҳасида юз бераётган жараёнларга ўзининг профессионал нуқтаи назарини билдириб борди.

Шунингдек, ҳар бир журналхоннинг банк соҳасидан ташқари яна иктисодиётнинг бошқа фаолият йўналиши билан қизиқиши табиий ҳол эканлигини инобатга олиб, журналда инвестиция, қимматли қоғозлар, лизинг, суғурта, аудит, ахборот технологиялари ва бошқа фаолият йўналишларига оид руқнлар остида чиқишлар ташкил этилди, ҳар бир йўналишнинг кечаси, бугуни ва эртасини кенг ёритиб боришга бағишланган мақолалар чоп этилиши ташкил қилинди.

Ўзбекистон банк тизимининг жаҳон банклари ҳамжамиятига қўшилишида, глобал иқтисодий тизимнинг фаол иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатишида мазкур нашрларнинг ҳам аҳамияти сезиларлидир. Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида банк дунёси очик-ошкоралик, транспарентлик, молиявий оқимларнинг аниқлигини ёқлайди. Бу эса жуда муҳимдир, зеро, дунёда бугун ҳар бир мамлакатнинг мавқеи ва аҳамияти миллий иқтисодиёт қудрати, унинг рақобатбардошлиги, шунингдек, банк-молия тизими барқарорлиги билан белгиланмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чикиб, газета ва журнал саҳифаларида республика ҳукумати, Марказий банки томонидан мамлакатнинг глобал миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида молия-банк тизимининг замонавий, самарали фаолиятини ташкил этишга оид сиёсати, ундан келиб чиқувчи дастурлар ижроси мунтазам ёритиб келинади.

Банк тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларнинг муҳимлиги, аввало, республика иқтисодиётининг тузилмавий хусусиятлари билан алоқадорлигини инобатга олиб, газета ва журнал ижодий жамоаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари фаолиятига доир материалларни тайёрлаш ва чоп этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Бундан ташқари, пул ресурсларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилиши, устувор лойиҳа ва дастурларнинг рағбатлантирилиши ҳақидаги материалларга ҳам мазкур нашрлар алоҳида эътибор қаратади.

«Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» нашрлари ҳамда «Бозор, пул ва кредит» журнали ўз фаолияти давомида юртимиздаги иқтисодий ва молиявий нашрлар ўртасида ўз мавқеига ҳамда доимий муштарийларига эга бўлди. Бунда юртимизда миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркинлигини таъминлаш, янгиланиш ва ислохотлар жараёнларидаги фаоллигини ошириш ҳамда таъсирини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари талаблари даражасидаги шароитларни яратишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базасининг шаклланиши муҳим омил бўлди. Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни таҳририят фаолиятида ва унинг истиқболини таъминлашда устувор аҳамият касб этди.

Шу боис, «Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» газеталари ҳамда «Бозор, пул ва кредит» журнали фаолиятининг илк йиллариданоқ банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ишончли ҳамда тўлақонли маслакдошига айланди. Эътиборлиси, ўтган йиллар давомида журнал ва газеталарга халқаро экспертлар томонидан қизиқиш билдирилиб, хорижий давлатларда ҳам ўз ўқувчиларига эга бўлди. Зеро, буни илк йиллари газетанинг адади ўртача 2 минг нусхадан 2000 йилга келиб 6

минг нусхага, журнал адади ўртача 2 минг нусхадан 3 минг нусхага кўтарилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Дастлабки йилларда тўпланган тажриба асосида, таҳририят мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари орасида биринчи бўлиб ҳар йили Ўзбекистоннинг энг етакчи корхоналари ва акциядорлик жамиятлари рейтинги, биржа листинглари ва бошқа молия бозорлари таҳлилларини эълон қилишни йўлга қўйди. Бу эса, нашрнинг корхона ва ташкилотлар, биржалар ўртасида жозибadorлигини ошириб, шу орқали уларнинг барқарор ва истиқболли ривожланишига муносиб ҳисса қўшилди.

Шунингдек, таҳририят жамоаси томонидан ҳудудлардаги иқтисодий ислохотларни аҳолига етказиб бериш, жамоатчиликнинг юртимиз иқтисодиётидаги ўзгаришлардан яқиндан бохабар этиш мақсадида махсус рукнлар остида мақолалар хатто, бюллетенлар чиқарилди. Минтақаларда нашрларга кизиқиш кучайиб боргани сари ададлар сони ҳам шунга мос равишда ўсиб борди. Жумладан, 2005 йилга бориб газета адади ўртача 8 минг нусхага, журнал адади ўртача 4 минг нусхага етди.

Умуман, ўтган йиллар мобайнида нашрлар салоҳиятини янада ошириш учун таҳририят жамоаси турли кўرғазма ва конференцияларда, илмий аҳамиятга эга тадбирларда фаол иштирок этиб келаяпти. Чунончи, Президентимиз соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг дастлабки йилларида фермерлар, тадбиркорлар ва ҳунармандлар орасида танловни кенг тарғиб қилиш ҳамда уни муносиб ўтказишда фаол иштирок этди.

Бундан ташқари, нашрлар мамлакатимиз банк-молия тизимида юзага келган илк нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш ҳамда бу асосида соҳа ривожини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида турли тадбирлар, жумладан, давра суҳбатлари ташкил қилди. Ҳозирда «Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» газеталари тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларини ўз фаолиятидан аҳолини яқиндан хабардор қилиш, молиявий ҳисоботлари билан таништириш ҳамда, пировардида, аҳолининг кредит ташкилотларига бўлган ишончини янада оширишда мустаҳкам кўприк вазифасини бажармоқда.

Мазкур газета ва журналда банк ҳамда молия тизимида амалга оширилган улкан ишлар, иқтисодиётда эришилган на-

тижалар кенг ёритиб келинмоқда. Айниқса, нашрлар охириги йилларда юртимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширилиши ҳамда бу борада эришилаётган натижаларни мамлакатимиз аҳолиси ва хорижий давлатлар жамоатчилигига етказишда фаоллик кўрсатди. Хусусан, республикамизда ишончли банк-молия тизими яратилгани туфайли мамлакатимизнинг бир қатор тижорат банклари иқтисодий инқироз шароитида бўлса ҳам нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоларга муносиб кўрилгани ва бунинг асл негизида эса иқтисодиёт, қолаверса, молия соҳасида узоқни кўзлаб юритилган сиёсат амалда ўзининг ижобий натижасини бераётгани билан боғлиқ кўплаб мақолалар чоп этилди. Шунингдек, бу борада иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар самарасида тижорат банклари балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналар ва улар фаолиятининг барқарорлашуви кенг ёритиб борилмоқда.

Бугунги кунда нашрлар иқтисодчи олимларнинг, соҳа мутахассисларининг чинакам минбарига айланди. Ҳозирда журналнинг адади ўртача 8 мингтани, газеталарнинг адади ўртача 14 мингтани ташкил қилмоқда.

Журнал ва газета саҳифаларида ислохотлар йўлида, банк тизими, банк қонунчилиги, банк фаолияти, банк-мижоз, долзарб шарҳ, минтақалардан хабарлар, тадбиркорлик, микрокредитлаш, инвестициялар, кадрлар сиёсати, қимматли қоғозлар бозори, ахборот технологиялари, аудит натижалари, истеъмол бозори, нобанк ташкилотлар, замонавий тўлов тизимлари, фонд ва суғурта бозори, жаҳон янгиликлари каби рукнлар ўрин олмоқда. Уларда тижорат банклари фаолияти, республикамиз иқтисодиёти ва банк тизимидаги ислохотлар, сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирлар, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар, мамлакатимиз минтақаларида кечаётган иқтисодий жараёнлар, суғурта бозоридаги ўзгаришлар ҳамда ахборот технологиялари соҳасининг ҳаётимизга кириб келиши ва унинг афзалликлари билан боғлиқ таҳлилий мақолалар, ин-

тервьюлар, репортаж ва бошка жанрдаги материалларга кенг урғу берилаяпти. Шунингдек, тахририятнинг Инновациялар бўлими, Ахборот ва статистика бўлими ходимлари томонидан дунё иктисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, инновацион ишланмалар ҳамда замонавий банк технологияларига оид жаҳон тажрибалари газетхон ва журналхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Нашрлар ижодий жамоаси ва тахрир кенгаши аъзолари юртимиз банк-молия тизимида кўзга кўринган етакчи мутахассислар, илмий ходимлар ҳамда амалиётчилар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган бўлиб, бу асосида қизиқарли ва ўқимишли кўплаб мақолалар тайёрланмоқда. Эътиборлиси шундаки, «Бозор, пул ва кредит» журнали Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий аттестация комиссияси рўйхатидан етакчи илмий-амалий журналлардан бири сифатида ўрин олган. Бу эса, журнал банк тизимининг интеллектуал манбаси сифатида ўқувчиларга соҳадаги илмий изланишлар асосида вужудга келадиган янгиликлардан бохабар бўлиб бориш имкониятини яратмоқда.

«Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» газеталари ҳамда «Бозор, пул ва кредит» журнали ижодий жамоаси ташқи муаллифлар, Марказий банк мутахассислари, муштарийлар ва банк жамоатчилиги томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида газета ва журнал материалларининг мазмундорлигини ошириш, дизайнни замон талабига мос равишда такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратаёпти. Айниқса, тахририят ўз олдига ижодий ва ташкилий жиҳатдан нашрларнинг салоҳиятини янада ошириш, мавзулар хилма-хиллигини таъминлаш, ўқувчилар билан алоқани мустаҳкамлаш, ташқи муаллифлар доирасини кенгайтириш, ходимларнинг малакавий даражасини ўстириш ва уларнинг ўз фаолиятида замонавий технологиялардан унумли фойдалана олишига эришиш устида доимий изланишлар олиб бормоқда.

Ўз навбатида, «Банк ахборотномаси» – «Банковские ведомости» газеталари ҳамда «Бозор, пул ва кредит» журнали Марказий банкнинг кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ёш мутахассисларимиз ушбу газеталар ва журнал саҳифаларида дастлаб ўзлари ишлаб келаётган бошқарма, департамент ёки умуман, банк тизими фаолиятига оид таҳлиллар баён

килинган кичик хабарлар билан чиқа бошладилар. Ўз устида доимий ишлаб бориш натижасида ёш мутахассислар томонидан чоп этилаётган мақолалар ҳам ҳажм ва ҳам сифат жиҳатдан мукаммаллашиб борди. Эътиборлиси шундаки, ушбу нашрлар мутахассисларимизнинг ўз билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб борилишига хизмат қила бошлади.

Бу эса Марказий банкда кадрлар захирасини, шу жумладан раҳбар ходимлар захирасини шакллантириш, кадрларни жой-жойига қўйишда бекиёс аҳамият касб этмоқда.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Мазкур китобни ўқиб тугатган ўқувчи республикамиз давлат мустақиллигининг ўтган 20 йиллик даврида мамлакатимиз банк тизими ва унинг атрофида мукаммал инфратузилмани барпо этиш ва тараққий эттириш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базасини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий валютани муомалага киритиш ва мустақил пул-кредит ва валюта сиёсатини юритиш, замонавий тўлов тизимини, самарали банк назорати тизимини йўлга қўйиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда банк тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўлади.

Бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилган эмас. Ҳаммамизга яхши аёнки, Ўзбекистонда янгилаштириш ва иқтисодий ислохотлар жараёни тоталитар тузум емирилиши, Иттифоқ парчаланиши, хўжалик алоқаларининг узилиши сабабли вужудга келган ниҳоятда мураккаб шароитда амалга оширилди.

Албатта, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларидаги каби, банк тизимидаги ислохотларнинг ҳам «ўзбек модели»га асосланганлиги эришаётган беқиёс ютуқларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиклолимизнинг илк кунларидан давлатимиз раҳбари мамлакат иқтисодий тараққиётини тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг жуда катта аҳамият касб этишини, банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз инвестиция бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини яхши билган ҳолда, ислохотлар муваффақияти, энг аввало, республикада бутунлай янги банк тизимини вужудга келтириш ва мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш билан боғлиқлигини кўрсатиб берди.

Мустақил давлатчилигимизнинг асл пойдевори – миллий валютадир. Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий валюта – бу миллий ғурур, давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир.

Мустақил Ўзбекистонимиз миллий валютасини муомалага киритишда биз тутган йўл бошқа МДХ давлатларидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, кўпгина собиқ иттифоқдош мамлакатлар етарли валюта захирасига эга бўлмай туриб, ўз миллий валютасини жорий қилдилар. Улар ўз халқини боқиш учун халқаро ташкилотлардан олинган қарзларга таянган ҳолда иш кўрдилар.

Биз эса ўзгача йўл тутдик. Биз миллий валютани муомалага киритишда шошма-шошарликка йўл қўймадик. Дастлаб, собиқ Иттифоқ мамлакатлари бирин-кетин ўз валютасини муомалага киритиши оқибатида республикамизга эски рублнинг оқиб келишининг олдини олиш мақсадида оралиқ валюта – сўм-купонни муомалага киритдик ва собиқ Иттифоқ давлат банки пул бирликларини муомаладан босқичма-босқич чиқардик. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаги муҳим тарихий воқеалардан бири бўлиб, ушбу давр миллий валютамизни жорий этиш йўлидаги ўта жиддий синов, тайёргарлик, куч ва тажриба тўплаш босқичи бўлди, дейиш мумкин.

Сўм-купонлар муомаласини нормаллаштириш орқали миллий валютамизни жорий этишга асос яратиш ишлари тўлиғича бажарилди. Сўм-купонлар муомалага киритилган пайтданок уни чет эл валюталарига конвертация қилиш бошланди ва сўм-купонларнинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, пул муомаласини барқарорлаштиришга, истеъмол бозорини тўлдиришга ва экспортни оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сўмнинг барқарор муомалада бўлишига замин яратди.

Миллий валютамизни жорий қилиш борасида халқаро ташкилотлар, жумладан Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки томонидан турлича маслаҳатлар берилди. Биз бу фикрларни эшитдик, уларни чуқур ўргандик, лекин ўзимиз тўғри деб ҳисоблаган йўлдан бордик. Биз миллий валюта барқарорлигини таъминлашда хориж кредитларига ишонмадик, аксинча даромадга қараб буромад қилишни ўргандик.

Миллий валютанинг жорий қилиниши мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш имконини берди. Республикада олиб борилган қатъий пул-кредит сиёсати тез орада ўзининг ижобий натижаларини берди. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражаси минглаб фоизлар билан ўлчанар эди. Бирок, 1994 йил июлда Ўзбекистоннинг миллий валютаси муомалага киритилгандан кейин амалга оширила бошланган мустақил пул-кредит сиёсати инфляциянинг кескин пасайишини таъминлади. Инфляция даражаси 1994 йилда ойлик 30 фоиздан 1998 йилда ойлик 1,5 фоизга, 2010 йилда эса йиллик 7,3 фоизгача пасайтирилди.

Бу ҳол 1996 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш қайта тикланишига олиб келди ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлади. 1997 йилдан эътиборан республикада ЯИМ нинг йиллик ўсиши камида 4,5 фоизни, 2004–2006 йилларда 7 фоизни, 2007–2010 йилларда 8–9 фоизни ташкил қилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан банк тизимини моддий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор берилди. Жумладан, миллий валютамизни муомалага киритиш баробарида, республикада янги, энг замонавий технологияларга асосланган тўлов тизимини жорий қилиш ишига катта ғамхўрлик қилдилар. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит алоқаларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 146-сонли Қарорига асосан банк тизимига электрон тўлов тизими жорий қилиниши учун катта солиқ имтиёзлари берилди. Ушбу қарор асосида солиқдан озод қилинган маблағ банкларнинг моддий техника базасини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида банклараро тўловлар 1–3 ойлаб амалга оширилса, эндиликда тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

Биз, банк фаолиятини тартибга солувчи жаҳон стандартларига мос қонунларни яратиш ишига ҳам катта масъулият билан ёндошдик. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки экспертлари билан яқин ҳамкорликда тайёрланди, ушбу қонунларга асосланган меъёрий-ҳуқуқий база

Жаҳон банки тавсиялари ҳамда халқаро талабларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Шунингдек, биз халқаро бухгалтерия стандартларига батамом мос келувчи ҳисоб стандартларини жорий қилдик, банк назорати тизимини Банк назорати бўйича Базель кўмитаси стандартларига мослаштирдик, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратдик.

Банк соҳасини эркинлаштириш ва банклар мустақиллигини ошириш йўналишидаги ишларимиз алоҳида эътиборга моликдир.

Соҳани эркинлаштириш ва банклар мустақиллигини ошириш, дастлаб, давлат мулки негизида ташкил қилинган тижорат банкларини акциядорлик жамиятларига айлантириш ҳамда соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш орқали амалга оширилди.

Банк тизимига хусусий капитални жалб этиш билан бирга, банкларни корпоратив бошқариш тизимини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармон тижорат банкларини бошқаришда акциядорларнинг ва банк Кенгашларининг ролини оширишга доир чора-тадбирлар мажмуини белгилаб берди.

Ушбу йўналишдаги ишларни узвий давом эттирган ҳолда, Марказий банк тижорат банклари фаолиятини бевосита тартибга солувчи 100 дан ортиқ ҳужжатларни бекор қилди ва уларнинг ўрнига банк фаолиятини билвосита тартибга солувчи инструментларни жорий қилди.

Бизда ташқи қарз масаласига ҳам ўта жиддий ёндашган ҳолда иш кўрилди. Собик Иттифоқ ҳудудидаги кўпгина мам.такатлар ислохотларнинг дастлабки босқичларида ўз маблағлари ва қарз олинган валюта захираларининг кўпчилик қисмини энг аввало хориждан истеъмол моллари келтиришни кенгайтиришга сарфлади. Шу тариқа улар ўз ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда истаса-истамаса сиқиб чиқарди. Биз эса енгил йўл қидирмадик. Ислох қилишнинг дастлабки босқичларида истеъмол бозорини бир қадар чеклашга мажбур бўлдик. Айни чоғда маблағ ва

захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга сарфлаб, хорижга маҳсулот тайёрлайдиган, илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этиб, ички бозорни ўз молларимиз билан тўлдириш йўлидан бордик. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ўз маблағларимиз ва олган қарзларимизнинг асосий қисмини инвестицияларга, республикага янги технология ва техника келтиришга сарфладик. Биз истеъмолни эмас, балки инвестицияларни кўпайтирдик.

Ўтиш даври иқтисодиётига мансуб бўлган мамлакатларга хос валюта ресурсларининг чегараланганлиги шароитида валюта бозорини эркинлаштиришда ортиқча тезбўларга йўл кўймасдан, юқори даражада самара берувчи технологик ишлаб чиқаришни шакллантиришга устуворлик бердик.

Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб олиб борган оқилона валюта сиёсатимиз натижасида 2003 йилнинг октябрь ойига келиб миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясини муваффақиятли жорий этдик.

Ички валюта бозори эркинлаштирилгандан кейинги даврда (2004—2010 йиллар) экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми деярли 3 баробарга кўпайди. Ўз навбатида, миллий валютаимиз барқарорлигини таъминловчи халқаро захираларимиз миқдори ҳам тобора ўсиб бормоқда ва бугунги кунда унинг миқдори Халқаро валюта фонди талабидан бир неча маротаба зиёдни ташкил қилади.

Валюта бозорини эркинлаштиришда пухта ва узоқни кўзлаб амалга оширилган сиёсат Ўзбекистонга иқтисодий тебранишларни четлаб ўтиш, мамлакатдан капиталнинг оқиб кетиши, шу билан бирга валюта захираларининг камайиб кетиши олдини олиш, молиявий инқирозларнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш имконини берди.

Банк соҳасидаги ислохотларнинг ижобий натижалари халқаро ташкилотларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлмоқда. 2010 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистон молия-банк тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларини алоҳида эътироф этди.

Хусусан, миссия томонидан, «...Ўзбекистоннинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон иқтисоди барқарорлиги сақланди, натижада бюджет профицити таъминланди ва ушбу

даврда иқтисодий ривожлантириш учун сезиларли ҳажмда маблағларни жамлаш имконини берди.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг банк тизимига таъсирини чегаралашга, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини қўллаб-қувватлашга ҳамда 2009 йилда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолинишига эришилишида инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чораларни кўрилиши, расмий органлар томонидан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар Дастури, солиқ юқининг пасайтирилиши муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди. 2009 йилда ЯИМ ўсиши реал баҳолашда 8,1 фоизни ташкил этиб, жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, бунда инфляциянинг ўртача ўсиш суръати сезиларсиз даражада ошди.

2010 йилда реал ЯИМнинг ўсиш суръати яхши даражада бўлиши, келгусида 8 фоизни ташкил этилиши кутилмоқда», – дея қайд этилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, биз мустақиллик йилларида барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини ярата олдик ва у мустақил республикаимиз иқтисодий сиёсатининг ҳал қилувчи бўғинига айланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: Ўзмиллийбанк.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: №22, 26.12.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: №22, 26.12.2009 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 23-уй.

Телефон: (998 71) 238-56-56; 238-56-65.

Факс: (998 71) 235-90-20; 235-21-67.

Электрон почта манзили: webmaster@central.nbu.com.

Мулкчилик шакли: Банк давлатнинг ихтисослаштирилган банки ҳисобланади, у Ўзбекистон Республикаси мулки бўлиб, Хукумат тасарруфида туради.

Банкнинг устав капитали: 4,000 млрд. сўм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ- ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: Халқ банки.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 25, 25.01.2003 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 2, 29.01.2005 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй.

Телефон: (998 71) 278-59-44.

Факс: (998 71) 150-12-94; 273-69-13.

Электрон почта манзили: info@xb.uz

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.
Банкнинг устав капитали: 160,0 млрд. сўм.

«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ (ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ)

Банкнинг тўлиқ номи: «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки (очик акциядорлик жамияти).

Банкнинг қисқартирилган номи: «Асака» банк (ОАЖ).

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 53, 27.12. 2008 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 38, 27.12.2008 й.

Банкнинг юридик манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.

Телефон: (998 71) 120-81-11.

Факс: (998 71) 120-86-91.

Электрон почта манзили: contact@asakabank.com.

Интернет сайти: www.asakabank.com, www.asakabank.uz

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 315,6 млрд. сўм.

«ЎЗБЕКИСТОН САНОАТҚУРИЛИШ БАНКИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Ўзбекистон саноатқурилиш банки» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк».

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 17, 27.06.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 47, 27.06.2009 й.

Банкнинг юридик манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Телефон: (998 71) 120-45-01.

Факс: (998 71) 233-34-26.

Электрон почта манзили: Info@uzpsb.uz.
Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.
Банкнинг устав капитали: 136,9 млрд. сўм.

«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Agrobank» ochiq aksiyadorlik tijorat banki.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Agrobank» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли қарорига асосан «Пахта банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Агробанк» очик акциядорлик жамияти ташкил қилинган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 78, 30.04.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 46, 30.04.2009 й.

Банкнинг юридик манзили: 100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi, 43-uy.

Телефон: (998 71) 120-88-33.

Факс: (998 71) 150-53-95.

Электрон почта манзили: head office @ agrobank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 116,0 млрд. сўм.

Устав капиталининг тузилиши: Молия вазирлиги – 39,7%, Ўзбекистон тикланиш тараққиёт жамғармаси – 18,8%, қолганлар – 41,6%.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Микрокредитбанк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сонли Фармонига асосан «Тадбиркор банк» ак-

циядорлик тижорат банки негизда «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ташкил қилинган.

Марказий Банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 37, 30.04.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 44, 30.04.2009 й.

Банкнинг юридик манзили: 100069, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14-уй.

Телефон: (998 71) 273-28-11.

Факс: (998 71) 273-28-11.

Электрон почта манзили: info@mkb.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамияти.

Банкнинг устав капитали: 153,6 млрд. сўм.

«ИПОТЕКА БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Ипотека банк» АТИБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сонли Қарорига асосан «Ўзуйжойжамғармабанк» давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки ҳамда «Замин» давлат акциядорлик ипотека банкни бирлаштириш орқали «Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ташкил қилинган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган санаси: № 74, 27.12.2008 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 37, 27.12.2008 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 17-уй.

Телефон: (998 71) 150-11-22.

Факс: (998 71) 150-98-25

Электрон почта манзили: info@ipotekabank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамияти.

Банкнинг устав капитали: 64,3 млрд. сўм.

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сонли Қарорига асосан «Ғаллабанк» республика акциядорлик тижорат банки негизда «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки ташкил қилинган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 77, 2009 йил 30 апрель.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 45, 2009 йил 30 апрель.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

Телефон: (998 71) 150-39-93.

Факс: (998 71) 150-93-39.

Электрон почта манзили: info@qqb.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 150 млрд. сўм.

«ТУРОН БАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Турон банк» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган фирма номи: «Турон банк». ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк дастлаб «Турон банк» акциядорлик тижорат бирлаштирув банки номи остида фаолият юритган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 8, 24.12.2007 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 32, 24.12.2007 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй.

Телефон рақами: (998 97) 700-55-55.

Факс: (998 71) 244-88-65.

Электрон почта манзили: info@turonbank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамияти.

Банкнинг устав капитали: 23,8 млрд. сўм.

«АЛОҚАБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Алоқабанк» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқача номи: «Алоқабанк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 48, 30.04.2009 й. (№ 48, 22.03.1995 й.).

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва сана: № 42, 30.04.2009 й. (№ 7, 29.01.2005 й., № 54, 07.07.2001 й. ва № 38, 21.08.1996 й.).

Банкнинг юридик манзили: 100000, Тошкент шаҳар, Толстой кўчаси, 1- уй.

Телефон: (998 71) 252-78-74.

Факс: (998 71) 252-75-11.

Электрон почта манзили: alokauz@uzpak.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 50,0 млрд. сўм.

«ҲАМКОРБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Ҳамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Ҳамкорбанк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): «Анджонбанк» акциядорлик тижорат банки. 2000 йил 29 июлда банк номи «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банкига ўзгартирилган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 20, 31.08.1991 й.

Валюта операцияларининг амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 33, 24.12.2007 й.

Банкнинг юридик манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 85-уй.

Телефон: (998 71) 298-08-98, 298-18-98.

Факс: (998 71) 298-18-98.

Электрон почта манзили: info@hamkorbank.uz.

Мулкчилик шакли: очиқ акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 54,0 млрд. сўм.

«ИПАК ЙЎЛИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Ипак Йўли» очиқ акциядорлик инновация тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Ипак Йўли» ОАИТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий Банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 10, 17.04.2010 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 50, 17.04.2010 й.

Банкнинг юридик манзили: 100017, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

Телефон: (998 71) 140-69-00, 120-00-09.

Факс: (998 71) 140-69-05.

Электрон почта манзили: info@ipakyulibank.com.

Мулкчилик шакли: очиқ акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 29,0 млрд. сўм.

«КАПИТАЛБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Капиталбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Капиталбанк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк дастлаб «Капитал банк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки шаклида таъсис этилган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 69, 07.04.2011 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 41, 27.12.2007 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: (998 71) 232-10-95.

Факс: (998 71) 232-26-07.

Электрон почта манзили: info@kapitalbank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 25,5 млрд. сўм.

«КРЕДИТ-СТАНДАРТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи – «Кредит-Стандарт» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи – «Кредит-Стандарт» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий Банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 73, 16.08.2003 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 31, 15.08.2007 й.

Банкнинг юридик манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй.

Телефон: (998 71) 140-12-00, 140-12-05.

Факс: (998 71) 140-12-17.

Электрон почта манзили: info@csb.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 24,2 млрд. сўм.

«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК БИРЖА БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Трастбанк» ХОАББ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк дастлаб «Траст банк» акциядорлик биржа банки номи билан фаолият юритган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 44, 21.07.2007 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 30, 21.07.2007 й.

Банкнинг юридик манзили: 100038, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Телефон: (998 71) 239-36-46.

Факс: (998 71) 244-76-61.

Электрон почта манзили: info@trustbank.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий очик акциядорлик биржа банки.

Банкнинг устав капитали: 15,0 млрд. сўм.

«ТУРКИСТОН» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Туркистон» хусусий очик акциядорлик тижорат инвестиция банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Туркистон» ХОАТИБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 57, 15.03.1998 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 21, 30.03.2005 й.

Банкнинг юридик манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Тимур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Телефон: (998 71) 200-00-08, 232-09-34

Факс: (998 71) 233-55-67

Электрон почта манзили: info@turkistonbank.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий очик акциядорлик тижорат инвестиция банки.

Банкнинг устав капитали: 12,5 млрд. сўм.

«УНИВЕРСАЛБАНК» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Универсалбанк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Универсалбанк» ХОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк дастлаб «Қўқонбанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки номи билан ташкил қилинган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 68, 25.05.2004 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 13, 14.03.2004 й.

Банкнинг юридик манзили: 150700, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси, 18-уй.

Телефон: (998 73) 552-98-05, 552-94-83.

Факс: (998 73) 553-36-45.

Электрон почта манзили: info@universalbank.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий очик акциядорлик жамияти.

Банкнинг устав капитали: 12,04 млрд. сўм.

«ЎКТАМБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Ўктамбанк» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Ўктамбанк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган санаси: № 60, 27.06.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган бош лицензия рақами: мавжуд эмас.

Банк юридик манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-даҳа, 8-уй.

Телефон: (998 71) 221-11-99, 221-84-48.

Факс: (998 71) 224-70-08.

Электрон почта манзили: info@uktambank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик тижорат банки.

Банк устав капитали: 24,6 млрд. сўм.

«SAMARQAND» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «SAMARQAND» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «SAMARQAND» ОАТБ

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк дастлаб «Самарқанд банк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки номи остида фаолият юритган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 67, 30.12.2001 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия рақами ва санаси:

Банкнинг юридик манзили: 140108, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 75-уй.

Телефон: (8 366) 233-02-75, 230-84-01/02, 233-41-74.

Факс: (8 366) 230-84-03.

Электрон почта манзили: info@samarqandbank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 22,9 млрд. сўм.

«DAVR-BANK» ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «DAVR-BANK» хусусий ёпик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «DAVR-BANK» ХЁАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 71, 04.02.2006 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 24, 04.02.2006 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Зарқайнар кўчаси, Блок «А».

Телефон: (998 71) 244-90-42, 244-76-02.

Факс: (998 71) 244-76-02.

Электрон почта манзили: info@davrbank.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий ёпик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 12,0 млрд. сўм.

«РАВНАҚБАНК» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Равнақбанк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Равнақбанк» ХОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 70, 27.12.2003 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 29, 04.06.2007 й.

Банкнинг юридик манзили: 100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Фуркат кўчаси, 2-уй.

Телефон: (998 71) 244-90-10, 120-36-66.

Факс: (998 71) 244-10-91.

Электрон почта манзили: post@ravnaqbank.ccc.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 10,5 млрд. сўм.

«INVEST FINANCE BANK» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Invest Finance Bank» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «InFinBank» ХОАТБ

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 75, 22.11.2008.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 36, 22.11.2008.

Банкнинг юридик манзили: 100011, Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-б-уй.

Телефон: (998 71) 140-50-60.

Факс: (998 71) 140-50-70.

Электрон почта манзили: info@infinbank.com.

Мулкчилик шакли: хусусий очик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устави капитали: 13,0 млрд. сўм.

«AMIRBANK» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «AMIRBANK» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «AMIRBANK» ХОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 76, 04.10.2008 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси:

Банкнинг юридик манзили: 148108, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мир Саид Барака кўчаси, 49-уй.

Телефон: (8 366) 231-07-20, 210-04-05, 231-07-28.

Факс: (8 366) 231-07-20, 210-04-05.

Электрон почта манзили: info@amirbank.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий очик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 10,7 млрд. сўм.

«ASIA ALLIANCE BANK» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «ASIA ALLIANCE BANK» хусусий очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «ASIA ALLIANCE BANK» ХОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 79, 15.08.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 49, 20.02.2010 й.

Банкнинг юридик манзили: 100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур кўчаси, 87А-уй.

Телефон: (998 71) 241-77-99, 228-69-00.

Факс: (998 71) 228-69-98.

Электрон почта манзили: info@aab.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий очик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 22,5 млрд. сўм.

«HI-TECH BANK» ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «HI-TECH BANK» хусусий ёпик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «HI-TECH BANK» ХЁАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 80, 09.01.2010 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 51, 24.08.2010 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 36 Б, А-уй.

Телефон: (998 71) 150-33-66.

Факс: (998 71) 150-44-66.

Электрон почта манзили: info@htb.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий ёпик акциядорлик тижорат банк.

Банкнинг устав капитали: 12,0 млрд. сўм.

«ORIENT FINANS» ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Orient Finans» хусусий ёпик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Orient Finans» ХЁАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 81, 19.06.2010 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 52, 25.12.2010 й.

Банкнинг юридик манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яккачинор кўчаси, 7 А-уй.

Телефон: (998 71) 140-70-00.

Факс: (998 71) 140-66-98

Электрон почта манзили: ofb@ofb.uz.

Мулкчилик шакли: хусусий ёпик акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 11,480 млрд. сўм.

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: Ўзбекистон-Германия «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: «Савдогарбанк» ОАТБ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк аввал «Савдогар» савдо ва тижоратга кўмаклашувчи акциядорлик тижорат банки номи остида фаолият юритган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 42, 30.04.2009 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 43, 30.04.2009 й.

Банкнинг юридик манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 78-уй.

Телефон: (998 71) 252-72-21, 254-19-91.

Факс: (998 71) 254-24-13.

Электрон почта манзили: info@savdogarbank.uz.

Мулкчилик шакли: очик акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 24,0 млрд. сўм.

«ROYAL BANK OF SCOTLAND O'ZBEKISTON MB» ЎПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Банкнинг тўлиқ номи: «Royal Bank of Scotland O'zbekiston MB» yopiq aksiyadorlik jamiyati.

Банкнинг қисқартирилган номи: «RBS O'zbekiston MB» YoAJ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк дастлаб «ABN AMRO NB Uzbekistan» АЖ номи остида фаолият юритган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 4, 22.11.2008 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 4, 22.11.2008 й.

Банкнинг юридик манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77-уй.

Телефон: (998 71) 120-61-41.

Факс: (998 71) 120-63-67.

Электрон почта манзили: disp0831/00831amb/Uzb.

Мулкчилик шакли: ёпиқ акциядорлик жамият.

Банкнинг устав капитали: 11,98 минг Евро.

«УЗКДБ БАНК» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Банкнинг тўлиқ номи: «УзКДБ Банк» ёпик акциядорлик жамияти.

Банкнинг қисқартирилган номи: «УзКДБ Банк» ЁАЖ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): Банк «ЎздЭУбанк» Ўзбек-Корея ёпик турдаги акциядорлик жамияти негизида ташкил қилинган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 5, 27.12.2008 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 5, 27.12.2008 й.

Банкнинг юридик манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 32-уй.

Телефон: (998 71) 120-80-00.

Факс: (998 71) 120-69-70.

Электрон почта манзили: pavel.mishin@kdb.uz.

Мулкчилик шакли: ёпик акциядорлик жамияти.

Банк устав капитали: 23,6 млрд. сўм.

ЭРОН СОДЕРОТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ШЎЪБА БАНКИ

Банкнинг тўлиқ номи: Эрон Содерот Банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Банкнинг қисқартирилган номи: Тошкент Содерот Банки.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 2-D, 21.08.1999 й. (№ 2-D, 25.09.2004 й. янги тахрирдан ўтган).

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 2-D, 21.08.1999 й. (№ 2-D, 25.09.2004 й. янги тахрирдан ўтган).

Банкнинг юридик манзили: 100060, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Антон Чехов кўчаси 10-уй.

Телефон: (998 71) 140-16-52, 252-11-61, 252-68-49.

Факс: (998 71) 140-16-54.

Электрон почта манзили: bsiuzb@bcc.com.uz.

Мулкчилик шакли: чет эл банкининг шўъба банки.
Банкнинг устав капитали: 15 млн. АҚШ доллари.

**«ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ БАНКИ»
ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Банкнинг тўлиқ номи: «Ўзбекистон-Туркия банки» ёпиқ акциядорлик жамияти.

Банкнинг қисқартирилган номи: «ЎТ-Банк» ЁАЖ.

Банкнинг бошқа номи (ўзгартирилган бўлса): банк номи ўзгармаган.

Марказий банк томонидан берилган лицензия рақами ва рўйхатга олинган сана: № 1, 25.01.2003 й.

Валюта операцияларини амалга ошириш учун берилган Бош лицензия рақами ва санаси: № 1, 25.01.2003 й.

Банкнинг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 15/АБС-уй.

Телефон: (998 71) 273-83-25.

Факс: (998 71) 120-63-62.

Электрон почта манзили: utbank@utbk.com.

Мулкчилик шакли: ёпиқ акциядорлик жамияти.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизими асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банklar сони	дона	28	28	30	30	31
	шу жумладан:						
	давлат банклари		3	3	3	3	3
	чет эл капитали иштирокидаги банklar		5	5	5	5	5
	хусусий банklar		10	10	11	10	10
2	Банк инфратузилмалари сони	дона	7 627	8 224	8 639	9 069	9 324
3	Жами активлар	млн. сўм	7 207 511	9 276 132	12 064 744	15 703 103	20 739 467
4	Кредитлар қолдиғи	млн. сўм	4 104 211	4 777 631	6 374 405	8 558 207	11 539 258
	шу жумладан:						
	қиска муддатли	млн. сўм	919 280	1 065 009	1 387 191	1 852 807	2 472 944
	узук муддатли	млн. сўм	3 184 931	3 712 622	4 987 214	6 705 399	9 066 314
	ички манбалар ҳисобига	млн. сўм	2 971 449	3 812 072	5 105 898	7 151 112	9 818 300
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	млн. сўм	346 500	532 300	822 400	1 263 352	1 943 894
5	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	млн. сўм	547 434	743 701	1 250 750	1 851 667	2 690 184
6	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	млн. сўм	900 952	1 162 228	1 534 141	2 402 156	3 252 000
7	Мижозларнинг маблағлари суммаси	млн. сўм	4 935 863	6 705 968	8 657 270	11 034 970	14 567 265
8	Жами капитал суммаси	млн. сўм	1 070 109	1 502 633	2 104 321	3 010 360	4 100 114
9	Акциядорлар сони	дона	185 137	197 251	217 869	226 575	231 212
10	Мижозлар сони	дона	14 645 199	16 006 845	16 783 790	17 506 648	18 789 465
	шу жумладан: жисмоний шахслар		13 795 000	15 055 460	15 756 215	16 405 166	17 548 213
11	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	дона	3 219 698	3 711 021	4 505 784	6 058 890	7 909 370
12	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	дона	14 448	17 922	27 676	60 631	85 741
13	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	дона	171	171	318	363	491

ХАЛҚАРО ЕТАКЧИ РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ «БАРҚАРОР» РЕЙТИНГИНИ ОЛГАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

3.1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	576	595	622	637	661
2	Жами активлар	2 983 961	3 125 219	3 782 825	4 572 105	6 135 733
3	Кредитлар қолдиғи	2 010 121	2 036 914	2 215 403	2 482 839	4 104 776
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	361 822	363 645	366 619	370 357	615 038
	узок муддатли	1 648 299	1 673 270	1 848 784	2 112 482	3 489 738
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	47 836	86 457	130 805	145 552	152 848
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	125 059	162 892	250 751	235 010	355 012
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	242 799	317 686	358 208	888 620	1 064 880
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	1 065 179	1 414 653	2 057 017	1 925 742	3 173 347
7	Жами капитал суммаси	496 881	539 197	627 310	776 667	989 851
8	Акциядорлар сони					
9	Мижозлар сони	1 036 856	1 233 463	1 312 731	1 477 793	1 946 770
	шу жумладан: жисмоний шахслар	939 866	1 127 133	1 193 471	1 356 425	1 819 359
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони	906 937	1 117 266	1 319 274	1 715 056	2 271 500
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	2 268	3 035	4 105	7 841	12 540
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	97	97	160	167	167

**«Ўзсаноаткурилишбанк» очик акциядорлик тижорат банки асосий
кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	664	678	691	706	737
2	Жами активлар	718 431	1 061 112	1 376 768	1 651 367	1 999 056
3	Кредитлар қолдиғи	402 179	590 914	949 503	1 281 871	1 492 722
	шу жумладан:					
	қисқа муддатли	75 231	89 928	153 140	371 102	419 478
	узоқ муддатли	326 948	500 986	796 363	910 769	1 073 244
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	36 005	42 287	45 487	55 601	65 983
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	64 658	101 408	125 513	144 844	208 322
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	133 095	171 363	310 603	325 439	365 240
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	480 006	717 126	920 590	1 081 835	1 425 681
7	Жами капитал суммаси	61 840	88 569	167 068	250 494	348 337
8	Акциядорлар сони	32 273	35 626	38 026	41 632	42 186
9	Мижозлар сони	774 086	823 548	885 129	928 811	1 039 055
	шу жумладан: жисмоний шахслар	743 251	792 709	854 286	897 960	1 001 928
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	747 541	775 883	857 449	834 000	836 128
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	2 275	2 797	3 768	4 202	4 202
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	22	22	25	30	37

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфрагузилмалари сони	985	1 009	1 018	842	811
2	Жами активлар	503 881	737 777	954 966	1 383 389	1 687 945
3	Кредитлар қолдиғи	327 246	524 177	730 217	1 018 430	1 097 247
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	142 832	156 893	241 851	341 164	377 162
	узоқ муддатли	184 414	367 284	488 366	677 266	720 085
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	34 414	73 380	98 462	101 245	114 148
4	Қичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	33 443	43 171	82 051	196 685	283 347
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	125 215	161 911	197 271	230 000	262 300
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	296 911	459 196	596 075	906 936	1 107 720
7	Жами капитал суммаси	66 173	108 329	152 407	235 284	320 893
8	Акциядорлар сони	78 070	86 643	97 914	98 852	101 580
9	Мижозлар сони	994 866	1 093 541	1 283 765	1 615 231	1 707 720
	шу жумладан: жисмоний шахслар	805 151	892 438	1 072 662	1 397 205	1 489 694
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони	562 775	606 773	812 565	1 327 146	1 509 600
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	2 123	2 526	5 501	13 165	17 196
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	20	20	38	44	70

**Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат «Халқ банки»
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	2 170	2 480	2 533	2 578	2 606
2	Жами активлар	165 894	287 278	527 982	910 119	1 465 104
3	Кредитлар колдиғи	54 419	120 622	242 600	450 354	607 173
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	19 439	27 618	42 975	71 910	102 955
	узоқ муддатли	34 980	93 004	199 626	378 444	504 218
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	23 775	42 859	55 055	74 799	175 010
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	11 699	18 580	67 761	103 579	190 346
5	Инвестиция лойihalарини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	62 331	82 300	89 420	150 157	188 645
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	129 080	212 576	341 811	711 750	1 095 313
7	Жами капитал суммаси	17 194	28 219	115 959	171 681	254 373
8	Акциядорлар сони	2	2	2	2	2
9	Мижозлар сони	7 685 093	8 312 097	8 562 170	9 769 819	9 852 397
	шу жумладан: жисмоний шахслар	7 263 301	7 874 820	8 107 412	9 298 351	9 363 734
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони	62 843	111 995	159 927	203 747	828 411
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	872	1 203	2 266	7 235	10 836
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	1	1	10	15	15

«Асака банк» Давлат акциядорлик тижорат банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	300	421	489	665	697
2	Жами активлар	861 132	1 300 401	1 504 047	1 790 850	2 698 498
3	Кредитлар қолдиғи	438 340	534 669	825 141	1 177 661	1 278 588
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	58 978	75 931	150 360	203 660	216 025
	узоқ муддатли	379 362	458 738	674 781	974 001	1 062 563
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	54 697	64 587	88 438	115 163	128 263
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	39 120	44 691	121 795	168 845	293 664
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	59 253	74 616	117 530	204 194	307 720
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	459 739	789 156	908 039	1 146 438	1 857 532
7	Жами капитал суммаси	169 649	180 664	261 702	428 343	582 034
8	Акциядорлар сони	2	2	2	3	3
9	Мижозлар сони	250 054	298 399	420 417	631 450	715 821
	шу жумладан: жисмоний шахслар	226 679	272 796	393 681	603 488	686 761
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	194 214	221 879	332 531	526 000	648 174
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	1 822	2 152	2 732	4 658	6 744
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	22	22	30	33	70

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	1 352	1 406	1 415	1 554	1 578
2	Жами активлар	442 911	517 954	610 953	822 352	1 104 395
3	Кредитлар қолдиғи	164 310	262 583	341 735	483 610	595 112
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	66 685	85 938	127 398	154 550	181 553
	узок муддатли	97 625	176 645	214 337	329 060	413 559
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	28 967	54 270	73 917	108 057	135 447
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	66 735	70 631	104 565	134 512	194 158
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	61 241	78 367	82 655	128 652	203 335
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	334 743	348 224	426 840	546 730	760 096
7	Жами капитал суммаси	37 296	74 687	95 503	174 908	236 298
8	Акциядорлар сони	15 814	15 277	15 249	15 249	15 301
9	Мижозлар сони	504 373	592 067	619 145	684 072	872 969
	шу жумладан: жисмоний шахслар	455 181	537 150	559 288	620 530	804 204
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	400 000	438 867	500 348	750 488	676 459
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	1 558	1 990	2 345	5 142	8 035
12	Урнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	8	8	25	29	73

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	506	552	610	685	714
2	Жами активлар	94 838	180 926	284 077	355 491	633 636
3	Кредитлар қолдиғи	46 953	96 539	159 673	246 837	323 263
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	10 410	20 654	31 784	48 135	62 617
	узоқ муддатли	36 543	75 885	127 889	198 702	260 646
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	3 610	13 151	17 022	18 427	19 356
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	25 220	52 560	91 916	148 478	214 598
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	38 215	49 233	53 788	85 000	101 227
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	24 868	55 654	63 943	82 654	243 829
7	Жами капитал суммаси	40 383	78 834	150 805	197 567	261 156
8	Акциядорлар сони	32 665	33 067	38 196	40 927	42 065
9	Мижозлар сони	198 710	230 668	269 812	336 052	416 096
	шу жумладан: жисмоний шахслар	134 541	157 825	181 604	231 658	302 652
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	100 000	118 977	134 085	184 535	286 579
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	541	737	1 328	3 963	5 945
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			8	10	10

**«Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки асосий
кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	266	283	311	347	365
2	Жами активлар	85 986	113 302	185 306	357 962	721 133
3	Кредитлар қолдиғи	61 692	92 065	141 603	197 281	504 407
	шу жумладан:					
	киска муддатли	25 396	30 679	36 301	38 684	55 354
	узоқ муддатли	36 296	61 386	105 301	158 597	449 053
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	1 823	6 882	13 930	56 472	316 474
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	8 475	15 504	26 494	56 097	87 134
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	30 115	38 831	44 099	57 704	285 676
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	39 533	55 713	105 141	205 277	395 373
7	Жами капитал суммаси	21 750	31 847	47 601	95 142	192 361
8	Акциядорлар сони	5 983	6 146	6 888	7 413	7 626
9	Мижозлар сони	63 009	68 304	74 678	114 876	123 659
	шу жумладан: жисмоний шахслар	38 537	43 362	48 815	79 806	87 426
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	68 907	78 512	84 900	99 168	201 779
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	600	744	1 152	2 480	3 956
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			4	7	7

«Алоқабанк» очик акциядорлик тижорат банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	119	129	176	180	229
2	Жами активлар	51 916	103 748	200 679	243 238	344 627
3	Кредитлар қолдиғи	22 537	50 140	91 057	150 231	161 941
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	5 818	10 319	16 231	17 945	25 507
	узок муддатли	16 718	39 821	74 826	132 287	136 434
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	2 814	3 373	7 838	8 375	9 601
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	10 779	11 289	40 864	58 716	80 945
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	41 335	53 464	58 300	86 433	116 297
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	42 126	70 821	140 581	171 562	252 471
7	Жами капитал суммаси	9 015	14 620	33 712	46 289	64 772
8	Акциядорлар сони	3 261	3 517	3 615	3 626	3 641
9	Мижозлар сони	46 423	49 854	75 936	101 375	132 974
	шу жумладан: жисмоний шахслар	40 359	43 002	67 602	92 947	123 674
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони	20 414	29 600	39 752	70 798	84 533
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	328	439	804	1 920	2 384
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			5	7	7

«Турон банк» очик акциядорлик тижораг банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номн	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	188	209	220	232	266
2	Жами активлар	69 495	123 141	195 780	218 879	401 243
3	Кредитлар қолдиғи	42 232	83 811	129 506	136 737	242 134
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	18 701	32 414	37 123	32 142	42 608
	узоқ муддатли	23 531	51 397	92 383	104 595	199 526
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	7 630	15 280	18 415	21 710	22 835
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	24 211	25 388	42 799	51 820	146 603
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	14 612	18 761	63 325	46 669	112 777
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	54 360	93 305	134 698	172 461	248 784
7	Жами капитал суммаси	6 606	11 281	18 351	22 563	32 848
8	Акциядорлар сони	7 676	7 379	7 799	7 796	7 930
9	Мижозлар сони	86 245	107 114	137 643	164 386	187 312
	шу жумладан: жисмоний шахслар	72 775	90 677	121 240	146 286	170 574
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	50 000	68 014	95 850	105 144	124 150
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	300	344	910	1 610	1 625
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			5	5	12

**«Ҳамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	72	84	102	144	169
2	Жами активлар	78 308	146 390	214 938	292 267	413 366
3	Кредитлар қолдиғи	51 373	84 289	131 904	160 721	220 009
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	16 702	25 638	42 792	48 242	59 760
	узоқ муддатли	34 671	58 651	89 112	112 479	160 248
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	19 504	30 005	64 373	78 195	80 741
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	19 532	38 697	78 412	102 767	185 749
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	14 814	19 415	25 543	30 309	38 842
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	47 357	75 449	126 014	173 277	272 734
7	Жами капитал суммаси	14 411	18 804	27 693	38 857	57 824
8	Акциядорлар сони	5 363	4 904	4 581	4 534	3 526
9	Мижозлар сони	60 887	82 502	115 491	151 357	190 169
	шу жумладан: жисмоний шахслар	40 411	57 742	85 475	116 244	150 893
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	10 765	13 978	26 694	34 178	87 861
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	122	204	470	2 196	2 752
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			1	3	3

**«Ипак йўли банк» очик акциядорлик инновация тижорат
банки асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	101	124	148	155	167
2	Жами активлар	100 247	188 717	306 805	422 610	530 702
3	Кредитлар қолдиги	43 570	86 892	122 746	156 287	178 754
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	18 780	36 102	57 048	52 847	54 864
	узок муддатли	24 789	50 790	65 698	103 440	123 890
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	14 988	17 326	27 181	35 035	38 230
4	Қичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	34 195	71 842	110 156	128 434	195 746
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	20 303	24 200	25 858	35 621	40 048
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	62 106	113 521	174 682	261 818	301 732
7	Жами капитал суммаси	8 807	15 711	25 046	34 968	47 000
8	Акциядорлар сони	959	868	1 081	850	771
9	Мижозлар сони	48 082	61 402	84 157	151 188	230 673
	шу жумладан: жисмоний шахслар	42 207	54 028	74 841	138 843	216 160
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони	15 610	21 350	29 368	39 582	145 857
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	160	258	691	1 607	2 230
12	Ўрнатилган банкмат ва инфокиоскалар сони	1	1	1	4	9

**«Траст банк» хусусий очик акциядорлик биржа банки
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	52	66	84	85	89
2	Жами активлар	82 729	166 984	229 592	273 033	396 006
3	Кредитлар қолдиғи	13 454	24 389	58 826	47 279	82 875
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	7 650	15 930	23 338	18 895	39 679
	узоқ муддатли	5 804	8 459	35 488	28 384	43 196
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	860	1 914	2 182	5 077	5 626
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	12 134	17 300	27 541	31 969	52 402
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	5 778	7 314	9 400	11 060	18 518
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	75 885	150 107	205 660	239 166	336 542
7	Жами капитал суммаси	6 335	10 990	18 225	27 853	40 851
8	Акциядорлар сони	523	520	510	507	507
9	Мижозлар сони	15 356	17 484	18 570	36 370	56 749
	шу жумладан: жисмоний шахслар	11 527	13 325	14 066	31 970	52 022
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони	5 000	6 500	7 355	9 566	28 761
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	78	105	214	39	860
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони					

**«Кредит-Стандарт банк» очик акциядорлик тижорат банки
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	6	13	23	25	38
2	Жами активлар	118 447	223 929	245 173	253 848	283 135
3	Кредитлар қолдиғи	4 296	5 386	18 389	40 583	41 403
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	2 135	2 145	8 765	30 078	27 681
	узок муддатли	2 161	3 240	9 624	10 505	13 722
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	335	867	875	989	1 228
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	836	1 324	9 844	13 191	13 575
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	1 221	1 537	7 865	11 787	15 391
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	99 304	197 578	202 453	167 781	227 165
7	Жами капитал суммаси	13 875	20 167	31 139	33 255	34 904
8	Акциядорлар сони	14	12	7	7	5
9	Мижозлар сони	7 807	13 098	23 446	65 382	78 737
	шу жумладан: жисмоний шахслар	7 305	12 250	22 363	63 930	76 989
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони			7 000	9 114	51 231
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони			70	57	450
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			1		3

«Капитал банк» очик акциядорлик тижорат банки
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	66	75	84	86	87
2	Жами активлар	124 129	216 625	282 168	403 082	378 203
3	Кредитлар қолдиғи	33 221	68 326	129 443	151 473	132 472
	шу жумладан:					
	қисқа муддатли	5 655	16 818	23 874	22 294	20 395
	узоқ муддатли	27 566	51 508	105 569	129 179	112 077
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	10 020	23 616	31 447	37 640	60 083
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	18 522	26 915	36 784	43 584	46 669
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар	11 912	15 333	35 261	48 100	53 000
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	76 017	127 299	152 997	240 139	249 211
7	Жами капитал суммаси	8 703	13 587	21 034	39 622	42 022
8	Акциядорлар сони	28	60	53	49	46
9	Мижозлар сони	240 177	419 777	646 658	767 079	943 833
	шу жумладан: жисмоний шахслар	237 863	417 358	643 571	763 204	939 315
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони	7 503	11 146	18 574	23 844	74 076
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	318	421	503	1 316	1 095
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони			2	4	

**«Ўзбекистон Туркия банки» ёпиқ акциядорлик жамияти
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	5	5	4	4	4
2	Жами активлар	33 843	29 806	74 871	94 386	137 887
3	Кредитлар қолдиғи	2 944	7 054	6 823	6 195	4 384
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	1 565	3 534	2 952	1 922	1 318
	узоқ муддатли	1 379	3 520	3 871	4 273	3 066
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	293	195	356	328	136
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	1 248	1 875	2 285	2 575	3 226
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар				584	1 339
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	26 446	21 260	64 237	81 415	118 505
7	Жами капитал суммаси	7 397	8 546	10 634	12 971	19 381
8	Акциядорлар сони	2	2	2	3	3
9	Мижозлар сони	4 519	5 032	5 790	3 733	3 136
	шу жумладан: жисмоний шахслар	3 789	4 102	4 688	2 878	2 420
10	Муомалага чиқарилган пластик қарғоқчалар сони	145	180	350	649	7 461
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони	13	13	15	90	80
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони	5	5	4	4	4

**«Инвест Финанс банк» хусусий очик акциядорлик тижораг банки
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони			28	4	7
2	Жами активлар			19 716	81 430	103 869
3	Кредитлар колдиғи			7 470	20 222	31 661
	шу жумладан:					
	киска муддатли			2 442	7 523	7 717
	узоқ муддатли			5 028	12 700	23 944
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар			40	649	858
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси				21 366	27 044
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар				1 387	10 603
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси			11 501	47 692	56 859
7	Жами капитал суммаси			5 727	7 219	12 367
8	Акциядорлар сони			7	7	11
9	Мижозлар сони			611	9 344	22 683
	шу жумладан: жисмоний шахслар			340	8 008	20 867
10	Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони					7 186
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони					171
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони					2

**«Универсалбанк» хусусий очик акциядорлик тижораг банки
асосий кўрсаткичлари (млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар номи	2006	2007	2008	2009	2010
1	Банк инфратузилмалари сони	18	25	13	14	9
2	Жами активлар	7 616	13 192	22 010	27 092	33 845
3	Қредитлар қолдиғи	3 383	5 765	7 477	8 633	10 342
	шу жумладан:					
	қиска муддатли	1 818	4 802	6 349	6 825	7 410
	узок муддатли	1 566	964	1 128	1 808	2 932
	жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	1 033	1 186	1 364	2 019	1 831
4	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси	2 894	4 463	7 883	12 096	12 783
5	Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар			723	1 200	2 200
6	Мижозларнинг маблағлари суммаси	5 572	8 711	12 839	15 644	18 242
7	Жами капитал суммаси	1 823	3 475	8 067	9 377	13 573
8	Акциядорлар сони	26	26	283	286	298
9	Мижозлар сони	3 897	6 183	12 037	15 099	17 204
	шу жумладан: жисмоний шахслар	1 283	2 725	8 068	10 810	12 528
10	Муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони				6 584	10 709
11	Ҳисоб-китоб терминаллари сони				59	356
12	Ўрнатилган банкомат ва инфокиоскалар сони					1

М У Н Д А Р И Ж А

<i>Кириш</i>	3
I боб. Ўзбекистонда мустақил ва барқарор банк тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши босқичлари	15
II боб. Мустақил пул-кредит ва валюта сиёсати: мавжуд вазият, кўрилган тадбирлар ва қўлга киритилган натижалар	86
III боб. Таъсирчан банк назорати – банк тизими барқарорлигининг кафолати сифатида	145
IV боб. Тўлов тизими, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: уларни такомиллаштиришнинг банк тизими барқарорлигини ошириш ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини таъминлашдаги аҳамияти.....	188
V боб. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш банк тизимининг устувор вазифасидир	238
VI боб. Банк тизими муваффақияти кадрлар салоҳияти билан асосланади.....	298
<i>Хулоса ўрнида</i>	325
<i>Иловалар</i>	331

Ўзбекистон Республикаси банк тизими / Муаллиф:
Ф. М. Муллажонов [ва бошқ.] **Ф.М. Муллажоновнинг** умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. Т.:
 O‘zbekiston, 2011. – 368 б.

ISBN 978-9943-01-750-4

УДК: 336.71(575.1)
 ББК 65.262.1(5У)

Муаллифлар жамоаси:

Ф.М. Муллажонов,

Ш.Х. Ҳайдаров, и.ф.д. А.Қ. Қодиров, и.ф.н. М.Б. Нурмуродов,
 и.ф.н. **Ҳ. Нурмуратов**, *Б.Ҳ. Нурмуратов, и.ф.н. А.Х. Эрдонаев,*
и.ф.н. С.П. Абдуллаев, ф.ф.н. Р.О. Охунов, А.Я. Ҳайдаров,
А.М. Маматов, А.А. Сайфуллаев, и.ф.д. Э.Ж. Жабборов,
У.Д. Маҳмудов, и.ф.н. У.Ў. Азизов, и.ф.н. Н.Р. Баҳриев,
Х.Э. Бозорбоев, и.ф.н. М.Д. Марпатов, Т.А. Ишметов,
М.К. Бекчанов, Н.Э. Холмуродов, И.К. Анорбоев,
А.Т. Турхолов, Б.М. Юсупов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ

(Тўлдирилган иккинчи нашри)

Муҳаррирлар: *И. Аҳмедов, А. Шеров*
 Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*
 Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
 Мусаххихлар: *Г. Азизова, М. Исҳоқов*
 Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси АИ 158. 14.08.09. Босишга рухсат этилди 15.08.2011.
 Қоғоз бичими 60×90 ¹/₁₆. «Таймс» гарнитурда офсет усулида босилди.
 Шартли б.т. 23,0. Нашр т. 20,96. 5 000 нусхада чоп этилди.
 Буюртма № 11-241.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
 «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz www.iptd-uzbekistan.uz